

ҲАКИМ САТТОРИЙ МАҲАК ТОШИ

Танланган бадиий публицистика

②




«O'ZBEKISTON»
ТОШКЕНТ
2008

Муҳаррир: Карим БҶРОНОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Ҳаким Сатторийнинг сараланган бадиий публицистикасидан тузилган биринчи мажмуа «Имзоли хатлар» деб номланган эди. Маълумки, имзосиз хатлардан кимларгадир кутилмаган ташвишлар пайдо бўлган, одамларнинг ҳаловати бузилган. Муаллиф китобини ўқиганлар, аксинча, хурсанд бўлсин, кайфияти кўтарилсин, деб шундай шартли ном қўйган.

«Маҳак тоши» эса ростни ёлғондан, асилни ноасилдан ажратадиган мезонларга ишорадир. Зеро, китобдаги деярли ҳар бир бадиада — у хоҳ тарихий манзуда бўлсин ёки замонавий мусиқа санъати ёхуд журналистика муаммоларидан баҳс этсин, хоҳ миллий менталитетимизнинг бирор қиррасига диққатни тортсин — аниқ мақсад қўйилган ва долзарб саволларга жавоб изланган. Муаллиф ўзи қаламга олган муаммоларни теран таҳлил этар экан, маҳак тошини топгандек бўлади. Битикларда ҳар бир масалага аниқ муносабат ифодаланган, хулосалар тайин. Шу туфайли улар китобхонларни беларво қолдирмайди, деб ўйлаймиз.



ISBN 978-9943-01-216-5

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2008

*Қалбимдаги
“Соҳибқирон”
қўшиғи*



THE
LIBRARY OF
THE
MUSEUM OF
ART AND
ARCHAEOLOGY
OF THE
UNIVERSITY OF
CAMBRIDGE



ҚУЁШНИ ЕЛКАЛАГАН ЧЎҚҚИГА БОҚИБ

Ерда жонланиш, тириклик тонг отишидан бошланади. Уфқда қуёшнинг кўриниши билан жами ҳаракатларда суръат ва шиддат пайдо бўлади. Қуёш зарралари ўз ҳарорати билан борлиқдаги мавжудотга илҳом бағишлайди.

Ҳаммамиз, эҳтимол, қуёш чиқишини турли нуқталардан турли вазиятларда кузатгандирмиз, бироқ болаликда, онамиз бағрида тонг оттириб, ҳали тафти совимаган тўшакни эринганча тарк этиб, бўғот остида тиззани кучоқлаган куйи бобо қуёш сайрини кузатган лаҳзалар мурғак вужуднинг катта йўл бошида чуқур ўйга ботиб турган ҳаяжонли дамларига ўхшайди энди.

... Етти болорли уй, ундан даҳлизга чиқилади. Даҳлиз олди очиқ. Бино қирликда жойлашгани учун айвон тизза бўйи тош тахтлаб кўтарилган. Одатда, ота-онам қўй-эчкини сурувга ҳайдаб кетган бўларди. Хилват ҳовлида ҳали бугунги ўйинларини чўтлаб олмаган, ҳали жўралари ҳам уйқудан уйғонмаган бола мук тушиб, бошини тиззалари орасига бекитиб, офтобнинг Бовурчи чўққиси ортидан чиқиб келишини кузатади. Секин уйғонаётган тоғ тизмалари кўкимтир губор ичида жимирлайди, миллиард чақиримлаб наридан ташриф буюраётган ҳарорат баданга хуш ёқади. Бутун ёз, кузнинг аксарият иссиқ кунлари шу ҳолда бошланали, шу тарзда кечади.

Йиллар ўтиб, зеҳним уйғонгач, бу қўл етмас жойларга оёқ етиши мумкинлигини идрок эта бошладим. Қолаверса, бизнинг ва қариндошларимизнинг ёзлик яй-

лови шу томонларда экан. Энди чўққи этагидаги қияликлар тубида, харсанглар бағрида, зовлар, даралар қаърида қандай сир-синоатлар борлиги билан қизиқа бошладим. Бу жойларнинг номлари ҳам қизиқ эди: Хўжапирпир, Хусанўлди, Чўпонучди, Ғўтала, Ёғўкилди, Ахтабулоқ, Зоғча-хона ва Қалъаи Шерон. Кичикқалъа деган жой ҳам бор эди. У Бовурчига яқинроқ, анча баландликда, унинг оппоқ тошлари бағридан оқиб чиқувчи жилға қуйига палахмон тошидек интилар ва Ғўлмараша орқали Қалъасуви дарёсига қўшиларди. Ғўлмараша уч чақиримлар давом этувчи тор дара бўлиб, икки томондаги тоғлар деярли бир-бирига тегиб тургандек яқин, шунданми, ерга кам қор тушар, пана жойлари қиш бўйи қуп-қуруқ бўларди. Ғўлмараша орқали Қалъаи Шеронга кириларди. Ғўлмараша Кичикқалъа ва Қалъаи Шеронни ўткир бурчак тарзида бир-бирига туташтирарди. Болалик, ўсмирлик йилларим шу жойларда ўтган. Ҳар бир арча, ҳар бир бурум, сакиртма таниш ва қадрдон, бу жойларнинг соғинчи юракни асло тарк этмайди.

Айниқса, куёш ҳар кунги сайрини бошловчи чўққининг биз томондан қараганда ўнг тарафидаги Қалъаи Шерон дарасининг қуюқ ғубор ичида элас-элас кўринувчи мавҳум ва сирли манзараси кўз олдимдан кетмайди. Дара сидирға тоғ тизмасини улкан ангишвонадек ўйиб тушган, ундаги қор сувларидан пайдо булувчи дарё шарқ тарафни банд қилган тоғни тилимлаб, ўзига йўл очган эди. Эрта-лабки куёш ёғдусида дара кулранг ғуборга тўлиб тургандек туюлар, Сарингул тарафдан беш юз метрча тик тушган силлиқ қоялар офтобда ялтиларди. Ўзи билан қори эримайдиган Ҳисор тоғлари бағридаги бу ғўша ҳар қандай ошуфта дилни ўз оғушига чорлар, унга суқланиб қараган киши беихтиёр висолига ошиқ бўлиб қоларди. Аслида, инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги экан, унинг ижоди табиатга тақлид бўлиб қолаверади, ғўзалликнинг, нафосатнинг, ҳатто эзгуликнинг энг нодир тимсолларини фақат табиатдан топиш мумкин. Бу даъвони соҳир ғўшаларда юз, минг йиллар билан ўлчанувчи тарих, ўша жойларга инсон зотининг қадам ранжида қилгани, паноҳ ва ором топгани далили ҳам исботлайди. Ана шу дарада,

ялтироқ тик қоянинг қарши тарафида бир ғор борки, у чинакамига гўзал табиат ва боқий тарихнинг муштарак рамзига айланиб улгурган.

... Бола улғайди, уни мактабга бердилар. Эсини танигунча 3—4 синф ўтиб ҳам кетди. Ногаҳон, ёзги таътил бошланган илк кунларда мактаб ҳовлисида катта йиғин бўлди ва директор табиатга экскурсия уюштирилишини эълон қилиб қолди. Экскурсия табақали этиб ташкил қилинганди. Энг кичкинтойлар қўл етадигандек жойлар — Намозгоҳ, Хишайни ёки Деҳворонга, ўрта ёшлилар Қинноқ, Шогологзи ёки Гўриморга, катта болалар (улар энг бахтли эди) — Қалъаи Шеронга, яъни Амир Темур ғорига боришадиган бўлди!

Ғорларни ҳеч ким қўл билан ковламаган, улар Яратганнинг ўзи жумлаи жаҳонга тартиб бераётганда пайдо бўлиб қолган. Ғорлар турли табиий офатлардан табиий ихоталанган, бегона кўзлардан йироқ жойлар. Шунданми, одамзод таржимаи ҳолига доир энг нодир ҳужжатлар (ашёлар), инсон қўли ва оёғининг ўчмас ҳароратлари ғорларда яшириниб қолган. Агар йўлингиз тушиб, Тошқўрғон қишлоғи яқинидаги Амир Темур ғорига бориб қолсангиз, бу ҳақиқатни дастлабки лаҳзадаёқ ҳис этасиз: одам қадмидан холи, узоқ-узоқларда айқириб ётган дарада, аниқроғи, ғорнинг кириш қисмида тош тахтлаб ясалган улкан супа бор. Баландлиги 7—8 метр, узунлиги 20—25 метр келадиган бу супанинг умри Самарқанддаги Хўжаи Хизр масжиди билан тенгдир-ов. Негаки, бу ғорда VII—VIII асрларда умргузаронлик қилган Ҳошим ибн Ҳаким — Муқанна қадам ранжида қилгани ҳақида тарих китобларида аниқ-тиниқ маълумотлар бор. Бугунги кунда бу ғор Муқанна эмас, Амир Темур номини география хариталарида дарж этиб турибди.

Шубҳа йўқки, болаликнинг қизиқишларга тўла дунёсида мактаб ҳовлисидаги ўша йиғилиш кичиклар қалбига ғалаён олиб киради. Энди тезроқ улғайиш, тезроқ «Ғор сафарини азимат қилиш» учун шошади. Менда ҳам шундай ҳис бор эди. Ғорга бориб келган акаларимга ҳавас билан қарар, уларнинг ҳикояларини тинглар, саволлар

берар эдим. Рости, у пайтда бизни табиат экзотикаси, гор қизиқтирган, бошқа нарса эмас.

Ниҳоят, кутилган кун келди. VIII—X синф ўқувчилари бирга экскурсияга чиқадиган бўлди. Қийқириқ, шовқин-сурон билан йўлга тушилди. Кимлардир эшак миниб олган, кўпчилик пиёда. Болақадам билан секин-секин кетаяпмиз. Қишлоқдан чиқиб, тоққа ўрлагач, йўл қийинлашиб бораверади. Тор, эгри-бугри тошлоқ сўқмоқдан юриш осон эмас, яна нуқул юқорилаб кетиш керак. Бир оз юриб, терлагач, ҳафсала ҳам пир бўла бошлади. Бу орада кимдир сирпаниб, 2—3 йиқилган, бошқаси онаси белбоққа тугиб берган нонни аллақачон еб олган, бировнинг эшаги тўқимини ташлаган. Хуллас, олақуроқ «лашкар» йўлда давом этарди. Кун нишаблаганда аранг Ҳўкизбурунга етдик. Бу ҳолда қоронғу тушганда ҳам горга етиб боролмаслигимиз аниқ. Устозлар маслаҳатлашиб, сафарни шу жойда якунлайдиган бўлишди. Шовқин-сурон билан ортга қайтилди. Горни кўриш орзуси яна бир йилга кечикадиган бўлди.

Мактаб болалари ҳар йили горга чиқаверишмасди. Баъзи йиллари тоғларга ҳаддан ташқари кўп қор тушар, дарё сувлари баҳор-ёз ойлари шаштидан қайтмас, шундай паллада эҳтиёт шарт, болалар дарага бошлаб борилмасди. Йил бўйи гор иштиёқи жунбушга келганда, кўнглимизда устозларимиз фикри ўзгармай қолишини-ю, гор сафари амалга оширилишини илтижо қилардик. Ўқувчиликда кичикларнинг катта оламида ўқитувчи мутлақ ҳукмдор ҳисобланади. Унинг хоҳиши, азму қарори бола тақдирида туб ўзгаришлар ясайди. Биз ҳам синф раҳбаримизга, география, биология муаллимларимизга чуқур умид билан боқар, уларга зимдан иштиёқ ва ғайрат тилар эдик.

Ҳар ҳолда, бу йил ҳам орзумиз армонга айланмайдиган бўлди. Устозларимиз қатъиятли ва биз оз қайсарроқ эди — май ойининг охирларида мактаб жамоаси яна сафарга отланди. Назаримда, бу гал ўқувчилар яна ҳам кўп, қизиқиш яна ҳам баланд, шовқин-сурон янада авжида эди. Табиатнинг бетимсол гўзаллиги завқимизни баттар жўштирди. Атроф тип-тиниқ, тоза, баҳор гулларининг муаттар ҳиди борлиқни тутган. Бир бора ўтган йўлдан

такрор юрилса, машаққат тенг бўлинар экан, чунки қаерга қадам қўйишингни, қачон бошингни эгиб, қоя ёки дарахт тагидан ўтишингни, олдинда текислик, ўр ёки нишаб келишини биласан, шунга ўзингни тайёрлайсан ва, демак, қувватинг кам исроф бўлади. Бу гал ўтган йилги маррага тез ва барвақт етиб келинди. Ғорга етиш тайиндек эди. Шундай ҳам бўлди, бироқ қоя бағрида қорайиб турган ғор оғзига кўзимиз тушганда қанчалик шодланган бўлсак, унга етиб олгунча шунча кунимизни кўрдик.

Илонизи йўл қияликдан келади-да, кафтдек текис жойдан чиқиб қолади, шу ердан ўн қаватли бинога тикилгандек тепага қаралса, ғор кўринади. Унга етиш учун, аввало, кўприкдан ўтиш лозим экан. Кўприк ўрнида ётқизилган 4—5 арча устунлари турар, улар орасидаги шохшаббаларни сув ювиб кетган, болдирлари ҳам омонат эди. У шу кўринишида жуда жулдур туюлса ҳам, олис йилларга дахли бордек эди. Уни ким қурган, биринчи бўлиб ким ўтган — бундай саволлар устида бош қотириш кишини ўтмиш билан вобаста қилиб қўяди. Ёғочлар орасидаги ёриқларга тош, шох ташлаб, кўприк эпақага келтирилди-да, «лашкар» ундан ўтиб, юқорига ўрлади. Энди майда қийирчоқ тошли тик қияликдан деярли ўрмалаб, бир чақиримлар тепага кўтарилиш керак. Ҳар қадамда арчалар, улар қумурсқадек ёпирилиб келган оломоннинг шахдини сокин кузатади. Арчани минг йил умр кўради, дейишади, шу ҳолда у қандай сир-синоатларга гувоҳ, кимларга паноҳ бўлган, кимларни кузатган, афсуски, бу асрорлар на унинг танаси ёки баргларига, на бағрида ёнбошлаб ётган супа тошларга ёзилган. Тарих, гарчи бизни ўраб турса-да, биз уни кечиб юрсак-да, сирлилигича, мавҳумлигича қолаверади.

Ғор оғзидаги супага етиб олишнинг завқи Эверестни забт этиш қувончидан кам эмас эди. У ердан ҳозир ўтилган йўлга, кўприкка, қояларга, дарага бемалол назар солиш, бу соҳир манзарани қароқларга жойлаш, ўпкани тўлдириб нафас олиш ва ўзингни бир қадар бахтли ҳис қилиш мумкин эди. Кимки шундай баландликларга кўтарилса, унга бир улуғворлик юқади, ҳар қандай ҳаёт ҳодисасига юксакликдан назар ташлайди, унинг тасавву-

ри, идрок доираси кенг бўлади, таъбир жоиз бўлса, уларга «назари баланд»лик насиб этади. Ҳа, турмуш икир-чикирларидан бир зум силтаниб чиқиб, тоғларга бориш, чўққиларга кўтарилиш керак. Шунда одам излаб юрган нарсасини топар, яшаш ҳикмати аниқлар. Албатта, мен илқ дафъа ўша жойда кечирган ҳиссиётларимни тиклашга ожизман, бироқ хотираларга қулоқ тутганимда шу эътирофлар беихтиёр қоғозга тушди.

Ростдан, ғор саҳнига кўтарилиш ғайитли, сурурли эди. Бу ерда тириклик излари шундоқ билиниб турарди: чала ёнган ўтин, сомонли лой, тутундан қорайган шифт. Демак, кимлардир барқарор яшаган, ғор уларга бошпана бўлган. Ғорнинг оғзи маҳобатли эди: супа билан шифтнинг ораси тўрт қаватли уй баландлигича бор. Йўлак кун чиқишга қараб давом этар, фақат эллик қадамлар наридаги улкан тошлар ғор давомини бекитиб турар, нигоҳ шу ерда тўхтарди. Супага ҳамма етиб кела олмаган, қолганлар йўлда давом этарди. Вақт ўтиб, эт жунжика бошлади, совуқда тер қотган эди.

«Амир Темур ғори» деб аталувчи бу ғўша турли тоифадаги қизиқувчиларни ўзига жалб қилиб келган. Унга узоқ-узоқлардан гоҳ илмий мақсадларда, гоҳ саёҳат илинжида ташриф буюришган. Гувоҳларнинг эслашича, 50—60 йиллар олдин ердан ва шипдан ғор жавоҳирлари — сталактик-сталакмитлар етарлича чиқиб-осилиб турган (айни кунларда уларни туморга ҳам тополмайсиз), китоблар топилган. Ғорнинг биринчи қисми — Отхонада оҳурларнинг ўрни, қозиқлар бўлган. Минг машаққат билан етиб борган сайёҳлар «арзирли» совға сифатида бу ашёларни талаб кетаверишган...

Ғорни шартли равишда икки қисмга бўлишади. Супадан ичкарилаб, 150—200 қадам жилгач, яна очиқ жойга чиқиб қолинади. Шу қисми «Отхона» деб аталади. Бу галги сафаримиз шу жойда якунланган.

Бу сирли масканнынг чинакам жозибаси билан ошно бўлиш учинчи уринишда — X синфда ўқиб юрган пайтларимизда, аниқроғи — мактабни битириш арафасида насиб этди. Бу гал фақат биз, синфдошлар раҳбар Ўткир Кўчимов ва биология муаллими Жўра Ҳалимов «қўмон-

дон»лигида йўлга чиққанмиз ва ғорда анча ичкарилаганмиз. Тўрт қаватли уй баландлигида бошланган ғор торайиб-торайиб, бир киши аранг ўтадиган каваккача ичкалашади (тораяди).

... Отхонадан сўнг асосий қисмга ўтишда тош териб, зиналар қилинган, бир оз юқорига кўтарилиб, ғорга кириб кетилади. Ичкаридаги манзара — чинакам мўъжиза. Зим-зиё қоронғулик, қўл фонари оёқ остини аранг ёритади, нам ҳаво, сирпанчиқ ингичка сўқмоқ, тошлар туртиб чиққан, йўлни тўсган, юқоридан дўлайган. Бирдан ҳаммаси тугаб, боши берк жойга бориб қоласиз. Билмаган киши «Ғор тугади» деб шу жойдан ҳам қайтиши мумкин, билганлар эса бўри уясидек тор кавакни топадилар ва йўлни давом эттирадилар. Биз ҳам кавак яқинида тўпландик. Ким биринчи бўлиб бошлайди? Шунда мен биринчи бўлиб бошлаганман, 10—15 метрлар судралиб боргач, кенг, бепоён жойга чиқиб қолганмиз.

Шундан сўнг ҳам бу ғаройиб масканга жуда кўп марта ташриф буюрдим. Гоҳ узоқдан келган ишқибозларга йўл бошловчи бўлиб, гоҳ улфатлар билан «маёвка»га чиқиб. Бу сафарлар давомида қисилмадан бемалол ўтиб, қўлгача етганмиз. Қўл йилнинг бир мавсумида қуриб қолар экан. Сўнгра қўлдан кейин ҳам йўл топганмиз, имкон даражасида ичкарилаб, ғорнинг яна давоми бўлишига ишонганмиз.

Хуллас, муболағасиз айтганда, бир кўринмас куч бу сирли ғўшага чорлайверган, қолаверса, кўнгилочар жойлардан мосуво тоғлар орасида иштиёқни қондирадиган, иродани чархлаб олишга кўмаклашадиган, умрингни тасодифлар билан безайдиган бошқа воситалар бўлмагани учун ҳам «тўлишиб кетган» пайтларда истак шу хилват жойларга етаклагандир. Энг кейинги сафарим — 1991 йил 7—8 август кунлари «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» ёшлар экспедицияси билан қадам ранжида қилганим. Унчабунча одамнинг қадами тегавермайдиган олис ва кимсасиз бу жойларга жамоатчилик вакилларини бошлаб келишим, умуман, экспедициянинг ташкил этилиш тарихи жуда қизиқ.

Рухшунослар, педагоглар инсон тарбиясида турли омилларнинг таъсир даражасини роса ўрганганлар. Бирор-бир омил (воқеа, шахс) бир кишининг бутун келажагини белгилаб бериши мумкинлигини улар эътироф этадилар. Мабодо, мен туғилиб, улғайган муҳит бошқачароқ бўлганда, эҳтимол, мен бутун вужудим билан Темуршунос бўлиб кетардим. Фақат ўсмирлигимдаёқ қалбимга ўйилган бу қадрдон мавзуга бироз кейинроқ қайтишимга тўғри келди. Форга сафар, унинг таассуротлари бутун ўсмирлик йилларимни, улғайиш давримни марвариддек безаган. Ота шахримиз Шаҳрисабзда Соҳибқирон бобом қурдирган Оқсарой борлигини билгач, умуман, у зоти шариф шу шаҳарда туғилиб, шу атрофларда вояга етганидан хабар топгач эса ўзимни бу мўъжизага эшлигимни, пайваста эканлигимни сезганман. Бу туйғу қалбимда меҳр бўлиб, ишқ бўлиб парвариш топган.

Орадан йиллар ўтгач, экспедиция уюштириш фикри қачон, қандай вазиятда пайдо бўлганини тикланга уринаяпман. Бир ён дафтаримда: «Ният. Амир Темур излари бўйлаб экспедиция. Тошкент—Самарқанд—Шаҳрисабз (Оқсарой) — Хўжайлғор қишлоғи — Тошқўрғон (Амир Темур гори). Бир газета редакцияси, масалан, «Ёш ленинчи» оталиққа олиши мумкин. 17.08.90» деган ёзувлар бор экан.

Эсласам, аини ўша пайтларда «Қашқадарё ҳақиқати»-дан бўшаб, Тошкентга келаман, деб юрган чоғларим эди. Ўшанда гоҳ иш, гоҳ уй-жой масаласида Қарши — Тошкент оралиғида ўнлаб марта поездда қатнаганман. Ҳар сафар турли кайфиятда вагон деразасидан атрофни кузатиб кетганман ва темир йўл ўтган жойлар қанчалик серкўлам тарихга шоҳидлигини ҳис этганман. Эҳтимол, шундай чоғларда юқоридаги сўзлар қайд этилгандир. Боз устига 90-йилларда, Горбачёвнинг ошкоралик сиёсати туфайли тарихга қизиқиш кучайган, баъзи бировлар оғзига келганини гапириб, кўнглига хуш ёққан ишни қилиб ётган кунлар эди. Шундай шароитда «Амир Темур» мавзусининг акс садо бериши тасодифий бўлмаган (бошда изоҳладим) ва бу кайфият анча безовта қилганга ўхшайди: 1990 йилнинг 30 июнь — 15 июль кунлари Андижондаги

«Шаҳрихон» санаторийсида дам олганман ва кундалигимда «Амир Темури излари бўйлаб» деб сарлавҳаланган мақоланинг режаси баён этилган.

Хуллас, «қайта қуриш» жадал кетаётган ўша талотўп кунларнинг бирида — 1990 йил 19 сентябрь куни паспортимга муҳр босилиб, мен ҳам тошкентликлар сафига қўшилдим ва шу куни «Саодат» журналига бўлим муҳаррири сифатида ишга қабул қилиндим. Энди «нима ҳунарим, қандай иқтидорим бўлса, кўрсатишим» мумкин эди. Журнал топшириқларидан вақт ажратиб, ҳали тўла жиҳозланмаган хилват хонада якка-ю ягона «гарнитур» — омонат қўйилган стол-стулга ўтириб, хаёлимда пишитган режа асосида «Шахсий мулоҳаза: Амир Темури излари бўйлаб ёшлар юриши уюштирилса, йўл оғир бўладими?» деб номланган мақолани қоғозга туширдим. Оддий сарғиш машинка қоғозда 7 саҳифада тигиз қилиб ёзилган бу «асар»да ҳали бу юртларда ҳеч ким тилга олишга журъат этмаган фикрлар, мавзу қаламга олинган эди. У «Биз мустамлака азобларидан қутулиб, ўзликимизни бир оз англаш сари интилаяпмиз», деб бошланарди. Мақолада Амир Темури талъатини гавдалантирмоқчи (шу орқали ўқиганларда унга нисбатан меҳр уйғотмоқчи) бўлганман. Жумладан, унда кейинги барча нашрларда тушириб қолдирилган шундай гап бор: «Амир Темури инсониятнинг улуғ алоплари — Юлий Цезарь, Александр Македонский, Петр I, Наполеон билан тенг турувчи зот». Бундай қиёс фақат тарихдан билимим саёзлигини эмас, ўша пайтларда биз буюк аждодимизни умуман билмаслигимизни кўрсатади. Яна бир мисол. 1992 йил «Наврўз» нашриётида юз минг нусхада чоп этилган «Амир Темури ўғитлари» китобида айтилади: «Амир Темури ҳам Искандар Зулқарнайн ва Қутайба ибн Муслим, Доро ва Маҳмуд Ғазнавий, Чингизхон ва Боту, Иван Грозний ва Петр Биринчи, Наполеон ва Михаил Фрунзегга ўхшаш одам бўлган». Йирик тарихшунос олимга тегишли бу фикр билан бугун бемалол баҳслашиш мумкин ва, аниқки, тўғри, Амир Темури умуман одам наслига ўхшаш бўлган, бироқ унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган ва фақат ўзига хос такрорланмас қирралари бор — моҳият ана шу қирраларни билишда,

идрок этишда. Мен экспедиция ташкил этишни таклиф қилиб мақола ёзганимда, балки эски, титилиб кетган тасаввурларни ўзгартиришни, Буюк Темурнинг улуғворлигини табиат гўзаллиги, тоғлар маҳобати ва йўл азоби орқали ҳиссиётларга сингдириш, ҳиссиётлар таъсирида мияни тозалашни кўзда тутгандирман.

Умуман, ўша пайтларда юзага келган вазият нимадир жиддий бир нарса содир бўлишини шивирлаб турарди: марказ жиловни қўлдан чиқариб юборган, қуйида эса турли даражадаги бошбошдоқликлар авж оларди. Ана шундай таҳликали вазиятда фарқ бўлган одамнинг хасга илашгандаги илинжи билан киши интиутив бир тарзда ўз ўтмишига, қайиғи йўл олган соҳилга қарар эканми, менинг Соҳибқирон бобомиз тарихига мурожаат этишимда ҳам шундай кайфият бўлгандир. Ҳатто шу мавзудаги кейинги мақолаларимнинг бирида: «Ўзи айтсин ва кўрсатсин, нажот қайда?!» тарзидаги илтижолар қайд қилинган.

Профессионал жиҳатдан қараганда биринчи гап — руқн, қолганлари сарлавҳа ва тагсарлавҳа қилиб бериладиган узун сарлавҳали мақолани «Ёш ленинчи»га олиб борганимда, бош муҳаррир Жаббор Раззоқов ишонч билан қабул қилди-ю, бир оз иккиланди ҳам чамамда, чунки эртанги кунни ҳеч ким башорат қилолмасди, давлат тепасига бирор золим келиб қолса, мамлакатни қонга ботириб бўлса ҳам совет диктатурасини ўрнатиши мумкин эди. «Ёш ленинчи» газетаси (ҳозирги «Туркистон») ўша пайтларда ўзбек матбуотининг байроқдорларидан бўлиб, ҳаётга дадил ёндошар, ўз нуқтаи назарига эга нашр эди. У ҳамманинг севимли газетасига айланиб улгурган, айниқса, яқин ва узоқ тарихга доир чиқишлари яхши кутиб олинарди. Шунинг учун мен уни танлаган эдим. Газета таҳририятига келадиган материаллар кўплигидан камини октябрнинг бошларида топширган мақола ноябрда ва декабрда ҳам эълон қилинмади. Бу ҳолдан бўлим муҳаррири, бугунги кунда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг раҳбари бўлиб ишлаётган Амирқул Каримов ҳам ҳайрон. Ниҳоят, бош муҳаррир ҳаммаси кўнгилдагидек эканини, мақола яхши ният билан газетанинг янги — 1991 йилдаги биринчи сониди эълон қилинажа-

гини айтди. Шундай қилиб, бугун тарихимизда олтин ҳарфлар билан ёзилган йилнинг 4 январиди «Соҳибқирон ўтган йўллар бўйлаб ёшлар юриши уюштирилса, сафар оғир бўладими?» сарлавҳалани мақола эълон қилинди ва экспедиция тайёргарлигига «старт» берилди.

Тайёргарлик жараёни турлича кечган. Аввало, ўша пайтлари миллатдошларимиз руҳиятида пайдо бўлган уйғонишни таъкидлаш жоиз, газетада эълон қилинган ўша мақолага бирон киши бепарво бўлмаган, дейиш мумкин. Ҳамма қўллаб-қувватлаган, кўмакка шошилган. «Ёш ленинчи» мақолага нисбатан ижобий фикр билдирилган чиқишлар, экспедицияда иштирок этишни хоҳловчиларнинг хатларини мунтазам эълон қилиб борган. Жумладан, мен ҳам 21 майда «Иккинчи қадам қўйиладими?» сарлавҳали мақола эълон қилиб, тайёргарликнинг боришини шарҳлаганман, юртдошларимизни яна ҳам фаолроқ бўлишга чақириб, ғайратларини жўштирганман. Мақолада шундай фикрлар борки, уларни бугунги кун тасаввури билан ўқисангиз, ўшанда кўнгилга жо бўлган ёруғ туйғулардан ҳаяжонланиб кетасиз. Унда шундай ёзилади: «Ҳозиргача маломатлар остида қолиб келаётган буюк инсон руҳи олдидаги қасам шуки, Уни таниганларни У асрайди». Яна: «Истак отига қамчи уриб, тоғдан тоққа сакраб юрган ўсмир Темурга бошпана берган муаззам ғор оstonасидаги табаррук супа устида кутиб олинган тонг яхши замон йўриғидан дарак берса ажаб эмас». Бу — нақ 100 кундан сўнг ташриф буюрадиган 1991 йил 1 сентябрь — Мустақилликнинг хабари эмасмикан?!

Эсимда, биз ғор ҳудудига 7 август оқшом пайти етиб бордик. Ҳамма чарчаган, аксарият сафардошлар сайхонликда тонг оттирмоқчи бўлишди. Фақат 5—6 киши айрилиб чиқиб, супага кўтарилган. Ўзимиз билан дарёдан 20 литрлик идишда сув олволганмиз. Супани супуриб-сидириб, ўт ёқдик, идиши билан сувни қайнатдик, унинг тор оғзидан қуруқ чой ташлаб чой дамладик. Тун зулмати, бепоеъ ва номаълум чексизлик бағрида оловда ялтиллаган ғор тошларигина кўзга ташланади. Гулхан атрофидаги одамлар ўз дунёсига ғарқ, баъзан таассуротларини юзага чиқаради, хотиралар тилга киради. Мен беҳад ҳаяжондаман, ҳислар шунчалик тугёнга келганки, фақат уларни

ичга ютиб, сукут сақлаб енгиш мумкин. Суҳбатдошларга она қишлоғим — Тошқўрғон ҳақидаги шеъримни ўқиб бермоқчи бўламан:

Турнанинг кузидек оҳанраболи ...

Эҳтирослар жунбушга келиб, сатрлар чалкашиб кетади. Тун яримлагач, сафар-қопга кириб, уйқуга чўзиламиз. Лекин мен бир зум ҳам ухлай олмайман, ўзимни муазам бўшлиқда сузиб юргандек ҳис қиламан, атроф сут рангидаги оқлик билан қопланган. Уйқу ва уйқусизлик орасида тонг отади.

Сафар манзилларини муваффақиятли босиб ўтиб, 18 август куни Самарқандга, Ғўримирага ташриф буюрганмиз. Шу қутлуғ даргоҳда ҳар бир иштирокчи ҳисоб берган, ўз муножотини сўзсиз ифодалаган. Худди шу лаҳзаларда Қримдаги Фарос оролида Горбачёв ва Раиса дунёдан ажратилиб, янги одамлар ҳокимият тепасига келган ва шу билан СССРнинг тагига сув кетган экан. Кейинги кун Жиззахда телевизор орқали ГКЧПнинг йиғилишини кўрганмиз. 20 августда Тошкентда, бизни карнай-сурнайлар билан кузатиб қўйган майдончада ҳеч ким кутиб олмаган — мамлакат таҳлика ичида, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Хайрият, тақдир ёзуғи нурли экан, юртимизга озодлик ташриф буюрди.

Бизнинг 1—20 августдаги сафаримиз жаҳон тарихининг ана шундай кескин бурилиш палласига тўғри келиб қолган. Бу кунларнинг шарҳи неча тилда неча минг ва рақларда битилмоқда. Мен ҳам сафаримиз ҳақида батафсил ёздим, ёзганларим «Хотира карвони» деган ном билан китоб ҳам бўлиб чиқди. Шундан бери бу мавзу қалбимнинг тотли ва соғинчли қўшиғига айланган.

Одам боласи ҳар доим ҳам таваккал қилавермайди ва қисқа умрини безайдиган теран мазмунни топавермайди. Ўша автобусда қарийб 2500 км. йўл босиб ўтилган, таассуротлар 1,5 минг метр кинолента, 9 та видеокассетада муҳрланган 20 кунлик сафарда турли вазият ва манзилларда жами иштирокчиларни, шу жумладан, мени ҳам бир нур йўлимизни, нафақат йўлимизни, балки дилимизни ҳам ёритиб юргани сезилган эди. Биз тонгдаю тунда,

даладаю шахарда, булоқ бўйидаю гор тубида Соҳибқирон бобомизнинг муборак номларини такрорлар, ундан мадад олар эдик. Ана шу ҳис менинг болалик туйғуларим билан вобаста бўлди, Қалъаи Шерон сўқмоқларидами, зилол дарё қирғоғидами, кўл бўйидами учратган сеҳрга яна дуч келдим ва уни кўнглимга солдим. Бу жуда катта бойлик, олтин ёмби эдики, мендек бир оддий қаламкашга илҳом бериб, муборак мавзуда қоғоз қоралаётганимнинг кучи шунда.


Холисанилillo айтганда, Соҳибқирон Амир Темури ҳазратларининг ҳаёти чинакам мўъжиза, бир инсон нималарга қодир эканини кўрсатувчи олтин тарози. Бу мўъжизадан баҳраманд бўлиш, бир-биримизни баҳраманд қилиш, дунё аҳлига унинг асрорини намоеън этиш инсониятга жуда кўп эзгуликлар армуғон этиши мумкин. Афсуски, гофил одамзод бу мўъжизага юз бурмаяпти. Демак, ҳали маърифат аҳлига кўп эҳтиёж бор. Биз ана шу йўлдамиз.

Бу мавзуда ёзган мақолаларим турли жанрларда бўлиб, энг қувончлиси — барча нашрлар уларни очиқ чеҳра билан кутиб олган, бажонидил саҳифаларида ёритган. Айниқса, «Халқ сўзи»да ишлаган йилларим бош муҳаррирлар — Аҳмаджон Мухторов (раҳматлик) ва Анвар Жўрабоев кўп илтифотлар кўрсатишган. Жаббор Раззоқов-ку бундай мавзудаги мақолаларимга ўз газетасининг тўрт саҳифасини ҳам бўшатиб беришга доим тайёр эди. Улардан жуда миннатдорман.

Тўғри, шу пайтгача кўплаб мақолаларим, эссе-роман ва яна бошқа китобларим нашр этилди. Ношукурлик бўлмасин-у, булар ҳали ҳаммаси эмас. Уларнинг энг саралари дунё халқлари тилларига таржима қилинишини хоҳлайман. Ҳали саккизинчи мўъжиза сифатида тан олинган кино санъатида амалга оширилажак юмушлар етарли. Бу ниятларнинг ҳаммаси вақт-соати ва навбати билан амалга ошади, иншооллоҳ!

Қалб токи борлиқни тийрак ва зийрак акс эттирар экан, унинг оҳанглари, қўшиқлари ҳам муттасил таралаверади.

2007 йил, сентябрь



КУПРИК

Ўтган бир йилга назар

Эзгуликка ошуфта инсон хуш айёмларини ички бир соғинч ва армон билан эслаб туради, дейдилар. Ҳар ҳолда дилга таскин бериб соғинтиролган кунлар ҳақидаги илиқ гапларни кўлчилик билан баҳам кўриш ҳам мақтанчоқлик бўлмаса керак.

Тарихга «Мустақиллик йили» деб дарж этиладиган 1991 йилнинг 1—20 август кунлари бугуннинг ибораси билан айтганда ҳали «қизил империя» исканжасида бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир сарин эпкиндек гузар этган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» сафарни муҳлислар унутиб юборишга улгурган бўлсалар ажаб эмас. Тақдирнинг гўзал ҳазилини қарангки, у августдан бу августгача ўтган кунларда шунчалар буюк (муболағасиз) воқеалар рўй бердики, кўриб туриб баъзан баданингни чимчилаб қўясан: туш эмасми?

Такрор бўлса ҳам уларни яна бир эслайлик: 31 август — Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши, 29 декабрь — Президент сайлови, 2 март — Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши. Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Финляндия, Корея, Малайзия, Индонезия мамлакатларига расмий ташрифи, МДХ мамлакатлари раҳбарларининг олий даражадаги Тошкент учрашуви, Ўзбекистонни дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат тан олиши, Тошкентда ўнга яқин элчихоналарнинг очилиши... Яна қанчалаб учрашувлар, шартномалар, ташрифлар. Тарихда бундай сермазмун йиллар кам бўлади. Рўйхат тузиб ифтихор қилишга боис эса бой ўтмишга эга бўлган Турон замини Амир Темур замонидан кейин бирлашган ва яхлит ҳолда бундай эътиборни кўрмаган эди. Биз, экспедиция қатнашчиларининг байроғига Соҳибқироннинг муборак исми-шарифи ёзилган ва биз унинг табаррук қадамжоларидан барҳаёт изларини ахтарган эдик. Алҳамдулиллаҳ, топган эканмиз.

Сўз аҳли озроқ муболаға билан гапиришни хуш кўради. Шу боис қатига бир оз ҳаяжон аралашган эътирофимизни самимий мутойиба сифатида қабул қиласиз. Гапнинг индаллоси эса мустақиллик кунлари насиб этгани учун тақдирга тасанно! Оч бўл, юпун бўл, лекин қарам бўлма. Не саодатки, биз ҳар жиҳатдан бахти комилликка эришдик.

Рости, улуғ бобокалон қаламжолари бўйлаб юриш кутилмаганда муваффақият қозонди. Сафар тафсилотларини ҳаёлдан ўтказиб, ният холис, дил пок бўлса, фалакдан мададкор кучлар қўллаб туришини ҳис қилгандек бўласан. Ўшандаги жаҳду жадал, ғайрат ҳар доим бўлавермайди. Қолаверса, биз ҳали муносабатлар тўла аниқлашмаган бир шароитда йўлга тушган эдик. Севимли рўзнома жамоаси, бизни кузатувчилар қалбида ҳадик бор эди. Жойларда ҳам бизни тўла самимият, очиққўнгиллик билан кутиб олишмаган ўринлар бўлган. Ҳатто «Булар экстремистлар, иложи борица жамоатчилик билан учраштирмаслик чоралари кўрилсин» деб топшириқ берилганини яқинда эътироф этишди. Бироқ биз, келишиб олганимиздек, сиёсатга аралашмай, фақат ташвиқот мақсадини олдимизга қўйиб тўғри йўл тутдик. Ва ҳаммаси яхши бўлди. Сафарнинг сўнгги куни — 20 августда Тошкентда бесаранжомлик экан. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Москвада қўл кишанлари тайёрланмоқда. Орадан икки кун ўтгач, вазият кескин ўзгарди. Тарих эврилди, етмиш йиллик истибдод тўкилиб кетди. Бир ҳафтадан кейин эса тарихий воқеа — Мустақиллик! Гарчи булар бир кишининг (жумладан — менинг) иродасига боғлиқ бўлмаса-да, муштарийларни сафарга даъват этиб ёзган мақолаларимдан бирида «Ҳозиргача маломатлар остида қолиб келаётган буюк инсон руҳи олдидаги қасам шуки, Уни таниганларни У асрайди. Истак отига қамчи уриб тоғдан тоққа сакраб юрган ўсмир Темурга бошпана берган муаззам ғор остонасидаги табаррук супа устида кутиб олинган тонг янги замон йўриғидан дарак берса, ажаб эмас» («Ёш ленинчи». 1991 йил, 21 май) тарзидаги ёзувларимнинг мунаввар толедан мамнун бўламан.

Шукроналар бўлсинки, бугун Соҳибқирон Темур ҳақида тортинмасдан гапириш имкони туғилди. Ул зотнинг таваллуд кунлари оммавий нишонланиши, ҳурматли Убайдулло Уватов таржимасида Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» китобининг нашр этилиши, Қашқадарё вилоят театрида Соҳибқирон ҳаёти акс эттирилган спектаклнинг қўйилиши улкан маънавий денгиз томон ташланган дастлабки қадамлар бўлди. Энди кўз олдимизда бошқа бир олам — асрлар зулматини парчалаб, ёрқин нур сочиб турган Кўҳинур олмосидек бетимсол хилқат намоён бўлди. Бу — дунёнинг ярмини бир туғ остига бирлаштирган буюк даҳо, Туркистон сарвари Амир Темурдир. Мустақиллик боғининг минглаб тотли меваларидан бири шу эмасми? Мабодо, XX асрнинг йирик сиёсатдонларидан бири, Франция Президенти Франсуа Миттеран, муҳтарам Президентимиз И.А. Каримовнинг лутф қилишлари, «буюк Темур авлодини ўз кўзим билан кўришга жуда иштиёқмандман» деган экан, бундан фақат ифтихор қилмоқ лозим. Мустақил бўлмасак, бу гапни бизга ким етказарди?!

Албатта, хайрли ишлар таъма илинжида қилинмайди. Яъни буюклар ёнида туриб олиб бор овозда бақирган билан ҳеч ким унга буюклик либосини ёпиб қўймайди. Бироқ бизнинг кичкина андишамиз шуки, экспедиция давомида яхшигина материал тўпланган эди. Бу — тўққизта видеокассетага, 1500 метр кинолентага туширилган нодир тасвирлар. Уларда тарихий шаҳарлар жамоли, гўзал тоғ манзаралари, одамлар кайфияти-ю халқимиз турмуш лавҳалари муҳрланган. Ҳисор тизма тоғларидаги Бовурчи чўққиси, унинг этагидаги Амир Темур ғори, бетимсол Қалъаи Шерон дараси илк марта тасвирга олинган эди. Ана шулар жамоатчилик назаридан четда қолиб кетмоқда. Улар умумхалқ мулкига айлантирилса, нур устига нур бўларди.

Амир Темур — олмосдек кўп қиррали шахс. Ҳали уни асрлар давомида ўрганадилар, кашф қиладилар. Фақат кучлар бирлашса ва марказлашсагина салмоқлироқ натижаларга эришиш мумкин. Афсуски, бу борада тарқоқлик, парокандалик кўзга ташланмоқда. Гўё чўққини ҳар ким

ўз сўқмоғи билан кашф қилмоққа уриняпти. Ҳолбуки, ўз фарзандларини, авлодини мудом бирлашишга, тотувликка чорлаб келган зот руҳи поки олдида бу шаккокликдан бошқа нарса эмас. Республикада буюк инсон — Амир Темур билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб турувчи марказ тузилса, айти муддао бўларди.

«Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» «Туркистон» рўзмаси ташкил этган экспедиция ўз фаолиятини янгича кучгайрат билан давом эттираяпти. Шунақа ҳаракатларнинг сони кўпайганлиги қувончли ҳол — яқинда Андижондан бошланган сафар Бобур қадамжолари бўйлаб муваффақиятли тугади. Бундай хушёқар амалларнинг ҳаммаси тарихимизда рўй берган улкан саодат туфайли. Биз ҳам «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» уюштирилган сафаримиз биринчи босқичи савобини жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаймиз. Илло, мангу озод бўлгин, она юрт!

1992 йил, август

ҚАДРДОН ЙЎЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

10 йил олдинги хайрли тадбир яна такрорланадими?

Шубҳасиз, ўтган йилларнинг ёқимли хотираларини эслаш кўнгилда қадрдон ҳисларни кўзгайди. Айниқса, хотиралар Ватан, миллат, халқ тақдири билан ҳамоҳанг бўлса, бу муқаддас аъмолнинг шукуҳини юрагингда туйсанг, руҳинг қувватланиб, ўзингда енгилмас куч сезасан.

Бугунги кунда мустақил онг ва шуур билан бир нарсани баралла таъкидлаш жоизки, ўн йил ичида эришилган ютуқлар кўп, бироқ уларнинг қаторида ўтмиш меросимизга муносабатнинг тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳақиқатни бундан 10 йил олдин «Амир Темур ўтган йиллар бўйлаб» ёшлар юришининг ташкилотчиси ва иштирокчиси сифатида бугун баралла тасдиқлашим мумкин. Йигирма кун юртимизни кезиб, минглаб одамлар билан суҳбатлашиб, шундай манзараларга гувоҳ

бўлдики, энди уларни эслаб, ҳам кулгинг, ҳам йиғлагинг келади. Шаҳрисабздан унча узоқ бўлмаган қишлоқларда бу шаҳар Соҳибқироннинг илк парвозларига раҳнамо бўлганлигини ёки Оқсарой ҳозирги кўриниши билан «Оқсарой» эмас, балки 50 минг одам 20 йилда тиклаган муаззам кошона сифатида дунёни безаб турганини зиёлилар ҳам билмасди. Яшириб нима қилдик, ўзимиз ҳам Мирзо Улуғбек Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг набираси эканини-ю, бобосининг бевосита раҳнамолигида улғайиб вояга етганидан кейинроқ хабар топдик. Нафсиламрини айтганда, қуёшга тик қарай олмаган кўршапалак сингари чет-четларда «Амир Темур бизга мансуб эмас» деган қарашлар, кайфиятлар ҳам бор эди. Ахир биз Тошкентдан сафарга жўнаб кетганда шаҳарнинг қоқ марказидаги ҳозирги мағрур ва муҳташам ҳайкал йўқ эди. Бу — тарих, жонли тарих, эслашга ва таҳлил қилишга арзирли тарих!..

... Шундай қилиб, 1991 йил 1 августда йўлга чиққан экспедиция Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳудудларидаги Амир Темур бобомиз билан боғлиқ шаҳар ва қишлоқларда бўлган, жуда бой маълумотлар тўплаган эди. Ўшанда қизил империянинг тагига сув кетган кунлар экан, бир ойдан кейин муборақ истиқлол насиб этди. Сафар давомида шўро тузумининг кирдикорларидан зериккан ва бир нурли аъмолга талпинаётган халқнинг кайфиятини сезган эдик. Дастлаб ҳадиксираш ва кўрқув билан бошланган суҳбатлар ўтмишимизнинг зафарли айёмлари, боболаримизнинг оламшумул жасоратлари тилга олингач, самимий тус олар, лоқайд чехралар ёришиб кетар, кўзларда олов чақнарди. Ҳамма жойда бизни самимий кутиб олишган, керагича ёрдам ва иззат-икром кўрсатишган эди. Юртни кезиб, қалби тийрак, юрагида аждодларнинг енгилмас озод руҳи яшаётган, озодликка, ҳурриятга ташна халқимиз борлигини дилдан ҳис қилиб қайтган эдик Тошкентга.

Кейинги йил яна Туркистон йўналиши бўйлаб сафарга чиқилди ва Ўтроргача бориб келинди. Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳам турли дара-

жада сафарлар уюштирилди. Таассуротлар асосида китоблар, сафарномалар, илмий мақолалар ёзилди.

Катта тўй арафасида, мабодо, биз ўтган таниш манзиллар бўйлаб яна сафар уюштирилса, айтиш муддао бўларди. Негаки, қадрдон жойларда бўлиш, синашта одамлар билан суҳбатлашиш Мустақилликнинг ўн йилида амалга оширилган ишларни бутун бўй-баста билан тасаввур қилиш имконини беради. «Ҳақиқат қиёсларда билинади» деганларидек, дастлабки маълумотларни бугунги ўзгаришлар билан солиштириш тараққиётнинг аниқ манзарасини яратишда асқотади.

2001 йил, январь

АКС САДО

Ашраф АҲМЕДОВ, Самарқанддаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори, тарих фанлари доктори, профессор. — «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган гап юртимизнинг ҳар бир фуқароси зиммасига улкан масъулият юклайди. Негаки, биз шу қутлуғ заминда яшар эканмиз, ўтмишимизни ўрганиш ва дунё аҳлига намоён қилишда масъулмиз. Ахир чет элларда бизнинг меросимизни заррабин билан текшириб, таҳлил қилиб, ўзлари учун истеъфода этиб турганларида биз қараб ўтиришимиз керакми? Шунингдек, бу бойликни тадқиқ қилишнинг турли усуллари мавжуд. Жумладан, тарихий манзиллар бўйлаб сафар уюштириш ҳам шулардан бири. Бошланган ташаббусни тўла қўллаб-қувватлайман. Темур ва Темурийлар, умуман, тарихимизни ўрганиш қанчалик кенг тус олса, шунча кўп натижани қўлга киритиш мумкин. 10 йил олдин бошланган мазкур саъй-ҳаракат натижалари буни тўла тасдиқлаган эди. Сафарлар давомида бирон қўлёзмада ёки жонли гувоҳ қайд этмаган далиллар жамоатчиликка маълум қилинганди. Андижонда фаолият кўрсатаётган Бобур экспедицияси ҳақида ҳам шундай дейиш жоиз. Бу тадбирнинг мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида амалга оширилиши ундан кенг миқёсли тарғибот-ташвиқот мақсадида фойдаланиш имконини ҳам

беради. Қолаверса, кейинги йилларда қўлга киритилган илмий ютуқларни халқимизга юзма-юз туриб сўзлаб бериш мумкин бўлади. Экспедициянинг илмий-тадқиқот йўналишини кучайтириб, уни бутун Марказий Осиё, кейинчалик дунё миқёсида давом эттириш лозим.

Фарҳод РЎЗИЕВ, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди. — Мазкур ғоя билан танишиб, бир фикр хаёлимдан ўтди. Биз ҳақиқатан толеъи баланд халқмиз. Қаранг, бизнинг Ватанимиз қанчалаб буюк даҳоларга бешик бўлган, халқимизнинг таърифи қанчалаб қаҳрамонномаларда куйланган! Бундай ноёб бахт ўз ўрнида юксак масъулият ҳамдир — биз буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлмоғимиз шарт. Ана шу гурурни тарбиялашда бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш жуда асқотади. Шубҳасиз, истиқлол йилларида бу борада мислсиз ишлар бажарилди ва бобомизнинг номи қалбларимизда абадий муҳрланди.

Экспедицияга келсак, уни юқори даражада уюштириш имкониятлари мавжуд. Ўн йил олдин муаммо бўлиб турган замонавий видеокамера ёки уяли телефон бугун оддий рўзғор ашёсига айланиб қолди. Шунингдек, сафарни қўллаб-қувватлайдиган ва шу воситада ўз маҳсулотини реклама қилишни хоҳлайдиган фирмалар ҳам топилади. Фақат иштирокчилар аниқ мақсадли фидойи кишилар бўлиши лозим. Вилоятларда яшаётганлар ҳам ҳамкору ҳамдаст бўладилар, деб ўйлайман.

Анварбек МУҲАММАДИЕВ, Касби туманидаги 10-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси. — Албатта, пойтахтдан келган хушхабар марказдан чет жойларда ўзгача шодхуррамлик билан кутиб олинади. Айниқса, таниқли кишилар ташриф буюрса нур устига аъло нур бўлади. Худди шундай бўлишини бундан ўн йил олдин қишлоғимизга Соҳибқирон бобокалонимиз излари билан юрган экспедиция аъзолари ташриф буюрганда сезган эдим. Меҳмонлар кечга яқин етиб келишган, оқшом ёшлар иштирокида учрашув, эрталаб хўжалик аъзолари билан самимий мулоқот бўлганди. Биз болалар, ҳатто катталар ўшанда илк бор шавкатли бобокалонимизнинг оламшумул ишла-

ридан бохабар бўлган эдик. Ўтган йиллар давомида бизнинг юртимизда ҳам кўп ўзгаришлар юз берди. Энди ҳаёт ҳам, одамларнинг дунёқараши ҳам олдингига ўхшамайди. Шубҳасиз, сафар уюштирилади ва қадрдон манзилларда яна қизгин суҳбатлар бўлиб ўтади, дея умид қиламиз.

P.S. Сафар уюштириш мақсадида бошқа сабъ-ҳаракатлар ҳам бўлган, бироқ у амалга ошмаган. Бу — алоҳида мавзу.

2001 йил, март

МАҲАК ТОШИ

Уни Соҳибқирон Темурбек тавсия қилган эдилар, бугун ҳам унга эҳтиёж сезилмоқда.

Соҳибқирон ўзининг «Темур тузуклари» асарида Тангри таоло даргоҳидан мамлакатларни фатҳ этувчи кўплаб бахтли фарзандлари, авлоди салтанат тахтига ўтириб, эл-юртни идора этишини умид қилган жаҳонгир ўзлари яратган бошқариш тизимини батафсил изоҳлар эканлар, энг сўнгги лаҳзада (яъни гуноҳкор одамларни ўлимга буюришдан олдин) ҳам шошмасликни тайинлаб, «... балки аввал хабар берувчиларнинг ўзлари кимлиги, даъво-ларининг рост-ёлғонлигини маҳак тошига уриб текшириб кўрсинлар» (73-бет) дея ҳикмат келтирган эканлар. Алҳамдулиллаҳ, бугунги сафоли кунларда буюк ажодимизнинг умри-ҳаёти ҳам, маънавияти-ю фаолият тарихи ҳам халқимиз хазинасига қайтди. Бу хулосамизга мазкур йилда жаҳонгирнинг мавлуд кунлари (8—9 апрель) муносабати билан ўлкада чирой кўрсатган умумхалқ кайфияти сабаб бўлди. Амир Темур байрамлари, илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Хўжаликлар, жойлар бу улуг зотнинг исми-шарифлари билан қайта номланмоқда, бадийий, илмий, саҳна асарлари кўплаб яратила бошланди.

Албатта, ҳар қандай хайрли ишни бошлашдан олдин унинг кўлами ва мавқеини аниқ белгилаб олиш эзгу амалларга йўл очади. Бинобарин, Темурбек ҳақида айтиладиган энг оддий таъриф-тавсифлардан мукаммал қомусий

асаргача бу зоти шарифнинг асл қиёфасига мос келиши керак. Шунинг учун ҳам Маҳак тоши эсланди. Зеро, бобокалон ҳақидаги жами ёлғонлар (аксарият, ҳозирча ҳукм сурган қарашлар) билан бирга ул киши шахсига тўғри келмайдиган мақтовлар ҳам бу ҳақиқат мезонига тегиб чил-чил бўлғусидир. Қолаверса, миллатимиз ўз қадриятини қайтадан кашф этмоқда, динимиз талабларини дил эҳтиёжи сифатида қабул этаяпмиз. Қуръони шариф, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак ҳадислари маънавий мулкимизга айланди. Уларда шундай қоидалар кашф этилиб, бизга армуғон қилинганки, тафаккурнинг бу дурдоналари биз ҳозиргача амал қилиб келган баъзи сохта эътиқодларни ғубордек тарқатиб юборади, кўз олдимизда мусаффо яшилликни намоён қилади. Динимизнинг биз, бандаларга марҳамати шунчалик беқиёски, инсоннинг имкониятларини, у интилувчи нур («идеал») чегарасини чексизликка қадар улғайтиради. Яратгanning висолига етиш учун хайрли юмушларга бел боғлаган ҳар бир кимса тириклик лаҳзаларини «Фалончиевга тақлид» қилиб ёки ўрнатқ олиб эмас, ўз йўли, аъмоли билан ўтказади. «Ҳеч ким Ленин бўла олмайди, бироқ Ленин бўлишга интилиш керак» (Луначарский) сингари сийқа фалсафаларнинг миси чиқди, аслида, бу тарзда фикрлашнинг ўзи Аллоҳга шаккоқлик эди. Яъни, буюк ислом таълимоти инсонни илоҳийлаштиришга йўл қўймайди! Пайғамбаримизнинг ҳадисларида «628. Аллоҳдан бошқага қилинган қасам ширқдир» («Минг бир ҳадис», 1991) деб кўрсатилган. Илоҳийликка фақат Парвардигорнинг Ўзи лойиқдир, қалбда эса Унинг ишқигина ҳукмрон бўлмоғи лозимдир.

Амир Темур, Темурбек, жаҳонгир, соҳибқирон дея улуғланган Амир Темурбек(Темур) Тарағай Баҳодир ўғли ҳам Худонинг бир бандаси, қанчалаб жонзотларга ризқ-рўз, бошпана бўлган курраи заминда ўзига хос умргузаронлик қилган зот. Бир кишини ҳамду санолар билан еттинчи фалаккача чиқариб улуғлаш қанчалар хато бўлса, унга бутун бир даврлар, асрлар юкини ортмоқлаб ёки жами талабларнинг ҳаммаси билан ёндошиб тафтиш қилиш ҳам хато.

Хуллас, Америка, Англия, Франция каби йирик, тараққий этган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам Амир Темур шахсига қизиқиш кучайди. Дастлабки тахминлар бу мавзу, фаннинг шу соҳаси «қулоқ чўзма» бўлиб кетиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳол, албатта, қувончли. Дастлабки қадамлар қўйилса, кейингиларини Аллоҳнинг ўзи кўрсатаверади. Бажарилиши керак бўлган ишлар эса жуда кўп. Олайлик, биттагина Шаҳрисабз шаҳри билан боғлиқ кўпгина муаммолар навбатда турибди. Бу нарса Амир Темур таваллудининг 656 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман давомида яна бир бор кўзга ташланиб қолди. Шаҳар буюк фарзандига муносиб бўлишини хоҳлар, бироқ танидаги жароҳатлар туфайли тўшакдаги бемор сингари инграрди. Биргина Оқсарой билан боғлиқ қанчалаб сир-синаотлар кечган? Мабодо, ҳозир у ҳақда гувоҳларнинг хотиралари ёзиб олинса ҳам бир неча жилдли «Оқсаройнома» пайдо бўларди ва унинг ҳар бир сатри кўз ёшлари билан ёзиларди. Бу сафар кўплаб милтиқ ўқлари тешиб ўтган «шинаклар» қаторида тўп ўқининг изини ҳам кўрсатишди. Унга кўп-да парво қилмай, шунчаки ўпирилишдан кейинги кавак деб ўйлаш мумкин. Мабодо, уни қандайдир Бембин («тўпга тутиш» маъракасининг бошида турган лашкарбошининг номини шундай деб аташди, у ҳамон тирик эмиш) фармони ила узилган замбарак ўқининг ўрни эканини билгач, киши аллақандай бўлиб кетар экан.

Маълумки, машҳур обидадан остона — кириш қисмигина сақланиб қолган. Унинг маҳобати ҳақида эса турли тахминлар юради. Жумладан, эрталаб қуёш чиқаётган пайтда уни Бухородан кўриш мумкин бўлган. Тепасида улкан ҳовуз бўлиб, Тахтиқорача довонидан қувурлар воситасида сув олиб келтирилган, пойдевори 38 метр чуқурликда, беш қиррали юлдуз шаклидаги асосга мустаҳкамланган ва ҳоказо. Жонли гувоҳ — Клавиҳо унинг узунлиги 300 қадам деб кўрсатган. Бу жойда узоқ йиллар археологик қазилар ва илмий тадқиқот ишларини олиб борган олим Хайрулло Султоновнинг фаразича, саройнинг узунлиги 120—125 метрдан кам эмас, у ҳатто қўш ҳовлили бўлиши ҳам мумкин. Демак, унинг эни 125, бўйи

250 метрлар атрофидадир. Маҳаллий мусаввир ўз ҳаёлотини кучи билан Оқсаройни холста тиклабди, суратни кўриб-боқ тенгсиз, маҳобатли кошонани ҳис этасиз. Ҳозирча эса у юпун ҳолда, сўнгги бойликларини ҳам талаб кетишмоқда. Баъзи «ақлли» раҳбарларнинг таклифи билан раҳбин кошнлари кўпорилиб, Самарқанддаги биноларни таъмирлашда ишлатилган. Маҳаллий раҳбарлар азбаройи эзгуликдан Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатмоқчи, бироқ танланган жой анжуман қатнашчиларига маъқул тушмади. Уни Оқсаройнинг олд томонида — Самарқанд тарафига қўйиш маслаҳат берилди. Негаки, Худо ёрлақаб, саройни тиклашга киришилса, ҳайкални кўчиришга тўғри келади. Собиқ раис Абдурашид Жамолов ҳозир Мозори шарифда яшаётган бир шахрисабзлик фуқарода Оқсаройнинг лойиҳаси сақланётганини, у терига чизилган, каттагина китоб ҳолида эканини айтиб қолди.

Шаҳрисабзда тарихий ёдгорликлар қаровсиз ҳолда, ҳатто шу соҳага масъул меъмор йўқ экан. Темури даврида ёғин-сочинли кунларда гумбазларга ниқоб кийдириб қўйиларкан, шу туфайли улар кўркини йўқотмаган. Ҳозир эса... Жаҳонгир Мирзо мақбарасига киришда чиройли эшик киши диққатини тортади. Маълум бўлишича, ғайридинлардан бири уни печкага ёқиш учун кўпориб олган. Буни сезиб қолган бир муслим анчагина ўтин бериб, эшикни олиб қўйган. Узоқ йиллар ўзида сақлаб, 60-йилларда мачит ташкил бўлгач, келтириб жойига ўрнатишган... Шаҳрисабзга йўлингиз тушса, ҳақиқий санъат дурдонасига тенг шу эшикни атайлаб бориб кўринг, шунда, эҳтимол, бизнинг қанчалаб бойликларимиз кунпаякун қилинганини тасаввур қиларсиз. Эшикни асраб қолган номаълум инсонга тасаннолар айтиб, ҳамма ҳам шунчалар ҳиммат кўрсатвермаганига афсусланиш лозим, холос.

Илмий анжуманда кулфлоглиқ сандиқларда сақланиб келинаётган кўплаб янги маълумотлар илк марта тилга олинди. Тасодиф шунчалар кучли эдики, нима бўлаётганини тезда илғаб ололмайсан: тўрда улкан сурат, оқ шоҳига қайноқ дил сўзлари ёзилган, нутқлар — жўшқин, овозларда титроқ ва ҳаяжон бор. Ҳамма ўзлари оёқ тираб турган шу тупроққа таъзим қилишади. Бу — юрт эгалари-

нинг ўз юртидаги байрами эди, илло, шодликлар бундан кейин яна ҳам баравж бўлмай.

Шу кунни Тошкент вилояти, Чиноз районидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида ҳам тантаналар бўлган. Ўйингоҳда тўпланган минглаб кишилар кўз олдида тулпорини ўйнатиб Соҳибқироннинг пайдо бўлиши (актёр — Толиб Каримов) кишиларда ўзгача кайфият пайдо қилган. Одамлар ҳайқириқлар билан суворини олқишлашган, гўё Турон «урҳо»си яна бир жаранглаган. Ҳамза номли театрда уюштирилган байрамда эса эсда қоладиган воқеа — ижодкорларнинг тортишуви бўлган.

Дарҳақиқат, тортишувлар ҳақида. Ҳозир шунчалик имкониятга эришилганки, бу келгусида улуғ ишларга парвоз бериши шубҳасиз. Хусусан, Темур ва Темурийлар даври маънавияти улкан хазина. Ҳозиргача ундан истеъмолчилик кайфиятида фойдаланиб келинди, яъни кимга нима керак бўлса, ўшани олди. Энди бу бойликни чинакам ватанпарварлик туйғуси билан атрофлича, муфассал ўрганиш бошланган экан, турли мунозаралар, бошбошдоқликларга йўл қўймаслик мақсадида жиловни эртароқ қўлга олиш лозим. Шундай бир нуфузли, обрўли илмий марказ тузилсаки, у нафақат муайян давр, балки бутун тарихимизга оид ривоятдан тортиб, ҳайкал лойиҳаси-ю диссертация мавзуси, экспедиция йўналиши-ю китоб нашр этиш — ҳуллас, барча икир-чикирни мувофиқлаштириб турса. Темур ва Темурийлар даврини комплекс тадқиқ этиш махсус илмий текшириш институтигагина эмас, бутун бошли Фанлар академиясига етарли мавзу беради, келажакда, албатта, темуршунослик илмгоҳлари пайдо бўлади. Шундай экан, қурилажак иморатнинг биринчи гишталариёқ унинг истиқболига мос келса, бинонинг кўрки бекиёс бўлади. Зеро, уфқлар ортидаги ёрқин келажакни кўра олган, Тангри таолодан барҳаётликни умид қилган улуғ бобомизнинг ўзлари яхшини ёмондан, олтинни мисдан бехато ажратадиган Маҳак тошини — ҳақиқат мезонини тавсия қилганликларини унутмаслик жоиздир. Амир Темур шунчалик буюк шахски, бу улуғликни фақат Рост сўзгина ифодалай олади.

1992 йил, апрель

ҚОРАЧИҚҚА ЖОЙЛАШАР ҚУЁШ

Ўшанда, сабзалар қўйнидаги шаҳарга мустақиллик баҳори энди кириб келаётганда, қўл етгудек яқин Ҳисор тизмаларининг бағрида қорлар қиш уйқусида эди. Тошкентдан 507-рейс бўйича учган ҳаво лайнери Соҳибқирон таваллуд топган муборак заминдаги тайёрагоҳга қўнганда, қуёш чиқиш тарафдан эсаётган шабада бадани жунжиктирса-да, бироқ серёғин, инжиқ кўкларнинг шу кунлари кутилганидек чароғон ва очиқ, жануб офтоби чилла захмини енгиб, сахийлик билан нур сочиб турибди. Гарчи бизга пешвоз чиққан мезбонлар меҳмонларнинг озчилигидан бир оз кўнгиллари тўлмаган бўлса-да, нуфуз жиҳатдан бу делегация анча салмоқли эди: Шаҳрисабзга Амир Темур туғилган кун — 9 апрель муносабати билан ўзига хос мўъжаз «академия» ташриф буюрган эди. Албатта, жамоатчилик бу тадбирнинг илк марта бўлаётганини сезиб турарди. Хушёқар хотираларни қоғозга тушира туриб, кейинги қадамларни мушоҳада қиларкансан, хаёл тўзиб кетади. Хусусан, йирик олим, академик Аҳмадали Асқаров билан шу мавзуда суҳбатлашгандан кейин ҳали муносабатлар тўла аниқланмаганини (яъни, муз ўрнидан бутунлай кўчмаганини) ҳис қилдим.

Аҳмадали Асқаров йирик археолог-олим, республика Фанлар академиясининг академиги, академия Тарих институтининг директори, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти «Ипак йўли» экспедициясининг илмий раҳари ва бош маслаҳатчиси эканлигини эслатиб ўтмоқчиман. Олим шахсий дарди ва кўплаб ташвишларини бир четга йиғиштириб, Шаҳрисабздаги маъракада қатнашишга имкон топди. Мусоҳаба ўша таассуротларни эслашдан бошланди.

А. АСҚАРОВ: — Шаҳрисабз учрашувлари — катта ишнинг бошланиши. Биз 1996 йил, яъни Соҳибқирон Амир Темур дунёга келганига 660 йил тўлиши арафасида турибмиз. Вақт шамол каби бир зумда ўтиб кетади, бироқ бизнинг зиммамизга улкан тоғлар залворидек юк ортилган: Турон фарзанди Темурбек ҳақидаги уйдирмаларни фош қилиш, унинг тўғрисидаги холис, тарихий ҳақиқатга мос гапни жаҳон афкор оммасига (биринчи навбат-

да — ўз халқимизга) айтиш, шундан кейин барча тухматлардан фориғ этиш фарзандлик бурчимиздир. Муддат — нисбатан қисқа, юмушлар эса кўп. Демак, фурсатни қўлдан бермаслик керак.

Шаҳрисабзда ўтказилган илмий анжуман ҳам ана шу тадбир доирасида ташкил қилинган, унинг дебочаси эди (негадир, матбуот чиқишларида шу нарсга таъкидланмади). Шаҳар ҳокими Ф. Ҳотамов ҳузуримга келди, анжуман йўналиши ва мавзусини бамаслаҳат ҳал қилдик. Уларнинг бу саъй-ҳаракатини табриклаш лозим, бироқ унинг тўлқини бутун республика, ҳатто Мовароуннаҳрни қоплаб олмапти. Негаки, яна таъкидлайман, қилиниши керак бўлган ишнинг кўлами ниҳоятда кенг, унга бутун илмий, ижодий жамоатчилик қувватларини сафарбар қилиш, улкан ҳудуд (Темур давлати чегаралари)га ёйиш лозим.

МУХБИР: — Илк қадамлар, дастлабки натижалар кишида умид уйғотади. Инсон табиатан ўз кўнгли истакларини қондириш учун қандайдир илоҳийликка, ҳатто, мавҳумликка талпиниб яшар экан. Мен ўз ватандошларимда шундай талпиниш Амир Темур шахсиятига нисбатан жуда кучли эканига қайта-қайта ишонаяпман. Буни энг содда инсоний ҳисга менгзаш мумкин. Маълумки, чанқаган, ташна одамнинг энг биринчи истаги — бир пиёла сув. У ўша мавҳумликка илтижо қилиб сўрайди: «Бир пиёла сув бўлсайди...» Ул зотни билганлар (маърифатсизлар бундан йироқ) турмушда турли ноҳақликлар, тенгсизликларга дуч келганда, ўша илоҳий кучга ёлвориб, «Амир Темур бўлсайди» дея сўраса, ажаб эмас. Шундай бўлгач, уни халқ хотирасидан, меросхўр авлод маънавий хазинасидан ўчириб ташлаш мумкин эмас. Халқимизнинг Темур давридан кейинги суронли кечмиши ягона ҳақиқат излаш йўлидаги жангу жадалларга ўхшайдики, олис уфқда бир ёруғ юлдуз нур сочиб турганини, уни кўпда кўравермаганларини тасаввур қиласан. Бугун «Бир туғ остида бирлашайлик» (уни дастлаб қўтос овига чиққан ярим ёввойи одамлар топган бўлса ажаб эмас) деган шиор қалблардан отилиб чиқаётган экан, ўша туғ аслида бобокалоннинг боқий шавкати эмасмикан, дея ўйлаб қўясан, киши...

Шаҳрисабз анжуманида кўплаб амалий таклифлар ўртага ташланди. Унда сизнинг «Амир Темур — буюк саркарда ва давлат арбоби», филология фанлари доктори, профессор А. Ҳайитметовнинг «Темурийлар даври адабиёти», Шарқшунослик илмгоҳининг директори, тарих фанлари доктори А. Ўринбоевнинг «Амир Темур ҳақида ёзилган тарихий асарлар ва уларни нашр этиш муаммолари», тарих фанлари доктори А. Аҳмедовнинг «Амир Темур даврида илм-фан равнақи» мавзуидаги маърузалари тингланди. Шунингдек, фан номзодлари У. Уватов, Х. Султонов, О. Бўриев ҳам янги илмий маълумотларга бой нутқлар сўзлашди. Булар жамланиб, кишида қандайдир номаълум сеҳрли дунё ҳақида ривоятлардек таассурот қолдирди. Ҳолбуки, «Америка кашф қилинмаган», аслида бизнинг зуваламиз олинган шу тупроқ мадҳ этилаётган эди. Ҳозир эҳтиросларга берилиш мавриди эмас, албатта, олимлар билдирган амалий таклифлар эса инобатга оlinиши шарт. Жумладан, саёҳатчилардан тушаётган маблағлар янги ресторан ёки барлар қуришга эмас, таъмирлаш ишларига сарфлансин. Шаҳарда қабр тошлари, турли таърихлар ёзилган лавҳалар сочилиб ётибди, уларни бир жойга тўплаб очиқ музей ташкил қилиш мумкин. Дунё аҳамиятига молик обидалар аҳоли уй-жойлари, маъмурий бинолар қушовида қолиб кетган. Бу таъмирлаш ва тарғибот-саёҳат ишларини қийинлаштирмоқда. Келажакда шаҳар маркази музей-қўриқхонага айлантирилиши лозим.

А. АСҚАРОВ: — Темур ва Темурийлар даврида қурилган бинолар даврнинг мангу тарихлари. Жаҳонгир меъморчиликка жуда ката эътибор берган, ундан ўз сиёсий, ҳарбий мақсадларида ўринли фойдаланган. Пештоқига «Кимки бизнинг қудратимизга ишонмаса, иморатларимизга қарасин», деб ёзилган бино — Оқсарой ҳам Шаҳрисабзда қурилган.

Бу борада Амир Темур жуда беназир бўлган. Пойтахт Самарқандни ер юзининг энг гўзал шаҳрига айлантириш орзуси билан яшаган ва бунга эришган ҳам. Атрофдаги қишлоқларга дунёнинг катта шаҳарлари — Фориш (Париж), Бағдод, Дамашқ, Султония номларини қўйиш билан Самарқанднинг мавқеини юқори кўтармоқчи бўлган.

Гап номлашга тақалди — биз жаҳонгир шарафини ўзига хос юксак даражада эъзозлашимиз керак. Унинг номини колхозга ёки бир тор кўчага қўйишга қаршиман. Бу тadbир бирор мазмунни ифодаласин, масалан, унинг буюк саркардалиги рамзи сифатида Ҳарбий академияни аташ эътироз туғдирмайди. Ёки шаҳарнинг энг катта майдони, энг олий иморатига қўйилса, бобомизнинг ободончилик ишларига ишорани ифодалайди. Амир Темури номи билан камида шаҳар (масалан, Темурбек шаҳри) ёки район аталиши мантиққа тўғри бўлади. Хуллас, ҳамма ишлар буюк ватандошимиз шахсиятига мос тушмоғи шарт. Темури Цезар, Искандар ёки Наполеондан ката фарқ қилдиган даҳо, у дунёдан енгилмай, қолиб кетган. Улкан сулолага асос солган ягона жаҳонгир. Буюк шахсларнинг тарих саҳнасига келиши тараққиётни юз йиллар олдинга силжитиб юборади.

Амир Темури давлатининг келажагини кўз ўнгига келтириб Ўрта Осиёда яшовчи барча қавмларни бирлаштириб, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик хўжаликларининг ривожланишига кенг имкониятлар яратди. У дунёқарашда ўта диндор ҳам, ўта даҳрий ҳам бўлмаган, доим оддий халқдан ажралмаган. Табиатан эса байналмилалчи бўлиб, одамларни миллатига қараб эмас, ҳалоллиги, ботирлиги каби фазилатларига кўра қадрлаган. Энди жаҳонгир Темури ҳақида «хат танимасди», «шахмат ўйнарди» сингари бачкана гапларни йиғиштириш керак. У Шаҳрисабз беги Тарағай Баҳодирнинг ўғли бўлган ва болалигидаёқ аслзодаларга хос тарбия кўрган. Дунёдаги камдан-кам ҳукмрон Темуридек ўз салтанати хавфсизлигини таъминлай олган. У қўл остидаги ва атрофидаги воқеалардан хабардор бўлиб турган, яъни разведка ва контрразведкага катта аҳамият берган. Буни оддий подшолик шартини, деб билган. Бошқа юртларга зўравонлик билан бостириб боравермаган. Уруш бошланмасдан олдин уч марта ўз ниятини ҳақида турли йўллар билан рақибига хабар берган. Дастлаб совға-саломлар билан «менинг тасарруфимга ўт, ўғлим бўл» мазмунидаги хат юборган. Агар ижобий жавоб келса, мамлакатни бошқариш, уни мудофаа қилишга маблағ кераклигини эслатиб, бож тўлаб туришни талаб қилган.

Агар таклифи рад этилса, «кечирим сўра» деб мактуб жўнатган. Бунга ҳам жавоб келмаса, учинчи — уруш эълон қилганлиги ҳақидаги хатни юборган...

МУХБИР: — Бундай ҳикоялар жуда мароқли, ҳар сафар улардан эшитганда ёки янги маълумотларни ўқиб қолганда олмоснинг навбатдаги қиррасини кашф қилгандек бўламиз. Афсуски, биз ана шундай хазинадан тўла баҳраманд эмасмиз, ҳатто бу соҳадаги маълумотимиз океан ортидаги маърифатли америкаликдан ҳам кам. Хайрият, анча кечикиб бўлса-да, шу йўлга кирдик. Нима бўлганда ҳам ташаббусни бошдан қўлга олиш керакка ўхшайди. Яхши амаллар бошланди, бу табриклашга лойиқ, бироқ халқда «қош қўяман деб кўз чиқаради» деган нақл бор. Темур ва Темурий мавзуси Шаҳризода эртаклари эмас, уни тадқиқ қилиш, ҳатто қисқа таъриф беришда ҳам ўзига хос салоҳият, илмий тайёргарлик керак. Хуллас, бу борадаги нуқтаи назар «Маҳак тоши» мақоласида («Халқ сўзи», 23 апрель) қисман ифодаланган. Шунга сизнинг муносабатингиз, келажакда қилиниши керак бўлган ишлар юзасидан йўл-йўриқларингиз, албатта, жамоатчиликни қизиқтиради.

А. АСҚАРОВ: — Ҳақиқатан, бу теран мавзуни тадқиқ қилишга киришилди. Темур ва Темурийлар даврининг илмий тадқиқи, улуг сиймоларни бадиий акс эттириш дидил бошланди. Албатта, айтиладиган ҳар бир гап тарих ҳақидаги ҳақиқат мезонларига мос келиши керак. Ҳолбуки, бу борада ҳозиргача кўплаб чалкашликларга йўл қўйилган, маълумотлар бузиб талқин қилинган. Ҳатто ҳар қадамда саналарни хато кўрсатиш ҳоллари учрайди. Сизнинг мақолангизда ҳам Жаҳонгир Мирзонинг ҳаёт йиллари (уни мақбарадаги мармар тахтадан олдим, деяпсиз) 1380—1404 тарзида хато кўрсатилган. Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгир 1356 йилда туғилиб, 1376 йилда вафот этган. (*P.S. 1380—1404 — мақбара қурилган йиллар*). Жаҳонгир ўлимидан кейин унинг ўғли Муҳаммад Султонни, яъни бу суюкли набирасини ўзига ворис сифатида танлаган эди, афсуски, у ҳам 1403 йилда дунёдан ўтади ва Самарқандда дафн этилади. Бундай ҳар хилликлар ҳамон давом этапти. Шу ўринда барча ишларни мувофиқлаш-

тириб турувчи махсус илмий марказ бўлиши ҳақидаги таклиф жуда ўринли. Афсуски, бу юмушни бизнинг Тарих институтимиз зиммасига ололмайди. Бунга бизнинг қонуний, ҳуқуқий имкониятларимиз етишмайди. Республикада эса бундай юмушлар билан шуғулланиш бевосита вазифасига кирувчи эътиборли муассасалар анчагина. Улар масъулиятни ўзларига олиб, раҳбарларга аҳволни тўғри тushунтирсалар, бир ишора билан ишлар юришиб кетади.

Кўп нарса жамоатчиликка боғлиқ. Турли тадбирлар ўтказилиб турилса, матбуотда, радио-телевидениеда чиқишлар бўлаверса, муз кўчиб қолса ажаб эмас. Асосийси — халқнинг қўллаб-қувватлаши керак. Ҳар ҳолда тарихчи олимлар ҳам қараб туришгани йўқ. Бизнинг институти-мизда алломалардан иборат Темур — Улуғбек даври тарихини ўрганиш гуруҳи тузилди, улар шу йўналишда тадқиқотлар олиб борадилар, оммабоп рисоалар яратадилар.

* * *

... Демак, хурсанд бўлишга ҳали эрта. Ҳаммасини Самарқанду Бухоро, Хива-ю Шаҳрисабз шуҳратидан мағрурланиб юрган, улкан миноралар соясида улғайган, ўзлигини йўқлаб овоз бераётган халқнинг иродаси ҳал қилади.

Йигирманчи аср сўнгги чораги — тараққиётнинг навбатдаги давомий босқичи. Инсоният бу босқичга мислсиз кашфиётлар билан бирга гегемонлик ёки улуғ давлатчилик васвасаларидан воз кечган ҳолда етиб келди. Чегаралар олиб ташланмоқда, халқлар ва маданиятлар қўшилиб бораяпти. Шундай вазиятда бирор халқ буюк аجدодларини тўлароқ билишга қизиқса, бу асло ўтмишни қўмсаш эмас, балки ўз маълумотини бойитиш истаги, тарихни чуқурроқ билишга интилиш, ҳолос. Ўтган кунлар шуҳрати билан мақтаниш эмас, унга муносиб бўлиш кўпроқ фойдалидир.

Умид қиламизки, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги республикада кенг миқёсда нишонланади. Мустақил Ўзбекистон халқи ҳам ўз қадриятларини муносиб тарзда эъзозлашга ҳақли, албатта.

1992 йил, май

КУЎЗЛАР КУЎП, ҚАРАШЛАР КАМ

*Бу борада Хожа Аҳмад Яссавий
беназиру бокарам*

Осмон сингари заминнинг ҳам нурли юлдузлари бўлади. Уларни қиблагоҳ, пир, устоз ва бошқа ардоқли сўзлар билан аташади. Юлдузлар жамоли олислиги билан сирли, фусункор, уларни ер бандалари тўйиб томоша қилишлари, ҳатто имконлари қадар «кашф» этишлари мумкин. Осмон ёритқичлари — барчанинг мулки, эл-улус назаридаги мўъжиза. Афсуски, тафаккур шуълаларини кўз билан кўриб бўлмайди, уларни қалб ила англаш лозим. Нақадар пок ва сезгир бўлиши шарт англайдиган қалб. Шунданми, ҳаммамиз оёқ тираб турган заминда умргузарон қилган, қалб шуъласи билан сонияларнигина эмас, йиллар, асрлар зулматини ёритиб турган «ер юлдузлари» ҳақида кам, жуда кам биламиз. Жавобсиз саволлар — қуруқ риторика ҳам толдирди. Лекин бир сўроққа рухсат этинг: Аҳмад Яссавийни танийсизми? Умрнинг ўткир қирраларида — мақсад чўққиси сари азимат этиб, ғалаба қучганингизда ёки бошингиз тошга тегиб, бурнингиз қонаганда ул ҳазратни бир бора эслаганмисиз? Балки бу ихлосмандлик таомилини буюк бобокалонимиз Амир Темури ҳазратларидан ўрганишимиз керакмикан?! Ҳа, ҳа, ўша биз таний бошлаган ва таниганимиз сари салобати тобора юксалиб, очилиб бораётган зотдан ибрат олсак бўларди. 1894 йилда туркийдан таржима қилиниб, Тошкентда рус тилида нашр этилган «Таржимаи ҳол»да эсланишича, Рум мамлакатининг пойтахтини забт этишга жазм қилган Темури тақдирини олдиндан билиш мақсадида Аҳмад Яссавий мақбарасига бориб, илтижо қилади. Шунда қулоғига тўрт қатор шеър чалинади. Унда хоҳласа қора кечани ёруғ кундузга айлантирадиган, хоҳласа ер юзини гулларга кўмиб ташлайдиган, барча мушкулотларни осон қилдиган Аллоҳдан олдида турган қийин юмушни енгиллаштириш сўралган. Соҳибқирон бу тўртликни ёдлаб олади ва Қайсар билан бўлган тенгсиз жангда ичида 70 марта такрорлайди. «Шундай қилиб ғалабага эришдим», деб

ёзган эканлар бобокалон. Бу воқеа 1402 йил ёзида бўлган. Ёки ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам эсланадиган Мадинада — Муҳаммад, Туркистонда — Хожа Аҳмад деган ибора ёхуд Мадинага ҳаж қилишга қурби етмаганлар Туркистонни тавоф қилсалар савоби тенг бўлади, деб эътироф этишнинг ўзи ҳам Хожа Аҳмад Яссавий даҳосининг улуғворлигини кўрсатиб турибди. Албатта, ялтироқ мақтовлар билан мақсадга эришиб бўлмайди, бировнинг таъриф-тавсифисиз бу беназирликни ҳар ким ўз вужудида, қалбида ҳис қилиши, сезиши керак.

Зоҳирий таассуротлар асирида Туркистон шахрига, муборак зиёратгоҳга қадам қўйган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий сафарнинг иштирокчилари қарама-қарши туйғуларни бошдан кечирдилар. Ер юзининг ана шу нуқтасида бутун туркийларнинг тақдири туташгандек туюлди бизнинг назаримизда. Бу муштараклик эса буюк бобокалонимиз Аҳмад Яссавий хотираси билан боғлиқ.

Дунё маданияти тарихига тасаввуф шоири ва янги тариқат асосчиси сифатида кирган Аҳмад Яссавийнинг таваллуд санаси баъзи адабиётларда 1103 йил деб кўрсатилган, лекин олимлар бу маълумотни унчалик аниқ эмас, дейдилар. У Сайрамда туғилган, отаси Иброҳим Фотима она авлодидан, онаси Ойша хотун (Қорасоч она) Имоми Аъзам — Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит зурриётларидан деган фаразлар мавжуд. Тиниқ булоқлар покиза масканларда мавжуд бўлади ёки асил мевалар тоза палакларда етилади, деганларидек, насл-насаби улуғ бўлган Аҳмад улғайиб шундай ҳаёт кечирдики, унинг умр лаҳзалари ҳақиқат ва афсоналарга қоришиб кетди. Унинг туғилиши 500 йил олдин аниқ бўлган. Ўшанда 300 ёшли Арслонбобга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир омонат бериб, уни, албатта, эгасига топширишни тайинлаганлар. Арслонбоб омонатни тилининг остида сақлаб юрган.

Аҳмад Сайрамда Оқота бобо қўлида савод чиқаради. Баъзи манбаларда «ўн бир ёшида» дейилса-да, «Ҳикматлар»да «Етти ёшда Арслон бобо излаб топди» деб ёзади. Биз Сайрамда бўлганимизда пир ва шогирд учрашган жой — Хонкўприкни кўрсатишди. Шу ерда кетаётган чол-

нинг олдига ёш бола югуриб келади-да, Худо тилига солгандек, «Омонатимни беринг», деб сўрайди. Пайғамбаримиз каромат қилган назаркарда гўдак шу эканлигига ишонган Арслонбоб тили остидаги хурмони олиб, Аҳмаднинг оғзига солади...

Таҳсилни ўша замоннинг илмий марказларидан бўлган Бухорода давом эттирган. Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний сулукига киради ва дарвишликни қабул қилади. Иқтидорли шогирд ҳисобланган Хожа Аҳмад устози Юсуф Ҳамадоний вафоти (1140 йил)дан кейин мазкур сулукка ўзи етакчилик қилади, бироқ орадан кўп ўтмай, Яссига қайтади ва бир умр шу ерда қолиб кетади. Шавгар (X асргача), Ясси (XVI асргача), Туркистон деб аталган кичкина шаҳар бу улуг зот туфайли машҳур бўлиб қолади.

Аҳмад Яссавий дунёга ўз назари билан қарай олган буюк зот. Унинг қаламига мансуб тўрт ярим мингга яқин ҳикматларда ўз нуқтаи назари — дарвишлик сулуки асослари ифодаланган. Маълумки, йирик тариқатлардан бири — ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд йўлининг шиори «Дил — ба ёру, даст — ба кор», яъни «Дил — Худода-ю, қўл — ишда» бойлик, ёруғ дунё ҳузур-ҳаловатини рад этмайди. Ундан анча олдин пайдо бўлган ва мислсиз шуҳрат қозонган Яссавий тариқати инсонни зоти шариф даражасида улуғлайди, унинг ҳар қандай мол-дунё, давлат ва бойликдан устун туришини таъкидлайди. Қуръони каримда: «Ким (ўз амали билан) охират экинини (яъни савобини) истар экан, биз унга экини(нинг ҳосилини) мўл, зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандай (дунё матоларидан) берурмиз ва унинг учун охиратда бирон насиба бўлмас!» («Шўро» сураси, 20-оят) дейилади. Аҳмад Ясавий ҳазратлари бутун умрини, ижодини шу йўлга бағишлади ва жаҳоншумул шуҳрат қозонди.

Ислом оламининг Соҳибқирони, фан ва маданият ҳомийси Амир Темур ҳазратларининг Аҳмад Яссавийга муносабатлари ҳақида жуда қизиқ маълумотлар мавжуд. Баъзан Олтин Ўрда хонлигини фатҳ этиб қайтаётган жаҳонгир Яссиди тўхтаган ва Хожа Аҳмад қабри устида мақбара қуришни амр этган дейилса, баъзи ривоятларда ҳарб

юришларида бир кеча тушларига он ҳазрат кириб безовта қилади, шундан кейин бу жойни обод қилишга киришадилар, тарзида баён этилади. Нима бўлганда ҳам Соҳибқирон ўзига пир деб тутган зотнинг руҳини шод қилишга жиддий киришгани аниқ. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»да ёзишча, мақбара қурилишига девонда ободончилик ишлари билан шуғулланувчи вазир Мавлоно Ubaydullo Sadrning шахсан ўзи мутасадди қилиб тайинланади. Тарҳини — кесими — 41 газ, айланаси — 130 газ, мусамман (саккиз қиррали юлдуз) шаклида бўлишини Соҳибқироннинг ўзи белгилаб берган, деб ёзади тарихчи. Махсус фармон билан вақф ерлар ажратилади, улардан келаётган даромадлардан қандай фойдаланиш белгилаб қўйилади. Тушумлар, асосан, таъмирлаш ишларига ва хизматкорлар маошига сарфланади. Амир Темур имзолаган вақфномада мақбарада фаолият кўрсатиш учун мутавалли, хатиб, 2 нафар қори (Қуръон тиловат қилувчи), мешкоб, фаррош ва 2 нафар боғбон бўлиши белгилаб қўйилган. Мазкур табаррук ҳужжат кираверишда ойна ичида турибди.

Албатта, иморатнинг ҳар томонлама бетакрор ва гўзал бўлиши мўлжалланган, гиштларга ишлатиладиган соз тупроқ 40 чақирим наридаги Саврон тепалигидан топилган, ўша жойда тайёрланган кирпичлар қўлма-қўл ташилган. Лойиҳаланган 35 хонанинг ҳар бири ўзига хос безатилган. Дошқозонхона ва мачит деворлари олтин суви билан жилоланган, ёнувчи тошчалар билан нақшланган. Ташқи деворга гўзал ва сирли безаклар чизилган. Бир қарашда Қуръон оятларини илғаб олиш қийин эмас. Шунингдек, ромб ёки тўртбурчак шаклидаги нақшлар ҳам маълум маънони англатувчи ёзувлар экан. Мутахассислар улардан баъзиларини ўқишга муяссар бўлишган. Жумладан, шимол тарафдаги девор сатҳига «Аллоҳ — Рабби, Муҳаммад — Наби», «Аллоҳу акбар», «Субҳон Аллоҳ» каби сўзлар ёзилган экан. Айни кунларда баъзи манбаларни қайта ўрганиш кўплаб усталарнинг исм-шарифларини аниқлаш имконини берган. Қурилишнинг бош меъмори — Хўжа Ҳасан Шерозий, дошқозоннинг устаси — Абдулазиз ибн Шарафиддин Табризий, шамдонлар Изуддин ибн Тожиддин

лойихаси асосида қуйилган бўлса, хилхонадаги фил суяклари ва анъанавий безаклар билан жилоланган эшикларни уста Сафар ясаган.

Афсуски, Яссавий мақбарасининг қурилиши битмай қолган. Кейинчалик ҳам бу иморат бошидан оғир савдолар ўтди. 1864 йилги чор босқини даврида унинг пештоқига II та снаряд тушиб зарарланади. Орадан 6 йил ўтгач, ҳатто бузиб ташлаш ҳақида фармон чиқди. Хайрият, эзгулик тантана қилиб, бу кўргилик рўй бермади. 1872 йилда дастлабки таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу «таъмирлаш» ичкаридаги рангли нақшларни, қимматбаҳо тошчаларни кўчириб ташлаб, сидирға оқлаш ва чиқиндилардан тозалаш бўлди. Хуллас, маҳобатда Оқсарой ва Бибихонимга монанд бу иморат неча сиру синоатларни ўтказиб, бизнинг кунларимизгача етиб келди. Икки хил либос кийган юпун ҳолидаги бу мўъжиза меҳр-шафқатга муҳтож. Уни, азалий миллий қиёфасини сақлаган ҳолда бошдан-охир таъмирлаб, муқаддас зиёратгоҳга айлантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Бир вақтлар мавқеи ислом дини пайдо бўлган жойлар билан тенглаштирилган муқаддас масканга муносабатни араблардан ўргансак ёмон бўлмайди. Улар Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадаги ҳар бир ашёни қандай асрашини миллионлаб сайёҳлар ва ҳаж сафарига борувчилар кўриб келишяпти.

Аҳмад Яссавий мақбараси икки буюк зот — шоир Хожа Аҳмад ва соҳибқирон Амир Темурни руҳан ва жисмонан бирлаштириб турувчи табаррук обида. У шу табарруклиги даражасида эъзозланмоғи шарт.

1993 йил, январь

МАНГУ УСТУВОР ҲАҚИҚАТ

Ҳозирги кунларимизнинг моҳияти нималарда зуҳур бўлмоқда? Албатта, мазкур саволга тўла жавоб бериш дабдурустдан қийин, бироқ бир нарса аниқ: руҳий уйғониш бошланди. Гарчи бу ибора содда ва сиқик бўлса-да, улкан тарихий ўзгаришни ифодалайди. Табиий, уйғониш осон эмас, унинг азоблари бор, аммо кўз олдини тўсиб

турган қора парданинг кўтарилиб, онг ва зеҳнларни қамраб турган кўланканинг тарқай бошлагани — катта муваффақият. Ана шундай пайтда чўнг ҳақиқатлар, буюк кўтарилишлар, миллатнинг гуллаган ўтмиши ҳақида бор овоз билан, ҳайқириб гапириш керак, токи тош қотган қулоқлар очилиб, гунг забонлар тилга кирсин.

Минг бир эҳтиром ва ихлос ила яна ҳазрат Соҳибқироннинг муборак исмини дарж этарканман, кўз олдимда улкан бир қоя, чўққи гавдаланаверади. Туронзаминдаги қавмларни неча юз йиллар аробаси неча юз чақиримлар нарига олиб кетмасин, бу улусни неча афъюнлар билан бошини айлантирмасинлар, тўпларга ем қилиб, лошини узоқ-узоқларга ирғитмасинлар, биз ўша қоядан — чўққидан нарига кета олмас эканмиз. Юз бурсак, орқамиздан таъқиб қилади, тикилсак, бағрига чорлайди. Бу тилсимот — Темурийлар ва мазкур сулоланинг асосчиси улуғ Амир Темурдир. Ҳозирги кунларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, бир гапни зўриқмай, кучанмай, балки «Отамни соғиндим» дегандаги юрак дарди, «Бизлар буюкликка дахлдормиз» дегандаги ички ифтихор билан оҳиста айтсак бўлади: «Амир Темурни ўрганиш керак». Бусиз маърифатли одам бўлиш, бусиз ҳаётни тушуниш мумкин эмас. Буюк Амир Темурсиз бизнинг тарихимиз етим, ўтмишимиз қоронғу, осмонимиз — тунд, заминимиз — шукуҳсиз. Негаки, ўзигача бўлган давр XIV—XV асрларнинг ўша фараҳли кунларида бутун борлиғи билан синтезланган (муҷассамлашган), кейинги даврнинг шакл-шамойили эса ўша фараҳли кунларда ҳомила бўлган. Амир Темур даҳоси инсониятнинг мазмунсиз ҳаётига жон бахш этган, дунёни сир-синоатга тўлдириб, бетимсол ибрат, сабоқ ва намуна қолдирган, тирикликнинг мақсад-моҳиятини кашф қилган мўъжизалардан бири...

«Чинакам эҳтиросларсиз ҳақиқатга эришиб бўлмайди», дейдилар файласуфлар. Мавзу қамрови қанчалик кенг, ҳаяжонларга исталганча ўрин бўлмасин, фикрни таҳлиллар, қиёслар, далиллар билан исботлашга нима етсин. Зеро, кўпинча Ақлга мурожаат қиладилар. Бу гал йирик тарихчи олим, фидойи инсон Бўрибой АҲМЕДОВни мусоҳабага таклиф қилдик.

— Ҳурматли Бўрибой ака! Сизнинг илмий жасоратингиз алоҳида бир мавзу. Агар муддаога ўтадиган бўлсак, илдизи теран ва бақувват дарахтнинг кўрки, салобати ҳам шунга мос бўлади, дейишади. Шу маънода олиб қаралса, туркий қавмнинг тарихи ва бугунги борлиғи нуфуз жиҳатдан бетимсол, ўзига хос. Бу эл даҳолари, буюклари сони ва ўрни жиҳатидан дунё мезонида ҳам салмоқли ўрин тутadi. Соҳибқирон Амир Темур туфайли эса биз унча-бунча халққа насиб этмаган бахтга сазовор бўлганмиз. Бироқ воқеалар уммонида қалқиб турган дунёда тоғлар бошини баъзан туман қоплаганидек, жаҳонгир бобомиз турли муносабатлар гирдобида умргузаронлик қилиб бизнинг кунларимизгача етиб келди. Амир Темурга турлича муносабатлар тарихи ва унинг сабабларини баён этиш билан суҳбатни бошласак.

— Жаҳондаги бошқа халқлар, масалан, араблар, форслар, ҳиндлар ва хитойлар сингари туркий халқларнинг ҳам катта тарихи, маданияти, дунё силсиласида ўзига яраша тутган ўрни бор. Туркий халқлар жуда катта чегарада — шимолда Олтой, Сибирдан то жанубда Мармар ва Ўрта Ер денгизлари, Ҳиндиқуш тоғларигача, шарқда Хитой ва Мўғулистон ҳудудларидан ғарбда то Қофқоз орти ерларигача бўлган катта музофотда қадим-қадим замонлардан бери истиқомат қилиб келадилар. Ана шу жойларда улар катта-катта шаҳарлар бунёд этдилар, ўзларидан жаҳонга кўз-кўз қилса арзигудек маданий ва маънавий ёдгорликлар қолдирдилар. Мўғулистон, Сибирь, Қирғизистон ва Фарғона ҳудудларидан топилган ёдгорликлар турклар тарихи ҳам асрлар қаърига чуқур томир отганидан гувоҳлик беради. Муҳими шундаки, улар қадимдан мустақил давлат бўлиб келганлар. Масалан, туркларнинг Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ҳазнавийлар, Салжуқийлар, Жўжи улуси, Чигатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар каби жаҳонга доғруғи кетган давлатлари бўлган. Абу Наср Форобий, Хожа Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Хусрав Деҳлавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ва Шайбонийхон сингари жуда кўп даҳолар шу туркий халқлар орасидан етишиб чиққан.

Лекин туркий халқларнинг тақдири бир қадар бош-қача бўлди. Улар хитойлар, ҳиндлар, инглизлар, французлар, олмонлар ва русларга ўхшаб миллий бирлигини сақлаб қололмадилар. Тўғри, Кичик Осиёдаги турклар XVI асрда мустақил давлат бўлиб олдилар, миллий мустақиллигини сақлаб қолдилар. Сибирь, Олтой ва Шарқий Туркистондаги турклар эса XVI, XVIII асрларда Русия билан Хитойнинг тасарруфига тушиб қолдилар. Ўрта Осиё билан Қозоғистонда истиқомат қилиб турган туркийзабон халқлар эса ўзаро феодал курашлар оқибатида XVI аср бошида аввал икки давлатга — Бухоро ва Хива хонликларига ажралиб кетдилар. XVIII аср бошида (1709 й.) Фарғона ўлкаси Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб чиқди. Бу давлат ўзини Қўқон хонлиги деб эълон қилди. «Бўлинганни — бўри ер!» деб бежиз айтишмаган эканлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳар учала хонликни Русия империяси босиб олди. Кейинчалик бундан ҳам баттар бўлди. Асримизнинг 20-йиллари ўрталарида большевой ҳукмдорлар Ўрта Осиё билан Қозоғистонни беш бўлак қилиб ташладилар. Бу бўлакларга Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон республикаси деб от қўйдилар. Шундай қилинганда уларни идора қилиш осон бўларди-да!

Мустамлакачиликнинг ўзига яраша қонун-қоидаси, сиёсати бўлади. Мустамлакачи давлат деб аталмиш эзиш машинаси фақат милтиқ ва замбаракнинг кучи билан халқни, миллатни итоатда тутиб туrolмайди. Бунинг учун ўша халқни дину эътиқодидан, тариху маданиятидан маҳрум қилиш зарур бўлади. Етук зиёлисини миллатчи, халқ душманига чиқариб, маҳв этиб ташлаш керак. Мустамлакачилар Туркистонда шунақа сиёсат юргиздилар. Оқибати бугун ҳаммага маълум. Биз туркийзабон халқлар тарихимиз, тилимиз, миллий маданиятимиз ва қадриятларимиздан тамоман ажраб қолишимизга бир баҳя қолди. Яқин-яқинларда ҳам Амир Темурни, Аҳмад Яссавийни, Навоийни, Бобурни ҳар на деб бадном қилиб келдик. Сабаби маълум: охир-оқибат тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиздан воз кечиб, чор босқинчиларини қабул қилишимиз керак эди.

СССР деган давлат парчалангач, унинг таркибига кирган республикалар, шулар қатори Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ҳам миллий мустақиллик ва истиқлол йўлига ўтиб олдилар. Лекин бу ҳали том маъноси билан тўла мустақиллик эмас. Бунинг учун ҳали кўп курашишга тўғри келади. Биринчи галда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари бирлашиши керак. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг шу йил 3—4 январь кунлари Тошкентда йиғилишиб, Марказий Осиё иттифоқини барпо этиш тўғрисида қабул қилган қарори ўз вақтида қилинган муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Тарих орқага қайтарилмайди, лекин эски сиёсат такрорланиб қолиши мумкин. Сабаби — гегемон мамлакатларда улуғ давлатчилик кайфияти ҳали йўқолиб кетганича йўқ. Шундай сиёсат юргизмоқчи бўлганлар эса ҳали бор. Уларнинг шарпаси аҳён-аҳёнда эшитилиб турибди.

— Сухбатимизга қайтиб, чет элларда Амир Темур шахсига муносабатни эслаб ўтсак...

— Амир Темур — буюк тарихий шахс. Йирик давлат арбоби, моҳир саркарда. Шу боисдан ҳам унинг тарихда, хусусан Туркистон халқлари тарихида тутган ўрни ва роли бениҳоят катта. Бу бугун кўпчилик олимлар, хусусан Фарб тарихчилари эътироф этган ҳақиқат. Фарбдан сўз кетганда далилларга мурожаат қилайлик. Маълумки, Амир Темур шу пайтгача ўз юртида қадр-эътибор топмади — замонасозлик туфайли уни тупроқ билан тенг қилиб келдик. Фарбда эса Амир Темурга муносабат тамом бошқача бўлди. Буни, энг аввало, Соҳибқироннинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган ва ўша узоқ юртларда нашр этилган китоблардан ҳам билса бўлади. Бундай китоблар Европа мамлакатларида XV асрдан бери мунтазам чиқиб турибди. Форест (1543), Перондино (1553) ва Мексия (1564)нинг «Буюк Темур» деган китоблари, Сильвестр де Саси, Шармуа, Элайес-Фармер, Мигнапелли, Феридунбей ва яна ўнлаб бошқа шарқшунос ва тарихчи олимларнинг Соҳибқиронга аталган асарлари шулар жумласидан. Фақат кейинги беш йил ичида Амир Темур ҳақида Франция, АҚШ ва Олмонияда бешта катта китоб чоп этилди. Мен бу ерда француз олимлари Лусьен

Керэн, Жан Поль Ру, америкалик шарқшунослар Беатрица Форбес, Манз Жон Вудс ва машхур немис олими Генри Рёмерларнинг китобларини назарда тутаётиман. Яна бир муҳим далил — Европа мамлакатларида XVI асрдаёқ Амир Темури ҳақида сахна асарлари яратилди. Улуғ инглиз драматурги, Шекспирнинг замондоши Кристофор Морлонинг «Буюк Темури» асари ўша пайтдаёқ Қирол театрида сахналаштирилган эди. Франция ҳайкалтарошлари эса Амир Темурининг олтиндан ҳайкалчасини яратдилар. Бизда-чи?

— Марҳум СССРда бунинг бутунлай тескараси бўлган лигига ҳаммамиз гувоҳ. Сталиннинг ўзи «СССР тарихи» дарслигидан «Темур давлати» деган бўлимни олдириб ташлагани ҳам бор гап. Бир гурунгда шундай латифаном вақеа эсланди: БМТнинг йиғилишларидан бирига борган А. Косигиндан (у СССР Министрлар Советининг раиси бўлган) қандайдир вақеа муносабати билан (балки Самарқанднинг 2500 йиллиги арафасида) «Сизларда Темурга муносабат қандай?» деб сўраб қолишибди. Мамлакатимиз (!) ҳукуматининг бошлиғи Амир Темурининг номини ҳам эшитмаган экан(!), довдираб қолиб «яхши» деб юборибди. Кейин Москвага, КПСС МКга телефон қилиб, «қандайдир Темур ҳақида» сўрашганини етказди. У маҳкама СССР Фанлар академиясига Темур ҳақидаги маълумотлар тўплашни топширади. Ўз навбатида бу топшириқ Тошкентга берилади. Буни илтифот деб тушунган бизнинг раҳбарларимиз: «Биз томонга ҳам илиқ шамоллар эсиб қолибди», деганча қувониб ишга киришиб кетадилар. Қўлёзмалар жамланади, манбалар ўрганила бошланади. Ҳатто академик Иброҳим Мўминов «Амир Темур ва унинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни» деган рисоласини эълон қилади. Оқибати эса маълум. «Аҳмоқнинг ақли тушдан кейин киради» дегандек, гап нимадалигини билган «юқори» ҳамма нарсани тақиқлайди, олимларимизнинг бошига кўплаб шўришлар тушади. Мана шу далилнинг ўзиёқ кўп нарсаларни тушуниб олишга ёрдам беради. Мустамлакачилар бизнинг улуғ бобокалонимизни таниб, гуруримиз уйғониб қолишидан ўлгудек қўрққанлар. Бизни мудом бошимизни эгиб, қўлларча меҳнат қилишга маж-

бурлаганлар, шунинг чораларини кўрганлар. Хўш, энди муносабат ўзгардимиз, бу борада қилинаётган қандай хайрли ишларни таъкидлаб ўтишни истардингиз?

— Яна уч йил ўтгандан кейин 1996 йилда Амир Темурнинг таваллуд топганлиги (1336 йил 9 апрель)га 660 йил бўлади. Мазкур катта байрамга тайёргарлик бошланганига анча бўлди. Бунга, шубҳасиз, Соҳибқироннинг ҳамюртлари — қашқадарёликлар жиддий тайёргарлик кўраётибди. Соҳибқирон асли шаҳрисабзлик. Шу кўҳна шаҳарга қарашли Хожа Илғор қишлоғида (бу қишлоқ ҳозир Яккабоғ тумани ҳудудида) таваллуд топганлар. Ишончли манбаларда, Соҳибқиронга узоқ-яқин замондош бўлган Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ ва Фасиҳ Аҳмад Хавофийларнинг китобларида шундай деб кўрсатилган.

Албатта, муносабат ҳақида бирор гап айтишдан олдин Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилинганига жуда оз вақт бўлганини назарда тутиш керак. Икки йил кўҳна тарих учун бир сониядек фурсат. Аммо узоқни кўзлаб хайрли ишлар қилиняпти. Президентимиз Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси Раиси сифатида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорга имзо чекканлари кишида умид уйғотади.

Маълумки, эътиқод юракдан бўлса, уни ҳар қандай таъкибу тазйиқ йўқота олмайди. Ўша тоталитар тузум шароитида ҳам Соҳибқироннинг чинакам мухлислари меҳрларини дариғ тутганлари, чўчиб, қараб ўтирганлари йўқ. Фикримизнинг исботи — қисқа давр ичида Амир Темур ҳақида кўплаб китоблар нашр этилди, асарлар ёзилди. Бу 1—2 йилнинг маҳсули эмас, узоқ тайёргарлик самараси. Марҳум профессор Очил Тоғай анча олдин Клавихо ва Вамберининг Амир Темур ҳақидаги мемуарларини илк бор ўзбекчалаштирган эди. Олим ва таржимон Убайдулло Уватов бир неча йил олдин услуби жуда мураккаб, ҳали бирон тилга тўла таржима қилинмаган Ибн Арабшоҳнинг китобини тилимизга ўтириб, изоҳлар билан тайёрлаб нашр қилдирди. «Туркистон» газетаси қошида «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедиция ташкил бўлиб, фаолият бошлади. Бу фидойи жамоа Шаҳрисабз (1991) ва Туркистон (1992) йўналишларида

сафарда бўлиб, жуда улуғ ишларни амалга оширишди. Поён Равшановнинг саъй-ҳаракати билан 1990 йилда мулла Салоҳиддин қори Тошкандийнинг нақл-ривоятлар асосида ёзган ва 1894 йили чоп этилган «Темурнома» асари халқимиз мулкига айланди. 1992 йили ҳазрати Соҳибқироннинг таваллуд кунлари илк марта оммавий равишда нишонланди. «Амир Темур» маърифий жамияти тузилди. Яқинда Амир Темурнинг ўзи тартиб берган таржимаи ҳоли «Зафар йўли» номи билан китоб қилиб чиқарилди. Матбуотда, радио-телевидениеда кўплаб мақолалар, чиқишлар эълон қилинди. Албатта, булар ҳали жуда кам, катта ишнинг бошланиши, холос. Олдинда жуда улуғ режалар бор, катта ишлар кутмоқда. Биз ғайрат камарини белга маҳкам боғлаб, тайёр бўлиб туришимиз керак, токи мустақил мамлакатимизда бобокалонимиз етарлича иззат-эътибор топсин.

— Жаҳон киноюлдузлари иштирокида кўп серияли фильм ишланади, деб эшитган эдик.

— Эшитганингиз рост, Ҳакимжон. Амир Темур ҳақида кўп серияли фильм яратиш ҳаракати бундан тўрт-беш йил муқаддам — 1988-89 йиллари бошланган. Бу мушкул, лекин хайрли ишга кинорежиссёр Али Ҳамроев бел боғлади ва италиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишга тушди. Ҳар қандай фильмнинг муваффақияти, авваламбор, сценарийнинг савиясига боғлиқ. Агар уни билган ва тажрибали одам ёзган бўлса, фильм яхши чиқади, уни томошабин қабул қилади, акс ҳолда ундай фильмнинг умри қисқа бўлади. «Амир Темур» фильмининг сценарийси (уни Али Ҳамроевнинг ўзи олмониялик кинорежиссёр Фридрих Горнштейн ва италиялик Анжело де Жента билан ҳамкорликда ёзган) дастлаб муваффақиятсиз чиқди чамаси, чунки олимлар ва мутахассисларнинг муҳокамасидан ўтмади. Ўшанда мен республика ҳукуматининг қарори билан бош илмий маслаҳатчи этиб тайинландим. Биз Али Ҳамроев ва фильм муҳаррири Х. Булгаков билан сценарийни бир неча бор қараб чиқдик ва унга жиддий тузатишлар киритдик. Фильмни суратга олса бўладиган эди. Лекин шундан бери қарийб икки йил вақт ўтди, бироқ ҳали ишга киришилганича йўқ.

— Аҳмад Югнакий бобомиз «Буюкларга ўзингни ула» деб ёзган эканлар. Бизнинг тарбия усулимизда ҳам улуғлар, пирлар, устозларга қуллуқ қилиш, уларнинг хизматида бўлиш алоҳида таъкидланганки, бу беҳуда гап эмас. Агар ихлос билан яхши одам яшаётган кўчадан ўтса ҳам кишида бирор эзгулик пайдо бўлар экан. Шахсий кечинмаларни баён этсам, Соҳибқирон бобокалонимиз излари бўйлаб икки дафъа ҳам сафарда бўлдим. Орттирганим шуки, мунаввар бир оламда яшайсиз, руҳ — тоза, гурур — уйғоқ, қалб — сахий. Яна шуниси борки, ўзингни қандайдир илоҳий куч ҳимоясида ҳис қиласан, шу билан бирга улуғ бир тилсимот олдида жавобгарсан, масъулсан. Бундай туйғулар, шубҳасиз, кишини бемисл даражада улғайтиради, куч бағишлайди. «Ҳар бир муслим ўзига ёққан нарсани бошқа муслимга раво кўрсин», дейилади муборак ҳадисларда. Шунга кўра мен бутун миллатдошларимни ана шундай эътиқодга даъват этаман. Бундай эътиқод, албатта, амалий ишларда воқеъ бўлиши лозим. Ҳурматли устоз, энди бу борадаги жами эзгуликларни ўзида жамлашга интилаётган «Амир Темур маърифий жамияти» хусусида фикр юритсангиз.

— Кўриб турибсиз, Темур ва Темурийлар даври тарихи баъзи сабабларга кўра яхши ўрганилмай қолди. Ваҳоланки, бу давр, яъни XV аср Туркистон халқлари тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу даврда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан ва маданият мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Муҳими, бу тарих биргина Темур ва авлодларининггина тарихи эмас, балки биринчи навбатда икки азим дарё — Ўқуз (Амударё) ва Инжу Ўқуз (Сирдарё) оралиғида ва ўша дарёларнинг теварак-атрофида истиқомат қилган халқлар тарихидир. Сирасини айтганда, биз, тарихчи олимлар, Амир Темур, унинг авлоди ва даври тарихини ёзиб беришимиз, ҳеч бўлмаса бир қисмини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, халқимизга етказишимиз керак. Ундан ташқари, Темур ва Темурийлар даврида яратилган амалий санъат асарлари ва халқ ҳунармандчилиги буюмлари (манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўтмишда Туркистон заминида ҳунармандчиликнинг 100 га яқин тури мавжуд бўлган)нинг жуда кўп

турлари йўқолиб кетган; кўп меъморчилик ёдгорликлари нураб, йўқ бўлар даражасига етиб қолган. Биз, олимлар ана шу санъат асарлари ва ҳунармандчилик турларини тиклашда мутахассисларга илмий маслаҳатлар бериш, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда баҳоли қудрат иштирок этишимиз керак. Шу катта ва савобли ишда фаол иштирок этиш мақсадида бир гуруҳ зиёлилар: олимлар, ёзувчилар, рассомлар, журналистлар ва ўқитувчилар 1992 йилнинг 17 майида «Амир Темури маърифий жамияти»ни тузди. Республика Адлия вазирлиги мазкур жамиятни рўйхатга олди.

Хулласи калом, яхши ният билан катта ишга қўл урганмиз. Амир Темури маърифий жамияти Темури ва Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш, халқ орасида кенг тарғиб қилиш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин. Фақат олийҳиммат одамлар бизни моддий жиҳатдан бир оз қўллаб-қувватлаб юборсалар, бас.

* * *

«Амир Темури маърифий жамияти»нинг тузилиши катта мақсад йўлидаги дастлабки қадамлардан. Соҳибқирон ўтган йўллар бўйлаб ҳаракат қилувчи экспедиция ҳам ўз тадбирларини мазкур жамият билан ҳамкорликда амалга оширмакда. Шуниси қувончлики, бундай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватловчилар тобора кўпаймакда.

Ўтмишимизни безаб, келажагимизга шуъла сочиб турган буюк воқелик олдида турибмиз. Чўққи сари очилган сўқмоқлар ўчган чироқларни ёқади, қуриган булоқлар кўзини очади. Буюк бобокалонимиз Амир Темури ўз халқига қайтади. У кунлар узоқ эмас.

1993 йил, январь

ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДАГИ ЁДГОРЛИК

Тарихнинг ўлмас ҳақиқатлари турли хил муносабатлар чиғиригидан ўтиб, яшашга ҳукм қилинганга ўхшайди. Қолаверса, йилларнинг бундай шафқатсиз синови

ёлғондан ростни, яхшидан ёмонни ажратиб олишда маҳак тоши бўлиб хизмат қиларкан. Орадан олти аср ўтгач, Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак номи тилларда ўзгача меҳр ва самимият билан зикр қилинаётган экан, бу ҳол тақдирнинг тасодифий инояти эмас, балки қонуний, адолатли муносабат эканини яна бир марта таъкидлашга тўғри келади. Албатта, ўтган 600 йил ўз равиши билан кечган, табиийки, бу даврларда Темур ва Темурийларга қарашлар ҳам турлича бўлган. Узоққа бормай кечаги кунларимизни эсласак кифоя. Шўро замонида юзага келган тақиқларнинг илдизи қаёқда? Шубҳасиз, бу саволга дабдурустдан жавоб бериш қийин. У жиддий таҳлил ва талқиқотларни талаб этади.

Ўша даврнинг хотираларида қайд қилинишича, 40-йилларнинг бошида Москва Гўримири хилхонаси билан қизиқиб қолади. Албатта, ғоянинг муаллифи ким, қандай вазифа кўзда тутилгани ҳақида аниқ гап айтиш қийин, бироқ улар гўрларда қимматбаҳо бойликлар яширинган бўлиши мумкинлигини, ҳатто уларда ростдан ҳам жасадлар дафн этилганлигига шубҳа қилиб, аксинча бўлса, дафн қилиш қайси урф-одатга асослангани, марҳумларнинг миллати ва қиёфаларини аниқлашни мақсад қилиб, қабрларни очиб кўришга жаҳд қиладилар. 1941 йил бошларида Самарқандга махсус комиссия келиб, икки ҳафта давомида аҳволни ўрганadi. Масала ЎзКП МК бюросида кўрилади ва қабрларни очишга қарор қилинади. Т. Қори-Ниёзий раислигида турли соҳа олимлари — Л. Ошанин, А. Семёнов, М. Герасимов, В. Шишкин, Ҳ. Зариповдан иборат комиссия тузилади. Улар 16 июнда иш бошлашади. Амир Темур, Мироншоҳ, Шоҳруҳ, Муҳаммад Султон, Улуғбекнинг қабрлари очилади. 22 июнда уруш бошланади. Жасад қолдиқларини Москвага олиб кетиш режаси амалга ошмайди. Комиссия 24 июнда Тошкентга қайтиб келади, яшиқларга жойланган суякларни ўша пайтда «Эски ва санъат ёдгорликларини сақлаш комитети» деб юритилган, ҳозирда «Ёдгорлик» жамияти жойлашган бинонинг омборларига топширишади. Олимлар мўлжаллаган ишларини чала-чулпа бажариб, суяк қолдиқларини

1942 йил августда қайта дафн этадилар. Бу иш қандай тартибда амалга оширилганини ҳеч ким билмайди.

Қолаверса, ҳар биримизнинг Амир Темурни танишимиз турли зиддиятлар билан кечган. Жумладан, тоталитар тузум шароитида яшаган зиёлилар учун бу жараён яна ҳам мураккаб бўлган. Ўша кунларнинг жонли гувоҳларидан бири — Н.А. Муҳитдинов шундай эслайди:

— Катта бобом маърифатли одам бўлиб, «Зафарнома»-ни ўқиган, унинг мазмунини ўғли — бобомга айтиб берган. Қиш кечалари танчада ўтириб, бобом, бувим менга турли-туман эртақлар сўзлаб беришар, эртасига билимимни имтиҳон қилишарди. Ана шунда илк марта ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур билан «танишганман». Кейинчалик бу улуғ зотга у ёки бу маънода дуч келавердим.

1946 йилда фронтдан қайтиб, Марказқўмда лектор бўлиб ишлай бошладим. Хизмат сафари билан Қашқадарёга бордим-да, зиёлилар ҳузурида совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабаси ҳақида эҳтирос билан маъруза ўқидим. Савол-жавоб бошланганда кимдир дабдурустдан «Сиз лашкарбошилар ҳақида яхши маълумотлар бердингиз, аммо Амир Темур деган буюк жаҳонгир ўтганини биласизми?» деб сўраб қолди. Саволга боболаримдан эшитганларим асосида нари-бери жавоб бердим-у, бу ҳақда кўп нарса билмаслигимни сезиб қолдим. Тошкентга қайтгач, «Амир Темурни анча яхши билади», деб эътироф этилган Т. Қори-Ниёзийнинг ҳузурига бориб (у ўшанда республика Фанлар академиясининг президенти эди), анча суҳбатлашдим. Тошмуҳаммад Ниёзович бир нарсадан жуда афсусланди. «Ҳаётимда балки хатоларим бўлгандир, — деганди Қори ака, — лекин уларнинг энг каттаси комиссия раиси бўлиб Гўримидаги қабрларни очишга бош қўшганим. Руҳим ўзимда йўқ. Тушларимга ҳам кириб чиқади».

Амир Темур ҳақидаги учинчи муаллимим Садриддин Айний бўлган. 1952 йилда Самарқанд обкоми саркотиби телефон қилиб, Айний домла оғриб қолганларини, мени сўраётганларини айтиб қолди. Икки врачни ёнимга олиб бордим. Аҳволлашдим. Суҳбатимиз кўр олиб кетди. Айний

бағоят ақли, донишманд одам экан. Мен кейинчалик Курчатов, Королев каби мислсиз ақл ва тафаккур эгалари билан ҳам мулоқотда бўлдим, лекин ўшанда Айний домланинг чуқур мулоҳазалари, теран билими олдида қойил қолганман. Икки-уч соатда қайтаман, деган одам икки кун қолиб кетганман. Шунда Айний Самарқанд тарихи, Темур ва Тумурийлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берган. У воқеликка фақат оқ ва қора ранг билан баҳо берадиган киши эмас эди. Аждодларимизнинг бемисл шуҳратлари ҳақида ҳам, империянинг емирилиши сабаблари тўғрисида ҳам андиша билан мулоҳаза юритган.

Шўро тартиблари ҳамма ишни ими-жимиди, сопини ўзидан чиқариб ҳал қиларди. Эндиликда колониал тузум шароитида халқларни ўз тарихидан маҳрум қилиш не учун кераклиги очиқ айтилмоқда. Жумладан, Темур ва Тумурийлар ҳам қатағонга, ҳатто бошқалардан кўра қаттиқ қатағонга дучор бўлдики, бу ҳолнинг сабаблари маълум. Ҳар ҳолда ҳақиқатни қарор топтириш, одамларга бор гапни айтиш учун ҳаракатлар бўлган.

1957 йилда бу масалани кун тартибига жиддий қўйишга ҳаракат қилинган. Ўшанда шахсга сифиниш оқибатларини тугатиш ҳақидаги қарор чиққан, турмушда бир оз рўшнолик бошланган эди. 1956 йили Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи қурултойини тайёрлашга киришилди. Унда, жумладан, Сталин қатағонларига муносабат ҳам кўриб чиқиши керак эди. 30-йиллари Ўзбекистондан 40 минг киши таъқибга учраган, шундан бир неча минги отилган эди. Бюро йиғилишида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратни оқлаш масаласи анча тортишувлар билан маъқулланганди. Навбат Амир Темурга келди. Бу жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Бюро аъзоларининг кўпчилиги маъқулламади. Москвадан ташриф буюрган Поликарпов (МК да бўлим мудири) ва Михайлов (министр) ҳам олдин тилга олинган шахслар республика миқёсидаги кишилар эканини, Темурни эса дунё билишини ва унга юқорининг фикрини олиш шартлигини уқтириб, алоҳида кўриб чиқишни таклиф қилишди. Шундай қилиб, Амир Темур ҳақидаги фикр маърузага қўшилмади. Масала очиқ қолди. Сўнг Ҳабиб Абдуллаев, Ибро-

ҳим Мўминов, Ҳамид Сулаймон, Шайхзода, Толстов, Ҳ. Турсунов, М. Мусаевлар билан биргаликда ҳар томонлама муҳокама қилиб, Соҳибқиронни таърифлаб, 3,5 бетлик хат тайёрлаб Москвага юборилди. Навбатдаги йиғилишда Никита Хрущёв мамлакатнинг олий даражали арконларига қарата: «Мана бу ўзбекларнинг хатини ўқиб чиқдингларми?» — деб мурожаат қилган-да:

— Улар ўз аждоди Темурни оқлаш масаласини қўйяпти? — деб давом этган. Сўнг:

— Уларга шу нимага керак? Ўзи аллақачон ўлиб кетган экан. Балки уларнинг тасаввурлари бўйича жаннатда юргандир? — деб қўшиб қўйган. Шунда Ўзбекистон вакиллари «Одамлар Македонский, Наполеон ёки Пётрни билишади, шулардан хабардор, ҳалқимиз эса Темур ҳақидаги аниқ ҳақиқатни билмайди. Хўш, уни ўрганишнинг нимаси ёмон», қабилда фикр юритиб, даъволарини исботлашга уринган. Муҳокама жиддий тортишувга айланиб кетиб, охирида Хрущёв: «Тошкентга бориб яна батафсилроқ маълумотлар тўплаб, жўнатишлар», деб топшириқ берган. Кейинги сафар Президиумдаги муҳокама тинчроқ ўтади. Бироз ён бергандек бўлишиб, «Тадбирларни ўзларингча ўтказаверинглар, яқинда бир шахсга сифинишдан қутулиб, энди иккинчи жабҳани очмайлик. Ҳозирча Иттифоқ, жаҳон миқёсида бирон нарса дейиш имкони йўқ», деган фикр билдирилади. Иброҳим Мўминов бошлиқ гуруҳ тузилади, ишлар бошланиб кетади. Улуғ олим Иброҳим Мўминовнинг вафоти ва бошқа сабабларга кўра ишлар яна тўхтаб қолади. Шу билан яна Амир Темур унутилади.

Одамлар орасида «Эрмитажнинг махсус залларида бобокалонимиз Амир Темурнинг шахсий буюмлари, унга тегишли нодир жиҳозлар сақланади ёки Испанияда Клавихо чизган сураатлар бор», деган гап юради. Бу масалада гувоҳларга мурожаат этдик.

— Шу заминда яратилган энг нодир ёдгорликлар, осори-атиқалар тўс-тўполон йиллари олиб чиқиб кетилгани ҳаммага аён. Бундай ашёлар Ватикан, Франция, Англия, Италиядаги музейларда сақланади. Иш шу даражага етганки, миллатнинг маънавий камолотини намоиш эта-

диган, тарихийлик жиҳатдан бебаҳо ашёларнинг сўнгги нусхаси ҳам йўқолган. Яқинда Хоразмда бўлганимизда зиёлиларнинг икки вакили билан суҳбатда ер юзидаги энг қадимги битиклардан ҳисобланмиш 2,5 минг йиллик тарихга эга бўлган хоразм, суғд ёзувларининг намуналари сақланган-сақланмаганлиги билан қизиқдик. Ҳеч ким тайинли гап айтмади, аслида, уларнинг бирор белгиси ҳам қолмаганга ўхшайди. Ҳолбуки, Еревандаги Матеодаран кутубхонасида бу ёзув намуналари имло қоидалари билан ҳамманинг кўзи тушадиган жойда, ойнанинг тагига бос-тириб қўйилган.

Қозоғистонлик қардошларимиз бир замонлар Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасидан Амир Темур махсус тайёрлатган қирқ қулоқли улкан қозон Ленинградга олиб кетилганини билгач, шу нодир ашёни қайтариб олишга астойдил киришишди. Тўрачилик замонида юқори поғонадаги раҳбарлар билан анча тортишишга тўғри келган. Эрмитажда бўлиб, музей маъмурияти билан алоҳида музокара ўтказилган. Шунда «олтин қутичада сақланаётган Соҳибқироннинг киприклари»га дуч келинмаган, бироқ қозон қайтарилиб, махсус эшелонда Туркистонга жўнатиб юборилган.

Туркистон шаҳридаги мақбаранинг тепасига чиқиб қаралса, Бойқўнғир космодроми, у ернинг ракеталар учириладиган жойидан эса мақбара кўриниб турар экан. Олимлар ҳам Туркистон — Бойқўнғир — Тўратом учбурчагини ер юзининг алоҳида ҳислатли жойларидан деб тан олишади. Бу ўринда шу манзилда макон тутган Аҳмад Яссавий ҳам, унинг қабри устига мақбара қурдирган Амир Темур ҳам кўп илмлардан хабардор одам бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Клавиho чизган суратлар ҳақида ҳам қизиқ гаплар бор. Испаниянинг жанубий вилоятлари — Андалузия, Валенсияга сафар қилган кишиларга мезбонлар буқалар жанги — корридони, тарихий жойларни, айниқса, Сервантес ва унинг қаҳрамони Дон Кихот билан боғлиқ манзилларни ифтихор билан кўрсатишади. Маълумки, Испания қиролининг элчиси Руи де Клавиho Гонзалес Темур саройида яшаган, Соҳибқироннинг ва малика Бибихонимнинг ил-

тифотиға сазовор бўлган европалик зот. Ўзи олим, дипломат, ҳарбий бўлган бу одам сафари давомида жуда кенг қамровли юмушларни адо этгани шундан ҳам кўринадики, қайтиб боргач, Испаниядан ташқари Франция, Италия, Англия, Голландия ҳукуматларининг олий мукофотларига сазовор бўлган. Бу борада гаплар кўп, асосли далилларсиз бирор нарса дейиш қийин. У умрининг охирида сирли одам бўлиб қолган, ички-ташқили каттакон темир сандиғи бўлиб, ундаги жиҳозларни ҳеч кимга кўрсатмаган экан. Уларда ҳақиқатан инсон қиёфаси туширилган расмлар сақланган. Маълумки, ислом одатларида одамнинг расмини чизиш қатъий тақиқланган. Клавихо Самарқандда бўлганида суратлар ҳам чизган бўлиши мумкин. У вафот этаётганда ҳам яқинларига сандиқни очмасликни, бўлмаса ундаги суратлар охиратда ундан ўз жонларини талаб қилишини таъкидлаган экан...

Самарқанддаги Ғўримири мақбараси, унга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар (жумладан, Лаъл Баҳодир Шастри) билан боғлиқ тафсилотлар ҳам қизиқарли. Хорижда яшаётган миллатдошларимиз ҳам Соҳибқирон номини қалбларининг тўрида эъзозлашар экан. Ҳақиқатан, Самарқанд Осиёнинг ўзига хос каъбаси ҳисобланади. Мамлакатимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлару расмий делегация аъзолари бу шаҳарга, албатта, ташриф буюрадилар, бетимсол ёдгорликларни зиёрат қиладилар. Бу анъана кўпдан буён давом этиб келяпти, унда жуда чуқур маъно яширинган.

Ҳиндистон мустақиллигининг олтинчи йилида Жавоҳарлаъл Неру қизи Индира Ганди билан Самарқандга келган. Ҳинд халқи истиқлолининг меъморларидан бири Ж. Неру Ғўримири иҳлос билан зиёрат қилади, расадхонани бориб кўради. Афросиёб тепалигига ташриф буюради. Регистонда бир неча минг кишилик шаҳар аҳли иштирок этган митингда қатнашиб, нутқ сўзлайди. Шундан кейинги суҳбат жараёнида йирик сиёсий арбоб ва олим Неру Амир Темур ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бормаган бўлса-да, буюк жаҳонгир ва унинг авлодлари инсоният маънавий ҳазинасига улкан ҳисса қўшгани ҳақиқат эканини эътироф этишини таъкидлаб ўтади. «Бобур ва

унинг фарзандлари Ҳумоюн, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Акбар, Аврангзеб Ҳиндистоннинг тараққиётида мислсиз роль ўйнадилар, улар нима яратган, қандай хайрли иш қилган бўлса, ҳинд тупроғида абадий қолди», деди Неру. Айниқса, қарийб 50 йил ҳукмронлик қилган Акбарнинг хизматлари унутилмасдир. «Амир Темур ва унинг авлодлари яратувчи, бунёдкор зотлар бўлишган», деган эди ўшанда олий мартабали меҳмон ишонч билан.

— Италиянинг Пули штатида катта халқаро кўргазмада иштирок этганман, — деб эслаганди ўша замоннинг таниқли арбобларидан бири. — Шу ерда ўзбекча либос кийиб, қўл қовуштириб турган кишиларга дуч келиб қолдим. Улар уч авлод — бобо, ота ва ўғил савдогарлар бўлиб, кўргазмаларда турли гиламлар намоиш этиб, унинг савдоси билан шуғулланишаркан. Идорасининг тепасига «Амир Темур ширкати» деб ўзбекча ёзиб қўйишибди. Албатта, хонадонларига таклиф қилишди. Одатларида ўзбекчиликнинг энг кичик унсуригача ҳам сақлашган. Улар ўзларини «Амир Темур авлодлари» деб аташаркан...

Чехославакиядан Венгрия орқали машинада қайтаётганимизда ҳамроҳлар бир қишлоқдан ўта туриб, «Сиз ўзбексиз, ўзбеклар юртига ташриф буюрмайсизми?» деб қолишди. Бир кўчадан бурилиб ичкарига кирсак, ҳақиқий ўзбекона маҳалла, оқсоқоли тўн, дўппи кийиб ўтирибди. Улар ҳам Амир Темур авлодларимиз, ота-бобомиз ўша суронли йилларда келиб қолишган, деб айтишди. Ватандан йироқда яшаб, қалбида миллат руҳини сақлаб келаётган пок ниятли, кўнгли тоза юртдошларимизни ҳам юбилей муносабати билан йўқлаб қўйсак яхши бўларди.

* * *

«Мен агар узоқроқни кўраётган бўлсам, бу кимнингдир елкасида турганимдан». Ҳар ҳолда бизда «узоқроқни кўриш» имкони бор. Ўтган кунларимиз тарихда беиз кетмаган. Қолаверса, кечаги тоталитар тузум, унинг камситувчи, хўрловчи тартибларини босиб ўтиб, бугунги истиқлол кунларига эришдик. Ҳар қандай шароитда ҳам миллий руҳнинг бардам яшагани, эртанги кунга умиднинг сўнмагани маънавиятимиз илдизларининг теранли-

гидан бўлса керак. Шубҳасиз, олти аср ўтиб тантана қилган ҳақиқат бугунги кунларимизни мунаввар этиб, келажакнинг ойдин йўлларида мангу ҳамроҳ бўлиб қолади.

1994 йил, ноябрь

ИСТИҚЛОЛ БАҲШ ЭТГАН ИЛҲОМ ТУҲФАСИ

Улуғ саркарда ва буюк давлат ароби, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан ўлкамизда қизгин тайёргарлик кечаётган бир пайтда академик Бўрибой АҲМЕДОВнинг «Амир Темур» асари босмадан чиқди. Илм аҳлига яхши таниш бўлган олимнинг кўплаб тадқиқотлари тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифаларини жамоатчиликка маълум қилишда биринчи қадамлардан бўлган. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида оммавий нусхада чоп этилган мазкур асар ҳам бу йўналишдаги илк уринишлардандир.

Албатта, ҳар бир йирик асар узоқ тайёргарлик маҳсули сифатида дунёга келади. Шу жиҳатдан мазкур китобнинг яратилиши ва унинг муаллифи таржимаи ҳолида мантиқий боғланиш мавжуд. Таниқли олим ижодий ва илмий фаолиятининг муҳим маҳсули бўлмиш «Амир Темур» асари юзасидан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Ҳурматли Бўрибой ака, мана, навбатдаги асарингиз ёруғлик юзини кўрди. Гарчи янги китоб қувончини биринчи марта кечирмаётган бўлсангиз-да, бу йирик асарга сўнгги нуқта қўйгач, қалбингиздан қандай ҳислар кечди?

— «Амир Темур» асарини бошда бадиа деб атаган эдим, чунки роман ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмаса керак. Хусусан, мен бу жанрда тажриба қилиб кўрмаганман. Асар қўлёзмаси билан муфассал танишгандан сўнг атоқли адибимиз Одил Ёқубов асарни тарихий роман деб аташни тавсия қилди. Лекин китоб шу жанр талабларига жавоб бериш-бермаслиги муштарийларга ҳавола. Бу — биринчидан, иккинчидан, «Амир Темур» менинг адабий

жанрда Мирзо Улугбек ҳақидаги эсседан кейин ёзган иккинчи асарим. Роман Темурдек буюк шахс ҳақида ўзбек тилида ёзилган биринчи китоб. Буюк ажлодимиз ҳақидаги асарни бақадри имкон ёзиб, уни нашр эттириш шарафига муяссар бўлганимдан қувончим чексиз.

Маълумки, Амир Темур мустамлака ва шўролар даврида қаттиқ қатағонга учраган шахс. Сирасини айтганда, тарихимиздаги бошқа сиймолар ҳам қораланган эди. Бой маданий меросимиз, ажойиб анъана ва урф-одатларимиз ҳам йўққа чиқарилганди. Мана, миллий истиқлол шарофати билан тарихимизни, илмий ва маданий меросимизни ўрганишга йўл очилди. Менинг асарим ҳам ана шу имконият натижасидир. Бироқ бу борада ҳали кўп ишлар қилишимизга тўғри келади. 1864 йилдан 1991 йилгача қарийб 130 йиллик тарихимиз ва қадриятларимизга етказилган зарар-зиённи бартараф этиш учун кўп йиллар керак бўлади.

— Бу асарни бутун илмий фаолиятингизнинг йиғма ҳосиласи деб баҳолаш мумкинми? У ҳажман анча катта. Ана шундай йирик асарнинг яратилиши ҳақида тўхталсангиз?

— Саволнинг биринчи қисмига изоҳ берадиган бўлсам, «Амир Темур» романи менинг фақат Амир Темур ва Темурийлар тарихи ҳамда маданиятини ўрганиш йўналишида кўп йиллардан бери олиб бораётган илмий изланишларимнинг бир йўналиши ва дастлабки натижаси, холос. Илмий фаолиятимда бундан бошқа яна уч йирик мавзуда — ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихи, тарихий ва адабий манбаларни ўрганиш ва чоп этиш, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятини таҳлил этиш йўналишларида ҳам қалам тебратиб келаман.

«Амир Темур» тарихий романининг яратилиш жараёнига келсак, бу — узундан-уzun қисса. Мен 38 йилдан бери Шарқ тилларида битилган тарихий манбалар — қўлёзма асарларни ўрганаман. Улар орасида Темур ва Темурийлар даври тарихига оидлари ҳам бир талай. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»си, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажо-

йиботлари»), Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ут-таворих» («Та-рихлар қаймоғи»), Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг учрашув ўрни ва икки денгизнинг қуйилиш жойи»), Мир Ховандшоҳнинг «Равзат ус-сафо» («Поклик боғи»), Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва аф-род ул-башар» («Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли»), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират аш-шуаро» («Шоирлар зикри») шулар жумласидан. Ана шу муборак манбалар шарофати туфайли Темур ва Теурий-лар даври билан танишиб, бу даврни ўрганишга бел боғладим. Афсуски, айна куч-қувватга тўлган пайтлари-миз таъқиблар замониға тўғри келиб қолди, бирон китоб ёзиш имконияти бўлмади. Шу ўринда бир муҳим гапни қайд этиб ўтмоқчиман.

1966 йили ёз кунларининг бирида Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриётининг директори Юнус Юсу-пов чақиртириб қолди. Борсам, у ёлғиз эмас экан. Ҳузу-рида профессор Х.Ш. Иноятов билан академия бош ил-мий котибининг ўринбосари Кабир Комиловлар бор экан. Юнус ака мендан Амир Темур ҳақида тўрт-беш босма табоқ ҳажмида ўзбек ва рус тилларида китоб ёзиб бери-шимни илтимос қилди. Худо ҳаққи, суюниб кетдим ва бел боғлаб ишга киришдим. Хайрият, Темурга ҳам навбат келибди, деб қувондим. Астойдил ишладим ва бир йил деганда унинг ўзбекчасини ёзиб тамомладим. Бироқ 1967 йилнинг куз пайтида бир куни кечқурун «Фан» нашри-ётининг бош муҳаррири ўринбосари Ҳабибулла Бектеми-ров бизникига кириб келди. Бир фурсат у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтирганимиздан кейин Ҳабибулла: «Бўрибой ака, сиз «Амир Темур» китобини ёзишдан фориғ бўлдингиз. Бу юмушни катта домланинг ўзи бажарадиган бўлди», — деди. Ростини айтсам, бошида хафа бўлдим. Ҳабибулла кайфи-ятимни англаб, мени овунтирди: «Шундай бўлгани яхши, ака. Катта домланинг тағи мустаҳкам, унга тегишмасалар керак. Сизнинг бўлса ҳеч кимингиз йўқ. Белингизни бу-киб қўйишлари мумкин». Афсуски, замон носоз экан. Иброҳим Мўминов Темур ҳақида икки босма табоқ ҳаж-мида бир рисола ёзиб, 1968 йили чоп эттирди. Лекин

марксизм-ленинизм ғоясининг бандалари ул улуг зотнинг бошига кўп савдолар солишди.

— Баъзан киши бир ишга каттиқ киришиб кетса, тушларида ҳам ана шу ташвиш билан яшайди, дейишади.

— Гапигиз тўғри. Амир Темури ҳақида ёзиш жараёнида менда ҳам шунақа кайфият бўлди. Тўғриси айтсам, асар устида ишлаган йилларим ётганда ҳам, турганда ҳам, юрганда ҳам шу ташвиш билан яшадим. Темури — улуг, мураккаб шахс. Даври ҳам анча чигал ва зиддиятли. Буларнинг ҳаммасини қоғозга тушириш, воқеаларга тўғри ёндошиш, уни ҳаққоний акс эттириш осон иш эмас, аслида. Мен кўпроқ шундан чўчидим. Булар қўлимдан келармикин, бундай ишни удалай олармиканман, деган андиша бир зум ҳаёлимни тарк этгани йўқ. Шу саволлар баъзан ўйлантириб қўяди...

— Романда қўзлаган мақсадингизга тўла эришдингизми?

— Йўқ, албатта. Биринчидан, Ватикан ва Европа давлатларининг ташқи сиёсати очилмай қолди. Ваҳоланки, Ватикан ва Европа давлатлари: Венеция, Испания, Франция ва Англия Амир Темури билан Боязид Йилдирим муносабатларида, хусусан, уларнинг уришиб қолишларида катта роль ўйнадилар. Улар бу билан икки ютуқни қўлга киритдилар: биринчидан, Европанинг катта қисми қудратли турк армияси томонидан босиб олинишининг олдини олдилар; иккинчидан, Амир Темури билан Боязидни уриштириб қўйиб, икки қудратли турк давлатини кучсизлантиришга эришдилар. Бу икки омил эса Европа давлатларининг Шарқ мамлакатларига кириб олишига йўл очди. Масалани пухта ўрганиш керак эди. Хусусан, Темури билан Венеция, Испания, Франция, Англия подшоҳлари ўртасида олиб борилган ёзишмаларни кўриб чиқиш, ўша вақтларда Европада бу ҳақда битилган асарларнинг асосийлари, ҳеч бўлмаганда Ж. Деловиланинг «Европа давлатларининг Туркияга қарши салб юришлари», Сильвестре де Сасининг «Мироншоҳнинг Франция ва христиан мамлакатлари подшоҳлари билан ёзишмалари» ҳақидаги асари, Марина Санудонинг «Венеция дождларининг ҳаёти», архиепископ Иоаннинг Темурнинг ҳаётига бағишланган

муҳим китоблари билан батафсил танишиб чиқиш зарур эди. Иккинчидан, асарда баён этилган ҳамма воқеалар ҳам тўла очиб берилган деб айтолмайман. Кўпгина ҳодисалар, тарихий жараёнлар шунчаки қайд этиб ўтилган, холос.

— Китобхонлар бу муборак мавзуда яна қандай асарларингизни ўқишлари мумкин?

— Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданияти кўп минг йиллик ўтмишимиз шодасида қуёшдек порлаб турган дурдир. Бу дурнинг ҳали бирон қирраси тўла очилганича йўқ. Биз мазкур давр тарихини ўрганишга энди қўл уряпмиз. Тўғри, кейинги йилларда Темур ва Темурийлар ҳақида бир-иккита йирик асар яратилди. Мен бу ўринда изланувчан атоқли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг Бобур ва шоҳ Акбар ҳақидаги «Юлдузли тунлар», «Ҳумоюн ва Акбар» романини назарда тутаяпман. Ишончим комилки, бу ҳақда катта-катта китоблар, тадқиқотлар энди яратилади. Ўсиб келаётган истеъдодли ёшларимиздан умидим катта.

Ўзимга келсам, «Амир Темур» романининг тўлдирилган нашрини амалга оширсам, дейман. Муштарийларга, айтиқса, ёшларга айтадиган битта гапим бор. Ўтмишда буюк мавқедаги давлатларимиз бўлган. Темур тузган буюк салтанат ҳам шулар жумласидандир. Ана шундай қиёфадаги улуғ давлатни, иншоолло, сизлар қурасизлар. Бизлар эса унга гишт қўйиб кетяпмиз. Бу улуғ мақсадга, аввало, бирлик ва ҳамжиҳатлик билан эришиш мумкин. Уммондек теран ақл эгаси буюк бобокалонимиз Амир Темур шундай таъкидлаган эди: «Агар сизлар тарқоқ ҳолда бўлсаларингиз, душманларингиз худди ҳовузга шўнғигандек қон дарёларингизда сузадилар». Иттифоқликда гап кўп. «Агар фикрларингиз иттифоққа келиб, орзу-ҳавасингиз бир бўлса, — деб айтган эди бобомиз, — фарзандларингиз улғайиб, душманларингиз мағлуб бўладилар». Сўнгра эса мамлакат фаровонлиги ҳар бир кишининг ўз ўрнида ҳалол ва сидқидилдан тиришиб меҳнат қилишига боғлиқ. «Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсанг, бутун зеҳнинг, вужудинг билан тиришиб, битирмагунча ундан қўл тортма», деб уқтирган ҳазрат Амир Темур. Шунингдек, мутелик, лоқайдлик, ҳасад ва маҳаллийчилик балосидан

кутулишимиз керак. Маҳаллийчилик кайфияти кучайган пайтларда ўзгаларнинг асоратига тушиб қолганмиз. Лоқайдлик эса охир-оқибат кишини иродасиз қилиб қўяди ва қулга айлантиради. Бунинг ўрнига мустақил фикрлашга ўрганишимиз, ўзлигимизни англашимиз зарур. Энг ёмони — ҳасад ёки, бошқача қилиб айтганда, ўзганинг ютуқ-муваффақиятларини кўролмаслик. Бу ёмон иллатдан қанча тез қутулсак, шунча яхши.

Яна бир гап: республикада сизларнинг ўқишларингиз, билим асосларини ўрганишингиз учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Шунга яраша яхши ўқинг, кенг билимли бўлинг, илм-техника асосларини пухта эгалланг. Ҳаммамизнинг улуг бобокалонимиз Амир Темур айтганларидек: «Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни».

* * *

Одатда, йирик тарихий сиймолар ҳақида бир эмас, бир неча ўнлаб асарлар яратилади, зеро уларнинг кўп қиррали фаолияти ана шундай эътиборга асос бўлади. Бироқ уларнинг қаторида санокли намуналаргина муштарийлар ёдида сақланади. Худди шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳам тўла шаҳодат берадиган асарларнинг бири китобхонлар мулкига айланган бўлса, ажаб эмас.

1995 йил, декабрь

ЎЗИНИ ИЗЛАЁТГАН ОҚСАРОЙ

Ҳар сафар Шаҳрисабзга борсам, қайси нуқтадан бўлмасин нигоҳларим билан Оқсаройни излайман. У баъзан дарахтлар, иморатлар панасида кўзга ташланмайди. Шундоқ қаршимда пайдо бўлиб қолганда эса беихтиёр бошим қуйи эгилади. Менга унинг ҳозирги ҳолати қароқчилар қўлига тушиб, бор бисотидан айрилган кишини эслатади.

Тарих китобларида эса Оқсаройни тўлиб-тошиб таърифлашган. Соҳибқирон зафарли юришлари билан Чигатой улусини олдинги чегараларида бирлаштиргач, туғил-

ган шаҳрида олий иморат қуришга фармон берди: «Бизнинг мазкур иморатимизда мингта хона бўлсин, уларнинг безатилиши бир-бирига ўхшамасин. Баландлиги эса осмон гумбази билан рақобатлашсин...» Шундан кейин Самарқанду Бухоро, Балху Урганчдан, Бағдоду Шероздан энг яхши меъморлар тўпланди, жой танланиб, қурилиш бошланган. Унга 50 минг киши сафарбар этилди, Бадахшондан лаъл, Қобулистондан нефрит, Китобдан мрамор келтирилди, саройни тиклаш учун 20 йилдан кўпроқ вақт талаб қилинди. У битгач, кўрганлар ҳали Шарқда бундай гўзал иморат бунёд этилмаганини эътироф этишди. Ҳа, буюк жаҳонгир волидаи муҳтарамалари Тигинабегим Моҳшарафига тиклаган бино ўз таровати билан ягона эди.

Оқсаройни ўз кўзи билан кўрган испан сайёҳи Руи Гонзалес уни ҳайрат билан таърифлайди. Ифодаларидан ўзи ҳам қониқмай: «Бу сарой шунчалик бетимсолки, уни батафсил ақс эттириш учун айланиб кўришга бир ой ҳам етмайди. Оқсарой подшоҳ Темур ҳозиргача қурдирган биноларнинг энг яхшисидир», деб эътироф этади. Ундаги хоналар ва айвонлар бир-бирига ўхшамаганидек, ташқи кўриниши ҳам ўзига хос бўлган. Қуръон оятлари жимжамдор нақш этилиб, такрорланмас санъат яратилган, бундан ташқари, «Султон Аллоҳнинг ердаги соясидир» деган гапнинг ҳар бир ҳарфи отдаги чавандознинг бўйича катталикда олтин суви билан ёзилган. Бу олий иморатнинг пештоқига эса машҳур «Кимки бизнинг қудратимизга шубҳаланса, иморатларимизга қарасин», деган ишончнома дарж этилган.

Кейинчалик олиб борилган археологик қазилмалар туфайли тағзаминнинг ўрганилиши саройнинг тўрт мажмуадан иборат бўлганини кўрсатмоқда: кириш қисми, девон, хосхоналар ва тантаналар зали.

Тепасида ҳовуз бўлган, унга Тахтиқорача довонидан қувурлар билан сув келтирилган, ҳовлида эса фаввора отилиб турган. Унинг ҳовузи ҳозир ҳам сақланиб қолган. Шу парчани кўриб ҳам Оқсаройнинг гўзаллигини тасаввур қилиш мумкин. Шитоб билан тепага отилиб турган фаввора камалак ҳосил қилишдан ташқари қуёш нурида деворлар акси билан қўшилишиб, бетимсол чирой кашф

қилган. Ҳовуз ва фавворанинг сатҳи доим бир хил турган.

Ана шу кошона бошидан қанчалар сиру синоатларни ўтказиб, бизгача унинг кичкина бир қисми етиб келди. Уни тўпдан ўққа тутганлари, бузиб, гиштини олиш учун умумхалқ ҳашарлари уюштирганлари одамларнинг ёдида. Ҳатто деворларини безаб турган гулдор гиштлар бошқа ёдгорликларни таъмирлаш учун атайлаб қўпориб олинган. Фақат дунёдаги маърифатпарвар кучларнинг савй-ҳаракатлари билан Амир Темурунинг юрти сифатида Шаҳрисабз жаҳон сайёҳлик тизимига киритилгач, муносабат бироз ўзгарди.

Шубҳасиз, Оқсаройнинг ҳозирги юпун ҳолати ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Ҳар бир ватанпарвар киши унинг тикланишини, дастлабки ҳолига келтирилишини хоҳлайди. Бу — катта вазифа, келажақда удаланиши мумкин бўлган юмуш. Ҳозир эса гап бошқа ёқда.

Боболаримиз бу олий иморатни барпо этишди, неча йиллар у дилларни лол қилиб, дунёнинг мўъжизаларидан бири сифатида ўз бунёдкорлари ақлий тафаккурини кўз-кўз қилиб турди. Кейин душманлар уни ғорат қилишди, одамзод бир гўзалликдан маҳрум бўлди. Биз эса худди ярадор қўшиқни тинглагандек, унинг қолдиқлари олдида мулзам бўлиб, бошимизни эгамиз. Бир-бирининг дийдоридан маҳрум бўлган икки минора нажот кўзларини тикаётгандек, тобора йўқлик қаърига чўкаётгандек туюлади кишига.

Аслида ҳам менинг бу мулоҳазаларим соғинчли кўнгил ифодаси эмас, балки бор гап. Одамзод қўли билан вайрон этилган кошона қолдиқларини табиат ҳам аямай келмироқда. Бу ҳақда Халқаро муҳандислик академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Қобул Абдурашидов шундай дейди:

— Минг афсуски, биз энди эс-ҳушимизни таниб, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо меросни қадрлай бошлаганимизда, қодир табиатнинг ўзи шафқатсиз ҳукмини аллақачон ўқиб қўйган экан. Табиат устидан қилинаётган ҳар бир тантана инсоният учун қанчалик қимматга тушаётганини ўтмиш меъморий обидаларимиз мисолида ҳам

кўриш мумкин. Бугунги кунда архитектура санъатининг ноёб дурдоналари ҳисобланган тарихий ёдгорликлар емирилиш, ёрилиш, қулаш арафасида турибди. Оқсарой аркида геолог ва гидролог мутахассислар томонидан қазил-текшириш ишлари олиб борилганда, бу фикримизни далилловчи яна бир аччиқ ҳақиқатга дуч келдик. Маҳобатли Оқсарой қолдиқлари пойдеворига ер ости суви ниҳоятда яқинлашиб қолибди. Бундан 15 йил бурунги текшириш ишларида эса ер ости сувининг кўтарилиш хавфи ҳақида ҳеч қандай фикрлар юритилмаганди. — Олим келтирган бошқа далиллар ҳам анча ташвишли: — Устига-устак сарой аркининг жанубий пештоқи кун сайин оғиб, нураб боряпти. Бизнинг кузатишларимиз тасдиқлайдики, пештоқнинг ёриғи 67 сантиметргача кенгайиб, 74 метр баландликдаги обида чўкиб, ўпирилиб, ҳозир 38 метрга тушиб қолган.

— Демак, вазият тезда чоралар кўришни тақозо этади. Шу ўринда бу йилги юбилей муносабати билан олиб борилаётган таъмирлаш ишлари айни муддао бўляптими?

— Бундай ёндашув бир воқеани эсга солиди, — дейди Қобул Абдурашидов сўзини давом эттириб, — 70-йилларда Самарқанддаги Тиллакори мадрасасини таъмирлашга киришилди. Унинг гумбазини тиклаш учун катта маблағ, куч сарфланди, лекин кутилган натижага эришилмади. Аксинча, мадрасанинг чўкиши тезлашди. Негаки, обиданинг тарҳи, техник ҳолати, тебраниши ва юк кўтариш қуввати аниқланмасдан туриб, унинг тепасига қарийб 600 тоннагача темир-бетон ҳамда қурилиш ашёлари чиқарилганди. Бунинг қанчалик қимматга тушганини кўпчилик унутмаган бўлса керак.

Тошкент қурилиш-архитектура институти кафедра мудири, «Қурилишларнинг сейсмик бардошлилиги сифати ва уни оширишни ўрганиш» лабораториясининг мудири Қобул Абдурашидовнинг мулоҳазалари илмий изоҳланганлиги билан кишини ишонтиради. Олимнинг ташвиши ҳам бежиз эмас. Маълум бўлишича, республикамизда иншоотлар конструкцияси ва тарҳини ўрганиш, уларнинг «умрини узайтириш» муаммолари билан шуғулланувчи ўнлаб фан докторлари мавжуд экан. Бироқ уларнинг бошини

қўшиб, илмий изланишларини мувофиқлаштириб турувчи бирон марказ тузилмаган. Ҳолбуки, ҳудудида нодир тарихий обидалар сон-саноқсиз бўлган юртимизда мутахассис олимларнинг фикри жуда зарур.

Албатта, барча масалаларга янгича ёндашувлар қарор топаётган, тарихимизни ўрганишга жиддий киришилган шароитда баъзи ҳолатлар тўғриланади, мақбул ечимларга келинади. Аммо вақт кутиб турмайди. Зудлик билан қурилиши керак бўлган чораларни кечиктириш қимматга тушиши мумкин. Шу ўринда суҳбатдошимнинг Оқсаройни сақлаб қолиш билан боғлиқ, умуман, тиклаш-таъмирлаш ишларида нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим.

— Аввало, палапартиш иш олиб бораётган таъмирлаш-тиклаш гуруҳлари фаолиятини бир нуқтага бирлаштириш тарафдориман, — дейди Қобул Абдурашидов. — Тўғри, бундай гуруҳлар озми-кўпми иш қиляпти. Уларнинг фидокорликларини ҳар жиҳатдан қадрласа арзийди, лекин масаланинг энг асосий томонига аҳамият беришмаяпти. Ҳар қандай тарихий ёдгорликни қайта таъмирлашдан олдин, албатта, унинг муҳандислик тарҳи, техник ҳолати, ёрилиш-оғиш тезлиги, юк кўтариш ва тебраниш кучи чуқур ўрганилиши зарур. Ана шундан сўнг қурилиш имкониятларидан келиб чиқиб, конструкцияни яратиш мумкин. Агар шундай қилинса, аминманки, сабъ-ҳаракатлар зое кетмайди. Бунинг учун, назаримда, унча кўп маблағ ҳам, ишчи кучи ҳам сарф қилинмайди. Ҳаммаси оддий илмий асосланган, пухта ўйланган режа бўйича силлиққина бажарилади.

Мамлакатимизда ёдгорликларнинг муҳандислик таҳлили, техник ҳолатини аниқлаш ва асбоблар билан кузатиш оқибатида уларни сақлаб қолиш билан бирга олдиндан ички мустаҳкамлиги, иншоотнинг қаерида қандай «касал» борлигини башорат қилиш мумкин. Манбаларни чуқур таҳлил қилиш, архив ҳужжатларини ўрганиш ҳамда архитектура ёдгорликларида олиб борилаётган кузатишлардан олинган хулоса шундай: ёдгорликларнинг архитектура, археология, тарих, санъатшунослик соҳалари чуқур ўрганилган бўлиб, конструктив ва муҳандислик масалалари ўрганилмаган. Ахир асосий юк кўтарувчи иншоот-

нинг мустаҳкамлиги, асрлар оша яшаши конструкциясига боғлиқ-ку!

Қобул Абдурашидов тиклаш-таъмирлаш ишларида ҳар бир ҳаракат чуқур ўйланган, илмий асосланган бўлиши тарафдори. У халқаро анжуманларда фаол иштирок этиб, конструкция соҳасида йирик мутахассис саналган италиялик профессор Л. Кроче, профессор Мустафо Эрдин (Туркия), Алфео Тонеллотто (Франция) сингари ҳамкасбларининг фикрлари билан танишиб, ёдгорликларни сақлаб қолиш чораларини изламоқда. Шунингдек, у Оқсаройни ҳозирги ҳолатида таъмирлаш юзасидан ўз дастури мавжудлигини маълум қилди. Бу дастур босқичма-босқич амалга ошириладиган мукаммал режа бўлиб, арк пештоқнинг оғишини тўхтатибгина қолмай, унинг мустаҳкамлигини тиклаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади. «Оқсарой аркининг ёрилиб, оғиб бораётган 1300 тонналик қисмини тик турган 11000 тонналик асосий бўлагига қўшиб, махсус қотишмалар орқали беркитиб, пайвандлаб қўйиш, менинг назаримда, кўп куч ва меҳнат талаб қилмайди», дейди Қобул Абдурашидов ишонч билан.

Албатта, бу фикрларга мутахассислар ўз муносабатини билдиради. Нима бўлганда ҳам аجدодларимиздан қолган табаррук ёдгорлик боқий турса, деймиз. XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида 40 мингдан ортиқ тарихий-меъморий обидалар бор экан, энди улар 10 минггага тушиб қолибди. Шулардан атиги 434 таси ЮНЕСКО ҳисобида экан. Оқсарой — буюк бобокалонимиз шавкатининг меъморий ифодаси, шу азиз зот хотираси сингари абадий яшаб қолмоғи лозим.

1996 йил, февраль

МАХСУС ҚОМУСГА ЭҲТИЁЖ БОР

Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш юзасидан қилинаётган ишлар кундан-кунга янгича суръат касб этяпти. Албатта, ўтган вақтни қайтариб бўлмаганидек, ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисаларни бор бўй-басти билан тиклашнинг ҳам имкони йўқ. Бунинг бизга боғлиқ ва бор-

лик бўлмаган томонлари кўп. Масалан, Амир Темур ҳақидаги китобларда воқеаларнинг хилма-хил талқинларига дуч келамизки, бу ҳол Соҳибқироннинг таржимаи ҳоли, унинг авлод-аждодлари, тарихий шахслар, жуғрофий номлар талқинида жуда кўп учрайди. Ҳатто Амир Темур ҳаётидаги муҳим воқеалар изоҳида ҳам турли-туманлик мавжуд. Бу ҳолни табиий деб қараш мумкин. Аммо ҳақиқат мезони фақат битта, тарихий ҳодиса эса ана шу мезонга мос келиши шарт.

Масаланинг худди ана шу томонларини ҳисобга олган ҳолда буюк саркарда, илм-фан ва санъат ҳомийси Амир Темур ҳаётини тўла қамраб олган маълумотларга суяниб битилиши керак бўлган мукаммал қомусий китобга эҳтиёж туғилаётганини таъкидлаш жоиз.

Турли манбаларни кўздан кечиришдан шундай фикрга келиш мумкинки, ҳали Амир Темурнинг тўла таржимаи ҳоли ёзилмаган. Тўғри, бобокалон ҳақида жуда кўп маълумотлар бизгача етиб келган, бироқ улар ҳар хил қўлёзма, босма китобларда сочилиб ётибди. Шунингдек, уларнинг ҳаммасини ҳақиқатга мос ва ишончли деб ҳам бўлмайди. Бу ўринда муаллифнинг шахсий муносабатига кўп нарса боғлиқ экани шак-шубҳасиз. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳар қандай мафкурадан холи туриб, қарийб 70 йиллик ҳаёт мазмунини бир ипга тизиш шарт. Бунда, эҳтимол, битта рақамнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ўнлаб китобларни титиш керакдир.

Соҳибқироннинг авлод-аждоди ва оилавий шажараси юзасидан ҳам баҳсли фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, бир муаллиф Темур завжаси сифатида Яккабоғ бегининг қизи Норчучик оғони эсласа, бошқаси бу исмни ҳатто тилга олмайди. Ёки Соҳибқироннинг Музаффарийлар авлодига мансуб бўлган Шоҳ Мансурга муносабати, Тўхтамишхоннинг қисмати ёхуд олим Ибн Халдун билан мусоҳабалари ва бошқа ўринлар турли кўринишларда акс эттирилган. Буларга шунчаки бадиий тўқима деб қараш тўғри эмас, тарихий мавзудаги бадиийлик, ҳаёт ҳақиқатини ўзгартириб акс эттириш ижод одобига зид ҳолат экани хусусида, умуман, тарихий асарда тўқиманинг меъёри тўғрисида олимлар жуда кўп ёзишган. Уларда юқоридаги ўхшаш ҳолатлар инкор этилган.

Қомуснинг ушбу бўлимида Темур ва Темурийлар ша-
жараси шу кунгача изчил акс этса, нур устига аъло нур
бўларди.

Маълумки, буюк бобокалонимизнинг шавкатли ҳаёти
жуда кўплаб тарихий шахслар даврасида кечди. Булар «Ту-
зук»ларда таърифланган 12 тоифа вакиллари — амирлар,
баҳодирлар, олимлар, элчилар, сарой аъёнлари, оддий
халқ вакиллари эди. Олайлик, амир Ҳожи Сайфиддин ёки
шайх Нуриддин, Жоку барлос ёки Бердибек ҳаётининг
аччиқ-чучукларини жаҳонгир билан дастлабки дақиқалар-
даноқ бирга тотишди. Улар турли даражада Темурнинг
эъзозига сазовор бўлдилар, меҳрини қозондилар, масла-
ҳатлар бердилар — улуғ салтанатнинг узоқ йиллар пойдор
бўлишига ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бирининг қаҳра-
монлиги алоҳида асарларга мавзу бўлиши мумкин, лекин
улуғ тўй муносабати билан исмлари ва қисқача маълум-
отни бугунги авлод билиб қўйса, бу ўтмиш ҳақидаги
тасаввурларимизнинг янада бойишига хизмат қиларди.

Ўша давр ўлчовлари билан баҳолаганда, жаҳонгир Амир
Темур кўплаб давлатни бир туғ остига бирлаштирди. Бу
улкан салтанат Осиё, Европа, Африка қитъасининг по-
ёнсиз ҳудудларида ястаниб ётарди. Гарчи дарёлар, тоғлар
ўз жойида собит турган бўлса-да, давр ўтиши билан жой
номлари, чегаралар бир неча марта ўзгарди. Олти асрлик
муддат давомида мамлакатлар, шаҳарлар, қалъа-ю қўрғон-
лар янги-янги тарих билан бойиди. Бу ўзгаришларни бо-
бокалоннинг зафарли юришлари билан боғлаб изоҳлаш,
шарҳ битиш, ўша вақт ва ҳозирги кунлардаги хариталар-
ни илова қилиш мавҳум тасаввурни ойдинлаштиради, шу
билан бирга бугунги тарихий жараёнларни тушунишга
хизмат қилади. Қолаверса, бу тайёр илмнинг ўзи.

Шубҳасиз, Амир Темур ва унинг авлодлари фаолияти
шулар билангина чегараланмайди, бу уммоннинг уфқи ни-
ҳоятда кенг. Ҳеч бўлмаганда яна асосий тарихий воқеалар
(масалан, «Лой жанги», «Мордин қалъасининг олинishi»),
ҳарбий юришлар (уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик),
ўша даврда барпо қилинган боғлар, иншоотлар, олий би-
нолар ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳаммани қизиқтиради. Ибн
Арабшоҳ китобида Темур саройидаги мусиқашунослар,

фиқҳ олимлари, мунажжимлар ҳақида жуда аниқ ва қизиқарли фикрлар билдирилади. Булар ҳам бир ипга тизилиши лозим. Ёки Темур ва Темурийлар ҳақидаги асарлар библиографияси, бу соҳа билан шуғулланган олимлар ҳаётининг ўзи катта бир мавзу. Хуллас, қомусда Амир Темур фаолиятининг барча йўналишлари қамраб олинishi керак.

Албатта, мулоҳаза тариқасидаги бу фикрларни рўёбга чиқариш бирданига бўлмайди. Аслида эса бу юмушни удалаш учун маънавий асосга тамал тоши аллақачон қўйилган. Шуннингдек, етарли илмий, техник, полиграфик ва асқотадиган бошқа салоҳиятлар мавжуд. Қомусни бир жамоага уюшган, забардаст олимлардан тузилган махсус таҳририят нашрга тайёрлаши мумкин. Мабодо, бунга эришилса, халқимиз маънавий хазинаси яна бир нодир бойлик билан тўлган бўларди.

* * *

Академик Бўрибой АҲМЕДОВ фикри:

— Қомус нашр этишнинг ўзига хос нозик ва масъулиятли жиҳатлари кўп. Танланган соҳа ёки мавзу юзасидан маълумотлар ҳаммага тушунарли тилда, лўнда ва мукаммал баён қилинган бундай китоблар кўпчиликнинг, асосан, олимлар жамоасининг меҳнат маҳсулидир. Қомуслар шартли равишда «Катта», «Кичик» турларга бўлинган, алоҳида йўналишда (масалан, уй-рўзғор ёки бола тарбияси бўйича), шунингдек, маълум фан соҳалари (табобат, адабиётшунослик), шаҳарлар тарихи юзасидан чоп этилган, қомусчилик фаолиятининг маълум йўналишини ҳам ташкил этган илм аҳлининг шундай вакиллари борки, улар бутун умрини шу соҳага бағишлаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Бракгауз — Эфрол тузган мукаммал луғат фидойиликнинг гувоҳи дейиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам қомус нашр этиш борасида етарлича тажриба тўпланган. 14 жилддан иборат «Ўзбек совет энциклопедияси» ва алоҳида фан соҳалари юзасидан чиқарилган луғатлар ана шу тажриба маҳсулидир. Тўғри, Со-

ҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятини оммавий ўрганиш ва бу маълумотларни халққа етказиш ҳар томонлама ишончли ва мукаммал манба бўлишини тақозо этади. Аслида ҳам Темур ва Темурийлар даври ҳақида салмоқли қомусий асарлар яратиш ҳам фарз, ҳам қарз. Мабодо, мазкур мавзуда махсус қомус тартиб берилса, бу маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўларди. Негаки, дунёда бу зоти шарифдек кенг кўламли тарихий шахс ўтмаганидек, ҳозирча алоҳида сиймо фаолияти юзасидан қомус тузиш ҳам кам учрайди. Агар бу юмуш уддаланса ва унинг бошқа тилларга таржимаси ҳам таъминланса, халқимизнинг ҳозирги даврдаги салоҳиятининг яна бир намунаси, бой тарихий меросга дахлдорлигининг амалий исботи сифатида эътироф этилиши шубҳасиз.

Бу салмоқли ишга фаннинг барча соҳа мутахассисларини жалб этиш лозим. Олайлик, қарийб беш аср ер юзида барқарор яшаб турган салтанатда таълим қай тартибда йўлга қўйилгани ёки солиқ тизими каби давлатни бошқаришнинг энг кичик унсурлари ҳақида маълумот беришга тўғри келади. Ёхуд нашрнинг ҳаммага бир хил тушунарли бўлиши, фактларнинг ниҳоятда тўғрилиги ва бошқа талаблар ҳам анчагина масъулият юклайди. Албатта, бундай кенг кўламли юмушни тезда охирига етказиш қийин, бироқ бу хайрли иш «Амир Темур йили»да бошланса, яқин икки-уч йилда поёнига етиши мумкин.

Олимларимизнинг илмий салоҳияти, тўпланган тажриба, техник жиҳатлар бўйича етарли базамиз мавжудлиги «Амир Темур қомуси»ни тузиб, нашр этиш имконини беради.

1996 йил, май

ЧАҚИНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Соҳибқирон Амир Темурнинг инсоният тарихидаги ўрни аллақачон эътироф этилган. Гарчи муҳокаманинг салбий ва ижобий қутблари ўртасидаги мунозаралар давом этаётган бўлса-да (аслида, бу қонуний ҳол), ул зоти шарифнинг одамзод силсиласида такрорланмас ҳодиса экани бор гап.

Айнан мустақил Ўзбекистон давлатининг бўй кўрса-тиши билан фикрлар оламида бу борада мафкуравий инқилоб рўй бергач, ҳазратнинг таржимаи ҳолини ўрганиш учун, биринчидан, имконият юзага келди, иккинчидан, бу юмушга зарурат пайдо бўлди (ахир афкор омма фиръавн Тахмосп ёки ҳукмдор Калигулани заррасигача билиши керак-у, нега 526 йил тарих саҳифаларида зикр этилган сулола асосчиси билан ҳеч ким қизиқмайди?). Ҳар ҳолда, ана шу оламшумул саволга амалий жавоб бериш учун саъй-ҳаракатлар жадал бошланиб кетди.

Соҳибқироннинг мукаммал таржимаи ҳолини ўрганиш ва ўрганишларни ўзида жамлаган асар(лар)нинг юзага келиши мозий ғуборлари остида чанг босиб унутилган қўплаб ҳақиқатларнинг юзага чиқишини таъминлаган бўларди. Холбуки, руҳий ва моддий оламлар аро боғланиш бўлганидек, дунёда кечган ва кечаётган жами ўзгаришларда ички мантиқий боғланиш мавжуд (бўлмаса, Нострадамус ёки Ванга қандай «башорат» қилади?) Аниқ-далил билан гапирадиган бўлсак, 1360 йилда Туниснинг Фас шаҳридаги Каравиййин масжидида мунажжим Абу Али Бадис шимоли-шарқ тарафдаги мамлакатлардан бирида Соҳибқирон туғилганини ва у ҳақда 1380 йиллардан сўнг ер юзида хабарлар тарқалишини айтган эди!

Ҳа, Амир Темур ҳаётини тўла ўрганиш кўп синоатларга ойдинлик киритади.

Бу даъвонинг тош босадиган томони эса Шахснинг бе-назирлигидир. Замондошлар, жами алломаларнинг эътироф этишича ҳам, бугунги интеллектуал салоҳият даражасида тафтиш этишлар ҳам шуни тасдиқлайдики, ҳазратнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ишораси теран мантиққа аосланган, истиқболга йўл очган.

Бир мисол.

Анқара жангидан сўнг мағлуб Боязидни Амир Темур ҳузурига олиб кирадилар. Ҳазрат бўлиб ўтган нохуш воқеага ўз муносабатини изҳор этгач, Боязидга шундай дейди:

— Агар мен сенинг қўлингга тушганимда нима қилишинг аниқ эди, лекин мен сенга ва сенга яқин кишиларга ёмонлик қилмайман...

Бу гаплар шунчалик илтифотми ёки унинг замирида бошқа маъно борми? Қолаверса, бу танбеҳнамо лутфларда сўзловчининг кайфияти акс этганми?

Муқояса учун келтирамиз.

Қуръони каримнинг «Тавба» сурасида кўпроқ уруш, жанг, қатл тўғрисида сўз боради. Табук жанги тўғрисида оятлар ўз ифодасини топган. Суранинг 8-оятида шундай дейилади: «(Мушриклар) агар сизларни енгсалар, сизлар учун на аҳдга ва на шартга риоя қиладилар. Оғизларида сизларни рози қиладилар-у, диллари инкор этиб (жирканиб) туради».

Агар бу муборак каломни Амир Темур сўзлари билан таққосласак, Соҳибқирон оятлардан ўзига олган панд-насиҳат асосида гапирмаяптими, яъни «Мен рақибларимга жабр қилмайман — мушрик эмасман», демаяптими? Албатта, бу менинг талқиним, саҳв бўлса, узр, бироқ бир гап аниқки, бобомиз, аввало, Қуръони каримни дастуруламал сифатида қабул қилганлар ва Қуръони карим лафзида сўзлаганлар (бунинг учун муқаддас китобни бошдан охир ёд билган ҳамда тафаккурда бошдан охир ўзлаштириш талаб этилиши сир эмас).

Мен бу далилни буюк аждодимиз сиймосини яна бир бор тасаввур этиш учун келтирдим. Аслида, ҳазратнинг таржимаи ҳоллари ҳақида фикр юритаётган эдик.

Шу хусусда баъзи мулоҳазалар.

Маълумки, 1361 йилда Амир Темур Мовароуннаҳрни истило қилиб турган Илёсхўжа ҳокимиятида сипоҳсолор (қўшин бошлиғи) этиб тайинланади. 25 ёшли йигит учун бу яхшигина мавқе эди ва у мўғулларнинг хизматини қилиб, айшини суриб яшайвериши мумкин эди. Бироқ босқинчиларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан зуғуми тўхтамайди, аксинча, авж олади. Бу ҳолдан азият чеккан Самарқанднинг ашрафу арконлари, уламолари Соҳибқиронга фатво ёзиб бериб, мўғулларга қарши жиҳодга чорлайдилар. Темурбекда айни пайтда ёв билан юзма-юз жанг қиладиган қўшин йўқ эди ва куч тўплаш мақсадида мўғуллар ихтиёридан чиқиб, Аму ортига, Бадахшон тарафларга кетишни мўлжаллайди. «Тузуқлар»да ёзилади: «Отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурига бордим».

Табиий савол туғилади: «Хўш, Амир Кулол ким? Нега икки ўт орасида қоврилиб юрган йигит ул зотнинг ҳузурига борди?»

Таассуфки, бу далил ҳақида «Зафарнома»ларда маълумот учрамайди. «Тузуқлар»да берилган изоҳга кўра, Саййид Амир Кулол нақшбандия — хожагон тариқатининг йирик намояндаларидан бўлиб, Бухоро вилоятининг Сухори қишлоғида туғилган. Кўплаб оммавий истилоҳларда эса бу зотни Шамсиддин Мир Кулол билан чалкаштириш ҳоллари ҳам учрайди.

Агар катта йўл бошида турган, юрт тақдири учун фатво олган Темурбекнинг нажот истаб, юкиниб бир киши ҳузурига келишини мулоҳаза қилиб кўрсак, бу зотнинг даргоҳи нажотбахш бўлганини, унинг ўзи ҳам мавқе жиҳатдан теварак-атрофга донг таратган киши эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Маълумотлар тасдиқлайдики, бу гап тўғри, пайғамбаримиз авлодидан бўлган бу зот ўз даврининг пешқадам машойихи бўлган. Бу ҳақда «Хожагон — нақшбандия машойихлари» рисоласи («Янги аср авлоди», 2003 й.)да эътиборли маълумотлар келтирилган.

Саййид Амир Кулол тахминан 1281 йилда Сухори ёки Афшона қишлоғида туғилиб, 1370 йилда Сухорида вафот этган, қабри ҳозирги Янги ҳаёт қишлоғида. Умри давомида кулолчилик билан шуғулланган. Кураш тушган. Бобо Саммосийга мурид бўлиб, саййидлиги билан бир қаторда шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат даражаларига юксалган.

Албатта, Темурбекнинг айнан нечун бу даргоҳга келиши сабаблари ҳақида тўхталадиган бўлсак, бир далилни четлаб ўтиш мумкин эмас. Соҳибқироннинг она томонидан бобоси Убайдуллоҳ Маҳбубий Бухорода яшаган, шариат қозиси бўлиб турган. Демак, бобонинг нақшбандия — хожагон шайхлари билан ўзаро яқинлиги бўлгани шубҳасиз. Балки қозининг ўзи илк дафъа ёш набирасининг қўлидан тутиб шайхларнинг ҳузурига олиб боргандир.

Хожа Саййид Амир Кулол ўзларидан кейин тариқат ижозатини топширган халифалар сафида кешлик Шамсиддин Кулол ва Баҳроуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам бор

эдики, бу зотлар қайсидир жиҳатлари билан Соҳибқирон таржимаи ҳолига дахлдордирлар.

Бу жиҳатдан Шамсиддин Кулолнинг ўрни аниқ: оиланинг пири, ёш гўдакка «Темур» деб исм қўйган, ёрқин истиқболини башорат қилган мўътабар зот. Рост, Мовароуннаҳр тарихидаги икки буюк зот — Баҳоуддин Нақшбанд ва Амир Темур муносабатлари ҳақида деярли ҳеч нарса маълум эмас. Инсоф билан айтганда эса бир замонда яшаган бу икки йирик шахснинг бир-бирини билмаслиги мумкин эмас. Агар ташқи далилларни муқояса қилдиган бўлсак, Темур туғилганда Баҳоуддин жаноблари 18 ёшда бўлган. Вафот этган (1389)да эса Соҳибқирон ўз давлатини мустаҳкамлаш учун олов кечиб юрган, шу йили шимолдан Тўхтамишнинг таҳдидлари кучайган, шарқда эса Мўғулистон тан беришни хоҳламай, интиқом учун қўзғалаётган эди.

Бу икки зотнинг юзма-юз келганини тахминлайдиган шундай далил ҳам борки, Баҳоуддин Нақшбанд айнан Насафда яшаётган Саййид Амир Кулолга бориб, мурид тushади. Ёш Темурнинг эса ўша пайтда Мовароуннаҳрда мавқеи анча баланд бўлган Насафда таълим олгани ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд.

Афсуски, ҳозир истифодада бўлган адабиётларда машойих ва Соҳибқирон мулоқотлари, муносабатлари ҳақида ёрқин далиллар учрамайди, аммо бундай дийдорлашувлар рўй бергани эҳтимол. Уларнинг манбаларда қайд этилгани ҳақида бирон нарса дейиш қийин. Балки айнан шундай китоблар атайлаб йўқотилгандир. Халқ тилидан эса буни ўчириб бўлмас экан. Биз 1991 йил августда экспедиция билан Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари зиёратгоҳида бўлганимизда ўша пайтда мажмуадаги масжиднинг имом хатиби Мухтор ҳожи Абдулло (бу киши кейинчалик Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раҳбари ҳам бўлиб ишладилар. Худо раҳмат қилсин) билан узоқ суҳбатлашган, ул зот кўплаб ибратли воқеалар, жумладан, бир ривоят айтиб берган эдилар. Эмишки, Амир Темурнинг элчилари келиб, шайхга хазина тугаб қолганини арз қилишибди. Шунда машойих келганларга мачит деворининг тубидан бир қоп тупроқ олиб кетишини буюрибди-

лар. Хулоса шуки, ихлос қилсанг, тупроқ ҳам олтинга айланади. Ривоят замиридан шундай маъно балқиб турибдики, ҳукмдор ва шайх муносабатлари сарой хазинасининг аҳволи ҳақида маълум қиладиган ва кўмак сўрайдиган даражада яқин бўлган.

Шубҳасиз, буюк зотлар ўртасидаги муносабатларни таҳмин (балки башорат) қилишнинг маълум мезон ва меъёрлари мавжуд. Бу борада олимлар, ижодкорларнинг илмий, бадиий салоҳияти ҳали асқотади. Агар маслаҳат илинжида пирнинг ҳузурига келган юрт халоскорининг кейинги тақдирини эсга оладиган бўлсак, «Улар менга Хоразмга боришга маслаҳат бердилар. Агар ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим. Улар менга зафар тилаб фотиҳа ўқигач, кетишимга ижозат бердилар. Саййид Амир Кулол хизматларидан чиққанимда, менга ҳаммаси бўлиб олтмиш отлиқ ҳамроҳлик қиларди» («Тузуқлар»дан).

Эътибор берган бўлсангиз, пир Темурбекнинг йўлини бутунлай бошқа тарафга (у Бадахшонга кетмоқчи эди, пир уни Хоразмга даъват этади) буриб юборди. Бу йўл эрк ва озодлик йўли эди, Туронзаминни 110 йиллик истилодан озод қилиш сари бошланган буюк муҳорабанинг илк қадами шундай қўйилган эди. Бу шонли кураш қарийб ўн йил давом этди ва у Соҳибқирон 1370 йилда Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олингунча давом этди.

Олтмиш отлиқ... Кейинчалик Самарқанд кўшини бундан юз, минг бора улкан кўлам касб этгани ҳақида муррихлар ёзиб қолдирган. Суронли кунлардаги ҳар бир кичик унсур ҳам бугун тегишли масштабдаги моҳият касб этмаганми? Этган, энди фақат ўша сирни ошкор қилиш керак бўлади.

2007 йил, март

«СЎЗИМДАН АНГЛА ЎЗИМНИ»

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари шахсияти юзасидан мулоҳазалар

Ҳар вақтики кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб, соғингайсен ўзумни.

БОБУР

Буюк бобокалонимиз ҳаётини муфасссал ўрганган ва мукаммал тарихий-биографик асар — «Зафарнома»ни яратган Шарафиддин Али Яздий бир ўринда ул буюк зот ҳақида шундай ёзган экан: «... ҳазрат Соҳибқирон шундай бир мулк (подшоҳлик, ҳукмдорлик) эгасидирки, у фаришталарнинг Аллоҳга мурожаат этиб, «Бузуқчилик қилувчи ва қонлар тўкувчи кимсани яратасанми?» саволига жавобан Парвардигорнинг «Мен ерда бир халифа (ўринбосар, вакил) яратаман» деган иноятига каромат қилинган сарвар (етакчи, йўлбошчи)дир. Унга ўзининг олдиндан билиш ва кўриш фазилати туфайли баҳри барр (сувлик ва қуруқлик)да эгалик қилишга қудрат берилган».

Менимча, бу эътироф шарафли аجدодимиз шаънига айтилган жами сифатларни ўзида қамраб олади. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур ўз давридаёқ барча доираларда «Сайф ул-Аллоҳ» (Аллоҳнинг қиличи), «Сайф уд-дин» (Диннинг қиличи) деб улуғланган эдилар.

Шубҳасиз, ана шундай муҳташам ва маҳобатли зотнинг шахсияти (ўзига хос бўлган ташқи ва ички олами) замонлар оша афкор оммани қизиқтириб келган. Шу қизиқиш ҳосиласи ўлароқ кўплаб афсоналар, ривоятлар яратилган. Гарчи уларда жиндак ҳақиқат унсурлари бўлса-да, шарқона хаёлот ва уйдирмалар ила пардозланганидан уларни тарихий далил сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу ҳикоятлар бобокалонимиз ҳақида у ёки бу даражада тасаввур бериши мумкин.

Агар масалага аниқ нуқтаи назардан ёндошиладиган бўлса, унинг муаммоли, мураккаб ва чигал томонлари

кўплиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳолатни ўша замон тарихчилари ҳам, ҳозирги замон тадқиқотчилари ҳам қайд этганлар. Бу, аввало, Шахс феъл-атворининг фақат ўзига хослиги, бошқа бирор зотга ўхшамаган ички дунёси ва фаолияти (унинг камёблиги ва ягоналиги ҳам шунда), ўз тўпидан баланддалиги ҳамда юксаклиги билан ўлчанадиган нодир хусусиятлари билан белгиланса, иккинчи тарафдан, замондошларнинг Соҳибқироннинг маишати, дид-саъжияси, шахсий турмуш тарзи ва бошқа ички ўзига хос томонлари ҳақида махсус ёзиб қолдирмаганлари билан изоҳланади. Балки у даврларда бундай тадқиқотлар яратиш урф бўлмагандир ёки ҳеч ким жазм қилмагандир ёхуд ҳамон ўшандай асарлар асрлар ғубори ичра кўмилиб ётиб, ҳозиргача топилмагандир. Бу тарих кашфиётига ҳаддан ташқари қизиққан шўро тадқиқотчилари ҳам ҳатто қўлга илинадиган далилларга кам дуч келганлар чоғи М. Герасимов 1947 йилда «Биографлар унинг буюк юришларини тасвирлашда жами ранглардан фойдаланганлар-у, ташқи кўриниши юзасидан жуда кам маълумот қолдирганлар. Борлари ҳам зиддиятли ва мавҳум», деб ёзғирган экан.

Шахсият билан боғлиқ маълумотлар ўша давр асарларида яхлит ҳолда эмас, сочма тарзда учрайди. Соҳибқирон билан юзма-юз учрашган Ибн Халдун, Клавихо, Ибн Арабшоҳ, Иоан ва бошқалар, шунингдек, бобомизнинг замондошлари ўз хотираларида ул зотнинг ташқи кўринишини йўл-йўлакай тасвирлаганлар, саройнинг маиший ҳаёти (асосан зиёфатлар баҳонасида) юзасидан далиллар келтирганлар, бирор аниқ воқеа муносабати билан ҳазратнинг руҳий ҳолати (шодлиги, ғам-ғуссаси, ғазаби)ни қайд этганлар. Атрофда кечган бўҳронли ҳаёт, кескин вазиятлар инсон ва ҳарбий лашкарбоши, давлат арбоби ва илм-фан, санъат ҳомийси сифатида фахрли аждодимизнинг шахсий фазилатлари ҳақида мулоҳаза юритишга изн беради.

Бир ҳолни истисно қилиш керакки, Амир Темури даврининг буюк воқеаси эди ва, бугунги назар билан айтганимизда, неча юз йиллар тақдирини ҳал қилувчи шиддатли ўзгаришлар ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида пайкон ўқларидек унинг теграсида шувиллаб учарди ҳамда, не

саодатки, ўшандай таҳликали дамларда ҳам чақмоқдек Ақл тўғри ечимлар топишдан адашмаган эди. Бобомиз шахсиятидаги жами унсурлар ўша Буюк Ақлга хизмат қилган ва замон сўроқларига асрлар тақдирини белгилаб берган тўғри жавоблар топилган. Бу мавқе шунчалик баландки, унинг моҳиятини «Буюк Темур» деб аталган икки рамзий сўз нисбатан ифодалаши мумкин ва бу чўнг ҳақиқат қаршисида Шахсга берилган жами таърифлар нисбий бўлиб қолаверади.

Шу ақидани эътироф этиб, қайд қилиш лозимки, Соҳибқирон васфи ўз даврининг даҳолари қалами ила куйланмаслиги мумкин эмас эди. Бу борада, ҳақиқатан, давоми (узлуксиз) занжир мавжуд. «Зафарнома»нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий тўрт ёшли болакай Алишерни манглайдан ўпиб, ёруғ иқбол тилаган чол-да. Алишер Навоий ижодида бу муборак мавзунинг акс этмаслиги ёки хира акс этиши мумкин эмас. Ҳозирча биз даҳо шоиримизнинг Соҳибқирон ҳақида «... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар...» деб бошланувчи изҳорини аксарият такрорлаймиз. Бинобарин, сўз султони нафис абадиётга бағишланган махсус асарининг ижодкор Темурий шахзодаларга аталган алоҳида фаслини ихлос ва эҳтиром билан Соҳибқирон номи билан бошлайдими, демак, бунинг замирида теран меҳр яширин. Шоир ижодида бу буюк зот тимсолига кўп бора мурожаат қилгани шубҳасиз. Оддий бир қайд. Фарҳод образини кўп талқиқотчилар Навоийнинг идеали, ҳатто ўзининг тимсоли, деб талқин қиладилар. Ана шу суюкли қаҳрамон севгилиси Шириннинг юрти Арманистонда тоғ қазиб, ариқ ўтказди. Ободончилик ишларини амалга оширади. Тарихда шундай иш қилган бизнинг бирор қондошимиз борми? Бор. Бу — Амир Темур ҳазратлари. Соҳибқирон Тоғли Қорабоғда бир неча қишни ўтказган. Бу заминда ариқ («Барлос ариғи») қазиб, кўплаб олий иншоотлар барпо этган. (Бу ёғини шарҳлаш муҳтарам адабиётшуносларимизга ҳавола). Ёки Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Султон Жалолиддин ва бошқалар бошлаган озодлик курашини ким охирига етказди!? Синд дарёси бўйида шафқатсиз таҳқирланган, лекин иродаси букилмай курашни

давом эттирган ва бу йўлда маҳв бўлган Султон Жалолиддиннинг орини душмандан ким олди? Албатта, Амир Темур ҳазратлари! Масалага ёндашувда ана шундай кенг миқёс талаб этилади.

Шубҳасиз, Шарқ осмонининг порлоқ юлдузларидан бири, Соҳибқироннинг тўғридан-тўғри зурриёди Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва авлодлари таржимаи ҳолида шавкатли бобокалонларининг шукуҳи акс этмаслиги мумкин эмас эди. «Бобурнома»да муаллиф фахр билан «Темурия салотини дастури била тўшак устида (яъни тахтда) ўлтурур эдим», деб ёзганди. Ўғли Муҳаммад Ҳумоюнга битган хатида, «Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади», дея таъкидлаганди. Булардан ташқари ҳам асарда ҳазратнинг муборак номи кўп бора тилга олинади.

* * *

Маълумки, мемуар асар ёзиш анъанасини Амир Темур ҳазратлари бошлаб бердилар. «Темур тузуклари» шавкатли отанинг фарзандларга йўл-йўриғи, ҳаётий дастурдир. «Бобурнома» «Темур тузуклари»нинг мантиқий издоши, давлат арбоби ва саркарда изҳорининг дилбар шоир қалби нафосати билан ороланган, мукаммаллашган шаклдир. Албатта, «Темур тузуклари» Соҳибқирон шахсиятини ўрганишда таянч манба ҳисобланади. «Бобурнома»да эса муаллиф кўплаб замондошлари ҳақида ипга тизилган маржондек аниқ-тиниқ маълумотлар берган. Бу жиҳатдан Бобур Мирзо танлаган услубни тан олмасдан илож йўқ. Биз ҳам, аввало, тайёр анъаналарни истеъфода этиш, кейин эса авлодларнинг ўзаро меҳрига қуллуқ қилган ҳолда Соҳибқирон ҳазратлари шахси ҳақидаги қўлга киритилган маълумотларни «Бобурнома» услубида баён этишга аҳд қилдик. Беғараз саъй-ҳаракатларимиз очиқ кўнгиллик билан қабул қилинади, деб умид қиламиз.

«Бобурнома»да муаллиф ўз тақдири (асосан, тахтни қўлга киритиш ва салтанат юритиш)га бевосита алоқадор бўлган Темурийлардан Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд (отасининг акалари), Бойсунқур Мирзо (Самарқанд тахтини

ундан олган)лар ҳамда Султон Ҳусайн (Бойқаро) Мирзони ҳар томонлама тавсифлайди. Уларнинг ҳар бирининг 1) валодат ва насаби; 2) шакл ва шамойили; 3) ахлоқ ва атвори; 4) масоф ва урушлари (масофлари); 5) вилоёти; 6) авлоди; 7) хавотин ва сарори; 8) умароси (амирлари); 9) судур (бошлиқлари); 10) вузаро (вазирлари); 11) шуаро (шоирлари)га муфассал таъриф беради (9—11 тоифалар Султон Ҳусайндагина мавжуд. Бойсунқурда 1—4 тоифа). Изоҳларнинг лўнда, аниқлиги, ифоданинг ёрқинлиги кишини лол қолдиради. Шахсларнинг бўй-басти, кийими, эътиқоди, ҳарбий ҳаёти, оиласи, фарзандлари мухтасар қайд қилиб ўтилади.

Албатта, Соҳибқирон Амир Темури шахсиятининг кўла-мидан келиб чиқилса, Бобур қўллаган 11 банднинг ҳар бири юзасидан тўла китоб ёзиш мумкин. Қолаверса, ҳазратнинг валодат ва насаби (1), масоф ва урушлари (4), вилоёти (5), авлоди (6), хавотин ва сарори (7) юзасидан шу сатрлар муаллифининг «Ҳазрат Соҳибқирон» (2005 йил) ва «Олтин силсила» (2006 йил) китобларида ва бошқа асарларда имкон даражасида ҳикоя қилинган. Демак, бу гал нисбатан кам эътибор қаратилган жиҳатларга баҳоли қудрат тўхталиб ўта-миз. Бунда қўлимиздаги манбалар бизга ҳамдаст, ҳампоя бўлади.

* * *

Шакл ва шамойил. Ўз замонасида «Араб дунёсининг шайх ур-раиси», «машриқу мағриб тарихининг билимдони» деб улуғланган Валиуддин ибн Халдун Соҳибқиронни 65 ёшлигида кўришга муяссар бўлган. Унинг таърифи қуйидагича: «Темур баланд бўйли, қоматдор, боши катта, кенг пешонали киши эди. Жисмонан ниҳоятда кучли, бадани оқ, юзи қизил, бармоқлари йўғон эди. Соқоли ҳилпиллаб турарди. Бир қўли ногирон, ўнг оёғи калта, нигоҳи чақноқ, овози жарангдор эди. Темур ўлим ваҳимаси нималигини билмай, маънавий ва жисмоний кучини тўла сақлаган ҳолда етмиш ёшга кирди». («Курьер ЮНЕСКО», 1966 йил, № 6).

Ибн Арабшох (1389—1450) аниқ далилларга, балки ўз кўрганларига асосланиб, Соҳибқироннинг суратини шундай чизади: «Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, у гўё қадимий амолика (пахлавонлар) авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, бугдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли ногирон, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у ўлимдан қўрқмас, ёши саксонга кетаётган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди».

Кўриниб турибдики, иккала шоҳиднинг таъриф-тавсифи бир-бирига яқин, уларни ўқигач, кўз олдимизга бўйи 2 метрдан кам бўлмаган, мукамал қоматли пахлавон гавдаланади. Гарчи 26 ёшида олинган жароҳат асари гавданинг ўнг томонида қолган бўлса-да, қўл меъёрида ишлаган, фақат ўнг елка бироз паст бўлган. «Темур виқор билан отда ўтирганда бу нуқс асло сезилмас, аксинча, чап елканинг баландлиги унга ўзгача салобат бағишларди», деб ёзади тарихчилар.

* * *

Ахлоқ ва атвор. Барча даражадаги муаррихлар ҳазратнинг эътиқодда комил эканлигини фахр билан қайд этганлар. Болаликдан исломий муҳитда улғайган Соҳибқироннинг устоз ва пирлари жамиси ҳанафий мазҳабида бўлиб, ўзи ҳам шу мазҳабда эди ва барча ҳаракатида ҳанафий талабларига амал қилган. Ўзига маънавий пир сифатида саййидзода Саид Баракани ва хуросонлик Зайниддин Тайободийни танлаган эди. Шайх Шамсиддин Кулол оиланинг яқин кишиси ва пири бўлиб, ҳазратга исм қўйган ҳамда ёруғ камолидан башорат қилган эди.

Бобомиз гарчи фаолиятида сиёсат ва диннинг мавқеини аниқ тайин қилган, уларни аралаштириб ёки қўшиб юбормаган бўлса-да, диндорларга чуқур ҳурмат билан қараган, уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутган. Умрлари бўйи диний авлиёлар, уламоларнинг равзаларини обод

қилишга катта эътибор берган (жумладан, Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий қабри устига маҳобатли бино қуришни амр этган). Ўзи ҳам диний арконларга тўла амал қилган. Сафарлар асносида ҳар доим ўғруқда кўчма ёғоч масжид олиб юрилган. Соҳибқироннинг бу борадаги тамойилини ўз сўзлари билан бундай ифодалаш мумкин: «Давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим».

Мадраса таҳсилини олган, ўз даврининг етакчи олимларини суҳбатдош тутган Соҳибқирон бобомизнинг урфоний салоҳиятлари нақадар эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Адабиётдан қанчалик бохабар эканлигини Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»да келтирган ҳикояси орқали биламиз. Ўшанда ваҳимага тушиб, Қуръон тиловатига жаҳд қилган кишига қарата айтилган «Абдол зи бийм чанг бар «Мусҳаф» зад» (Гуноҳкор қўрқанидан Қуръонга чанг солди) мисраси 967—1049 йилларда яшаган форс шоири Абусаид Абулхайрнинг рубоийсидан экан.

Яна Мирзо Ҳайдар Шабистарий деган озарбайжон шоирининг «Гулшани роз» достонини ёқтириб қолиб, бошидан охир ёдлаб олгани, Шабистар қишлоғи аҳлига мукофот инъом этгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ёки ҳазратнинг Ҳофиз Шерозий билан мулоқоти жуда эсланадиган воқеа.

Ҳалабда (бу шаҳар даврининг илмий маркази сифатида эътироф этилган эди) олимларни тўплаб мунозарага киришган Соҳибқирон уларга турли масалаларда мураккаб саволлар билан мурожаат этади. Жумладан, ҳазратнинг «Жангда икки тарафдан ҳам одамлар қурбон бўлади, уларнинг қай бирлари шаҳид саналадилар?» сингари саволларига жавоб беришда уламолар анча қийналадилар.

Дамашқда муттасил 35 кун мулоқотда бўлган Ибн Халдун билан турли мавзуларда мунозаралар олиб боради. Хусусан, Бобил ҳукмдорлари — Навуходонасар II ва Бухтаннасар ҳақидаги баҳсда Соҳибқирон олимдан устун келади.

Бобокалонимизнинг ёрқин заковатидан дарак берувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тарихий далиллар ҳазрат Соҳибқироннинг ҳаётсевар инсон бўлганлигини тасдиқлайди. Гўзалликдан завқланиш, одамларнинг шодлик дамларини қадрлаш ва уни узайтиришга интилиш, хурсанд одамга қўшилиб хурсанд бўла олиш салтанат юритиш давомида кўплаб тадбирлар ташкил қилинганида уйғунлашган. Соҳибқирон фарзандларининг суннат ва уйланиш тўйларини алоҳида тайёргарлик билан юқори кўтаринкиликда ўтказган. Шундай дамларда гуноҳкорлар авф қилинган, одамларга ҳадылар улашилган. Шунингдек, ҳарбий юришларда қозонилган ғалабалар ҳам муносиб нишонланган, жангларда жасорат кўрсатган лашкарбошилар, баҳодирларни Соҳибқирон ўз дастурхонига таклиф қилиб, ўз қўли билан илтифот кўрсатган, уларга оталик, устозлик меҳрини намоёниш этган. Бундай муносабат уларни ва бошқаларни янги жасоратларга илҳомлантирган. Хуллас, бобокалонимиз ўз феъл-атвори билан бағри кенг, қалби тоза, мард, руҳи бардам, ҳушёр ва тадбиркор инсон тимсолини намоён этган. Ул зот учун бировларнинг қайғуси, ташвиши бегона бўлмаган. Ўзи ҳам ҳаёт зарбалари, оғир йўқотишлар қаршисида тушкунликка тушиб, ҳаётдан бешиш ҳолатларини кўп бора бошидан кечирган. Айниқса, суюкли қизи Тоғайшоҳнинг вафоти (1381) унга ёмон таъсир этган, салтанат ишларида бутунлай совиган эди. Танг вазият эса уни сафга чорларди. Опаси Қутлуғ Туркон оқанинг далдаси билан яна жанг либосини кийишга, исён кўтарган ҳудудларга юришга мажбур бўлади. Шу тахлит тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир мотамида лахча чўғдек куйди, Умаршайх Мирзо ҳалок бўлганда тоғдек бардош билан чидади, валиаҳд сифатида танлаган набираси Муҳаммад Султоннинг вафоти эса уни бутунлай йиқитиши мумкин эди. Бироқ чекига тушган улкан юк унинг таслим бўлмаслигини, билъакс, салтанат қуш патидек тўзиб кетишини таъкидлаб турар эди. Шунинг учун миллат, ватан истиқболи учун шахсий дардларини унутишга мажбур эди. Ҳаёт ҳазратни оғир синовларга рўбарў қилган, у ҳаммасини енгиб, ғолиб бўла олган. Ибн Арабшоҳ ёзади: «У ҳазил-мазах ва ёлғонни

ёқтирмас, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди; у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган (ютуқ)дан шодланмас эди».

Ибн Арабшоҳ давом этиб, ёзади: «У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди, ... ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз фикри билан сал бўлмаса учар юлдузни тўғри йўлга бошқара оларди».

Соҳибқироннинг раият (халқ, омма) ва лашкар орасида обрўси жуда юксак бўлган. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ шундай қайд этади: «Агар уларга «Темур — Худо» деса, ҳаммаси ишонарди». Албатта, бундай меҳри юксакликнинг сабаблари кўп. Уларнинг асоси, бизнингча, жами ҳаракатларнинг замирида «Куч — адолатда!» тамойилининг қўйилгани бўлса керак. Соҳибқирон Адолатидан юқори фақат Аллоҳ бор, Адолат қаршисида шох ҳам, гадо ҳам тенг. Шубҳасиз, бу талабнинг нақадар ҳаётийлиги ҳазратнинг таржимаи ҳоли, турмуш тарзи орқали тасдиқланган. Шунча дабдабаю асъаса билан ўзига бирор имтиёз талаб қилмаган зот сафарларда лашкар билан тенг шароитда яшаган: бир хил шароитда ухлаган, бир қозондан овқатланган. Вазият талаб қилса, ўз фарзандларини одилона жазога мустаҳиқ қилган. Жумладан, ўғли Мироншоҳ, набиралари Хусайн, Искандар, Халил Султон намоишкорона жазоланган. Жангда сусткашлик қилгани учун лашкарбошилар сазойи этилган, қўрқоқлиги сабаб мол-мулкидан мосуво бўлиб, бадарға қилинган.

Соҳибқироннинг илтифоти ҳам бисёр бўлиб, ўзгаларнинг фикрини ҳурмат қилишга жуда эътибор берган экан. Жумладан, жамоатчилик фикрини қадрлаб «Халқнинг хос қисми бу масалага (қўрилаётган бирор тadbир кўзда тутилган — Ҳ.С.) чуқур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса, унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг қуйисигача йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кўтарилса ҳам — фарқи йўқ, ҳеч бир тортинмасдан гапираверсин. Чунки агар хато қилса, бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, бу икки

хисса мукофот, деярди» (Ибн Арабшоҳ). Агар бу кўчир-манинг замиридаги маънога назар солсак, унда аҳоли барча табақаларининг фикрига эътибор билан қараш лозимлиги таъкидланаётганини сезиб олиш қийин эмас. Демак, ана шундай бағрикенгликнинг амалда бўлгани салтанатнинг мустаҳкамлигини таъминлаган омиллардан бири эди.

«Темур тузуклари»да «Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргаздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим», дейилади. Демак, жами нуфус (аҳоли)ни ўн икки табақага ажратишда Соҳибқироннинг ўз талаблари бўлган. Бу талаблар пирларнинг насиҳатлари, олимларнинг маслаҳатлари, китоблардан ўрганилган илмлар ва, албатта, ҳаётий тажрибалар асосида шаклланиши ҳам шубҳасиз. Жамият аъзоларига бундай аниқ муносабат изҳор қилингани дунё ҳукмдорларидан қай бирида учраганми, йўқми билмадик-у, бироқ шундай қатъий тўхтамга келиниб ва мамлакатни бошқариш тизими шу асосда яратилгани — дунёда тенгсиз ҳодиса, шахснинг чинакам беназир ва ноёблигини исботловчи ёрқин далилдир. Ана шундай юксак зотнинг феъл-атворини тавсифлашга ҳар қандай бўёқ хира тортиб қолиши, ҳар қандай сўз ожизлиги — рост гап. Албатта, улкан салтанатни бир туг остида ушлаб туришни таъминлаган қаттиққўллик (шафқатсизлик эмас) ва талабчанлик фазилатларини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

* * *

Масоф ва урушлар. Шубҳасиз, жаҳон ҳарбий санъатида Соҳибқирон Амир Темур сингари ҳаётини ҳарбий сафарларда ўтказган, кўп ва хўб жанг қилган бошқа саркардани топиш қийин бўлса керак. Албатта, бу ўринда бо-бокалонимиз қўмондонлик қилган жанглар миқёслари — қанча жангчи иштирок этганию, қамраб олган масофалар, уларда эришилган ғалабаларнинг сирларию аҳамияти ҳақида янги гап айтиш қийин, чунки бу воқелик жуда кенг талқину тафтиш қилинган. Бу ўринда фақат бир оддий унсурга диққатни қаратмоқчи эдик. Келинг, бир-галикда Амир Темур ҳазратлари отда босиб ўтган масофанинг кўламини тасаввур қилиб кўрайлик. 1360—1405 йиллар

оралигида Соҳибқироннинг қадами қаерларга тегмади? Агар чегаралар билан санайдиган бўлсак, шарқда — Юлдуз яйловлари, Қошғар — умуман, Хитой чегараси, жанубда — Ҳиндистон, Сарандиф оролигача, Афғонистон, Эрон орқали Қизил денгизгача, Сурия, Ироқ, Туркия орқали ғарбда Адриатика денгизигача, шимолда — Булғор ўрмонларию Литва князлигигача бўлган ҳудудда 45 йил от сурган Соҳибқирон неча километр йўлни босиб ўтди экан? Эътиборлиси — бу манзилларнинг кўпи бир эмас, бир неча марта фатҳ этилган. Амударёнинг ўзидан ўн мартадан кўпроқ ўтилган.

Албатта, бу тарихий далилларни эслаш, уларни ўрганишга даъватда ҳеч қандай дағдаға ёки таҳдид йўқ. Булар — ўтмиш, ўтмиш билан яшаб бўлмайди. Далилларни ўрганиш истаги эса фақат бир зотнинг шахсини тўлароқ тасаввур қилиш, шу орқали инсон фарзанди нималарга қодирлигини бир чамалаб кўриш учун лозим, холос.

* * *

Хусусан, ўша замон кишиларининг либослари, таомлари ва бошқа маиший ҳаёт унсурларини ўрганиш ҳам қизиқ манзараларни намоиш этиши мумкин. «Бобурнома» муаллифи ўз отасининг либослари ҳақида тўхталиб, «Тўнни бисёр тор кияр эди, дасторини дасторпеч чирмар эди. Ёзлар ғайри девонда аксар мўғулий бўрк кияр эди», деб ёзади. Афсуски, Соҳибқирон бобомиз ҳақида бундай аниқликда ёзиш имконидан хорижмиз. Бизнингча, Ўзбекистон «ойнаи жаҳони» орқали намоиш қилинган Алишер Навоий ва Бобур Мирзо ҳақидаги телефильм ижодкорлари XV асрларга хос либосларни яратишда муваффақиятга эришганлар.

Албатта, илм-фан, санъат, савдо-сотиқ ривожланган у даврда ошхона маданиятида ҳам юксак даражага эришилган. Хусусан, Самарқандда ташкил этилган олтмиш кунлик тўй (1404 йил, ёзи)да қатнашган Луи Гонзалес Клавихо тўкин дастурхонларни ҳайрат билан таъкидлайди: «Дастурхонга тузланган ва қовурилган, бутунлай ёки бўлиб-бўлиб пиширилган от ва қўй гўшти тортилди. Гўштларни доира шаклидаги зарҳал чарм суфраларда суд-

раб олиб келдилар. Гўшт шу қадар кўп эдики, суфрани уч юзтача одам судраб олиб келди... Гўштхўрлик тугагач, устига дастурхон солинмаган хонтахталар келтирилди, унинг устига тузланган гўшт, гуруч ва бошқа таомлар, ширинлик солиб пиширилган нон қўйилди». Бу асъасалар Темурбек ҳузурида бўлаётган эди. «Улуғ амир лўлаболишга ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача устида ўтирарди. Подшоҳнинг эғнида гулсиз силлиқ шоҳи яқтак, бошида узун телпак, телпакнинг тепасида қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар қалалган». Яна ёзади: «Дастурхонда қовурилган ва қайнатилган от гўшти, қайнатилган ва дудланган қўй гўшти, ўз удумларига кўра ҳар хил усулларда тайёрланган гуручли овқат кўп бўлди». Сайёҳнинг эсдаликларидан ўша замонда ҳам тандир кабоб («дудланган қўй гўшти») ва паловхонтўра таомилда бўлганини сезиб олиш қийин эмас.

Бу сезимлар эса бизнинг бугунги ҳаётимиз билан ўша фараҳли кунлар — бундан олти юз йиллар олдинги замон ўртасида олтин кўприк мавжудлигини, бу боғланиш бугун ўзлигини қайтадан намоён қилишга киришган халқ турмушида баралла кўзга ташланаётганини тасдиқлайди. Бир халққа хос урф-одат ва анъаналар — жами қадриятлар йиллар оша бойиб, такомиллашиб боради. Жумладан, бир пайтлар Мовароуннаҳр ҳудудларида кўчманчи мўғуллар жорий этган тартибларни бартараф этиб, бобокалонимиз шаҳарлашган ўтроқ маданиятга асос солган эди. Бу маданият дурдоналари асрлар оша сайқал топиб, бугун ўзбек халқининг менталитетини ташкил этмоқда. Асрий обидаларда муҳрланган санъат, дунёни лол қолдирган тафаккур бугун ўзи ҳақида ўзи сўзламоқда. Бу изҳор ҳали кўплаб саҳифаларда қайта-қайта дарж этилаверади.

2008 йил, март

ҚАЛБ ВА ҚАНОТЛАР

Туронзамин бағридан кўплаб буюк зотлар етишиб чиққан. Хусусан, Султон Жалолиддин ва Амир Темур ҳақида ўйлаганда, кишининг кўз олдидан ҳаётнинг турли ҳикматлари кинолентадай ўтаверади. Зеро, бу икки инсон таржимаи ҳолида тирикликнинг жами синоатлари, одам боласи кечириши мумкин бўлган барча кушойиш ва оройишлар, табиатда мавжуд, илмий тилда *gotosipiens* деб аталувчи энг мукаммал икки оёқли жонзотнинг нималарга чидаши-ю, нималарга қодирлиги, хуллас, ер юлдузининг ноль нуқтасидан чексизликкача бўлган ўлчами мужассамлашган, десак, хато бўлмайди. Шубҳасиз, бундай теран мазмунни, худди таёқнинг икки учини бир қўлда ушлаб бўлмаганидек, ягона қамровда тутиб бўлмайди. Бинобарин, аслида ҳам шундай, бу икки шавкатли аجدодимиз ҳақида неча юз йиллардан буён неча юз саҳифали тарихлар ёзиб келинмоқда. Бизнинг бу саъй-ҳаракатимиз эса Турон осмонининг мазкур икки ёруғ юлдузини ёнма-ён тасаввур қилиб, улар ҳаётидаги муштарак жиҳатларни таққослаб, шу орқали зеҳнимизни ёритиш, унутилаёзган ва ҳамон ғуборлардан тўлиқ покланмаган қадриятларимизни ёдга олиб, бугун дунёга «Мустақил Ўзбекистон» номи билан дадил танилаётган юртнинг ўтмиши ҳам, тарихи ҳам, демак, келажаги ҳам ягоналиги, яхлитлигини яна бир бора эсга солишдир. Озод юртимиз тўғрисида акс этган Ҳумо тимсоли эртақлардаги афсонавий қушдан олинмаган, балки унинг қалби, ўнг ва чап қанотлари аجدодлар тарихининг чиғириқдан ўтган чўнг мазмунини ифодалаб турибди.

Ўшарликдаги номлари Жалолиддин (бобоси Жалолиддин Отсиз шарафига) ва Темур (Қуръони каримдаги Мулк сураси, 16-оятдан) бўлган боболаримизнинг туғилиш санасида 138 йил фарқ бор. Жалолиддин Урганчда дунёга келди, унинг отаси Аловиддин Муҳаммад 1077 йилдан ҳукмдорлик қилиб келаётган Хоразмшоҳларнинг еттинчи вакили эди. Онаси Ойчечак қайнотаси, ўша пайтда тахт соҳиби (1193—1200) Аловиддин Текиш истагига мос равишда тўнғич набирани ҳадя этганди. Шаҳрисабзда

таваллуд топган Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай улуснинг обрўли бекларидан бўлиб, диндор ва маърифатли киши эди. Онаси Тегинабегим Моҳ Бухоро шариат қозиси Убайдуллоҳ Маҳмуд ал-Маҳбубийнинг қизи эди. Жалолиддиннинг туғилишини табриклаб, шайх Нажмиддин Кубро дуолар қилган бўлса, Темурга шайх Шамсиддин Кулол исм қўйиб, ёруғ иқбол тиллаганди.

Даврининг нуфузли, баланд мартабали оилаларида кўз очган шаҳзода ва бекзода болалик ва ўсмирлик йилларида тўқис муҳитда ўтказганлари, замонасининг таниқли кишиларидан сабоқ олиб, ҳарб илмида ҳам, маърифатда ҳам баркамол даражага етганлари тарих китобларида ишончли қайд этилган. Улар тийнатидаги жисмоний устунлик қилич чопиш, найза улоқтириш, мерганлик сингари жанговар машғулотларда тенгсиз бўлишларини таъминлаган, уларнинг зуваласида аввалбошиданоқ буюк саркардалик салоҳияти камол топаётган эди. Ишончли манбаларда Жалолиддин ҳам, Темур ҳам икки қўлда икки қилич билан баравар чопишгани, бундай маҳорат камданкам ҳарбийларга насиб этиши таъкидлаб ўтилган.

Улар улғайиб, сафга киргач, замоннинг оғриқли саволларига рўпара келдилар. Бири издиҳом (бу шароитни юмшоққина қилиб «маърака» ҳам деб аташ мумкин)нинг бошида турди ва, ниҳоят, кейингиси босиб келган тун зулматини парчалаб, ватанни озодликка олиб чиқди — Султон Жалолиддин бошлаган оламшумул юмушни Амир Темур охирига етказди.

Султон Жалолиддин тарих саҳнасига чиққанда шарқдан қўзғалган бало чумоли галаларидек Хоразмшоҳлар салтанатини пайҳон қилиб келар, бу бухронни тўхтатадиган куч майдонда йўқ, шон-шуҳратдан боши айланган ҳукмдорлар жиловни қўлдан қочирган эди. Жалолиддин тақдирнинг барча зарбаларига чидаб, ҳам ички ёв билан, ҳам ташқи душман билан муросасиз курашди. Босқинчиларга қарши муҳорибасининг энг чўққиси ва шафқатсизлиги — Синд дарёсининг Нилоб кечуви яқинида толеъ унга бир кулиб боққанди. Жасорат билан душманнинг темирдан ҳам мустаҳкам мудофаасини ёриб борди, Чингизхонга қилич сирпаб, белига арқон ташлаб, судраб жўнади. Фақат қис-

мат қиличи арқонни кесиб юборди, Чингизхон омон қолди. Лекин занғар ғолиб бўлгач, шафқатсиз қасос олди...

Амир Темур камолга етган паллада Чингизийлар авлодидан бошлиқлар ўзгарган, бироқ зулм, истибдод бурунгидай қолган, балки баттар кучайган эди. Ўша пайтда Мовароуннахрни идора қилиб турган Туғлуқ Темур Чигатой улусини бошқарган Чингизхоннинг олтинчи авлоди эди. Темур вазиятни чамалаб, фурсат келишини кутиб, унинг хизматига боради. Худди шу йили у Жалололдин сўнгги бор Чингизхон билан тўқнашган ва дарёдан ўтиб кетган ёшда эди. Тарихдаги эврилишни қарангки, ёвга қарши бир қасоскор ўйиндан чиқди ва орадан 138 йил ўтиб, ўша ёшда яна ўша завоёл топган мақсадини байроқ қилиб, қасос ўти билан пайдо бўлди. Бу тасодифларда қандайдир ички мантиқ борга ўхшайди ва у ўз ҳақиқати билан Султон Жалололдин ва Амир Темурнинг ягона воқелик эканини, ягона халқ армонларининг ибтидоси ва интиҳоси — зулмга қарши курашнинг бошланиши ва охирига етказилишидаги икки нуқталигини тасдиқлаб турибди. Ҳақиқатан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг юзага келиши қоронғулик тугаб, ёруғлик бошлангани аломати эди. Султон Жалололдин вафот этганига 138 йил тўлгач, Амир Темур унинг орзусини рўёбга чиқарди. Мовароуннахрда туркийлар давлатини тиклади (1370 йил).

Соҳибқирон Амир Темур, кейинчалик Темурийлар ҳукмронлиги даври миллатнинг, ватаннинг барча орзулари амалга ошган йиллар бўлганини бугунги хулосалар ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бу давр мўғуллар истилоси туфайли узилиб қолган ва яна тикланган (бугунги истилоҳ билан айтганда) ўзбек давлатчилигининг қад ростлаши ва изчил давом этиши даври бўлди. Амир Темур бир пайтлар Хоразмшоҳларнинг ҳам пойтахти бўлган Самарқандни ўз давлатининг маркази сифатида танлади. Соҳибқирон салтанати даврида Хоразм воҳасининг мавқеи юксалди, юрт обод бўлиб, гуллаб яшнади. Амир Темурнинг бу ҳудудга алоҳида эътиборини шундан ҳам билса бўладики, Хоразм тўғридан-тўғри марказий бошқарувга қараган ва хазинадан маблағ ажратилганда пойтахт билан тенг мавқеда турган. Хоразм маликаси Хонзодахонимнинг тўнғич

келин сифатида танланишида ҳам айрича меҳр уфуриб турибди.

Айни шу ўринда фикрдаги бир стереотипга муносабат билдириб кетишга тўғри келади. Кўпчилик Амир Темур Кўҳна Урганч қалъасини вайрон қилган, деган фикрга ортиқча урғу беради. Бугунги маълумот даражасида мазкур қарашга батафсил изоҳ бериш мумкин (негаки, тарихимизда оқ доғлар бўлмаслиги лозим)!

Маълумки, Амир Темур Самарқанд тахтига ўтирганда Хоразмда Сўфийлар авлоди ҳукмронлик қиларди. Улар мўғулларни Худосидек кўрар, уларга сажда қиларди. Шу кайфият таъсирида кўп қутқуларни юзага келтирдилар, Амир Темур беш марта Хоразмга келиб, музокаралар олиб борди, лекин улар бузғунчиликларни авж олдиравердилар. Ана шундай шароитда қатъий чора кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Қолаверса, Кўҳна Урганч қалъасининг бузилиши Соҳибқироннинг суронли юришлари масштабига солиб кўрилса, оддий воқеа бўлиб қолади. 1367 йилда Қарши, 1370 йилда Балх қалъаларига ҳам ҳарбий мақсад нуқтаи назаридан зарба урилган эди. Кўҳна Урганч қалъаси орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аҳвол ўнгангач, олдингисидан ҳам баланд ва мустаҳкам қилиб қайта тикланган. Бу воқеага урғу бериб кўпиртирилишининг сабабини қидириб, узоққа бориб ўтириш шарт эмас. Бу иғвони шўро мафкурачилари ўйлаб топган ва халқни бўлиб ташлашнинг бир усули сифатида қўллаган. Аслида ким Султон Жалолиддинни ҳурмат қилса, Амир Темурни ҳам яхши кўради, негаки, бу икки улуғ зот бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмайдиган ҳодисадир.

Ҳақиқатан, қарийб бир ярим аср давом этган мўғуллар истилоси ва босқинчиларга қарши эрк кураши тарихини чамалаб кўрсак, йўллар бир неча ўринда кесишганини, лашкар бир кўприкдан бир неча марта ўтганини ҳис қилиш қийин эмас. Чунки топталган замин нажот кутар, унинг шер йигитлари майдонда от суриб, истибдоддан қутилиш йўлини излашарди. Гўёки улкан саҳнада ҳарбий ҳаракатлар давом этар, саҳна кўринишлари, томоша иштирокчилари ўзгариб турса-да, моҳият битта эди:

ватан озодлиги! Демак, ўз-ўзидан воқеаларнинг такрорланиши кузатилади. Султон Жалолиддиннинг изи қолган манзиллардан эрк истагида ёниб Амир Темур ҳам ўтган.

Мана, бир мисол.

Амир Темур Ҳиндистон сафари давомида (1398) Синд дарёси қирғоқларига яқинлашиб боради. Бу ҳақда тарихчи Шарафиддин Али Яздий шундай ёзади: «Соҳибқирон... Бонудин кўчуб, жумъа кун муҳаррам ойининг саккизинда (20.09.) Синд суйига етиб тушди. Ва ўшул ердаким, Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингиздин қочиб ўзини сувга ташлаб эрди, Чингизхон сувдин ўтмай қайтди, Соҳибқироннинг чодирини анда тиктилар». Бу жой ўша таҳликали 1221 йил 23 ноябрь кун Чингизхон аскарлари Жалолиддинга етиб олган ва мурасасиз жанг бўлган Нилоб кечуви эди. Шу жойда уч кун ҳаёт-мамот кураши давом этади, кучлар тенг бўлмаган жангда Жалолиддин қўлга тушмай, дарёдан ўтиб кетади. Бу музаффар тарих, Чингизхондай тошюрак инсонни ҳам ҳайратга солган жасорат Амир Темурга маълум бўлмаслиги мумкин эмас эди. Узоқ ажлоди, қолаверса, салафи (маслаги бир ўтмишдоши)нинг тақдирида ўчмас нуқта бўлиб қолган қирғоққа яқинлашар экан, Соҳибқирон бобомиз қандай кайфиятни кечирган, билмадик, лекин шу ўринда ўз дастхатини қолдиришга аҳд қилганини тарихчи шундай ифодалайди: «Ва ҳукм бўлдиким, «Синд суйига кўфрук боғласунлар!» Бу қарор Жалолиддинга нажот берган сўқмоқдан авлодларга кенг йўл очилгани таъминланганига ишора эмасми?! «Ҳукм била Соҳибқироннинг черики икки кунда кўфрук боғладилар». Лашкарга яна икки кун дам берилади, албатта, хотирлаш тадбирлари ўтказилгандир ва Соҳибқирон шу ерда бир қанча элчиларни қабул қилади. 24 сентябрда янги кўприкдан ўтиб, лашкар чўлга етиб боради. «Ва ул чўл асру йироқ чўл турур ва ани Жалолий чўли дерлар, ул сабабдинким, Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингизхондин қутилиб, сувдин кечиб, бу чўлга кириб халос бўлди», деб ёзилади Муҳаммад Али Бухорий таржима қилган «Зафарнома»да. Шунингдек, ҳазрат Соҳибқирон Ҳиндистондан қайтишда

ҳам бу жойда тўхтаб (10 март), ўз ҳурматини изҳор этади: «Соҳибқирон келиб, кўфрукдин ўтуб, тушгача анда тушуб ўлтурди».

Неча юз йиллар олдин воқе бўлган бу саъй-ҳаракатлар орадаги вақт масофасини енгиб, бизга сассиз-садосиз гўзал тарихни сўзлайди. Табиатида қаҳрамонлик ва жасоратни қадрлаш ҳисси бўлган, ўзи ҳам қаҳрамонлик ва жасоратда тенгсиз зот умрнинг шиддатли лаҳзаларига гувоҳ бўлган заминда туриб, балки ўтган кунларни, озодликнинг машаққатли йўлларини кўз олдидан ўтказгандир, балки ўз ажлодининг аянчли қисматини эслаб, умр мазмунини тарозига қўйгандир, бироқ бир нарса аниқки, ўша лаҳзаларда Соҳибқироннинг тафаккурида ва тасаввурида Жалолиддин тимсоли пайдо бўлган, у билан ҳаёлан учрашган, балки бу дийдорлашув ўзаро рози-ризалик кайфиятида ўтгандир, балки Султон ўз халафи (ўринбосар авлоди) Амирга Турон заминининг шуҳратини янада юксалтириш йўлида ўз истакларини изҳор қилгандир... Нима бўлганда ҳам шундай руҳдаги мулоқот бўлиб ўтганига кишининг ишонгиси келади. Зеро, Амир Темур тузган салтанат теран илдизга асосланган эди, унда Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна сингари Туронзаминнинг шерюрак баҳодирлари орзу қилган эрк ва озодлик руҳи мужассам эди. Ана шундай руҳ амалда пароканда бўлиб кетган давлатнинг тимсолига айланган Султон Жалолиддинга ўн йиллар давомида куч бериб турди ва у озодлик йўлида сўнгги нафасигача курашди. У 33 йил умр кўрди. Ўз мақсади йўлида қаттиқ жидду жаҳд қилган бўлса-да, унга толеъ кулиб боқмади. Балки Салжуқийлар билан зиддияти, ўз қондошлари билан тил топиша олмагани уни номурод этгандир. Соҳибқирон Амир Темур эса бу таҳликали кунларга чек қўя олди. Ватанни озод этиб, унда 35 йил музаффарона ҳукмронлик қилди, шу даврда 27 мамлакатни бирлаштириб, улкан салтанат яратди. Бобомиз асослаган давлат қарийб олти аср тарих саҳнасида собит турди...

Ҳа, Синд дарёси, ундаги Нилоб кечуви (гузари) икки буюк саркарданинг мангу хотирасига ўхшайди. Кейинчалик бу йўллардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрди.

Инсон болаларига кўп-да насиб этавермайдиган фазилат эгаси — Эрк ва Озодликка қалби ташна бўлган Бобур ўз истаги йўлида «Ҳинд сари юзланар» экан, бу юртнинг қай бир гўшаларида ёвқур ватандошларининг изи қолганини биларди. Ўзининг машҳур асари — «Бобурнома»да турли муносабат билан Синд дарёси (суйи)ни 15 ўринда қайд этиб ўтади: «Синд суйининг уч гузаридан ўтиб, бу йўллар била келурлар. Нилоб гузаридин ўтганлар», «Синд суйини ёқалаб, сув қуйига боқа кўчулди», «Қобул суви била Синд сувининг қотилишидин қуйироқ кўҳна Нилобдин юққорроқ...», «Карк... Синд суви жангалларида... қалин бўлур» каби ва бир рубойи:

Юз шукр де, Бобурки, кариму ғаффор
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор.

Ҳам шукрона, ҳам изтироб ифодаланган бу рубойи Бобурнинг Ватан соғинчи ила ёзилган дардли шеърларидан бир намуна, Бобур ўз ижоди, ватанпарварлиги билан халқимизники, озод юртимизникидир. Бу ҳуқуқни бизга аждодларимиз минг йиллар оша орзу қилиб келган Мустақиллик хатлаб берди. Истиқлол кўплаб қадриятлар қатори халқимизнинг буюк фарзандлари қадрини жойига қўйди. Агар бир замонлар уларнинг номини тилга олиш ҳам тақиқланган бўлса, мустақил юртда уларга муҳташам ҳайкаллар тикланди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги халқаро доирада кенг нишонланди. Ватан озодлигидек буюк ҳикмат кўплаб шарафли аждодларимиз қатори тақдири бир-бирига анча ўхшаб кетадиган бу уч нафар бобомизнинг бошини ҳам бир жойга қовуштирди. Яна уларнинг чамбарчас барҳаёт руҳи озод юртимиз ҳудудларини ҳам ягона жисм сингари бирлаштириб турганга ўхшайди: агар Жалолиддин Мангуберди ғарбий ҳудудларимиз рамзи бўлса, Бобур Мирзо шахсида шарқий вилоятларимиз мужассамлашган, Соҳибқи-

рон Амир Темур эса бу яхлит асарнинг қалбини ташкил этади.

Мустақил юртимиз гербида Ҳумо қуши акс этган. Бу жуда чуқур маънога эга. Агар мен rassom бўлсайдим, шундай бир улкан полотно яратган бўлардим. Унда Ҳумо қуши тасвири узоқдан кўриниб турар, унинг бағрида — бир қанотида Султон Жалолиддин, иккинчи қанотида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва, албатта, ўртада Соҳибқирон Амир Темур жой оларди. Ва, шубҳасиз, бу манзарани мустақил юртимиз — Ўзбекистон харитаси безаб турарди. Эҳтимол, бу сураат тарих, бугун ва келажакнинг энг мукаммал ифодаси бўларди.

2008 йил, март-апрель

Мансубият





МУДРОҚ ҚОЯЛАРНИНГ УЙФОҚ ЮРАГИ

«... Йигирма икки ёшга тўлганимда...
мадрасада бирга ўқиган йигитлардан
қирқ кишини тўплаб маслаҳатлашдим
ва Аррафот тоғига аскар тўпламоқчи-
лигимни айтдим».

Амир ТЕМУР. «Зафар йўли»

Ҳисор бошидаги Муқанна ғори
Минг йиллик тарихинг сўзлар, эҳтимол.

Абдулла ОРИПОВ

Бир сафар Тошкентдан Термизга самолётда боришга тўғри келган. Бундан роса қувонганман, негаки, ўлкамизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланмиш бу шаҳар ҳақида бисёр яхши гаплар эшитган бўлсам ҳам унинг муборак тупроғига қадамим етмаган эди. Тафаккурнинг турли жабҳаларида беназир шуҳрат қозонган, маънавият хазинасида «Термизий» унвони билан дарж этилган ўн икки нафар буюк валломатнинг бешиги шу гўша бўлганлиги ҳақидаги маълумот эса ҳайратнинг ҳар қанақа чегарасини бузиб, ўзга ихлосу эътирофни остин-устун қилиб юборарди. Нон-насиба тортса, биринчи навбатда «учинчи халифа» — Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилишни кўнглимга тугиб қўйганман...

Хуллас, бир олам орзу-ҳавасларга тўлиб, янги таассуротлар ишқибозлигида осмонга кўтарилдик. Апрельнинг бошлари, қуёш ҳам чарақлаб турибди. Табиатнинг бу илтифотидан кўз ўнгимизда бетимсол манзаралар намоён бўлди: жонажон юрт бағридан қиш зулмати кўтарилаётган, келинчак баҳор майсалар рангида, уйғонаётган куртак оғушида ташриф буюраётган эди. Баланд чўққиларда кумуш қор ялтиллайди, ҳойнаҳой, у жойлар муз ўрами ичида бўлса керак. Пастроқда эса аллақачон чўллари-мизда бошланган бедорлик ҳарорати туфайли эрувгарчилик юзага келган: жилғалар шилдирайди, дарёлар ҳайқиради; бу овозлар самолёт ўкиригини ҳам босиб, иллю-

минатордан ичкарига кираётгандек, йўловчилар қалб гумбазларида акс садо бераётгандек — ҳамма юз очаётган жамолдан лол, бутун вужуди кўз бўлиб ташқарига боқади.

Баъзан қор кўрпасини кўтариб чекинаётган қишнинг уқувсизлик билан лаш-лушларини сочиб ташлаганига нигоҳ тушади: майин ғубор учиб юрган бепоён далада тангадек жойларда ғоз тўшидек оппоқ қор қимтиниб турибди. Атроф шунчалар тиниқ, мунавварки, неча минг метр баландликдан ҳам нина тушса кўринадигандек. Ўркач-ўркач қирлар қуршовидаги қўй қўраси қўл етгудек яқин туюлади. Тўлқинлар ичра мўъжаз қайиқни эслатувчи чўпон кулбасидан бурқсиб чиқаётган тутун тухум сиртидаги йўғон чизикдек аниқ кўзга ташланади... Бу манзара хилват манзилларда умргузаронлик қилувчи одамлар ҳаётини эсга солади Мана, биз қайноқ шаҳарнинг сершовқин идораларида ишлаётган юз чоқли одамлар аср мўъжизаси — темир қанот кумуш қушда олис манзилларга учиб кетяпмиз. Кўнгилда бўлғуси иссиқ дийдорлашувлар иштиёқи. Пастимиздаги бепоён баҳри муҳитнинг қай бир пучмоқларида ҳайҳотдек хонага қамалиб олиб, дайди пашшанинг таширфини кутиб яшаётганлар ҳам бор-да! Метереологлар, синоптиклар, чўпонлар. Фикрни чалғитиш учун таниш манзараларни излай бошлайман. Бу пайтда гўзал Самарқанд кузатиб қўяётган, қадрдон Шаҳрисабз кутиб олаётган бўлади.

Чўпон кулбасидан кўтарилган тутун кўнгилдаги қуйқаларни кўзгаб қўйгани бежиз эмас. Ҳув ўша Помир ва Ҳисор тизмалари туташган тоғу тошлар бағрида бир макон қалин қор кўрпаси остида ғафлат уйқусига ғарқ бўлганча ухлаб ётибди. Бу ерларда уйғониш майнинг охирларида бошланарди: одамлар ҳўкизга омоч тақиб, бир парча томорқасига чиққанида бирдан ҳамма баҳор келганини сезиб қоларди. Энди бу жойларда сукунат, бўйинтуруққа осилган тиркишдек тиришқоқ тоғликлар юртларини тарк этиб, чўл қувиб кетганларига йигирма йилча бўлган... Ичдан бир хўрсиниқ келиб, бўғизга тиқилди: қор кетишини зор-интизор кутиб, кейин шу кунга етишгач, оёқяланг ва сарпойчан ирғишлаб, болалик завқига тўлган

Намозгоҳ, Торкул, Чақилда қийқириклар янграмай қўйганига анча бўлди, энди бу жойлар йил бўйи ҳувиллаб ётади.

Самолётнинг шинам салоида ўтириб, ҳар куни уйқудан туриб ташқарига чиқарканман, кипригим қадаладиган чўққи — Бовурчини излай бошлайман. Шубҳасиз, уни тоғлар ва даралар уммонидан адашмай топа оламан. Ана, у оломон бошида кўтарилган яловдек шимолдан жанубга ястаниб ётибди. Ажабо, узоқдан қаралганда масофалар масшабидида у бироз чимирилган қошга ҳам ўхшар экан, ҳа, ўша юртимнинг очиккўнгил йигитлари, иболи қизларининг қоп-қора қошларига ўхшар экан. Бовурчининг юқориси (яъни, ялов дастаси тарафи)дан учли чўққилар пасайиб-пасайиб, бошқа силсилаларга қўшилиб кетган. Бу худди арранинг тишларини эслатади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур «Ўз аҳвол ва атвори, юруш ва қўнуши, мусолиҳа ва муҳориба воқеъотининг туркий луғот бирлан ёзгон китоби — «Зафар йўли»да (Тошкент, 1992 йил, 39-бет) қайд этилган Аррафот тоғлари, гарчи китобда ноширлар томонидан, «Қашқадарё воҳасидаги бу тоғ ҳақида маълумотга эга эмасмиз», деб изоҳ берилса-да, худди шу жойлар эканига заррача шубҳам йўқ. Ахир шаҳарларни вайрон қилиш, дарёларни қуритиш мумкин, аммо тоғларни кўчириб кетиб бўлмайдику. Яна рад этиб бўлмас бир далил — халқ орасида ҳам, илмий жамоатчиликда ҳам «Амир Темур ғори» деб юритилган табиат мўъжизаси айнан шу ўрамда, Бовурчининг биқинида...

Мен шу ўринда «ўз ички арз»имни тўхтатаман ва тарихга дахлдор тоғ, ҳувиллаб қолган қишлоқ ҳақида мухтасар ҳикоя қилишга ўтаман.

* * *

Ҳойнаҳой, Қашқадарёда воҳанинг қўшни Сурхондарё ва бу ёғи Тожикистонга туташиб кетадиган Ҳисор тоғлари бағрида худди денгиз чиғаноғи тубида яширинган марвариддек макон топган Тошқўрғон деган қишлоқ борлигини қўпчилик билади. Йўли тушиб, бу гўшада бир бор қўноқ бўлган киши ҳеч тортинмасдан, «Мен Тошқўрғон-

ни кўрганман», деб мақтаниши ҳам бор гап. Бу ифтихор-га боис қишлоқнинг узоқ бир хилват жойда «беркиниб» олгани-ю, унга бориш йўлидаги азоблар бўлса, иккинчидан, бу ерлик аҳолининг бошқа гўшаларда кўп ҳам учрайвермайдиган одатлари, кийиниши ҳатто ўзига хос овқатлари ҳам сабаб бўлган. Қишлоқ азбаройи «катта ер» дан узоқда жойлашгани, жуғрофий ўрнашувининг ноқулайлиги учун маъмурий жиҳатдан шўро замонида Кўкабулоқ, Қамаш, Ғузор, Яккабоғ туманлари ҳудудига киритилган.

Яккабоғ қишлоғининг ўртасидан оқиб ўтувчи Қизилсув (қадимги номи — Сурхоб) дарёсини ташкил қилувчи жилғалар абадий музликлардан бошланади. Мезайгов, Шилхазор, Сартўқай каби турли-туман сирли номлар билан аталувчи даралардан бошланган дарё ўзани Қалъаи Шерон дарасидан оқиб чиқувчи Қалъасуви билан бирлашади ва анча маҳобатли наҳр пайдо қилиб, қуйига йўл олади. Ана шу икки оқим қўшилган нуқтада Тошқўрғон қишлоғи жойлашган. Агар уни қиёсан таърифлайдиган бўлсак, сиз тубида гул нақши чекилган жонон пиёлани тасаввур қилинг. Тоғлар атрофини пиёла четларидек баланд ўраб олган ва худди қўлдан ясалгандек, пиёла тубидаги гул — ўша қишлоқ.

Қизилсув дарёси оқимида баланд тоғни тилимлаб ўзига йўл очган. Бу из қишлоқнинг ҳаёт йўли ҳисобланган. Дарё бўйлаб кетган сўқмоқдан роса ярим кун кимсасиз тоғлар ичра тентираб, ниҳоят, одамлар яшайдиган биринчи қишлоқ Тотор («Тоғ тор» бўлиши мумкин)га келишарди. Шу «ҳаёт йўли»нинг ўзи энг мукаммал муҳандислик қурилмасини эслатарди. Дарё ўзига шунчалар тор йўлни очганки, у худбинлик билан иккинчи йўловчи — тирикчилик илинжида сафарга чиққан тоғликни сиқиштирмасди. Шу туфайли сув устига шох-шаббалар босиб, кўтармалар қилишга, яланг қояни ўйиб, шоти бойлашга ёки у қирғоқдан бу қирғоққа ўтиб, йўлни давом эттиришга (5—6 чақирим йўлда бир пайтлар 16 та кўприк қурилганини эслашди) тўғри келарди. Йўл азоби қанчалар оғир бўлмасин, матонатли тоғликлар минг йиллар давомида қадрдон юртларини тарк этмаганлар. Ўзларича бир олам тузиб,

қўшни Вори, Зармас, Қизилтом қишлоқлари билан қудандачилиқда умр ўтказганлар.

Албатта, бу қишлоқнинг ҳаёти қайсидир китобларда қайд қилинган бўлиши керак. Афсуски, уларни мутолаа қилиш бахти ҳали насиб этганича йўқ. Лекин унинг тарихи ҳақида анча гап-сўзлар юради. Кўп нарсаларни қишлоқ номига боғлаб изоҳлашади. Аввало, бундай чекка, хилват жойга одамлар қандай қилиб келиб қолган, деган савол кишини ажаблантиради. Табиий излар эса ҳаёт анча қадимий эканини кўрсатиб турибди: ҳар қадамда мух (тошни эритиб темир олишда пайдо бўлган чиқинди)ларга дуч келиш мумкинки, бу тараққий этган ишлаб чиқариш белгиларидан нишона. Айрим кексалар: «Бизнинг отабоболаримиз асли балхлик бўлган», деб нақл қилса, баъзилари: «Аждодларимиз Афғонистоннинг Тошқўрғон шаҳридан бу ерларга келиб қолган», деб ҳам айтишади. Ана шу тахминларда жон борга ўхшайди. Негаки, бу ердаги одамлар туркийларнинг қатағон уруғига мансуб эди.

Очиғи, бу масалада аниқ манбага суянмай бирор нарса дейиш қийин. Қолгани элшунослар, тарихчиларнинг иши. Ҳар ҳолда Ватанимиз харитасида кичкина нуқтани ташкил этувчи бу жойнинг ўтмиши батафсил ўрганилса, маданий, иқтисодий алоқалар тарихининг янги бир жиҳатига ойдинлик киритилган бўларди.

* * *

Йиллар карвони манзилларда қайсидир кўринишда белгилар қолдиради. Мабодо, бутунлай сукунат чўмган пайтлари борлиққа қулоқ тutilса, элас-элас овозлар эшитилгандек бўлади. Бу, балки минг-миллион йил олдинги суронларнинг акс-садосимикин? Ёки биз тобора мавҳумлашиб бораётган ўтмиш суратини гавдалантиришда афсона ва ривоятларга ружу қўйиб, уларнинг бугунги ўлчам ва тасаввурларга сиғмайдиган «чин-ёлғон»ларига ҳам ўзимизни ишонтирамиз. Аслида, билиш тадрижи, маърифат йўли ҳам шу эмасми?

Маълумки, ер юзининг ҳар бир қаричига ўзига мос ном қўйилган. Тошқўрғондан чиқиб Бовурчи томон боришда «Дулдулнинг изи» деган қир бор. Болаларнинг бу

ҳақдаги сўроқларига катталар: «Шу жойда чорёрларимиздан ҳазрат Алининг отлари изи қолган», деб жавоб беришарди-ю, масаланинг бошқа томонлари — ҳазрат Али жаноблари нега бу тарафларга рихлат этганлар, тошда изи қолган от қанақа жонивор бўлган ва бошқалар «очиқ» қолаверарди. Аслида, бу маҳаллий одамларнинг фикри ожизи бўлиб, гап бошқа ёқда эди. Қирнинг пастада дарёга қуйилиб тушган текис камар бор. Унда ҳақиқатан катталиги баркашдек келадиган излар муҳрланиб қолган. Улар 23 та бўлиб, излар ораси 1,2—1,5 метр. Тошда панжанинг бўртиқлари, чуқур ботган тирноқ ўринлари аниқ билинади. Бу ростдан ҳам ерда ҳаёт пайдо бўлишининг ўрта даври — Мезозей эрасининг Юра ва Бўр палласида яшаган динозаврлар изи. Фанда аниқланишича, лавалар қотиб тошга айланаётган, сувлик чекинаётган даврда Тетис океани қирғоқлари Ҳисор тоғлари этакларини ювиб турган. Бу ҳолат ўтган асрда эмас, балки бундан 70—100 миллион йил (!) олдин бўлган. Агар сиз миллион йилларни ўз нигоҳларингизда қамраб олмоқчи, дунёнинг қадимлигига «жонли» шаҳодатни ўз кўзингиз билан кўрмоқчи бўлсангиз, марҳамат, виқорли Ҳисор бағрига йўл олинг. Одамзод бу қадим борлиқда нисбатан энг ёш «меҳмон». Бунгача ҳам тўғарак жаҳон қанча сиру синоатларни кечирган. Асрлар дунё китобида бир-икки қаторни ташкил қилиши мумкин.

Вақтнинг тошдаги изларини тавоф қилинг-у фақат, илтимос, сафарингизни шу ерда яқунламанг. Яна куч тўплаб бир силтаниб, қирдан ошсангиз, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг навқиронлик йиллари кечган маконни кўрасиз.

Ҳақиқатан, Тошқўрғоннинг мангуликка дахлдорлиги фақат динозавр излари эмас, унинг энг катта ифтихори — Буюк Темур билан эшлигида, яқинлигида. Дунёда маърифатсизликдан ортиқ жаҳолат йўқ! Карами кенг Аллоҳ тавба-тазарруни кеч бўлса ҳам қабул қилар эмиш.

Тарихий манбаларда Соҳибқироннинг ўсмирлик, йигитлик даври ҳақида жуда кам маълумот берилган. Муштарийлар ул зоти шарифни бирданига яроқланган лашкарларга бош ҳолда жангу жадаллар саҳнасида кўрадилар.

Табиий савол туғилади: ўз маҳорати ва жасорати билан рақибларини лол этган қўшинга қаерда тартиб берилган? Жавоб ҳам табиий: албатта, душман кўзидан пана, чекка бир жойда. Бу лашкаргоҳ ҳақида бобокалоннинг ўзлари эътироф этган эканлар: Аррафот тоғи, Амир Темур ғори ва динозавр изи бор ўрамда.

Аррафот тоғидаги баланд чўққи — Бовурчи. Бу сўзни баъзи луғатларда «ошпаз» деб изоҳлашган. Қизиқ томони шундаки, мазкур чўққининг адоғида «Ошхона» деган зиёратгоҳ жой ҳам бор. Ошхона тепаликда жойлашган, тош ўгириб қалоҳ қилинган, яккам-дуккам ёғочлар қадалиб, бирига, табиийки, туғ осилган. Одамлар шу жойда жонлиғ сўйиб қурбонлик қилишар, тунашарди. Айрича томони шундаки, бу ерда одам ўз тақдири ҳақида фол очиши мумкин. Бунинг учун тош уюмлари олдида борилади-да, махсус кавакдан қўл тиқиб илинган нарса олиб чиқилади. Агар дон-дун чиқса — деҳқон, жун чиқса — чўпон бўласан, қабилида таъбир қилинган. Эзгу одатларни халқ йиллар давомида эъзозлаб келади. «Тузуклар»да ҳаётини тақдир ҳукмига ташлаган жаҳонгир бобомиз турли ҳолатларда фол очганларини қайд этадилар. Ошхонада фол очишдек латиф одат ҳам бобокалондан қолган мерос эмасмикан, деган андиша хаёлдан ўтади.

Табиатнинг бетимсол ижоди бўлган бу жойлар денгиз сатҳидан 3—4 минг метр баландликда. «Тоғ султонлари» — арчаларнинг ҳам нафаси етмай, қўлларини ёзганча қуйида қолиб кетган бундай юксакликларга кўтарилган киши ўзини нақадар улуғвор сезади, бори олам устидан ҳукмдордек ҳис қилади. Қуйидаги барча нарсалар — шаҳарлар, дарёлар ўз мулкига айланиб қолгандек, амрига бўйсунishi шартдек бўлиб қолади. Дунё чопқинидан ҳоримаган, умрини от устида ўтказиб, тинимсиз аъмолини излаган улуғ бобокалонимиз катта ҳаётга қадам қўйиш арафасида юксак тоғлар бағридан қуйига назар ташлаб, шундай ҳисларни қайта-қайта туйгандек бўлгандир, юрак ҳапқириқлари, ўртанишлари билан руҳиятга кўчган сезги, балки бир умр ул зотга енгилмас куч ато этгандир. Ҳар ҳолда «шерлар тўдаси»га етакчилик қилиш, дунёнинг ярмини бир туғ остида бирлаштириш ва бошқа мислсиз

баҳодирликларнинг манбаси ҳақида ўйлаганингда, ҳар бир унсурдан сир-сехр излайверасан.

Агар Бовурчининг энг баланд чўққисига чиқиш истаги бўлса, бўғинларда мадор етарли, юрак панд бермаса, марҳамат. Зиёратга сиз билан борган кексалар оқ йўл тилаб қолишади, этакни бар уриб, типпа-тик қояга деярли ўрмалаб йўл оласиз. Чўққилар осонликча бўй бермайди. Қўл етгудек туюлган жойга чиққунча 6—7 соат вақт кетади. Илон изи сўқмоқ сақланиб қолган. Атрофда мўъжиза — анвойи ҳидлар, турфа ўсимликлар. Гоҳ каллик чақ-чақлаб қолади, гоҳ инидан чиқиб турган суғурнинг масхараомуз чийиллаши ҳушёрлигингизни оширади. Ниҳоят, керакли баландликка кўтарилгандан кейин ҳам чўққига етгунча яна бир чақиримлар йўл босиб, қоянинг орқасига ўтилади. Яна қирлар, чўққилар — дунёнинг туби кенг экан-да! Бу жойлар — абадий қор салтанати, бу йилгиси эримай, янгиси тушади. Текисликда ҳарорат энг юқори даражага етган пайтда қор орасидан қуртлар қимирлаб қолади. Йўлда яна бир қизиқ одатга дуч келасиз: қўл етмас чўққига кўтарилган киши тошни тикка қилиб, қариндошларига, яқинларига рамзий «қабр» тиклар экан. Одатда, касал ётган, омади чопмаётган ёки энг яхши кўрган кишисига шундай «марҳамат» кўрсатиларкан. Аёвсиз шамоллар илма-тешиқ қилиб ташлаган тошлоқда сўппайиб турган кўплаб «қабр»ларга кўзингиз тушади. Ниҳоят, энг юқори нуқтага етиб келасиз. У жойда атрофи тош билан ихота қилиб қўйилган зиёратгоҳ — авлиёнинг қабри ўрин олган. Чўққининг энг четидаги тошқалоҳдан нарида бир қадамча ер бор, нарёқи тубсиз жарлик. Агар юрак бетласа, уч марта айланиб, тошларни кўзга суртиб тавоф қилиш керак экан. Ўшанда мен 17—18 ёшли ўсмир жар лабида туриб, чўчимай атрофни кузатганман... Раҳматли Қарши бобо оят ўқиган, иниси уста Кўчқорга ўғил фарзанд тилаганди. Орадан бир-икки йил ўтиб, уста ростдан ўғилли бўлди.

* * *

Бир ёзувчи: «Таассуротларим сўзга сиғмайди, уни мусиқада ифодалаш керак», деган экан. Юрт манзарала-

рини имкон қадар тасвирлашга ҳаракат қиларканман, унинг бутун латофатини қоғозга тушириш имкони йўқлигига ишониб боряпман. Дарж этилганлар эса зора қалбингизда иштиёқ уйғотиб, сиз ҳам шу жойларни кўриш фикрига келиб қолсангиз. Агар қадамингиз етса, сиз ҳам бу гўзалликка асир бўлиб қоласиз. Яна ва яна кўришни қўмсайверасиз. Зеро, бу жойларнинг дўстлари қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Яна Ошхонага қайтамиз. Тушлик қилиб, костюмингизни елкангизга ташланг-да, хиргойи қилганча жанубга қараб йўл олинг. Нигоҳингиз ёввойи пиёз — ганговуллар қоплаб ётган ўлангзор, жилдираган ирмоқлар, паст бўйли буталар — читир, шувоқ, паритлар аро яна бир мислсиз мўъжизага дуч бўлади. Тўғри, унга эришиш осон эмас, қор кўчкилари ювиб кетган сўқмоқдан эмаклаб, қояга тирмашиб пастга қараб жилишга тўғри келади. Биз Амир Темур ғорига йўл оламиз. Агар унга Қалъасуви ёқалаб келинса, Қалъаи Шерон дарасидан юқорига кўтарилади. Бовурчидан келинса, пастга тушилади.

Фор энг совуққон одамлар назари билан баҳо берилганда ҳам такрорланмас мўъжиза. Уч қаватли иморат баландлигидаги кириш қисмида 50—60 киши жойлашадиган супа, ичкарисисидаги турли белгилар бу ерда узоқ муддат одам яшаганини тасдиқлаб турибди. Тарих китобларида қайд этилганидек, босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот курашига отланган қасоскор — Ҳошим ибн Ҳаким — Муқанна шу ерда паноҳ топган. Таърифи сўзга сиғмайдиган буюк бобомиз Темур мислсиз зафар йўлининг ибтидосини шу макондан бошлаган. Ватан озодлиги, миллат шарафи қалбида машъал бўлиб ёнган боболарга бошпана бўлган тупроқ, сенга таъзим ва тасанно!

Душман кўзидан пана бу жойлар ҳақиқатан табиий ҳарб майдони. Бир кўришдаёқ бу ерларда машқлар ўтказилгани, лашкарлар чиниқтирилганини — забардаст ҳарбий салтанат юзага келтирилганини ҳис қилиш қийин эмас. Кенг майдонлар, лашкарлар ҳайқиригидан гувоҳлик бериб турганга ўхшайди.

Қодир табиат яратган ҳайрат мамлакати, улуғ тарихий воқеалар бешигининг таассуротларидан ситилиб чиқиб, қуйига, одамлар оламига йўл оламиз. Истиқболимизда бўғотнинг тагида тиззасини қучоқлаганча отасининг шаҳардан қайтишини кутаётган хоксор, ёқаси тушган боладай мунғайган қишлоқ — Тошқўрғон пайдо бўлади. «Қўй бир тери ичида неча марта озиб, неча марта семиради», деган гап бор. Каттагина нуфусни бағрида жойлаган бу гўша ҳам бошидан қанча сиру савдоларни ўтказган.

Шундай қилиб, бу ерга одамлар қандай келиб қолгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ ҳисоби.

Диний илмларнинг зукко билимдони мулла Раҳматулло (Худо раҳмат қилсин) билан сўнгги суҳбатимизда улзот: «Қишлоғимизнинг урф-одатларини исломдаги турли тариқатларга солиштириб чиқдим. Бизда асл исломий одатлар қарор топган. Бу улуғ диндор алломалар ўтганидан далолат беради», деган эди. Фаразан айтиш мумкинки, тоғлар орасидаги бу жонли нуқтада барқарор, қуйма турмуш тарзи қарор топган, унинг гўзал ўтмиши бўлган.

Кексаларнинг эслашича, қишлоқда шўро тузумини қабул қилиш қийин кечган. Қолаверса, истибдодга қарши кўтарилган халқ исёни — «Қоракалтак» номи билан юритилувчи уруш ҳам шу тоғлардан бошланган. Алоҳида муфассал тадқиқот мавзуи бўлган бу ҳаракат ҳақида мухтасар гап шуки, у рус босқинига қарши бўлган. Ва кейинчалик ҳам давом этган миллий озодлик ҳаракатлари даврида Тошқўрғон қўрбошиларга макон бўлган, кўнгилли йигитлар улар сафида туриб курашган. Хотираларнинг гувоҳлик беришича, «кўнгилли»лар қишлоқ аҳлига асло зарар етказмаган, саховатли бойлар ўз хазиналаридан уларга солиқ тўлар, одамларнинг «қўтир улоғи»га ҳеч ким тегинмаган. Шўро аскарларининг қишлоққа кирганини, қайси ҳовлида яшаганини, катта сайхонлик — Кўлдашида ҳарбий машқлар ўтказганларини аниқ хотирлашади. Шевада ҳозир ҳам «атрад» (отряд), «пехут» (пехота) каби сўзлар ўрнашиб қолган. Кейин шовқин-сурон билан колхозлаштириш бошланган. Хусусий мулк: жувоз, тегирмон ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари умумлаштирилган.

Қаршилик кўрсатганларга катта солиқлар солиниб, «синдирилган». Ҳикоя қилишларича, бир кишининг еттита тегиримони бўлиб, солиқнинг юкини кўтара олмай, олтита-сини бузиб ташлашга мажбур бўлган. «Авлод-аждодимдан хотира» деб бирини айлантириб турса ҳам яна солиқ солишаверган. Жуда абгор бўлиб кетганини кўрган ҳамқишлоқлар бунисини ҳам бузиб ташлашини маслаҳат беришса, ўжарлик билан: «Бузмайман. Ё мен енгаман, ё шу ҳукуматинг енгади», деган экан. Табиийки, у одам «қулоқ» бўлиб кетган.

Ўз декчасини баҳоли қудрат қайнатган бу «кичик мамлакат» уруш йиллари ҳам кўп талафот кўрмаган, дейишади. Аксинча, «Тошқўрғоннинг тупроғи ҳам буғдой бўлиб кетибди», деган гап тарқалиб, оч-юпун қолганлар тирикчилик илинжида шу ерга чиқиб борганлар...

Бизнинг болалигимиз онамиздан «колхоз» йилларининг бешафқат меҳнати ҳақидаги ҳикояларни тинглаб кечган. Эҳтимол, бу мўлчилик ҳам қанчалар қиз-жувонларнинг хазон бўлган ёшлиги, қамчи остида қирчанғи бўлиб қилган меҳнати эвазига қўлга киритилгандир. Урушдан кейин катта ўзгаришлар бўлган. Довуд деган уста (у сиёсий маҳбус ёки фронтда қўлга тушган асир бўлган, шу чекка қишлоққа сургун қилинган) бошчилигида электр станцияси қурилган, белкурак ва кетмонлар билан «катта ер»га автомобиль йўли олиб чиқилган, мактаб, шифохона барпо этилган, ҳатто қишлоқ радиолаштирилган. Бу ўзгаришларнинг бошида турган марҳум раис Мамарасул Аҳмедовни ҳамон мамнуният билан ёдга олишади.

Хўш, қишлоқнинг бугунги кuni қандай? Афсуски, бир нарсa дея олмайман. Тошқўрғон бугун жойида йўқ, у кўчирилган.

... Колхозларни совхозларга айлантириш тадбири ўз микросферасига эга бўлган бу жойда ишсизликни келтириб чиқарган. Кейинчалик Қарши чўлини ялпи ўзлаштиришга киришилгани бекорчиликдан безор бўлиб юрган одамларни оҳанрабодек ўзига торта бошлаган. 1976 йилда вилоят ижроия қўмитасининг махсус қарори билан қадимий қишлоқ ҳозирги Касби туманига кўчирилган. Албатта, минг йилларни кўрган маконни ташлаб кетиш осон

кечмаган. Уч-тўрт ойда қишлоқ бутунлай ҳувиллаб қолган. Бундай оғир йўқотини мавжудотларга ҳам ёмон таъсир қилиб, қушлар азалий яшаш жойларини тарк этган, йўллар беркилиб, кўприклар бузилган. Кейинчалик эгаларидан айрилган итлар, мушуклар ёввойилашиб, одамларга ҳужум қилгани ҳақида гаплар чиқди.

Арча ёғочидан тикланган баҳаво иморатлар ўз ҳолига ташлаб кетилган. Бу жойни очиқ музей тарзида шу ҳолда сақлаш таклифлари ҳам бўлган. Ҳатто Шароф Рашидовнинг топшириғи билан таниқли киноҳужжатчи Малик Қайюмов қишлоқни тасвирга ҳам олган. Лекин бу саъй-ҳаракатларнинг давомидан беҳабармиз.

Нима бўлганда ҳам бу «оммавий кўчиш» бир ёқлама тадбир бўлганлигини ҳаёт кўрсатаёпти — қишлоқни сақлаб қолиш керак экан. Айнан шу воқеа хусусида Олий Кенгашнинг XI сессияси ҳужжатларида шундай қайдлар бор: «Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ зонасида жуда зўр ерлар бор. Ёнида ўзлаштирилаётган ерлари бўла туриб, Яккабоғдаги ишсиз юрган одамларни Туркманистон чегарасидаги ерларга кўчириб юрибмиз...» («Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», 53-бет).

Гарчи қишлоқ кўчирилган бўлса-да, табиатнинг беназир гўзаллиги ўз ўрнида турибди. «Оққан дарё оқмай қолмас» деганларидек, бир пайтлар ойлаб тўй-тантаналарга гувоҳ бўлган, ўзига хос фойз-баракали масканда яна ҳаёт жонлана бошлашига ишончим қатъий. Бу жойда дунёда тенгсиз оромгоҳлар барпо қилиш мумкин. Ахир мустақил Ўзбекистон давлатининг ўз Қрими, Сочиси, Ялтаси бўлиши керак-ку. Ёки ер қаърида яширинган тошкўмир, каолин, вольфрам, кварц қуми, қизил мармар, сочма тарздаги олтин ва бошқа бойликлар ёш мамлакатимиз истиқболига хизмат қилдирилиши лозим. Бу ерда «Қизил китоб»га кирган юзлаб ўсимлик ва ҳайвон турлари сақланган. Тупроқнинг табиий таркиби картошкачиликни йўлга қўйишга имкон беради. Қолаверса, картошкадан ҳозиргача ҳам мўл-кўл ҳосил олиб келинмоқда. Бундай хазиналарни қўлга киритишнинг энг катта ташвиши — қишлоққа доимий қатнайдиغان автомобиль йўли олиб бориш. Шунда беихтиёр хаёлга афсонавий Фарҳод келади.

Қани, у мўъжизакор тешаси билан пайдо бўлиб қолса-да, дарё бўйлаб кетган 25—30 чақиримли чўнг тоғни сариёғдек кесиб, йўл очса! Иншооллоҳ, замонамиз Фарҳодларининг ақлу заковати, мўъжизакор меҳнати билан афсоналар ҳақиқатга айланса ажаб эмас.

Ўзликни англаш, бу — ўз юртини, оёғи ерга тегиб турган заминни танишдан бошланмайдими? Узоқ йиллар ҳукм сурган номақбул тартиблар туфайли ҳатто ўз бешигимиздан ҳам йироқлашиб кетдик. Унинг мунгли ингроқларига қулоқ тутмадик, оғриқларига малҳам бўлиш, шаъни-шавкати улуғлаш ўрнига узоқлардаги «жаннат»ларга кўз тикиб яшадик. Тошқўрғон қишлоғи ҳам ана шундай ҳавойиликнинг қурбони бўлди, унинг табиий гўзаллиги, тарихий мавқеи писанд қилинмади. Бугун улуғларимизни бошимизга кўтараётган, уларнинг қадам изларида гуллар ундираётган эканмиз, бобокалонимиз буюк Амир Темурнинг мангу барҳаёт шавкати бу хилват гўшада ҳам акс садо беражак, мудроқ тоғларнинг мангу юраги абадий уриб туражак!

Мен улуғ ва қудратли мамлакатнинг бир кичик нуқтаси ҳақида жиндай ҳикоя қилдим. Ҳолбуки, унинг ҳар бир қаричи гўзалдан-да гўзал тарихга эга. Айтинг, ана шундай Ватанни севмаслик мумкинми? Йўқ!!!

Ватан! Кучай десам қулочим етмайди.

Ватан! Сени меҳрли нигоҳларим билан кучаман!

1993 йил, ноябрь

АРРАФОТДА ҚУТЛУҒ ИЗ БОР

1992 йил Амир Темур Кўрагоннинг ўзи тартиб берган таржимаи ҳоли — «Зафар йўли» нашр этилганди. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор: «Йигирма икки ёшга тўлганимда Ҳожи барлос билан иттифоқлашиб, амир Қазағонга қарши кўзғолон кўтаришга қарор қилдим. Мен билан мадрасада бирга ўқиган қирқ кишини тўплаб маслаҳатлашдим ва Аррафот тоғига аскар тўпламоқчилигимни айтдим» (39-бет). Шу саҳифа охирида Аррафот тоғи тўғрисида «Қашқадарё воҳасидаги бу тоғ ҳақида маълум-

мотга эга эмас»лик кўрсатилган. Бу ҳолга ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳисор тоғ тизмаларида, қирларида, сой ва текисликларида Темур ва Темурийлар билан боғлиқ ўринлар кўплаб учрайди. Бироқ мен суриштирган турли касбдаги кишилар Аррафотни изоҳлай олмадилар.

Бир куни таҳририятга кичик жуссали, нуроний чол кириб келди. Суҳбатимиз қовушиб кетди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Шодмон Камолов 90 ёшни қоралаб қолган, лекин фикри тиниқ киши, кўрган-билганларидан анча ҳикоя қилди. Отахон ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудини бирлаштирган Бухоро округи тузилган 1938 йилда ёшлар ташкилотининг саркотиби бўлиб сайланган, хизмат юзасидан Қашқадарё томонларга, жумладан, бизнинг чекка тоғ қишлоғимизга ҳам борган экан. Кейинчалик илм-фан билан шуғулланиб, ТошДУнинг жуғрофия факультетида маърузалар ўқиганлар. Хусусан, жой номларининг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида тадқиқотлар олиб борган.

Бирдан хаёлимга «Аррафот» тушиб қолди.

— Геологлар тилида баъзи атамалар бўлади, — дея гап бошлади суҳбатдошим фикримни илғаб. — Олайлик, текис тоғларни — «садтоғ», тик тушган, қирқилгандек бўлса — «девортоғ», туя ўрқачларига ўхшаса — «уркунжатоғ», учли, қиррали, аррага ўхшаш тоғларни эса «аррафот» (Арафот эмас) деб атайдилар.

Аррафотнинг Маккаи мукаррамадаги Арафот водийсига дахли йўқ экан. Ёдимга «Масҳара» деган чўққи номи тушиб, унинг мазмунини сўрадим.

— «Масҳара» эмас, «Машҳара», — изоҳ бердилар. — Машҳараларда кузатувчилар турган, душманнинг қайси томондан келаётганини машғал ёқиб хабар берган...

Кўз олдимда ёрқин бир манзара намоён бўлиб, гўё мозийдан хабарлар келаётган, тошга айланган хотиралар жонланаётгандай эди. Машҳара чўққиси Тошқўрғон яқинидаги маълум ва машҳур Амир Темур ғорининг қаршисида. Агар ғор жойлашган Қалъаи Шерон дарасини тортилган камон десак, Машҳара камоннинг ўқиға ўхшайди. Бу жойдан жанубдаги Чакчак дараси-ю, шимолдаги Тахтиқорачагача кўринади, десам лоф бўлмас. Ана

шундай қулай жойда кузатувчилар қўйилиши шак-шубҳасиз. Демак, аррага ўхшаш тоғлар ҳам шу атрофда бўлиши керак.

1991 йил август ойида «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» сафар қатнашчилари бу жойларда бўлган, шунда баъзи суратлар олинган. Шулардан бири диққатимни тортди. Шимолга томон қиялаб кетган тоғ чўққилари худди арранинг тишларига ўхшайди. Яна бир муҳим маълумот — Амир Темур ғори ҳам шу чўққининг жануб тарафида жойлашган. Халқ тилида «Бовурчи» деб аталувчи бу чўққи атрофларида текис майдонлар, хувиллаган даралар кўп учрайди.

Мулоҳазаларимни баён қилиб, суратни кўрсатганимда, йирик тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов: «Бу — ҳақиқатга жуда яқин маълумот» дедилар. Ростдан ҳам ҳали Амир Темур билан боғлиқ сир-синоатлар кўп. Ўша ғор, Арра-фот тоғи, унинг атрофлари деярли ўрганилмаган. Ахир мўғул истибдодини синдирган, тарихда буюк давлатга асос солган сулола қандай манбалардан куч олди? Шу хилват тоғ бағирларида тошни эритиб, оҳан олишдан қолган чиқиндиларга ҳар қадамда дуч келасиз. Балки Соҳибқироннинг қурол-яроғ ясайдиган устахоналари шу овлоқ жойларда бўлгандир?

1993 йил, июль

ТОҒЛАРГА ТИКИЛГАН ЭЪТИҚОД

Ҳисор тизма тоғларининг турли дараларидан бошланувчи Оқсув ва Тамшуш дарёлари неча соҳилларни ювиб, Ҳисорак қишлоғи яқинида «кўришадилар». Дарёлар туташган жойлар хосиятли ҳисобланади, дейишади.

Доим ўйчан, ҳатто бироз хўмрайган камарлар жигаридан сизиб чиққан зилол сувлар қўшиқ айтиб, айқирганча қўшилган нуқта тумшукдек олдинга туртиб чиққан, унинг манглайида хўжалик идораси — хилват ва қўл етмас тоғлар бағрида яшовчи минглаб одамларнинг тақдирига масъул қароргоҳ жойлашган. Тун қуюқ, шундай бошимизга

осилиб турган қоялардан эса янада қора зулмат уфуради. Кучли чироқлар худди мушукнинг кўзидек йилтиллади. Саратон офтоби уфуриб турган бўғиқ оқшомлар ҳовузларга чорласа, бу ерда сидирға кийим-бошда ҳам эт жунжикади. Айни пайтда тошларга бош уриб, тўлганиб оқаётган дарёда чўмилиш эмас, ундан бир ҳовуч сув ичиш амримаҳол: қирғоқ тик нишаблик, соҳил эса анча пастда.

БУГУННИНГ МАНЗАРАСИ

Шаҳрисабз туманидаги «Оқсув» жамоа ширкат хўжалигининг Кўл, Филон, Сарчашма сингари 5—6 участкаси бор. Шаҳрисабзнинг бу олис нуқтаси бир томони Китоб туманига ёнлашса, охири қўшни Тожикистоннинг Панжакент туманига туташиб кетган. Қирлар ортига сочилиб ётган қишлоқлар ўз турмуш тарзи, қиёфасига эга, гарчи бир қарашда ҳамма нарсa ўхшаш, бир хил туюлса-да, худди уларга элтувчи йўллар турлича бўлганидек, фарқланувчи жиҳатлар ҳам кўп. Бирида одамлар мулласифат, иккинчисида чўрткесар, бошқасида эса жанжалкаш ёки сипойи. Бир қишлоқда, олайлик, тўйда кўпкари чопилса, бошқасида ўртада гулхан ёқилиб, базм қилинади. Ёки бунисида тўй ошини наҳорда тортилса, унисида меҳмонлар тушликда чорланади. Бирида куёвнакарларни қўй сўйиб кутиб олишса, бошқасида тош отиб кузатиб қўйишади. Бундай рангинлик фақат шу жойларгагина хос эмас, дилкаш ва самимий тоғликларни кўз олдинга келтирсанг, қаршингда бутун юрт жамоли жилва қилгандек бўлади. Зеро, минг йиллар давомида ота-боболарнинг хоки-пойини азиз тутиб, узоқ манзилларда муқим яшаб келаётганлар қалбида ҳам улуг юрт — мустақил Ўзбекистон ғурури жўш уради, бу кичик гўшаларда ҳам катта уммонларнинг мавжи бор.

Кўл қишлоғи анча ичкарида жойлашган. Унга дарё ёқалаб кетган йўл билан борилади. Эътибор берганмисиз, бизни манзилларга дарёлар бошлаб боради. Унинг ўзани бўйлаб йўл тушади. Кетаверасиз — кетаверасиз, ниҳоят, тириклик, жон асаридан белги бўлади. Кўпинча Мирзо

Бедил айтганларидек: «Кўзингиз қишлоқлардан олдин қабристонларга тушади». Ниҳоят, одамлар манзилгоҳи — қишлоқларга кириб борасиз. Дарё, йўл, қабристон, қишлоқ. Бу тўрт ҳикматнинг тирикликнинг тўрт унсури — сув, тупроқ, ҳаво, олов билан нечоқлик уйғунлиги борикин? Ёки ҳаёлга келиб қолган бу муқояса шунчаки тасодифмикин? Мен атайлаб «қишлоқ»ни энг сўнггида дарж этдим, негаки тириклик мангу тантана қилиши керак.

Юқорига кўтарилишда фикр чақиндек ишлайди. Зеро, ҳар тошда, ҳар гиёҳда олам-олам сир-синоатлар яшириниб ётган бу масканларда зийрак бўлмаслик мумкин эмас. Тириклик ҳам шунга олиб келади. Тасаввур қилинг — эшакка ўтин юклаб, ўнлаб чақирим узоқликдан қадамбақадам имиллаб, бир қучоқ шох-шабба келтирилади, қозон қайнатиш ёки уйни иситиш учун. Бу жуда машаққатли юмуш. Ахир эшак жонивор ҳам тирик махлуқ, у илон изи йўллардан эркин одимлаши, энг асосийси, минг машаққат билан йиғилган ўтин сочилиб кетмаслиги шарт. Тоғлик буни қойилмақом қилиб уддалайди. Мана, йўл четида милтиллаган чироқ кўринди, қандайдир бўғиқ овоз ҳам таралмоқда. Юқоридан шитоб билан келаётган сув оқимиға чархпалак ўрнатишибди, у генераторни айлантиради, шундан ток ҳосил бўлади. Олти вольтли кичкина лампочка ўн чоғли кишилар даврасини бемалол ёритиб турибди. Бу ҳам ўзига хос зийраклик.

Ўрта ёшли, баланд бўйли Нурулло ака Сафаров қишлоқнинг «қироли», яъни бригадири. Чайир, ҳаракатлари кескин, югуриб кетаётган қуённи тутиб олгудек шашти бор. У қишлоқнинг бугунидан оҳиста сўзлайди. Бригадирнинг одамлар ишончидан боши осмонда. Тўй-маърака — бу жойларда «тарихий» воқеа, улар бошлиқсиз ўтмайди, ҳатто зиёратчиларга бир қўйни пуллаш керак бўлса ҳам уни чақиртиришади, бориб нархлаб беради. Меҳмонга боришми, шаҳарга тушишми, уй қуришми — барча катта-кичик юмушлар унинг аралашуви, маслаҳати билан бўлади. Ўн йилдирки, қишлоқдошлари унинг измидан чиқишмайди, ўзи ҳам бировни ранжитгани йўқ. Билъакс, тоғликлар ноҳақликка чидай олмайдилар, уларнинг ҳар бири белбоғида пичоқ олиб юради.

Имон-эътиқоднинг бардамлигини қаранг, бир юз ўттиз хонадонли қишлоқда уч масжид бор экан. Беш вақт намоз жамулжамликда, ёнма-ён ўқиларкан. Тўйларда етарлича хурсандчилик — ўйин, кулги, томоша бўларкан, бироқ ичимлик қўйилмаскан. Қолаверса, муносабатларда шундай беғуборлик, теварак-атрофда шунақа покизалик ҳукмронки, кўнгил чароғон бўлиб кетади, фикрга қутқу соладиган, бошни оғритадиган баъзи нарсалар ҳақида ўйлашга ҳам истиҳола қиласан, киши. Дастурхонда — арча ўтинида пишган хушбўй, бўрсилдоқ тандир нони, губор қўнмаган ноз-несматлар, қошиқ тик турадиган қўйқатиқ, зираворларга тўйдирилиб, димлаб пиширилган мол гўшти, даврада гоҳ жиддий, гоҳ ичакузди гурунги — Кўл қишлоғининг, тоғликларнинг меҳмонга армуғони — шу!

— Биласизми, бошимиз устида Ҳазрати Султон ота турибдилар-а, — дейди руҳ ва қалб поклигини жон-дилдан истаб Нурулло ака.

Қишлоқнинг тирикчилик араваси ҳам бир нави гилдираб турибди. Арпа, буғдой, нўхат, картошка экилади, чорваси, боғи бор. Ҳар ҳолда одамлар ишсиз, қўли қуруқ бўлиб қараб тургани йўқ. Лекин кун кечириш осон эмас, буни тушуниш учун ўша жойларда бўлиб, одамларнинг бир кунлик ташвишига шерик бўлиш кифоя. Фақат тоғдек чўнг бардош, киндик қони томган тупроққа оташин меҳр, ота-боболар руҳига садоқат уларни шу жойларда ушлаб туради.

Ўзбекистон — улкан мамлакат. Унда қиш ва ёз «бир пўстин ичида истиқомат» қиладиган ўлкалар, самога қўл чўзган чўққилару қирғоққа тўш уриб ётган наҳрлар беҳисоб. Албатта, ҳар бир ҳудуд ўз ўрнига қараб парвариш ва эътибор талаб қиладди. Насиб бўлса, яқин йилларда бошқа ўрамлар қатори тоғ ва тоғолди ҳудудларида иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни жонлантириб юбориш тадбирлари кўрилажак.

Ҳозирча эса бригадирнинг битта орзуси бор: Кўлга телефон тортиб келинсайди. Унинг чекка қишлоқ учун аҳамиятини таъкидлаб ўтиш ортиқча. Яқинда зиёрат мақсадида ташриф буюрган вилоят ҳокими қаттиқ ваъда берибди.

— Раҳбарлар Хизр назар одамлар, улар алдамайди, — дейди Нурулло ака оқкўнгиллик билан.

Кўлдан Филонга ўтадиган тўғри йўл бор, ўтгиз чақиримли масофада гоҳ тик кўтарилишга, гоҳ текисликда физиллаб кетишга тўғри келади. Қатнов кам. 5—6 қир ошиб юрилса-да, бирор хонадон ёки қўналга кўринмайди. Ҳозир чўлларнинг чанги чиқиб ётибди, бу ерда эса ўт тиззадан уради. Ҳамроҳларимиз — маҳаллий раҳбарларга шу ерларда қўтонлар қуриб, чорвачиликни йўлга қўйишга шароитлар борлигини айтдик. Сув бор, ҳатто электр тармоғи ҳам ўтган. Жўяли бир гап бўлмади. Ҳар ҳолда четдан келган одам оғзига тўғри келганини сўйлайверади, жойнинг баланд-пасти эгаларига маълум. Нима бўлганда ҳам поёнсиз қирларга боқиб, у ерларда қўй-қўзиларнинг яйраб юрганини тасаввур қилиб, ҳали фойдаланилмай ётган чексиз имкониятлар мавжудлигини ўйлайсан.

Ниҳоят, Филон қишлоғи, аниқроғи, бошқа бригада чегараси бошланди. Бу ёқда бутунлай ўзгача ҳолат. Ўртадаги ариқнинг шундоқ лабидан картошка экила бошланган. Йўл нишаблаб кетади. Атрофда бир хил манзара — имкон бўлган жойда — гиламнинг ўрнидекми, 10—15 сотихлик томорқами — картошка қадалган. Биз тушиб бораётган ҳавзанинг икки томонида, тўғридаги қирларда яшил «ямоқ»лар — картошкапоялар кўзга ташланади.

Филон Қашқадарё тугул, ундан ташқарида ҳам маълум ва машҳур қишлоқ. Кўҳна тарихга дахлдорлиги, ўзига хос табиати, одамлари доимо эътиборни тортиб келган, кўрганлар эса унутилмас таассуротлар билан кетганлар. Лекин бу ҳаммаси эмас. Филонни атроф-теваракка машҳур қилган — картошкаси. «Филоннинг картошкаси» деган ёрлиқ воҳада жуда баланд қадрланади. Сир нимада — ердами, сувдами, ҳаводами ёки одамларнинг фидокорона меҳнатидами, ҳарҳолда узоқ йиллардан бери бу шуҳратни ҳеч ким синдира олгани йўқ, яъни бошқа бир ерда Филондагидек ҳосил ундирилиб, «одамлар шу соҳани касб қилиб олибди», деб эшитмадик. Эҳтимол, бу табиатнинг саховатидир. Варганзада бу ерда битадиган анорнинг сири билан қизиққанимда шундай дейишганди: «Бизда ҳам бир жой борки, энг яхши анор шу ерда бўлади». Буни тоғ

чўққиларидан бирининг кемтигидан эсадиган шамол тўғри шу ерга урилар экан, деб изоҳлашганди.

Картошкачиликни ривожлантириш долзарб муаммо бўлиб турган айти пайтда ҳам филонликлар шовқин-суронсиз мўл-кўл ҳосил етиштиряптилар. Буни тан олмаслик мумкин эмас.

Қишлоқ кун чиқиш тарафдаги текислик томон анча кенгайибди. Уйларнинг томи ялтироқ тунука билан ёпилган, пешайвонли, таги баланд кўтарилиб қурилган. Ҳовлиларда ёз нафаси: кимдир даладан келтирилган хашагини жойлаяпти, биров хирмон совуриб, донни сомондан ажратмоқда. Филоннинг эски қисми қияликда жойлашган. Жин кўчалар ҳовлиларни ажратиб туради, уйлар эса бир-бирининг нақд устига қурилган. Бу қишлоқ меъморчилигини асалари ижодига бутунлай зид қўйиш мумкин. Агар асалари инлари бир-бирига айнан ўхшаса, бу ердаги кулбаларнинг ҳар бири такрорланмас тарзда, ўзига хос шаклда қурилган. Уч-тўрт қават бўлиб кетган иморатлар учрайди — қиялик жуда тик. Шарқираган булоқ бетон ертўла билан ёпилган, усти эса қариялар чойхонаси. У ўймакор устунларда кўтарилган, шип ва деворларга ҳафсала билан нақшлар ишланган. Айвондаги курсида ўтириб ҳордиқ чиқарамиз, таассуротларни баҳам кўрамиз. Филон (тожикча — нишаблик, қиялик) қишлоғи Искандар Зулқарнайн замонидан қолган хотираларни ўзида сақлаб келади. Шаҳрисабз маликаси Кенагасхоним билан боғлиқ ривоятларда, мислсиз гўзаллар гўшаси — Париқўнган гузари ҳақидаги ҳикояларда у тилга олинади. Қишлоқ қирағай мерганлар, орияти баланд йигитлар, мағрур қизларни вояга етказган. Улар билан боғлиқ жуда кўп ҳикоялар тилдан-тилга ўтиб юради. Завқи баланд, диди ўткир одамларнинг ўзи соз ясаб, ижро этади, қўшиқ кўйлаб, рақсга тушади. Бироқ Филон тугун бўлиб турган ташвишлар ичида яшаяпти. Шу кунлари бригадир истеъфо берган, қишлоқнинг «эга»си йўқ экан. Негаки, аҳоли сонининг ошиб бориши билан (ҳозир тўрт мингдан кўп киши яшайди) тирикчилик ўтказиш оғирлашиб бораяпти. Кичик корхоналар очиш, янги иш ўринлари яратиш ҳақида ҳеч ким қайғурмаяпти. Бизнинг назаримизда, Филоннинг

олдинги шуҳратига, одамлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка бир оз ғубор қўнганга ўхшайди.

Шу қишлоқда мулла Абдусалом домла деган беназир киши яшаб ўтган (жойлари жаннатда бўлсин!) Ажойиб соҳибкаромат, баркамол илм эгаси бўлган ул зот яқин-атрофда катта шуҳрат қозонган. Тоғларни текислаб ўтказилган йўл, Мунаввар кўприги ва бошқа кўплаб қурилишлар, хайрли ишлар у кишидан хотира бўлиб қолган. Бугунги кунда ҳам ана шундай яхши анъаналар тикланиши лозим.

Филонда уйдан чиқсангиз, бурнингиз қарийб тоғ тўшига тегади. Бизга асрий қорлар қоплаб ётган чўққи пастидан ўтган девор сиртидаги таранг тортилган соч толасига ўхшаш ингичка изни кўрсатишди. У ариқ бўлиб, 3—4 йил олдин сарчашмаликлар сув танқислигини енгиш учун чўкич ва мисранглар билан қазинибди. Чўнг тоғ қатламини қирқиб, ариқ ўтказиш чинакам матонат эмасми? Қалбда юрт меҳри ловиллаб турса, инсон ҳамма ишга қодир.

МОЗИЙ ШУКУҲИ

Тун яна қуюқлашди, жануб осмонида олис юлдузлар баралла ялтиллайди, қияликда жойлашган қишлоқ хонадонларининг яккам-дуккамида хира чироқ милтиллайди, улар осмон ёритқичларининг сувдаги аксига ўхшайди. Кўл қишлоғининг бригадири Нурулло Сафаров ҳали ухламаган экан, икки-уч овоз беришдаёқ болахонадан чиқиб келди. «УАЗ»икка базўр жойлашдик, у адир йўллари бўйлаб юқорига — Ҳазрати Султон зиёратгоҳи остонасига томон гувиллаб жўнади.

Йўл тугаб, муваққат чодирлар тикилган қароргоҳга етиб келганимизда соат тунги ўн бир эди. Бошловчиларимиз вақтни ўтказмай, бу ёғига пиёда кетишни, тунда чиқилмаса кундузи чарчаб қолишимизни, бунинг устига кўёш нурлари баданни шикастлаши мумкинлигини қайта-қайта уқтирдилар. Чопонга ўраниб, бошимизни танғиб олганмиз, чарчоқдан асар йўқ. Чўққи тун шафағида кўришиб турар, қўл узатса етгудек эди. Худди кеманинг тум-

шуғидан сирт бўйлаб ортга қайтилгандек, йўналишни кунботар томонга олдик.

Баъзан юртимизнинг тупроғи — муқаддас, ҳар бир қаричи тарих дейилса, буни шунчаки йўлида айтилган мақтов, деб тушунилади. Лекин аслида, бу — ҳақиқат. Биз кўзлаган манзил ҳам фақат тор ўрамда эмас, бутун ислом дунёсида эътиборли жой. У пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари тарихи билан боғлиқ.

Ўқиганларимиздан маълумки, пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин халифалар — Абу Бакр, Умар, Усмон, Ҳазрат Али ул зотнинг ишларини давом эттирадилар. Сўнгги халифа — Ҳазрат Али Куфа шаҳрида шахид қилинган, тариқатда ажралиш бошланади. Кўпдан буён мухолафатда бўлган Муовия Дамашқда бош кўтаради. Ислом олами иккига бўлинади. Ҳазрат Алининг ўрнига кўтарилган унинг тўнғич ўғли имом Ҳасан жангу жадаллар ва сиқувлар туфайли кейинчалик Муовияга бўйсунди. Орадан кўп ўтмай, имом Ҳасан хотинларидан бири — Жийда томонидан Мадинада заҳарланиб ўлдирилади. Ҳукмдорлик Муовиянинг ёлғиз ўзига қолади. Бироқ Ҳазрат Алининг кичик ўғли Ҳусайн ҳали унга тиз чўкмаган. Маккаю Мадина орасида жон сақлаб, отаси ва акаси учун қасос ўтида ёнарди. Бу орада Муовия вафот этиб, унинг ўғли Язид халифа қилиб кўтарилади. Язид эса Ҳусайн билан орани очиқ қилишга астойдил киришади. Таслим бўлиш ҳақидаги таклифларни қатъий рад этган Ҳусайн кўп сонли қўшинга қарши бориш фойдасиз эканини тушуниб, оиласи — пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом хонадонининг сўнгги вакиллари билан Карбало даштига бош олиб кетади. Душман аёвсиз таъқиб қилади. Ниҳоят, тенгсиз жангда Ҳусайн ва яқинлари маҳв этилади.

Ривоят қилишларича, Язид лашкари ўз муддаосига эришган, ғалаба белгиси сифатида Ҳусайннинг табаррук бошини кесиб, Дамашқда давра давра сураётган бошлиқларига тақдим қилишади. Язид қасос истаган, бироқ мағлуб бўлиб, калласи кесилган душманига кучли нафрати ифодаси сифатида бошни оёқлар остида топташни амр этади.

Бу фожиани боболаримиз кўп нақл қилган. Ҳар сафар тинглаганда юрак увушган, бироқ бундай хўрликнинг туб сабабини тушунмаганмиз. Илон изи, сирпанчиқ йўлдан эмаклағудай бўлиб юқорига тирмашар эканмиз, Карбало даҳшати ҳам дунё ўйинларидан бири эканини, бу кўҳна олам қанчалаб қонли фожеалар шоҳиди бўлганини чама-лаймиз. Шунда кўнгилдан бир истиғфор, тавба-тазарру илтижоси кечади: «Аллоҳ, гуноҳларимни Ўзинг кечир!» Йўл азоби, ҳаёлдан кечган тарих шаҳодати гирибонингдан олгандек бўлади, ундан фақат имон бардамлигига суяниб шафеъ топасан. Одамлар руҳан покланиш учун зиёратгоҳларга келади, деганлари ана шу!

Тун зулмати ичра қаерга кетаётганингни идрок этолмайсан, фақат борар жойинг аниқ — у уфқда қорайиб турибди. Қадамнинг қаерларга тушяпти, оёқ остидаги замин қай ҳолда — билмайсан, йўл сени бошлаб кетаверади ва у ўша манзилга элтади. Манзил эса аниқ. Ўша жойдан шаҳид Ҳусайннинг бошини бағрига босган Ҳазрати Султон ғойиб бўлган — ер қаърига кирганми, самога учганми — уни дашти Карбалодан таъқиб қилиб келган душманлар тутиб ололмаганлар.

Бу зот ким эди? Нақлда айтиладики, саҳрода қиёмат кўпиб, пайғамбарзоданинг боши кофирлар оёқи остида хорланиб ётганда Ироқ султони ҳазрати Хожа Довуд Дамашқийнинг тушига Муҳаммад алайҳиссалом кириб, зурриётлари — набираларининг жисми оғир хўрликка дучор бўлганини, бу бедодликка у чек қўйиши мумкинлигини эслатадилар ва бутун насл-насабини қўллашини, ўзига эса абадий эҳтиром ва эътибор ҳадя этишни ваъда берадилар. Бу туш яна ва яна такрорланади. Ҳазрати Султон безовта бўлиб, Язид лашкарлари орасидаги ўғлини маслаҳатга чорлайди. Унинг ҳам исми Ҳусайн эди. Ўғли воқеани айтиб бергач, Султон нима қилиш кераклигини идрок этади. Ота фарзандидан:

— Бу йўлда бошингни ҳадя этасанми? — деб сўрайди. Ўғил эса:

— Ота, амрингизга бир эмас, ўн бошим бўлса ҳам тикаман, — деб жавоб беради.

Султон ўглини қатл этиб, унинг бошини пайғамбарзоданики ўрнига қўйиб, ўлжани қутқариш мақсадида нажот водийсига — дарё ортига йўл олади.

Язид лашкарлари яна машғулотни давом эттиради. Бири дафъатан сирни англаб қолади: ҳар куни каллани тепганларида ундан нур чиқар эди, бугун эса йўқ. Ал-маштирилган бўлмасин. Очиб қарасалар — рост. Ур-йиқит бошланади, излашга тушадилар. Бу пайтда Ҳазрати Султон лашкарлари қуршовида Амударёдан ўтган эди...

Карвон йўлда. Мана, неча юз йиллардирки, бу излардан одамлар қадами узилмайди. Ҳар йили бир мавсум — август ойида 20—25 кун тўрт тарафдан минглаб одамлар ташриф буюриб, тавоф қиладилар, бу нақлни тинглайдилар...

Кўтарилган сари юриш оғирлашади, лекин етиб бораман, деган истак кўнгилни тарк этмайди. 20—30 метрда уфқ кўринади, гўё шу ерга чиқсанг, у ёғи силлиқ кетаётгандек. Бироқ яна олдинда янги довон пайдо бўлади. Денгиз сатҳидан 4000—4500 метр баландликда тоб бериш ҳам осон эмас. Охири ҳар 50—60 метрни бир нави босиб ўтасан-да, тошга чўкасан ёки заминга бош қўйганча оёғингни бир узатиб оласан. Кўп туриб қолиш мумкин эмас, бел «қотиб» қолса, бутунлай қимирлаб бўлмайди. Чўққига чиқолмаслик эса мақсадга эришолмаслик деган гап.

Язид лашкари ҳам мақсадга етиш учун таъқибни кучайтиради. Ҳал қилувчи тўқнашувлар биз ҳозир турган жойларда бўлади. Душман қўли баланд келади. Ҳазрати Султон Аллоҳдан нажот сўраб «Холиқ, дод!» деб наъра тартади (ҳозир шу жойнинг номи «Холиқдод»). Аскарлар саф-саф бўлиб чекина бошлайди (тоғ тизмаси «Аскартоғ» деб юритилади). Довон бошида, Филон қишлоғи ҳудудида Ҳазрати Султоннинг лашкарбошиларида бири — Турки Тўғон ҳалок бўлади (қабри ўраб қўйилибди). Ниҳоят, сўнгги 10—15 чоғли аскар билан сарлашкар Муқбил Халабий ҳам маҳв бўлади (бу жой каттагина ҳовли ўрнича келади, тош териб ўралган, туғлар қадалган, чўққининг қуйисида). Фақат Ҳусайннинг муборак бошини жойнамоzgа ўраб, кўксига босганча, Ҳазрати Султон Хожа Довуд Дамашқий тирик қолади. Уни аёвсиз таъқиб эта-

дилар. Ҳазрати Султон омонатни опичлаб, тоғнинг баланд чўққисига чиқади ва шу ердан фанога ғойиб бўлади. Душманга банди бўлмасликнинг ёлғиз йўли шу эди.

Дунёни тутиб турган маънавий устунлардан бири — эътиқод. Бу тожникииш учун одам хийла камолга етишган бўлиши лозимга ўхшайди. Ахир атрофимизда қанчалаб турфа одамларни кўрамиз. Эътиқод — орият, виждон, садоқат ва бошқа жами фазилатларнинг чўққиси, ундан маҳрум одамларнинг, ҳазрат Амир Темур ибораси билан айтганда, «икки кўзли бир қоп гўшт»дан нима фарқи бор. Биз бугун ана шу эътиқод тимсолини тавоф этишни азм этгандик.

Атроф ёриша бошлади. 14 август тонги отаётган эди. Биз бу пайтда сўнгги мажолимизни тўплаб, текисликка чиқиб олгандик. Чўққи, яъни намозгоҳ супа аниқ кўрина бошлади. Зиёратчиларнинг олди етиб борибди. Қолганлар ҳам чумолидек қимирлаб интиляпти. Тирноқларимиз кўкариб кетган, ранглар оқарган, кўз косаси катталашган — кислород чанқоқлиги бошланган. Тезроқ маррага етиш керак, бу зиёратнинг завқи шуки, ҳам бомдод намози ўқилади, ҳам Шарқдан қуёшнинг чиқиб келиши кузатилади.

Ҳазрати Султон қадамжоси сидирға тоғ тизмасида муштдек ажралиб турибди. У Миср эҳромларига ҳам ўхшаб кетаркан. Пойидаги Кавушпартоб деган жойда таҳорат олинади. Қорайиб кетган офтобалар, ўнг биқинда эса тош қотган асрий қор уюми тоққа тўш босиб ётибди. Ундан қўпориб олинади-да, эритилади. Жадаллаб, қоянинг ярмигача чиқдим. Уфқда бир парча булут осилиб турар, унга ўз сайрини бошлаётган қуёш нурлари қадалган, бу жойлар — булут четлари — олтин рангида эди. Борлиқда бир титроқ бордек, ҳамма нарса ором бешигида тебранаёт гандек. Бу ҳолатни гўдакнинг уйғониш олдидаги тамшанишига менгзаш мумкин. Паст-баланд тоғлар, чўққилар яқин ва олисликда кетма-кет кўзга ташланади. Энг тўрда олам меҳвари — қуёш борлиққа ташрифини бошлаяпти, аслида Она ер унга томон ўнгланаёпти. Дастлаб оппоқ ғубор кўтарилди, у ўқдек текис тарқалди, фақат чўққилар боши нурланди. Ҳали дараларда зулмат ухларди.

Имиллаб ўтаётган вақт қадамлари ила уфқ бутунлай ёришди, оқлик эса қуйига оқа бошлади. Гўё ёруғлик фариштаси ўнгирлардаги қоронғуликни ҳайдаб чиқаришга киришди. Кўзлар равшанлашди, қабоқлар очилди. Ниҳоят, шафақ тилиниб, ингичка зарҳал ёғду юз очди. У катталашиб борди: музаффар қуёш ўз сайрини бошлади...

Зиёратчилар тепадан туша бошлашди. Бир-бирларини муборакбод этишар, диллари равшан эди. Бизга ҳам кучқувват тилашди. Охирги силтаниш билан энг юқорига чиқиб олдик. Бу жой кунчиқиш тарафга бир оз қийишган супа эди. Тўрда — тош уюми. Уни айланиб, тавоф қилиш мумкин. Каромат шундаки, икки уй ўрнича келадиган жойда 40 киши ҳам, 400 киши ҳам жойлашиб кетаверар экан. Атроф яққол кўзга ташланади. Бу ер само ва замин ўртасидаги муаллақ жойга ўхшайди. Қирғоқига бориб парвоз қилсанг, осмонга чиқасан, сўқмоғидан юриб, пастга тушсанг, ерга тушасан гўё. Тунда йўлга тушган манзилимиз шундоқ кўриниб турибди. Одамлар аниқ кўзга ташланади, ҳатто товушлар эшитилгандек бўлади. Шу ораликда тун бўйи азият чекиб йўл босганинга ишонмайсан. Мақсадга етиш бунчалар машаққатли бўлмаса! Тошга чўккаладик-да, жами эзгу тилакларни дилга жойлаб, Қуръон тиловат қилдик. Юксаклик бахш этган виқорни тарк этиш осон эмасди, бу жойни яна кўриш насиб этсин, дея қайрилдик...

Яна дарёлар бўйлаб кетган йўллар қаршимизда поёндоз бўлиб тўшалди. Энди ҳаётнинг янги бир ҳикматини кашф этгандек бўлиб, шу буюк юрт шукуҳидан тоғдек юксалиб, одамлар дунёсига қўшиламиз. Ҳаёт эса ўз йўналишида давом этаверади.

1994 йил, сентябрь

ИККИ МИНГ БЕШ ЮЗ ҚАДАМ

йўл босиб, Хива истиқлолимизга пешвоз чиқди

I

Ичон қалъага Ота дарвоза тарафдан кириб келишда ҳали мозий билан юзма-юз бўлмай, кўзингиз ўнг қўлдаги муаззам ҳайкалга тушади. Бу шу заминнинг шавкатли фарзандларидан бири Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийга яқин ўтмишда қўйилган ёдгорлик. Шундай қилиб, қадимий шаҳар бўйлаб сафарингизда буюк алломанинг жаҳоншумул шуҳрати биринчи ҳамроҳ бўлади, сизни яна мўъжизалар денгизи аро теранроқ етаклайди. Бир-бирига елка тираб турган мангулик обидалар фалак буржидан, ғазал латофатидан, ҳарбу зарб илмидан, қуриш ва яратиш шарофатидан — дунёнинг жами сиру синоатидан сўзлайди. Таассуротлар кўнгилга сингиб бораверади ва сиз ўзингизда ажойиб бир ўзгариш сезасиз. Гарчи оёқларингизни ана шу табаррук заминга тираб атрофга боқаётган бўлсангиз-да, нигоҳларингиз билан ҳув анави осмонга бўйлаб турган миноранинг устидан оламга назар ташлайсиз. Шунда узоқ-узоқлар ҳам кафтдагидек яқин туюлади, дўппидек дунёнгиз кенгайиб, кўз етганча кетган борлиқ сизнинг мулкингизга айланади.

Агар сизга «Хоразмликлар бошқалардан донишмандроқ бўладилар», дейишса, ҳеч шубҳаланмай ишонаверинг. Тақдир, ана шу заминда туғилиш саодати шундай толеъни раво кўрмишдир дўстларимизга.

Олдинроқ ҳам бир далил эътиборни тортган эди. Мақола ёзиш учун ўтган йил олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топширган абитуриентлар эришган натижалар билан қизиққанман. Шунда маълум бўлгандики, тарих фани бўйича самарқандликларнинг, химия-биология юзасидан бухороликларнинг, математика, физика фанларидан хоразмликларнинг натижаси республикада энг юқори экан. Бу шунчаки тасодифми ёки Самарқанднинг шонли тарихи, Бухорода Ибн Сино туғилгани, Хоразм Беруний, Хоразмийларга ватан бўлгани

шу вилоятларнинг ёш авлоди ақл-шуурида из қолдирди-микан, деб ўйлаб қолгандим. Ҳар ҳолда макон ва замонлар силсиласи узвий яхлитликни ташкил этиши рост бўлса, бундай мутаносибликларда ҳам ҳақиқат яширинган.

Хиванинг 26 гектарлик Ичон қалъасида 54 та ёдгорлик бор. Эътироф этадиларки, дунёнинг бирор шаҳрида тарихий ва маданий мавқеи жиҳатидан салмоқли осори атиқлар бунчалик зич ва яхлит жойлашмаган. Бой ўтмишга эга бўлган Хива кўп йиллардан буён дунё афкор оммасини қизиқтириб келади. Сабаби — бу шаҳарнинг бағрида жами инсониятга тааллуқли бўлган кўплаб маданий ҳазиналар сақланиб қолган. Ривоятларда уни Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом бунёд этган, деб нақл қиладилар. «Авесто» (эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида), Биҳистун ёзувларида (эрамизгача (V—IV асрлар) Хоразм ҳақида ёзма маълумотлар учрайди. Қадимги грек муаррихлари Гекатей, Геродот ҳам «Хорасмия шаҳри» ҳақида ёзиб кетганлар. Абу Райҳон Беруний ўз асарларида эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмидаги Хоразм деҳқончилик маданияти юзасидан мулоҳаза юритади. Ана шу қадимий юрт ўз бошидан кўплаб иссиқ-совуқ кунларни ўтказди. XVI асрга келиб Дўстжон Бучғахоннинг хонлик тахтида ўлтириши (1557 й.) билан Хоразм давлатининг янги даври бошланди. Бугун кўпчиликнинг ҳайратини ошириб келаётган тарихий ёдгорликлар мамлакат ҳаётининг ана шу гуллаган даврида бунёд этилди.

II

Россия истилоси (1873) Хоразмдаги азалий турмуш тарзини бутунлай бошқа изга солиб юборди. Мамлакатни идора қилишда ғайритабиий тартиблар тиқиштирилди. Босқинчилар турли йўллар билан маданий бойликларни талай бошладилар. Тартиб бўйича эллик еттинчи ҳукмдор Саййид Абдуллахон сўнгги марта 1920 йил 1 февралда тахтга ўтирди. Қадимий юртни ҳам шўролар истило қилган эди. Шундай қилиб, бугун Ўзбекистон қатори Хо-

разм вилояти ҳам 1991 йил 31 августгача коммунистик тартиблар исканжасида ётади. Бу воқеалар обидаларда турли даражада ўз изини қолдирган. Ота дарвозадан бошланувчи басаришта тош йўл заминга чуқур чўккан асрий миноралар қуршови аро тобора ичкарига олиб борар экан, аждодлар закоси неча ўн йиллар оша бунёд этган гиштин деворлардан олис тарих унсиз садо бергандек бўлади. Азалдан маърифатга интиланган халқ ҳар қадамда бир мадраса бунёд этган — Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Муҳаммад Ниёз девонбеги мадрасаси... Гарчи йиллар мазмунни сатрма-сатр дарж этилмаган бўлса-да, иморат пештоқидаги оддий ёзув, шунчаки бир ашё ўтмишнинг шарафли кунларини эслашга туртки бўлади. Немис ишбилармони Зингерни ҳамкорликка таклиф қилган Полвон қори бойнинг қароргоҳи, йўқсиллар доҳийси Владимир Ленин билан баҳслашиб (1920 йил 13 сентябрь) уни мулзам қилган Бобоохун Салимовнинг отаси қозикалон Салимохун қурдирган бинолар осмонўпар миноралар соясида қолиб кетган бўлса-да, ўз бағрида гўзал хотираларни сақлаб турибди. 50-йилларда америкалик машҳур миллионер Рокфеллер Ичон қалъани сайёҳлик маскани сифатида ижарага олиш учун шўро раҳбарларига мурожаат қилган экан. Эҳтимол, уни Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг шукуҳи ёки Ислохўжа минорасининг гўзаллигида мужассамланган маданиятнинг бебаҳолиги оладиган моддий манфаатидан кўпроқ қизиқтиргандир. Хива Ичон қалъасини 1990 йилда ЮНЕСКО ўз тасарруфига олди ва у жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Хива шаҳрининг умуминсоний маданияти хазинасида тутган ўрни жаҳон афкор оммасига нечоғлиқ маълум бўлмасин, бу ҳақиқатни шўро давлати эътироф этмай келди. Ҳур фикрли археолог олимларнинг илмий изланишларига беписандлик билан қаралди, шаҳарнинг ёши ҳақидаги фаразлар расмий доираларни ҳеч қандай қизиқтирмади. Бу ҳақда республика Фанлар академияси археология институтининг Хоразм минтақавий бўлими бошлиғи Шоҳназар Матрасулов фиғони фалакка чиқиб гапиради. Ўттиз йилдан буён замин бағрида яширинган сир-синоатларни темиртирноқ бўлиб излаб келаётган ил-

мий ходимнинг бисотида ёруғлик кўрмаган қизиқарли маълумотлар кўп. Хусусан, 2500 йил санасини аниқ тасдиқлайдиган ашёларни кўз қорачиғидек асраб келмоқда. Ш. Матрасулов бир хатни кўрсатди. У ЮНЕСКО ишлари бўйича СССР комиссияси раиси номига ёзилган бўлиб, (1993 йилда) Хиванинг 2500 йиллик юбилейини нишонлашга розилик бериш сўралган эди. Мазкур илтимос нечоғлиқ қондирилганига ҳаммамиз гувоҳмиз — 1993 йилда ҳеч қандай байрам бўлмади. Қолаверса, бундай муносабат янгилик эмас эди. «Марказ» дунё ҳамжамияти нигоҳида ўзини миллий республикалар маданияти учун қайғураётгандек қилиб кўрсатарди-ю, «ғамхўрлиги» мустақкам қарор топган бюрократия машинаси ғилдираги остида эзилиб кетар эди. Худди шунингдек, КПСС XXIV съезди директиваларида ҳам Хива ва Суздаль шаҳарларини очиқ музейларга айлантириш белгилаб қўйилганди. «Шундан кейин Суздаль бутунлай қайта қурилди, — дейди «Ўзбектуризм» Хоразм минтақавий бўлими бошқарувчиси Комил Худойберганов, — ўз кўзим билан кўрганман — ўнлаб кўчалар, хиёбонлар барпо этилди, барча ёдгорликлар тубдан таъмирланди. Теварак-атрофдаги шаҳарлар билан боғловчи олтин ҳалқа ҳосил қилинди. Хивада эса ҳеч нарса ўзгармай қолаверди».

Холбуки, бу ерга келадиган сайёҳларнинг миқдоридан тортиб уларнинг юриш-туришини белгилаб бериш ҳам ўша адолатсиз «марказ» қўлида эди. Хайрият, ниқоблар йиртилди, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ имкони туғилди. Мустақиллик қадимий ва навқирон Хиванинг янги умрбоқий ҳаётини бошлаб берди.

III

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» 1996 йил 3 январдаги қарори ўзида бой тарихни мужассамлаштирган, боболаримиз истеъдодининг мангу обидасига айланган масканнинг келажаги учун бурилиш нуқтаси бўлгани шубҳасиз. Бундай тўхтамга келингани, аввало, мустақиллик туфайли тарихий қадрият-

ларга янгича меросхўрлик нуқтаи назаридан билдирилаётган муносабат натижаси бўлса, иккинчидан, бу қарор аҳли фузалонинг неча йиллардан буён амалга ошмай келаётган орзусининг рўёбга чиқиши эди. Қолаверса, Бухоро ва Хива шаҳарларининг юбилейини ЮНЕСКО тadbирлари доирасида нишонлашга эришилгани республикаимиз раҳбариятининг қатъий саъй-ҳаракати натижаси. Қадимий шаҳарларимизнинг жаҳон маданияти тарихида тутган алоҳида ўрнини эътироф этган нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО бош конференцияси 1995 йил октябрь-ноябрь ойларидаги 28-сессиясида масалага алоҳида тўхталди, ўз аъзолари эътиборини дунё халқлари маданиятидаги бу муҳим воқеага қаратди.

Очиғини айтганда, ер юзида ёши икки ярим мингдан ошган шаҳарлар бармоқ билан санарли. Ўзбекистонимиз шараф тожини безаб турган икки ноёб дурдонанинг бир-варакайига улуғланиши ҳар қандай мамлакат ҳавас қилса арзийдиган катта воқеадир. Албатта, кўрсатилган ҳурматга муносиб жавоб қайтариш масъулияти ҳам бор эди, ёш давлатимиз имкониятларини чамалаб, бундай юкни озод елкасига олди. Қолаверса, қисқа даврда қадриятларини дунё миқёсида шарафлашга улгурган юртимиз Мирзо Улуғбекнинг 600 ёшини (1994), Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини (1996) ЮНЕСКО қароргоҳи Парижда нишонлаб, етарлича тажриба ва обрў қозонган эди.

Айни дамларда Хиванинг сокин кунларига қурилиш ва бунёдкорлик юмушлари уйғунлашиб кетган. Бир қанча обидаларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, шаҳар ўз кўчалари, хиёбонларини ясантириб, қутлуғ тўйга ташриф буюрувчи азиз меҳмонларни кутиб олишга шайланмоқда. «Хивада кўп иш қилинган, яна-да кўп иш навбатда турибди», дейди шаҳар ҳокими куюнчаклик билан. Тантаналар бошлангунга қадар ҳар бир дақиқага юмушлар тақсимланган, агар мўлжалдаги ишлар амалга ошса, тўй кўнгилдагидек ўтади. Бу ерда камчиликлар, етишмовчиликлардан гапириш мавриди эмас, қийинчиликдан қўрқмаган одам иш қилади. Ёш ҳокимнинг обрўси, раҳбарлик истеъдоди ҳаммининг кўнглида чўғ ёқди, одамлар

янгича ғайрат, иштиёқ билан ишга тушдилар. Юбилей арафасида кўҳна Хива тарихида яна бир унутилмас воқеа рўй бериши кутилмоқда. Урганч билан Хива ўртасида троллейбус қатнови йўлга қўйилади. Ҳозир шунга жиддий тайёргарлик кетмоқда. «Хивада биринчи шифохона очилгани, телефон келгани ёки йўлларда дастлаб автобил қатнай бошлагани қанчалик янгилик саналган бўлса, троллейбуснинг ташрифи ҳам ана шундай унутилмас воқеадир», — дейишмоқда хиваликлар.

Мўлжалланган ишларнинг кўлами кенг, бажариш учун эса маблағ, хом ашё зарур. Бу нарсаларнинг ҳам йўли топилаяпти. Хусусан, маблағ билан таъминланишни тенг миқдорда ички имкониятлар ҳисобига амалга ошириш белгиланган эди. Худди шу ўринда одамларнинг саховати, ўз юрти, ватани шарафи учун фидойилиги қўл келяпти. Бугун «Хива — бизнинг юзимиз» деган чақириқ ҳар бир хоразмликнинг қалбига етиб борган. Шаҳарда бир неча марта хайрия тадбирлари, ҳашарлар ўтказилибди. Уларда алоҳида фуқаролар, корхоналар имкон даражасида ўз ҳимматларини дариг тутишмабди.

— Бундай тадбирларни бутунлай ихтиёрий тарзда уюштиряпмиз, — дейди шаҳар ҳокими, — баъзан одамларимизнинг саховати олдида лол қоласан киши. Ростки, халқимизнинг шу қадар эзгуликка ташна, ҳамияти юксаклигини билмас эканмиз.

Шундан кейин ҳаяжон билан хайрия тадбирининг тафсилотлари сўзланади. Инъом қилинган маблағлар қутиларга сиғмай кетибди. Бу муболаға эмас, балки истиқлол туфайли ўзлигини таниган, бахтли келажагини қуришга астойдил киришган юртнинг оддий юмуши эди. Мозийга ҳурмат, азалий анъаналарга эътибор одамлар қалбидаги эзгу амалларга қанот бағишламоқда, ўз тақдирини шу эл, шу тупроқ билан вобасталикда кўрувчи янги кишилар жамияти шаклланмоқда.

Уч сменада 4,5 мингдан кўпроқ киши меҳнат қиладиган «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти аъзолари олинган фойданинг асосий қисмини улуғ тўйга сарфлашга дилдан рози бўлишди. Ҳозирча шу мақсадга 2,5 млн. сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар обо-

дончилигига ҳисса қўшиш мақсадида ишчилар иш бошланишидан 2 соат олдин келиб, кўчаларни тартибга солишга аҳд қилишди. Одамлар бу юмушга ҳимматни, саховатни ўргансин, деб вояга етган фарзандларини ҳам бошлаб келишмоқда.

Бундай олижаноб ҳаракатга астойдил рағбат билдирган «Хива сополи», «Урганчтрансгаз», «Урганч-ёғ» сингари кўплаб ташкилотларни, хусусий корхона эгаларини маълум қилишди. Фуқаролар ойлик маошларини, олаётган фойдаларини табаррук шаҳарнинг катта тўйига инъом қилишган.

IV

Шаҳарнинг асрий кўчаларида осуда ҳаёт давом этади. Йўловчилар қаторида турли ёшдаги кишиларни, ажнабий фуқароларни учратиш мумкин. Истиқлол йилларида ўтмиш меросга қизиқишнинг ортиши баробарида меҳмонлар ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Деярли ҳар куни республика-мизнинг қайсидир вилоятидан сайёҳлар ташриф буюришини айтиб беришди. Маҳаллий сайру саёҳатни янада жонлантириш борасида ҳаракатлар боряпти. Бир пайт кўчани тўлдириб келаётган ёшлар оқимиға кўзингиз тушади. Ёш келин-куёвлар тўй олдидан Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва бошқа ёдгорликларни зиёрат қилишга одатланишибди. Бу анъана ҳам яқинда пайдо бўлибди. Зиёрат «гул қўйиш» тарзида эмас, балки миллий удумларимизга мос йўриқда — муқаддас даргоҳни зиёрат қилиш, Қуръони карим тиловати йўсинида амалга оширилади.

Ҳар қадамда асл илдиэларға қайтиш, мустамлакачилар томонидан камситиб келинган миллий ғурурнинг уйғонаётганиға гувоҳ бўлиш мумкин. Истиқлол шарофати туфайли эсаётган янги ҳаёт шамоллари турли чанг-ғуборларни қувиб, чинакам ўзликни намоён этмоқда. Шу туфайли Ичон қалъа музей қўриқхонасининг директори олим Абдулла Абдурасулов илм аҳли учун янги кенг жабҳа очилганидан ифтихор қилса, йигирма йилдан буён бир иморат тубини макон тутиб, попоқ, чўгирма сотиб келган Мадёр Бобожонов ўз бисотининг харидоргир бўлиб

қолганидан хурсанд. Халқ хунармандлари учун нафақат санъатларини тиклаш, йўқолишидан сақлаб қолиш бахти, балки ўз амаллари билан доруломон кунларга хизмат қилиш имкони ҳам яратилди. Кўҳна Арк майдонида Улуғбек Машарипов ва Султон Ёқубов бошлиқ мисгарлар ҳамда дурадгорлар ўз хунарларини намойиш этиб турибдилар. Меҳмонлар кўзи олдида мис лаган ёки офтобаларга инжа нақшлар чекилмоқда, ёғочга ишлов берилиб, турли буюмлар ясалмоқда. Агар вақтингиз бўлса усталарнинг машғулотларини кузатишингиз, уларнинг маҳоратлари билан танишишингиз мумкин, хоҳиш топилса, тайёр буюмлардан харид ҳам қилсангиз бўлади. Маданият вазирлигининг «Қадрият» корхонаси Хива бўлинмаси бошлиғи Куронбой Маткаримов ўз ҳамкасблари билан Тошҳовли, жума жомеъ-масжиди, Нуруллабой саройи каби кўплаб обидаларнинг таъмирланишида қатнашмоқда. 15 йилдан бери ганч ўймакорлиги, наққошлик каби хунарларни эъзозлаб келаётган устанинг ота-боболари ҳам мазкур касбларни санъат даражасига олиб чиқишган экан. Чунончи, Навоий номли театрнинг Хива залини беагаган бобоси Рўзимбой Машариповнинг номи унинг учун қадрли. Аслида ҳам Хоразм ганч ўймакорлиги ва наққошлиги авлодлардан авлодларга мерос тарзида ўтиб, сайқалланиб келаётган бойлик. Мана, Ўзбекистон Балиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Ботир Болтаев ҳам ўғиллари билан таъмирчи усталар сафида хизмат қилмоқда. Бундай фидойи кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли ўлкамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарларидаги кўплаб қадимий иморатлар янгича жило касб этди. Усталар билан бўлган суҳбатлар жараёнида бир нарсга алоҳида қизиқдик: кўп йиллар тақиқланган ёки номигагина истифода этилиб келинган бинокорлик санъатининг барча сир-асрорини эгаллаш мумкинми. Улар қатъий ишонч билан ганчкорликда, девор хаттотлигида, наққошликда аждодларимиз эришган ютуқларни ўша даражада давом эттириш имкони мавжудлигини таъкидладилар.

Хивадаги Саидниёз шоликор бой масжидида оддий намозхон Азимжон Жуманиёзов билан суҳбатимиздан кейин ҳозирги кунларимизнинг қадри кўз олдимизда ўн, юз

чандон юксалгандек бўлди. Ёши 70 ни қоралаб қолган отахон 30 йил бинокорлик касбида ҳалол тер тукиб яшади. Оиладаги тарбия туфайли 11—12 ёшларида намоз ўқишга ружу қўйди. «Бу амални ҳаммадан яшириб бажарардим, — дейди отахон, — бироқ айниқса, молия агенти кўриб қолса, бошимизда тегирмон тоши айланарди». Ҳозир гурас-гурас бўлиб масжидларга бораётган, мусулмончилик фарзларини адо этаётган одамларни кўрганимизда бир пайтлар шунақа таъқиб бўлгани ҳар доим ёдимизга туша-вермайди. Гўё азалдан шундай эркинлик бўлган, бўлиб келаяпти. Ҳолбуки, биз шароитга кўникиб, истиқлол неъматларига ғафлат кўзи билан боқмаяпмизми? Аслида ўша хўрликлар, таъқиблар бўлган кунларни бир дам ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Агар ўша кунлар яна қайтиб келмаслигини истасак, унутмаслигимиз керак. Отахон маҳзун ҳикоясини давом эттиради: «Бир сафар бобомнинг қабри устида оят ўқиб турганимда фирқалардан бири кўриб қолди. «Қишлоқдан чиқиб кет», деб талаб қилди. Намоз ўқиш учун солиқ тўлардик, қоғозини чўнтагимизга солиб юардик. Қўлга тушиб қолса, 500 сўм жарима соларди. Бир қўйнинг баҳоси 15—20 сўм бўлиб турганда, жаримадан қутилиб бўлибсан». Отахон ҳозирги доруломон кунлардаги хурсандчилигини яширолмайди. Шоликор бой масжидига ҳар сафар 5—6 юз киши ибодатга келади. Катта намозларда 3—4 минг одам тўпланади.

V

XIV—XX асрлар Хоразм меъморчилик санъатининг ҳақиқий дурдонаси ҳисобланган Ичон қалъа ёдгорликлари янгича жамол кўрсатаяпти. Тўй баҳона тарихий биноларда бугунги озод авлод ҳам ўз дастхатини қолдиради. Жумладан, энг кейин қурилган меъморий мажмуа Тошҳовли (1831—41)да кенг ҳажмли таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Айтиш мумкинки, Тошҳовлини бунёд этишда Марказий Осиё ҳудудида бинокорликда эришилган ютуқлардан самарали фойдаланилган. Иморат болохонадор қилиб қурилган бўлиб, юқори қават айвонли ёзги шийпон шаклида. Деворларига зангор рангли ялтироқ кошин-

лар — маёликалар сидирға қоплаб чиқилган. Хосхоналар такрорланмас шаклда ясатилган. Ўлчамлардаги мутаносиблик, рангларнинг юқори дид билан уйғунлаштирилганлиги ёрқин гўзаллик кашф этган. Айни пайтда баланд ҳавозалар билан «безанган», усталар иш қуролларининг майин овози таралиб турган обида пардоз учун кўзгу қаршисида ўтирган дилбарни эслатади. Яқинда унинг жамоли яна ташриф буюрувчиларни мафтун эта бошлайди.

* * *

... Хива — фақат экзотика эмас, у мумтоз шаҳар. Йиллар ўтиб, кулбани ёритишда фойдаланилган мойчи-роққа санъат асари сифатида қаралганидек, туйғуларимизни қанотлантирган миноралар-у, тупроққа тиззасигача ботиб, шаҳарни ихота қилиб турган қалъа деворлари менга аجدодларимизнинг келажақни асраш учун олиб борган ҳаёт-мамот курашларида қатнашган жангчилар бўлиб туюлди. Ҳар қадамда бетимсол санъатдан қанчалик ҳайратлансам, бошидан бетиним мислсиз довулларни ўтказган, тирикчилигини, ҳаётини, эртасини яратиш, сақлаб қолиш учун ёстиғининг остига кетмон ва ўроқ билан бирга ҳимоя қуролини қўйиб ухлаган ватанпарвар тимсоли кўзимга кўриниб кетаверди. Миноралар аслида ёвни кузатиш, деворлар ундан ҳимояланиш учун қурилган. Қалъанинг сиртларида қабрлар ҳамон боқий турибди. Бу заминда яшаш шунчалик завқли, зурриёд қолдириш шунчалар саодатли бўлганки, кунларини зироатчилик ва фарзанд тарбиялаш билан ўтказган аجدодимиз ёв босса ўз марваридини кўз қорачиғидай асраш учун меҳнат тешасини қиличга алмаштириб, ёғийга қарши кўкрак бериб чиқаверган. Отанинг қўлидан қуроли тушса, унга ўғил эгалик қилган. Таланган, топталган, қурбонлар берган, бироқ келажагини асраб қола олган. Эртанинг порлоқ умиди сифатида қум барханлари ўртасида шаҳар қад ростлайверган. Унинг ҳар битта гишти кўз ёшлари билан ийланган, бўёқларида шаҳидлар қонининг ранги бор. Хива авлодларга буюк курашдан сўзлаб берувчи деворларда

битилган достон. Бу достоннинг номи Эрк, Озодлик бўлмаганми? Икки ярим минг йил йўл босиб етиб келинган манзил, орзу қилинган айём бугунги кунларимиз эмасми? Мустақиллигимизда замонларни қаритган мислсиз интилишларнинг кучи бор.

Юртимиз шарқидаги ёрқин юлдузлардан бири — Хивага ташриф буюринг ва унинг шукуҳи қалбингизда абадий қолсин!

1997 йил, август

ВАТАН ЭГАЛАРИНИКИДИР

I

Ким ўз юртини севмаса,
у ҳеч нимани сева олмайди.

Ж. БАЙРОН

Май ойининг охирлари ҳам серёмғир келди. Шундай кунларнинг бирида пахта саноати ходими Йўлдош Тўхтамишовнинг таклифи билан Яккабоғдан ўтиб, тоғлар сари кетдик. Албатта, Тошқўрғонга боролмасдик, ҳозир бу жойларни қаттиқ қўриқлашаяпти. Бироқ қадам етганча ичкарилаб, бирор латиф гўшада бир зум тўхташ, майсалар устига гиламча ёзиб, ўзимизни шу қадрдон макон, азим тоғлар измига топшириш эди муддаомиз. Бундай жой ҳам топила қолди. Қари тол тагидан сув жилдираб турар, дарахт шохида булбул чағ-чағ урарди.

— Бу нима? — деди умри чўлда ўтган ва биринчи марта бундай гўшаларга қадам қўйган ҳамроҳимиз.

— Бу — булоқ, — дедик ҳаммамиз бир овоздан.

— Мен булоқни кўрмаганман. — Ҳаммамиз барабар ҳайратландик. Бундан ўн икки йил олдин экспедиция уюштириб келганимизда ҳам хоразмлик иштирокчи тоғларга анграйиб боққан, у ҳам «Мен тоғларни кўрмаганман» деганида шундай ҳайратланганмиз. Ҳа, Ўзбекистон — улкан мамлакат. Унинг чўлларида қум заррасидек ёки тоғларида ушоқ тошдек яшаб, бир умр шундай ўтиб кетиш мумкин.

Тол шохида ҳамон булбул чағ-чағ урарди.

— Табиатнинг бу фаросатли паррандаси узоқдан меҳмон келганини билди. Шунинг учун баланд пардада хониш қияпти, — дедим завқим ошиб, — кўрасизлар, у хизматга янги мусиқачиларни ҳам чорлайди, базм катта бўлади.

Ростдан ҳам шундай бўлди. Қушча бир зум тинчиб қолди. Биз ҳам дастурхонга хужумни кучайтирган эканмиз, уни эсдан чиқариб улгурибмиз. Бир маҳал яна ўша шодон мусиқа янгради, унга янгиси қўшилди. Қуш ўз жуфтини чорлаган ва иккови шунчалик баланд пардада сайроқилик қилдиларки, борлиқ булбул навосига тўлди. Биз бир-биримизга сўзсиз жилмайганча, бошимизни тошларга ташлаб, оёғимизни узатиб юбордик ва тубсиз фароғат уммонига ғарқ бўлдик. Бошим устида булутлардан холи осмон айланар, икки томондан тоғ қуюлиб келган ва ўртасида гувиллаб Қизилдарё оқиб турган дара мени кафтида опичлаганча борлиқда сайр эттирарди.

Мана шундай пайтда киши бир мамнунлик, розилик ва эркинлик ичида қолади. Одам ҳар доим ҳам бундай ҳолга тушавермайди, шундай ҳолга тушганда эса ерда собит эканини, Ватани бор эканини ҳис этади. Ўшанда тоғ манзараси муболағасиз гўзал эди. Адашган булут қир бағрида тентирайди, ёмғирдан тўйинган далаларни қуёш илиқ, аммо ёқимли ҳаракати билан сарафроз қилади, икки чўққини бирлаштириб, рангинкамон тортилган. Теварак бетимсол тоза, турли гиёҳ бўйларидан тўйинган ҳаво вужудга ажиб фароғат бахш этади. Турли бўйлар аралашмасида қадрдон бир ҳид димоққа урилгандек бўлади. Мен уфорни эслайман.

«Уфор» сўзи мумтоз адабиётимиздан яхши таниш. Энг тансиқ ҳидлар шу сўз орқали ифодаланган. Табиатда эса уфор деган (уни «жупар» ҳам дейишади) ўсимлик бўлади. Ўзим ҳозиргача уни кўрмаганман. Бироқ қуришиб олинган уфор бўйини кўп бора ҳидлаганман. Бундай масъум, бундай самимий ҳидни, ишончим комилки, фаранг сатанглари ҳам билмайди. Бироқ шундай ҳид таратувчи майса бизнинг тоғларимизда ўсади.

— Шу жойларда уфор йўқми? — дедим табиат гўзаллигидан бутунлай сархуш ҳамроҳларимга қизғиш тупроқларни ёриб, уйдаи камарлар бўртиб турган қияликни кўрсатиб. У қўл етгудек яқин жойда эди.

— Э, уфор бўлади бу жойларда, — дейишди мезбонлар — Маҳмуд ака ва Аҳмад муаллим жонланиб, — Нуриддин бир айланиб келсин.

Нуриддин тошлардан сакраб, қўй-эчки изларидан тирмашиб, ёналаб кетди, у энгашиб, биринчи гиёҳни узганда, ҳаммамиз қийқириб юбордик:

— Бор экан, топди!

Бир оздан кейин Нуриддин худди сабзи баргини эслатадиган, аммо ундан кичик ва нозик бир тутам майса билан қайтди. Унинг иккинчи қўлида сариқ гуллаган, тукли бошқа гиёҳ бор эди.

— Бу қаҳқўйи, — дейишди таниганлар ва чангларни қоқиб, оғизга уришди. Тоғда бундай хушхўр, чайнаганда маза берадиган гиёҳлар кўп. Қолаверса, қимматчилик йилларида норизалам («наврўзи олам» бўлса керак), ҳатта, қоқи, думалоқ, отёл, тирмизак сингари минглаб ўсимликлар нон ўрнида истеъмол қилинганини эшитганмиз. Кейин уфорни олиб ҳидлаб, томоша қилиб бошладик. Қуритилган уфор тумор қилиб тақилади, нон, патирнинг устига сепилади. Унинг такрорланмас ҳидини бошқа нарсада учратмаганман. Уфор гулга кирган экан, у худди зирага ўхшаб гулларкан. Майнинг бошларида терса, айнаи ҳидга тўлган пайти бўларкан. Булбул чағ-чағи, тансиқ гўзаллиги билан сийлаган табиатнинг яна бир тилагимизга етказганидан кайфиятимиз чандон кўтарилди. Ана шу кўринмас илтифот Ватан сидқидилдан тилаган фарзандларига барча истакларини мустажоб қилажаги ҳақидаги қадим ҳақиқатни яна бир такрорлади.

Ватанни севайлик, унга Она каби юкинайлик, шунда у барча орзуларимизга мушарраф этади.

П

Ватаннинг бир сиқим тупроғи
ҳам муқаддас.

Халқ ҳикмати

Чилонзор тумани шўро замонидаги битмай қолган чала иморатларга энг бой ҳудуд бўлса керак. Худди шундай бинолардан бири биз яшайдиган уйлар яқинида бўлиб, жуда улкан режа билан қурилиши бошланган, фақат гишти терилганча қолиб кетганди. Ўтган йиллар давомида у бутунлай хароб ҳолга келди, шамоллатиш қувурлари-ю, бетон зиналарини кимлардир қўпориб ҳам кетди. Шу жойнинг бир бўлагини хорижлик ишбилармон сотиб олди чоғи, қора ойналар билан тўсиб, икки қаватли офис қурди, дарахтлар ўтқазди, кейин қарийб йигирма беш гектарлик майдонни девор билан ўраб олди. Ҳар ҳолда унинг тирикчилиги яхши ўтаётган бўлса керак, дарвозасидан тўхтовсиз машиналар кириб-чиқиб туради, ишга кирмоқчи бўлганлар ҳам бисёр. Ҳар сафар автобус ёки троллейбусда ўтганда, бу ерда пайдо бўлган корхонанинг оёққа туриб бораётгани кўзга ташланиб қолаверди. Унинг катта йўл тарафдаги баланд панжарали деворлари ёнида гулфурушлар танда қўйган, анчагина бўш жой бўлса-да, тарвузчилар ўрнаша олмади. Афтидан, корхона хўжайини уларга изн бермади. Менинг диққатимни тортган, қолаверса, ватанпарварлик туйғумга тегиб кетган нарса — гул бозори билан корхона дарвозаси оралиғида ўттиз метрча жойнинг асфальтланмагани. Аслида катта йўл билан бақамти асфальт йўлакча — тротуар ётқизилган, бино сингари у ҳам чала қолган. Ёгин-сочинли кунларда асфальтдан келсангиз, бирданига лойга дуч бўласиз. Шунда ҳар қандай одамнинг кўнглидан, «Шундай данғиллама корхона шу 30 қадам жойга асфальт ётқизиб қўйса, қашшоқ бўлиб қоладими», деган андиша ўтади. Мен ҳам ана шундай ўй билан бир неча марта шу жойдан лой кечиб ўтдим. 3—4 йилдан буён ҳеч ўзгариш бўлмагандан кейин масаланинг тагига етишга чинакам қарор қилдим. Ростдан, нима бўляпти, наҳотки хорижликлар ўз корхонаси атрофини басаришта қилиб қўйишни хоҳлашмайди?

Қатор саволларга жавоб олиш мақсадида корхона дарвозасига рўпара бўлдим. Албатта, иш жойимни аниқ айтишимга тўғри келди. Дидбонлар айнан бошлиқни кўришим кераклигини эшитиб, «Сизнинг ишингизни бошлиқ даражасида ҳал қиладиган мутахассис бор», деб реклама менежерига юзма-юз қилишди. У ҳозиргина олдимдан оқ «Нексия»ни елдириб ўтган жиккакгина қиз экан. У билан гаплашадиган мавзулар топилди. Маълум бўлишича, корхона ўз маҳсулотларини реклама қилиш учун йилига 200 миллион сўм ажратар, бу сумма шу қизалоқ орқали ОАВга тақсимланаркан. Шунда «Нексия»нинг сири ошкор бўлди, қалам чайнаб, миллат маънавиятига хизмат қиламан, деб ёвғонга ёлчиб-ёлчимай юрган ҳамкасбларимга шу қизнинг толеъидан ўндан бири насиб этмаганидан афсусландим. Назаримда, у анча ишбилармон ва уддабурон бўлиб туюлди, ундан ажнабий хўжайинлар савоб нималигини билишадими, қўли очиқми, деб сўрадим.

— Роса сахий, — деди ошкора мамнуният билан, — байрамларда текин ош тарқатишади, мачитларга хайрия қилишади.

— Унақада нега кўча тарафдаги ўттиз қадамча тротуарни асфальт қилиб қўйишмайди. Ундан ўзларингнинг ишчиларинг ҳам қатнашади чоғи...

— Кўпорилган дарахт атрофини айтасизми? У ерни текислаб қўйишди-ку.

— Йўқ, ундан юқорироқни, гул бозори олдини.

Реклама менежерига асфальтланмаган йўлак қаердалигини қанча тушунтирмай, бу жойни эслай олмади. Демак, у бирон марта ҳам пиёда ўтмаган, учиб келиб, учиб кетадиганга ўхшайди.

Истагим — ажнабий хўжайинни кўриш эди, муддаомни мутасаддилар орқали етказдим. У мени қабул қиладиган бўлди. Нимқоронғи йўлакда икки нафар тансоқчи кузатувида мени яхши кутиб олди, иш қийин кетаётганини, мўлжалга етмаётганини очиқ эътироф этди. Назаримда, у якка хусусий тадбиркор чоғи, шахсий маблағидан юртимизда бизнес қилишга киришган. Гап орасида қанча хайр қилганини ва бошқа савобга дохил ишларини айтиб ўтди. Мавриди келганда мақсадга ўтдим:

— Панжара ташқарисиди, катта йўл бўйида 30 қадамча жой доим лой, чанг бўлиб ётади. Шунини тўғрилаб қўйса бўлмайдими?

— Нега мен тўғрилаб қўярканман? — овозини кўтариброқ кескин жавоб берди хорижий ишбилармон, — у менинг ҳудудим эмас. Мен давлатга 250 миллион сўм солиқ тўлайман. Ўшалар тўғриласин...

Менинг бошқа изоҳларим, тушунтиришларим жавобсиз қолди, у фикрини ўзгартирмади.

Шу суҳбат бўлиб ўтганига роса бир йил тўлди, йўлак ҳамон ўша алпозда турибди.

Бундай муносабатдан кўп нарсани англаш мумкин. Демак, бу заминнинг ишқибозлари, мухлислари кўп бўлар, бироқ унинг дахлсизлиги, гуллаб-яшнаши биз билан сизнинг гарданимизда. Негаки, биз учун, шу тупроқда туғилганлар, унинг қабристонларида аجدодлари мангу макон топганлар учун бошқа борадиган жой ҳам, Ватан ҳам йўқ.

Мана бу гапга нима дейсиз? Яқинда кўрганим бир манзара: шиғил пишган олча дарахтининг шохларини кесиб, мевасини теришарди. Маълум бўлишича, уни экиб қўқартирганлар уйини сотиб, бошқа юртга кўчиб кетишаётган экан. Улар кетиш олдидан неча йил нон-туз еган маконга ҳурмат тариқасида ўзларидан бир туп дарахт қолишини ҳам эп кўришмабди.

III

Кимки ўз ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Ўз ватанига доғ тушириш —
уни сотиш деган сўз.

В. ГЮГО

Кейинги йилларда кўплаб ватандошларимиз тирикчилик кўйида юртни тарк этдилар. Балки улар муддаоларига эришиб, яхши яшаётгандирлар, бироқ бу муваффақи-

ятни оқлаб бўлмайди. Ташвишли кунларда ўзини панага олиш ҳалқимизда азал-азалдан қораланган. Бундай кишиларга мунофиқлардек қаралган. Боболаримиз «Тирик бўлсак — бир тепада, ўлсак — бир чуқурга» деган собит ақида билан яшаган. Аслида, Ўзбекистондек жаннатмакон жойни тарк этиб, ўзга юртлардан жаннат излаш — бориб турган нодонлик. Ахир, тошда ҳам гул унувчи, даласидан 5—6 марта ҳосил олиш мумкин бўлган мамлакат уларга ризқ бера олмасмиди? Бегона юртларда мусофирликда тортган заҳматни ўз уйида тортса, ўша муддаосига эришарди улар. Ҳалқда «Ўт пули — ўтга, сув пули — сувга, қолди қатиқнинг пули» деган гап бор. Ҳеч жойда нон кесакнинг устида қолмагандир.

Узоқлардан бахт излаганларнинг бир тоифаси ҳозир дунёда кенг кўлам касб этган замонавий қулфурушлик ёки ишчи кучларини сотиш билан шуғулланувчилар тузоғига илиниб қолганлар бўлса, бошқа тоифаси маҳаллий тўралар билан тортишиб, асаббузарлик қилиб ўтиришни хоҳламаган ёки ҳозирги иқтисодиёт талабини тушунмаган кишилардир. Уларни «Бургага аччиқ қилиб чопонини куйдирганлар» деб атаса бўлади. Ҳолбуки, юртимизнинг табиий имконияти 25—30 миллион аҳолини бемалол боқишга етади. Исбот талаб қилиб узоққа бориш шарт эмас. Хитой, Япония, Исроил, қолаверса, Ҳиндистон мамлакатларидаги аҳволни кўз олдимизга келтирайлик. Бу юртларда бир сиқим тупроқ олтинга тенг, лекин улар ўзини озиқ-овқат билан тўла таъминлаб, ҳатто четга экспорт ҳам қилади. Бизда эса ҳали ишга солинмаётган қанча имкониятлар мавжуд. Оддийгина буғдой пояси — сомонни олиб кўрайлик. Уни қайта ишлаб, юзлаб хил маҳсулот олиш мумкин. Ҳолбуки, у кўп жойларда ёқиб юборилади. Ёки қанчалаб унумдор ерлар бўш ётади, энг қимматли бойлик — сувдан 2—3 барабар кам самарасиз фойдаланилади. Албатта, бу имкониятларни ишга солишда табиатимиздаги салбий жиҳатлар халақит бераяпти. Бу ҳақда ҳатто мамлакат раҳбари қайта-қайта таъкидлаяпти: «Шуни ҳам очиқ айтишимиз зарурки, бизга бу борада баъзан шижоат етишмаяпти. Етмиш йил давомида қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингиб кетган одатлар, яъни ҳокимият фао-

лиятига танқидий кўз билан қарашнинг йўқлиги, ҳаётда амалдорларнинг айтгани айтган қабилидаги эскича кўник-малардан халос бўлиш оғир кечмоқда».

Юртимизда иқтисодиётни юксалтириш учун барча ша-роитлар мавжуд. Фақат гап уларни амалга оширишда. Қолаверса, буюк келажакка элтувчи бошқа йўл ҳам йўқ. Улуғ мақсадлар йўлида ишбилармонлик, тадбиркорлик қанчалик асқотса, ҳар бир фуқаро қалбидаги ватанпар-варлик туйғуси шунча зарур бўлади. Биз ҳаммамиз юксак орзуларга етишишимизни Ватанимиз Ўзбекистоннинг гул-лаб-яшнаши билан ҳамоҳангликда кўра олмас эканмиз, шахсий манфаатларимизни Ватан манфаатларига бўйсун-дира олмас эканмиз, барча ниятлар сароб бўлиб қолаве-ради. Бу инсоният тажрибасида, мамлакатларнинг тикла-ниш ва юксалиш тарихида исботланган ҳақиқатдир.

Одамлар — ўткинчи, Ватанлар эса абадийдир. Ўткин-чи лаҳзалар абадийлик айёмларига хизмат қилсин.

2004 йил, июль

ЮРТДОШЛАР

(Ҳикоя)

Кечқурун гардлаб турган қор тонггача ковушкўмма бўлибди. У нари-бери ювинди-да, ташқарига йўналди. Бу жойдан тезроқ чиқиб кетиш истаги шунчалар кучли эди-ки, гўё ҳавоси дим ертўлага тушиб қолган, ҳозиргача нафаси сиқилиб, ҳам бадбўй ҳидлардан кўнгли айниб ўтирган, бирдан эшик очилган-у, қочиб кетиш имкони туғилгандек эди. Ҳа, номард юртдоши, дийдорини кўрай, суҳбатини олай деб соғиниб келган юртдоши уни шу қўйга дучор қилдими? «Ит иззатни билмайди, эшак — тарби-ятни», деб шуни айтсалар керак-да! Гарчи тун ўтган бўл-са-да, ҳамон ҳовридан тушмаган, кечаги гап-сўзларни унута олмаган эди.

Дарвоза тагида ҳовли эгаси қор кураб турарди. Ним-қоронғиликдан чиққан шарпага разм солиб қаради-да, таниб салом берди.

— Айтиб қўярсиз, мен кетдим.

— Ухлаб ётибдими?

— Хонада йўқ...

«Анов семиз хотиннинг қучоғида гашт қилиб ётибди», демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Тонгги совуқ, мусаффо ҳаво анча ҳушига келтирган, қолаверса, кечаги гап-сўзларни бу чол билмайди-ку.

Йўл санаториянинг беш қаватли бош биноси ёнидан ўтиб, кўчага чиқарди. Атроф оқлик қўйнида, ҳеч ким бу мовийликка из туширишга улгурмабди. Таглиги баланд, қўнжли этикларидан қор сирпади, хуш ёққанидан оёқларини судраб босади. Дарахтлар қуршовидаги бинолар мудроқ уйқуда, деразалардан чироқ кўринмайди. «Наҳотки бу жойдаги ҳар бир хонада уятсиз ишлар рўй бераётган бўлса?!»

Мумкин.

У бошини беҳосдан деворга уриб олган одам ҳолатида эди, қўлларини узатиб пайпасланар, деворга дуч келиб қолишдан қўрқарди.

Бундай беҳаёликларнинг устини қалин парда билан қоплаш керак, токи уяти очилиб қолмасин.

Кучли қор ёғсайди.

Бекатда ҳеч ким йўқ. Безовта ўйлар тазйиқида олдинга юрди, автобус бўлса, кейингисидан чиқар. Ҳамма ишни пухта режа асосида бажариб ўрганган илмий ходим бугунги совуқ тонгни кўчада кутиб оламан, деб асло ўйламаганди. Одатича, ишдан кейин секин «қийшайиб» уйига йўл олганда, ҳозир шавқ билан эртанги меҳнат жабҳасига тайёрланаётган бўларди.

Йигирма кунлар олдин эшикни шартта очиб, Мурод билан Ўроз кириб келган, ўшанда боши осмонга етганди. Мусофирчиликда ҳатто ёмон кўрган одамнинг ҳам кўзингга пайғамбардек туюларкан. Буларнинг эса бири — синфдоши, бири — қўшниси. Беихтиёр болалик хотиралари жонланиб, қадрдон қишлоқ ҳавоси юзларни силагандек бўлди.

— Қуёш ғарбдан чиқдими, хуш келибсизлар. Ҳар куни сизларни эслайман. Телефон қилай десам, у томонларга овоз етмади.

Ботир шу пайтда ҳамма касбдошлар хонасига ёпирилиб кириб келишини, уларга юртдошларини кўрсатиб, «бизни ҳам йўқлаб келадиганлар бор», деб мақтанишни жуда-жуда хоҳларди. Илмий ишида қандайдир чалкашлик чиқиб, ҳимояси кечикиб юрган йигит анча дилтанг бўлиб қолган, бир оғиз илиқ сўзга зор бўлиб юрган эди. Унинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, меҳмонларга боқди. Мурод анча тўлишибди, унинг турмушдан мамнунлиги шундоқ билиниб турар, чеҳраси йилтиллер, бир пайтлар маъсум боқувчи нигоҳларида қатъийлик балқирди. Унинг яқинда йирик бир хўжаликка директор этиб тайинлаганини Ботир эшитганди, табриклади.

— Ҳа, шундай бўлиб қолди, ўртоқ. Энди бошга тушганини кўз кўради-да.

Бироз кек билан айтилган бу гапга Ботир парво ҳам қилмади.

— Сиз яхшимисиз, раис жаноблари? Энди уйингизни адаштирмаяпсизми? — маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлаётган Ўроз бир сафар ширакайф қолда Ботирларни-кига кириб келган, ўз уйим деб, даҳлизда ухлаб қолган. Ҳаммалари кулишди, яна самимий гурунглар эсланди. Негадир ўртада қандайдир парда бордек, у орадан кўтарилмасди. Турли хил кечган йиллар уларни анча узоқлаштириб қўйганди. Меҳмонлар қимтинишар, ниманидир билмоқчи бўлгандек, бир-бирларига жўлайиб қарашарди.

— Бўлмаса, бизга рухсат, — деди чайналиб Мурод қандай кутилмаганда кириб келишган бўлса, шундай кутилмаганда, — борайлик...

— Э, э нима деяпсиз? Уйга борамиз.

— Йўқ, лечение олишимиз керак, ҳам ужиннинг вақти бўляпти, — деди Ўроз ҳам ўрнидан қўзғалиб, негадир «ужин» сўзига урғу бериб.

— Бозордаги нархлар гангратиб қўйдими, қўрқманглар, оч қолмайсизлар, — деди ярим ҳазил, ярим чин оҳангда Ботир.

Барибир келтирилган барча далиллар рад этилди, меҳмонлар кетадиган бўлишди. Маълум бўлишича, улар қандайдир курсга келишган. Ҳам таҳсил, ҳам ҳордиқ, деб қайсидир санаторияда дам олишаётган экан.

— Бир ой шу ердამиз. Ҳали кўп учрашамиз, — дала берди Мурод хайрлашиш олдидан. У ўзига анча бино қўйган, виқор билан гапирар, эҳтимол директорлар шундай бўлиши керак, деб обдон машқ қилганга ўхшарди. «Нимага келишди-ю, нимага кетишди? — хонасига қайтиб кирар экан хижил бўлиб ўйлади Ботир, — бу юртдошларни ҳеч тушунмадим-да».

Шу кетишда улардан бирор дарак бўлмади, ҳатто қўнғироқ ҳам қилишмади. Бундан Ботирнинг яна ҳайронлиги ошди, гоҳ жаҳли чиқиб сўкинди, гоҳ «уларда ҳам айб йўқ, қишлоқчилик» деб таскин олди. Бир неча марта излаб бориб топмоқчи, бир танбех бериб қизарттирмоқчи ҳам бўлди. «Ўзи, сизлар нима қилганларингиз бу, наҳотки...» Айтмоқчи бўлган бир дунё гаплари бўғзига тиқилиб қоларди. Ҳар гал йўлга тушишга жазм қилса, улар айна шу куни кириб келадигандек туюлар, яна ҳафсаласи пир бўлиб, уйига жўнарни. Йўллар музлаб қолган, кечқурунлари қатнов сусаяр, уйга етгунча бўлгани бўларди-да, ҳаммасини унутарди. Ниҳоят, бугун боришга жаҳд қилди. «Мен мезбонман, мезбон меҳмоннинг эркаликларини кўтариши керак».

Улар хонасида йўқ эди. Сўраб-суриштиришлар ҳам наф бермади. Бир оз кутмоқчи бўлди. Дам олувчилар кечки овқатга тушиб кета бошлашди. Устига чарм қопланган курсига ўтирганча ўтган-қайтганларни кузатиб турди. Лифт ҳар очилганида Мурод ёки Ўроз чиқиб келадигандек туюлар, яна бегона одамларга кўзи тушиб, ҳафсаласи пир бўларди. Анча кутиб қолди. Жўнаб юбормоқчи бўлди-ю, «бир ҳафсала қилиб келдим, энди кўриб кетай», деб яна ўтирди.

Кутилмаганда қўшни қишлоқлик Ҳамрокул пайдо бўлиб қолди.

— Ҳа, Ботир ака, нима қилиб ўтирибсиз? — деди очиқ чеҳра билан. — Улар йўқми? — Институтни сиртдан тутатяпман, мен ҳам бир ойдан бери шу ердаман, — деди салом-алиқдан кейин, — кўчанинг нариги бетида ижарада яшаяпман.

У бу жойларнинг баланд-пастини яхши биларкан, кимлардандир суриштириб келди ҳам, бироқ аниқ гап топа олмади.

— Иккита опа бор эди, шулар биларди, улар ҳам йўқ, — деди хижолатомуз, — кўпдан бери кутаяпсизми?

— Бир соатларга яқинлашди.

— Юринг, бизникида ўтириб турамиз, келишса, албатта, борадилар, — деди самимий оҳангда, — кеча ҳам бирга эдик.

Ботир кетмоқчи бўлди, Ҳамроқул астойдил осилиб олди.

— Бормасангиз бўлмайди, бугун охири кун, хайрлашув, эртага ҳаммамиз кетамиз, — ўтиниб сўради. — Ётиб ҳам қолаверасиз, бир ўзимга тўртта кароват.

Иккиланиб турди, яна меҳрми, соғинчми устун келди-да, Ҳамроқулга эргашиб жўнади. Ижара уйнинг ораси анча бор экан, гаплашиб кетишди.

— У опалар ким эди? — қизиқиб сўради Ботир.

— Хўжалик раислари экан, дам олишга келишган. Тунов куни пул бериб мени бозорга юборишди, қўйишмади. Бизларни меҳмон қилишди. «Доим сизлардан бўлавермасин», дейишди.

Ботирнинг дам олувчиларнинг иноқлигига ҳаваси келди.

— Кейин зўр бўлди, — деди кайфияти кўтарилиб Ҳамроқул очиққўнгиллик билан, — раис опаларнинг бири ашула айтди, униси ўйнади. Лекин ашулани қийиб қўяр экан.

— Бизнинг синфдош жуда тортинчоқ эди, аралашаяптими?

— У кишини ҳам очиб олдим, — ғурур билан гапирди Ҳамроқул муҳим ишни қойил қилгандек. Оддий ижарачининг директорга бунчалик яқинлиги катта гап эди унингча.

Даҳлиз ва бир хонадан иборат хужра шинамгина, бунинг устига иссиқ эди.

Ҳамроқул чиқиб кетди-да, баланд бўйли, тўладан келган аёлни бошлаб келди. У сочларини елкасига ёйиб ташлаган, пахталик тўн кийиб олганди.

— Нарсаларнинг ҳаммасини қозонга солинг, — ўктам овоз янгради, — эртага кимга қолади? — Кейин қўшиб қўйди: — Имтиҳонни яхшилаб ювайлик.

Ул-бул қўйилган стол атрофига ўрнашиб олишгач, гаплашиб ўтиришди. Аёл ҳам сиртдан ўқирди. Ҳамроқул шу ерда танишиб олибди. Ҳовлида уч-тўрт ҳужра бўлиб, ижарадорлар кўп экан. Дарвоза тез-тез очилиб ёпилади. Ҳаво совуқ, қор ёғишни бошлади.

Эшик тақиллади. Даҳлизга телпакларига қор қўндирганча Мурод ва Ўроз кириб келди. Ботир Муродга разм солиб қаради. Анча жиддий. Ниҳоят, у ҳам Ботирни кўрди. Чарақлаб турган чехраси... бир зум тундлашди-ю, яна ёришди. У хонада бошқа бир кишини учратаман, деб ўйлаганди чамаси.

— Э, сизмидингиз? — беписандроқ оҳангда гап қотди-да, Ботирга яқинлашди. Бармоқлар жадал қисишди-ю, тезда бўшашиб ажралди. Ўроз ёйилиб турар, юзи тўла кулгу эди.

Мурод Ботирни симкаравотда ёнма-ён ўтиришга таклиф қилди.

— Йўқ, мен ўрнимни бировга бермоқчи эмасман, — деди ярим ҳазил билан Ботир.

— Тақирлаган ёғочда қийналмай, юмшоқроқ жойда ўтиринг, дейман-да, — Муроднинг гапидаги қочириқни Ботир аниқ сезди, ичидан нимадир узилгандек бўлди. Аслида, дўстининг таклифини рад этиб, у гинаси борлигини, бир оз аразлаганини билдириб қўймоқчи эди. Бу Муроднинг иззат нафсига тегди, хомуш бўлиб қолди: «Нега раъйини қайтаради?»

Ўрознинг табассуми-ю, Ҳамроқулнинг муносабати, ошхонадан гап ташлаб турган Турсунойнинг илтифотлари орадаги ғуборни тарқатиб юборгандай бўлди. Қизгин суҳбат бошланиб кетди. Ҳаммалари Турсунойни табриклашди, у бир ҳафтадан буён ўтолмаган синовини топширган экан. Аёл Ҳамроқулга «ука» деб мурожаат қилар, пинжи-га тиқилиб олган, эркаклардан тортинмасди.

— Раис опа келмадими? — сўради Муроддан.

— Эшик ёпиқ тураверсин, — деди мўралаб турган аёлга Мурод. Бу билан «сир очишнинг ўрни эмас», деб дашном бергандек бўлди.

— Дарёга тушган... — «тошдек» демоқчи эди, яна андиша қилди, — марвариддек йўқ бўлиб кетдингизлар-а, —

деди Ботир тили қичиб. Яна жиққа тегиш учун қўшимча қилди: — Катта шаҳарда одам ўзини йўқотиб қўядиям-да. — У имо-ишоралардан ўзининг бемаврид келганини сеза бошлаганди.

— Лечениедан қўл бўшамайди, — деди Ўроз яйралиб.

— Мен келиб халақит бермадимми?

— Э, у ишлар соат ўндан кейин, — яна ҳам очилиб жавоб берди Ўроз.

Унинг ярим ҳазил ва оққўнгиллик билан айтган бу гапи Муроднинг жаҳлини чиқарди.

— Сизникининг ҳам турми бўшаб қолган-ку. — Афтидан, бу жамоада раҳбарликни Мурод ўз қўлига олган, ҳамма нарсa учун жавоб беришни вазифаси, деб биларди.

— Ботир ака ҳам ўзимизнинг одам-ку, — деди Ўроз. Мурод ер остидан ўқрайди, у мулзам бўлди. Ўрознинг оғзи шалақлиги-ю, Ботирнинг эзмалигидан тажанг бўла бошлади. Юраги қисилиб кетди. Бу оқшом бошқа нарсани истаганди. Раис опани эслади. У ... кутаяпти.

— Рости, эртага кирмоқчи эдик, совуқда ҳеч ҳафсала бўлмади. Ўроз раис уйқуга ҳам тўёлгани йўқ, — деди шунчалик сир бермаслик учун.

Муроднинг бу гапларни йўлига айтаётгани сезилиб турарди. «Қалин қозон қайнамас, қайнаса ҳам совимас» деганларидек, унинг бир юмушга жиддий киришиб кетганини, ҳозир ҳам хаёли ўзида бўлмай ўтирганини англаш қийин эмас эди.

Турсуной лаган кўтариб кирди. Қовурилган картошка деярли эзилиб кетганди. Ҳамроқул яримлаб қолган ароқни охиригача пиёлаларга қўйди. Ҳамма ичди, аёл ҳам. Бироқ суҳбат қовушмади.

— Ука, радионгизнинг дурустроқ қўшиғи борми? — сўз қотди Турсуной Ҳамроқулга. — Бўлмаса, бизникини олиб чиқинг.

— Юринг, бирга бориб келайлик.

Ҳамроқулнинг таклифига опа кўп ноз қилиб ўтирмай рози бўлди. Улар ҳовли тўридаги хонага чиқиб кетишди.

Уч хил кайфиятдаги учов қолишди. Ўроз кўйлагини туртиб чиққан қорнини тинмай силарди. «Заказ» сомсани кўп еб юборибди, хаами қалин экан, тиқилиб қолибди.

— Қайси автобусда қатнадингизлар?

Ботирнинг бу саволига Мурод жавоб берди.

— Тўққизда.

— Ў, — деб юборди Ботир шу томонга ўгирилиб, — шунча қатнаб бирров кирмадингизми? Бизнинг ишхонамиз бекатдан бир қадам-а!

Шу пайт юрагидан алами тошди, ўзини камситилган ҳис қилди, улар атайлаб писанд қилмагандек туюлди. «Мен лақиллаб излаб юрибман-а».

— Бунақада, бизнинг эртанги кунимиз йўқ.

Ботир нега бундай, деб юборди, ўзи ҳам билмай қолди. У «Биз» деганида қишлоғидан чиққан «таниқли одам» ларни (ўзини ҳам шулар сафига қўшади). «Эртанги кун»га етишни эса уларнинг қалин бирлашишида, деб тушунарди. Аммо бу гап мўлжалга тегмади. Аксинча, Муроднинг ғурури қўзиб кетди. «Бунча эшилади бу нонга тўймаган, ошириб қўйган жойи бордек!» Ўрнидан ирғиб турди-да, қўлини бигиз қилиб, деди:

— Бизнинг эртанги кунимиз-ку йўқ.

Ботир Муроддан бундай дангал гапни кутмаган эди. Жим бўлиб қолди. Ўроз бепарво ўтирар, зимдан кечаётган курашдан хабарсиз, ҳамон қорнини силар, безовта бўларди.

Ботирнинг яна қайсарлиги тутди. Аслида, у ҳам шу ўринда муроса қилса бўларди. «Ҳазиллашдим, ўртоқ» деган бир гап етарли эди.

— Унақада, ижозатингиз билан рўйхатдан ўчириб ташласак ҳам бўларкан, — деди киноя билан ким кимни «ўчириши»ни ўйлаб ҳам ўтирмай.

— Бемалол ўчириб ташлайверинг! — Муроднинг лаблари титраб кетди. «Бу ким билан пачакилашяпти?» Ботирнинг нигоҳи унга қадалди, семиргандан осилган ҳалқуми, сочини орқага қараб тараганда ялтираб қолган пешонасидан болаликнинг беғубор кунларини излагандек бўлди, лекин улар ... йўқ эди.

Ўроз гап нимадалигини энди тушунди. Шу пайт радиони ванг қўйиб мезбонлар кириб келишди. Ботир ўзини қўлга олди. Ҳеч нарса бўлмагандек, Ҳамроқулга ҳазиллашди, кейин Турсунойни гапга солди. Ўроз: «Бориб,

қатик ичмасам бўлмайди», деди ва қорнини силаганча чиқиб кетди. Мурод онда-сонда суҳбатга қўшилиб турди, столга иягини тираганча ўйланиб ўтирди. Нима воқеа содир бўлганини, унинг оқибатини жуда яхши идрок этар, бироқ орадаги совуқликни кўтаришга виқор йўл қўймасди. Виқор — у мансаб пиллапояларида шунини топган эди. Кейин мудраб кетди. Турсуной талабаликда ўтказган йилларини эслар, Ҳамроқулнинг пинжига яна ҳам тиқилиб олган эди. Ботир унга саволлар берар, мажбуран тинглар, кечираётган аччиқ изтиробини шундай енгмоқчи бўларди.

— Мурод ака, — уни уйғотди Ҳамроқул, — эшикни қулфлаб қўйишади...

Мурод кўзини ишқаб, оғир қўзғолди-да, кийиниб, хайрлашмай чиқиб кетди. Ботир кузатгани турмади.

Яна учовлон қолишди. Вақт алламаҳал бўлганди. Ҳамроқул Турсунойни кетгани қўймади. Аёл каравотга ўтирди-да, оёқларини узатиб юборди. Кўзларини сузганича Ҳамроқулга ер остидан қараб-қараб қўярди. Ботир бугунги сафари ноўрин бўлганини яна бир марта ҳис қилди ва «ухламоқчиман», деди атайлаб. Аёл кетиш учун қўзғолди.

— Сизни Ҳамроқул кузатиб қўяди, кузатиб қўядигина эмас, бошингиз устида ўтириб чиқса арзийди, ахир сиздай аёлнинг ёлғиз қолиши гуноҳ, — деди Ботир ўсмоқчилаб. У энди бу жуфтликка халақит бермасликни ўйларди.

Турсуной охиригача тинглади-ю, турқини ўзгартирмади. Хайрлашиб чиқиб кетди. Ҳамроқул музтар бўлиб қолди.

— Сиз боринг, — деди Ботир астойдил, — эшигини очадими?

— Ҳа, бизга ҳар доим очиқ бўлган...

Уни елкасидан енгилгина итариб чиқарди-да, эшикни ичкаридан қулфлади. Тушига ҳам кирмаган бегона бир кулбада ёлғиз қолгач, Ботирнинг бўғзига тош тиқилгандек бўлди.

... Кейинги бекат томон жадал юриб борар экан, ўзини тобора енгил ҳис қилар, ичида фақат бир гапни такрорларди: «Кучли қор ёғсайди».

1994 йил, февраль

НЕГА ХОМУШСАН, ЎҒЛИМ?!

Бир дилкаш қўшним бор. Кам кўришамиз, бироқ ҳар учрашувимиз эсда қоладиган бўлади. Ўзи кенгликлар бағрида туғилиб улғайган, учқур орзулар қанотида катта шаҳарга келиб, ўқиган, аввало, куйканаклиги, кейин эса ўзининг эътирофича, «нон-насиба» туфайли шу ерда паллак ёзиб, умргузаронлик қилади. Талабчан, эҳтиросга берилмайди, гапнинг дангалини ёқтиради. Ўтмишини унча билмайман, аммо ҳозирги аҳволи нолигулик эмас — бир оила, рўзгор бўлса, шунча бўлар. Баъзан эшилиб кетганда, «битта қошиқдан бошлаб шунчасига эришдим, камини худо тўлдиради, деган умидим бор», дея дил қулфини очади. Беш-олти йил олдин нуқул ўзининг ташвиши билан банд эди: гоҳ чарм куртка, гоҳ видео...га пул тўплаётганини ёзғириб қоларди. Айни пайтда бошқачароқ (бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб деса ҳам бўлади) фикрлайдиган бўлиб қолди. Ўзи ҳамон давлатга қарашли қурилиш ташкилотларидан бирида ишлайди, бўш бўлса, қўшимча юмушларни ҳам бажаради.

Шу қўшним ё ёши улғайди, ё замонга монанд ўзи улғайди, воқеликка теранроқ қарай бошлади. Инчунин, «бизнинг бўладиганимиз бўлди, бўёғимиз синди, энди кейинги авлодни замонабоп қилиб тарбиялайлик» деган гапни бот-бот такрорлайдиган одат чиқарди. Қирқдан энди ўтган одамнинг бундай эътирофи бир чети ҳаётдан совуганликдек туюлса-да, аслида, гапнинг бори ҳам шу.

Ана шу гоёсидан келиб чиқиб, дорилфунунда таҳсил олаётган тўнғич ўғлининг тарбиясига бор умидини ҳам, имконини ҳам тиккан.

— Аллоҳимдан айланай, болам яхши, — дер эди шукронасидан бағри тўлиб, — мактабни аълога тугатди, саломатлиги ҳам жойида. Ўз кучи билан дорилфунунга ҳам кирди.

Мўйловлари энди сабза уриб келаётган, худди учишга шайланаётган сор бургутдек тўлишган Турсунмурод ростдан ҳавас қилгулик ўғлон. Баланд бўйи, пайваста қошлари, қирра бурнига қараб, ҳали у қанчалаб қизларнинг юрагига гулгула солишини ўйлаб кетасиз. Оққўнгил,

меҳнаткаш ота бутун беғуборлигини унга берган, бола-нинг ҳалол меҳнат, диёнат қуршовида улғайгани шундоқ билиниб туради.

Яқиндан бошлаб ота — уста Холмирза ана шу ўғлидан кўнгли тўлмай, пана-панада ҳасрат қилиб қоладиган бўлди. Дейдики, ўғлон аста-секин «чўкиб» кетаётган эмиш.

— Қўйсангиз-чи, — дейман мийиғимда кулиб, — бинийдек юрибди. Бўйи чўзилиб, анча тўлишди. Қанақасига «чўкади?»

— Сизга кўп нарса маълум эмас-да, шунинг учун билмайсиз, — дейди чуқур уф тортиб.

«Мен билмайдиган қандай сир бор экан?», — деган андишани кўнгилга тугиб анча юрдим.

Бир кун борсам, Холмирза ёшликдаги альбомларини варақлаб ўтирибди. Кайфияти яхши, хушчақчақ, тетик. Ажабланиб қараб турганимни сезди-да, изоҳ берди:

— Биттаси олти ой олдин қилган ишим учун ҳақини судраб келарди. Бугун ўзи йўқлаб келиб, фоизи билан ташлаб кетди — омади юришиб қолган чоғи. Мен ҳам дилим яйраб бозорга тушдим, ул-бул харид қилдим, кўнгил истаб, сизни йўқлатдим.

Бугун қўшним яна ҳам дилкаш эди, талабалик йилларидаги хотиралардан гапирди, бу дунёни тарк этган курсдошларини эслади. Айниқса, пахта теримига чиқ-қандаги ҳангомалари жуда самимий эди.

— Курсдошлар бир-бирини шу пахта ҳашари даврида синаб, билиб оларди, — деди у, — энди менга ўша кунлар ўқишдан ҳам фойдалироқ бўлиб туюлаяпти.

Кейин кўк чойдан ҳўплаб давом этди:

— Димоғим чоғ бўлса, болалигим, талабалигимни кўп эслайман. Қарангки, кечаси яхши ухласам, албатта, тушимга болалигим, қишлоғим киради. Одамнинг табиати қизиқ-да.

Унинг ёйилиб суҳбатлашиш авзойи бор эди. Мавриди келиб қолганда гапни ўғли Турсунмуродга буриб юбордим. У юрагида тугиб юрган бутун дардини тўкиб солди.

— Ҳасрат қилишни ёқтирмайман. Ўзим тўқиган бир мақол бор: «Битта ҳасратдан битта гишт яхши» — қурувчимиз-да. Гишт билан уй битади, ҳасратдан қорак қонга

тўлади. Шунинг учун ҳасрат қилишдан қочаман. Менинг бу гапларимни ҳасрат эмас, сизларнинг тилларингизда нима дейди, мулоҳаза, ҳа, мулоҳаза, деб қабул қилинг. Негаки, мен ҳаракатдаги одамман, ана шу мулоҳазаларимдан кейин бирор «решение» қабул қиламан...

Кўшнимнинг «мулоҳаза»лари қуйидагича эди:

— Умидимни шу икки ўғлимга тикканман. Уларнинг келажагини ўйласам, оддий бир қиёс кўз олдимга келаверади: мен ким эдим-у, ким бўлдим? Қишлоқдан келганимда трамвай, троллейбусни кўрмаган эдим. Ниятим холис эканми, Аллоҳнинг марҳамати билан ўқишни тугатиб, ишнинг бошини ушладим, уй-жойли бўлдим, уйландим, рўзгор тутдим. Дўстлар, танишлар орттирдим, энди уларнинг бирор маъракаси менсиз ўтмайди. Менда бирор хизмат туғилса, ҳаммаси «лаббай» деб туради. Кўзимга шу ҳолатим катта давлат бўлиб туюлади. Ростдан-да, катта шаҳарда томир ёзиш осонми? Ана шу даражадан туриб, фарзандларимнинг эртасини ўйлайман. Улар мендан ўзиши лозим-ку, улар менинг елкамда турибди-ку. Аммо каттамнинг ҳаракатидан шу интилишни сезмадим. Аксинча, орқага кетаяпти.

Дорилфунунда таҳсилни баланд иштиёқ билан бошлади. Ҳаммаси кўнгилдагидек эди. Саҳармардондан туриб ўзи чой қайнатади, нонушта қилади, қушдек учиб ўқишга кетади. Шу ҳаракати билан биринчи семестрни «аъло»га топширди. Баъзан аҳён-аҳёнда шикоят қилиб қоларди: бир курсдоши машғулотларга кам қатнашади, сессияни қандай топшираркан ёки фалон домла эски маърузалари билан дарс ўтади... Иккинчи ярим йилликдан бошлаб оёғи оғирлаша борди. Ойисига «ўқиган ҳам бир экан, ўқимаган ҳам» дебди. Ўша машғулотларга қатнашмаган ўртоғи ҳам ҳамма фандан «беш» олибди. Кейин имтиҳон, синовларда баъзилар очиқчасига пул ишлатибди. Бундай ҳаракатлар мурғак тушунчасида «одам барча орзуларига фақат ҳалол меҳнат билан эришади» деган ақида сингдирилган оқкўнгил ўсмирга ёзда қор ёққандек нохуш таассурот уйғотган-да.

Ўғлимнинг ҳафсаласи пир бўлаётганини сезиб, бот-бот тергай бошладим. Мулоҳазалардан сезилиб қолдики, таҳ-

сил ўша биз ўқиган даврдаги услубда экан. На компьютер, на бошқа янгиликлардан дарак бор. Бунинг устига талабчанлик сусайиб кетган, таъмагирлик (ҳар ой степендиясидан қандайдир баҳоналар билан юлиб қолишаркан, таниш-билишчилик) авж олган.

Шунақа сустлик билан иккинчи семестрда «аъло»га илаша олмади.

Кейинги курснинг бошидан беш нафар болани хориждаги қайсидир ўқув юртига юборадиган бўлишибди. Тил ўрганишга, икки ойга. Жуда қизиқиб қолди, астойдил боргиси келди. Ўзи ҳам гуруҳида беш яхши талабанинг бири эканига ишонарди чамамда. Биз ҳам қараб ўтирмадик, пул тўлаб, қўшимча дарс уюштириб бердик. Муаллими — рус аёли ҳам «сен, албатта, борасан» деркан. Ўзи курсдошларига мақтанибди, чет элга кетаман, деб. Бу гап қишлоққа ҳам етиб борибди. Эшитганлар мени табриклаган, менинг эса юрагим така-пука. Ишқилиб, рост бўлсин-да. Йўқ, рост бўлмади, Турсунмурод ўтолмади. Қаттиқ хафа бўлди, бола ҳаётида илк бор зарбага учраган эди. Бир кун ойисига дебди: «Қабул қилишга келганларни машинасида олиб юрганлар ўтди». Яна айтибдики, уларнинг биронтаси ҳам ўзбек тилини — давлат тилини билмайди.

Шу курснинг охирида бошланғич ҳарбий тайёргарлик — «военка»га танлов бўлди. Биз ўқиган йиллари ўғил болаларнинг ҳаммаси қатнашишга мажбур эди, ҳозир танлаб, бир қисми олинадиган бўлибди. Танлов компьютерда бўларкан.

— Ўтолмайман, — деди ўғлим.

— Нега?

— Компьютерни яхши билмайман. Бошқалар ҳам билмайди.

— Унақада ким ўтади?

«Ўтиш»нинг шarti бор экан, «кўк»идан 200 та бериш керак экан.

— Бизда унақаси йўқ, — дедим. — Компьютерни ўрган, ўрганганинг ўзингга қолади. Ўтсанг — омадинг.

Бола бечора компьютерга зўр берди. Бироқ барибир ўтолмади. Шундан кейин ҳафсаласи бутунлай пир бўлди,

аммо дардини айтолмайди. Камгап, ҳафсаласиз бўлиб қолди.

Ўзим ҳам ўқишининг тутуруғини тушунмай қолдим. Нима қилиш керак? Бизнинг кўлимиздан фақат ўқиш — меҳнат қилиш келади, ўзим шу йўл билан мақсадимга етдим. Таниш-билишчиликни ҳалиям иқим суймайди, кам топаман — ўз меҳнатим билан топаман. Бировларга эшилмайман, шундан бўлса керак, катта жойларда ишлайдиган «акахон»лар ҳам йўқ. Нега энди, ўғлимга келганда талаб ўзгардими?

Бир кун батафсил суҳбатлашдик:

— Факультетларингда ҳар хил тадбирлар, масалан, учрашувлар, «ўткир зеҳнликлар» баҳслари бўлиб турадими?

— Йўқ.

— Мана, ҳар хил воқеалар рўй берапти. Шуларга муносабат билдириб, йиғилишлар, митинглар ўтадими?

— Йўқ.

— Кўп юбилейлар бўлди. Амир Темур бобомиз, Бухоро, Хива... Оила йили, Аёллар йили. Шулар нишонланадими?

— Йўқ.

— Э, нима қиласизлар?

— Маърузаларни тинглаб, қайтиб келаверамиз. Рейтинг жорий қилинган, синов, имтиҳонлар шу асосда кетаверади...

Ўқишдаги тартибларни қоралашга ҳаққим йўқ, балки мен янгиликни тушунмаётгандирман. Лекин боланинг шахси улғайиб, қизиқиши кучайиб кетмаяпти-да. Бунинг устига бошқа таъсирларни айтмайсизми?

Бир кун, ўқишдан қайтишингда гўшт олиб кел, деб пул бердик. Ойиси қоғозга ўралган гўштни очиб қараса, муштдек суяк чиқибди. Бироқ ўғлимиз қасрдан пайдо бўлиб қолганини билмай, нуқул:

— Сотган ёшгина бола эди-я, — дер эмиш такрор-такрор. Бир йилдан кейин яна қассобга юбордик (бозор-ўчарни ўргансин, деймиз-да). Бу сафар қўй гўшти деб, эчки гўштини бериб юборибди.

— Тўхтамурод қассоблар билан яхши чиқишади, — деб биз кулдик, йигитча эса хафа бўлиб, ғазабланди. Атрофдаги қаллобликлар ҳам унга ёмон таъсир кўрсатапти-да.

Холмирза оилалаги энг оддий гаплардан, ўз шахсий ташвишларидан сўзларди. Аслида, жамиятимиз ана шундай оилалар силсиласидан, жамоасидан ташкил топмаганими? «Қатрада қуёш акс этади», дейишади, қўшнимнинг ҳасрати нечоғлик «шахсий» бўлмасин, унинг сабаблари ҳаммамиз учун хос ҳисобланган муҳитда — ижтимоий ҳаётда пайдо бўлган-ку! Бугун олий ўқув юртидаги аҳвол у таърифлагандан афзал эмаслигига барчамиз гувоҳ. Ёки фақат қассоблар эмас, тижоратни касб қилиб олганларнинг ҳам анча-мунчаси аллақачон инсофини пуллаб юборганини рад этолмаймиз. Бундай иллатлар эзгу ният билан фарзандини ҳаётга тарбиялаётган ота қалбида шунча доғ қолдирибли. Аслида, бундай қоникмаслик туйғуси менда ҳам, сизда ҳам бор, балки у бошқачароқ кўринишдадир.

Уста борини тўкиб солганди, унга танбеҳ бериш ёки «мана бу ўринда сиз хато қилгансиз» дейиш ноўрин эди. Барибир (биз бунга ўрганганмиз) айбни ўзимиздан топишга интилдим:

— Тарбиямиз бир ёқлама-да. Биз болаларимизни мустақил ҳаётга тўла тайёр қилиб тарбиялай олмаймиз. Уларга келажакни теп-текис, силлиқ йўлдан бориладиган ойдин манзил деб таърифлаймиз. Қийинчиликлар ҳақида кам гапирамиз. Шу туфайли улар иродасиз бўлиб ўсади.

— Сизнингча, қийинчиликларни бўрттириб кўрсатсак, болаларимиз дунёни ваҳший ҳайвонлар яшайдиган ўрмон тарзида тасаввур қилиб, ҳаётга қўлида болта билан қадам қўймайдими?

Феъли ҳам яхши, ҳаммага яхшилик тиловчи одам кескин муносабатларни тушунмас ва қабул қила олмас эди. Бу масалада анча баҳслашдик, хулоса шу бўлдики, оилавий тарбия мазмунини ўзгартириш керак. Энди болаларни содда, оққўнгил қилиб тарбиялаш чинакамига бир ёқламалик ҳисобланади.

Гурунгни тутатиб, ташқарига чиқдим. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Қўшнимнинг мулоҳазалари мени ҳам жиддий ўйлантириб қўйди, унинг фиғонига қайсидир даражада ўзимни ҳам сабабчи деб билдим. Ахир биз ўз фуқаролик бурчимизни бажариш учун нима иш қилаямиз? Ҳаммамиз воқеаларнинг шунчаки кузатувчисига

айланиб қолмадикми? Кўчадан бирор нарсани топиб олсанг, уни «Топилмалар столи»га элтиб бериш инсоний бурч ҳисобланар экан. Мабодо, унинг эгасини топиб, йўқотган нарсасини қўлига тутқазсанг, фуқаролик бурчини бажарган бўларкансан. Кўз олдимизда қанча нохуш ҳодисалар кечади, аммо биз ўзимизда ўша нарсанинг тагига етиш учун куч топа оламизми? Ҳатто сезиб турсак ҳам ўз норозилигимизни изҳор эта олмаймиз. «Нима қиламан бошимни қотириб», деб мулоҳаза қиламиз, ўзимизни қийнагимиз келмайди. Ҳолбуки, кичкина бепарволикдан бошланган иллат газак олиб, даволанмас дардга айланиб кетади.

Баҳор ҳавоси мусаффо эди. Кўп қаватли уйлар орасидан кетдим. Ой булут қуршовидан чиқиб, атрофни ёритди. Оёғим остига дарахт кўланкаси тўшалди. Уларга разм солдим, бири тик, адл ўсган, иккинчиси эса букчайиб, шохлари тарвақайлаб кетган эди. Бир хил дарахтнинг икки хил шакли яна менга бир ҳаёт ҳақиқатини тасдиқлаб турарди: бири уйнинг панасида бўлиб, шамол, бўронлар қаддини бука олмаган ва тик ўсган, иккинчиси эса четроқда, табиатнинг барча зарбалари остида бўлган, шохларини еллар қайирган, изгирин танасини зир қақшатган, қуёш тиги, сувсизлик эзган, шу туфайли ер бағирлаб, букри бўлиб қолган. Ҳа, биз ҳам болаларимизни чет таъсирлардан паноҳимизда асрай олмасак, ана шундай пачоқ бўлиб қолишади. Бу манзарани кўриб яна хижолат бўлиб қолдим.

Халқда «Куш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Биз доим «уя» деганда оила муҳитини тушунамиз, бу ўз маъносида тўғридир, лекин бола бутун умр оила даврасида қолиб кетмайди-ку. У катта ҳаётга аралашади, борлиқни ўз идроки билан қабул қилади. Унинг шахси шу муҳитда шаклланади. Энди устанинг ўғлини тасаввур қилинг. У бахтли бўлмоқчи ва одамларга бахт улашмоқчи. Бироқ жамият унинг бу олижаноб ниятига қандай жавоб қайтараяпти? Ўқув юртида ҳақсизликка дуч келса, бозордаги қаллобликдан дили оғриса, унинг дунёқараши қандай шакл касб этади? У бундай нуқсонлар бизнинг жамиятимизга ёт, биз уларга қарши курашишимиз керак, деган ғояни қўллаб-қувватлаш учун ўзида куч топа ола-

димиди ёки ўзи ҳам шу оқимга қўшилиб кетадими? Эртанги кунимизнинг истиқболи учун у шундай куч топа олиши керак, ҳўп, ўша кучни кимдан, қандай муҳитдан топади? Бундай саволлар мени эрталабгача безовта этди ва уларнинг ечимини кўпчилик бўлиб топишга қарор қилдим.

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган экан. Қўшнимнинг ўз фарзанди келажаги учун қайғуриб билдирган фикрларидан кейин шу гапларни яна эсладим. Тарбия — бутун жамият шуғулланадиган машғулотдек туюлди назаримда. Маданий дунёдаги ҳар бир инсон фақат истеъмолчи эмас, албатта, ўз ўрнида тарбиячи ҳам. Биз зарурат туфайли, баъзан мажбуран турли фаолият билан шуғулланамиз. Бу фаолиятимизнинг ўзимизга қанчалик нафи тегиши ҳақида ўйлаймиз-у, унинг атрофимиздагиларга қандай таъсир этишини — тарбиявий томонини ўйламаймиз. Одамлар бир гумбаз остида яшайдилар ва уларнинг феъл-атвори, қилиқлари ҳам бир-бирларининг назарида, эътиборида бўлади. Ана шундай бевоситаликда «тарбия» пайдо бўлгандир. Бу ҳолни зукко халқимиз жуда чиройли ифодалаган: «Бир болага етти қўшни ота-она». Бу «ота-она» фақат назоратчи эмас, ўзининг яхши қилиқлари билан ибрат ҳам бўлиши лозим...

Холмирза билан суҳбатларимиз давом этиб турибди. Биз энди Тўхтамуроднинг қалбида иштиёқни кучайтириш, уни чинакамига ҳаётга тайёрлаш борасида маслаҳатлар қилаяпмиз.

1999 йил

ЭР ВА ЕР

Албатта, кўпчиликка яхши таниш халқ эртагининг лавҳалари ёдимизда. Подшо зериккан ёки у ҳар бир унсурдан ҳикмат излайди: ўрда ҳовлисидаги дарахтга қўнган қарғанинг «қағ-қағ» дегани мазмунини билгиси келади. Бироқ жавоб беришдан ожиз тўрт юз уламо, уларнинг

бошини олишга шай ўн тўрт жаллод. Золим подшога бош олиш пайкалдан тарвуз узишдек гап, «офтоб шуъласи ерга етмай» амр вожиб бўлади. Шу чоғ камбағал аёлдан туғилган Ҳуснобод журъат қилиб ўртага чиқади ва қарганинг «сўз»ини таржима қилиб беради. Ўжар қиз етти йил зиндонга ташланади, лекин доно вазир уни қутқаради ва эртақнинг ёруғ хотимаси, ундан тўқилган гўзал мақол: эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам — хотин!

... Бир воқеа сабаб бу мақолни қайта эсладим. Эсладим-у, ўзим яхши билган жами танишларимнинг тақдирини шу тарозида тортиб кўрдим. Во ажаб, халқ донишмандлигининг кучини қарангки, мен ёдга олган барча тақдирларда ўша мақолнинг ниҳоятда тўғрилиги мана-ман, деб турарди. Тўғри, биз бирор одамнинг омади ёки омадсизлиги ҳақида гапирганимизда бошқа омилларни ҳисобга оламиз: иши юришмади; қўли қисқалик қилди; болалари нобоп чиқди ёки ўзида бор, сингари мулоҳаза юритамиз, бироқ ҳаммасидан олдин «Унинг хотини — турмуш ўртоғи ким?» деб савол берсак, кўп нарса ойдинлашиб қолар экан.

Воқеа эса мана бундай эди.

Бир факультетдошимиз ўз касбида шундай даражага эришдики, унинг бу ютуғини талабаликдаги вазияти билан чоғиштирса, «тошдан олов чиқди», деб баҳолаш мумкин. Ҳали университетни битирмай, ҳайкалини ўрнатиш учун жой излаб юрганлар, ўшандаёқ «классик»ка айланганлар бир «лов» этди-да, қолиб кетишди, у эса ҳеч кимга кўринмай, аста-аста олдинлаб борди, обрўни ҳам, мансабни ҳам, бойликни ҳам кетма-кет, изчил забт этиб олаверди. Ҳар сафар у ҳақдаги бирор хушхабарни эшитсам, талабаликдаги Маҳмуд кўз олдимга келаверади: тортинчоқ, камгап эди, аранг «ўрта»га ўқир, машғулотларга ҳам номига келиб кетар, факультетдаги ташкилий ишларда деярли кўринмасди. Пахта териш пайтлари уни бирон марта гулхан атрофига чиқиб шеър ўқиганини ёки «юз килограмчи» бўлиб мукофот олганини билмайман, аксинча, этагини аранг судраб, бурнини тортиб, бир амаллаб юрарди. Ана шу «писмиқ» бирданига соҳанинг дадил вакилига айланиб қолди. Мен унинг муваффақиятлари са-

бабларини кўп таҳлил қилдим, аммо бирор асосли ваз топа олмадим. Шунда халқда: «Яхши от кейин чопади» деган нақл бор, у ростдан қам «яхши от» экан-да, деб қўя қолдим.

Навбатдаги сафаримда яна уни излаб бордим. У иш жойида йўқ эди, суриштирсам, «Бугун хотинининг ту-филган кун, уйда меҳмон кутишга тайёргарлик кўра-япти», дейишди.

— Ў, у шунчалик маданиятга эришганми? — дедим истеҳзо билан.

— Йўқ, сиз билмайсизми? Хотини жуда мўътабар аёл-да, — деди суҳбатдошим, — бундай аёл учун дунёни ҳаё-этсанг арзийди.

— Чинакам гўзал инсон. Бунақаси кам топилади. — Маҳмудни яқиндан билганлар ўз ҳаяжонларини тўкиб солишди. Маълум бўлишича, келин вилоят кутубхонасида меҳнат қилар, ҳуснда, муомалада мукаммал экан.

— Одамлар кўпроқ китоб ўқиш учун эмас, шу фа-риштани кўриш учун кутубхонага келишади, — деб фикрларини якунлашди улар.

Бўлиши мумкин. Дунё ҳикматлардан холи эмас. Мақ-товлар, эътирофлар ўз йўлига-ю, мен бошқа бир ҳақи-қатни кашф этган эдим: демак, танишимнинг ютуқлари сири — шу экан. Маҳмуд бир аёл туфайли ерга эмас, эрга айланган экан. Бу хулосага сиз қанчалик қўшиласиз, билмадим, лекин шу оддий ҳақиқат олдида кўп нарсалар сароб бўлиб қолади. Кейинги кузатишларим асосида бу нарсага янада ишонч ҳосил қилдим. Эркакнинг жуфти ўзига мос бўлса, ёшлигида куч-қувватга тўлиб, камолга етиб, юксак парвозларга қанот олади; ўрта ёшда чинака-мига яшаб, оламшумул ишларни амалга ошириб, ҳаётнинг барча лаззатларидан етарлича тотади; қариганда умр бўйи эккан ҳосилининг мевасини териб, фарзандлар ардоғида яшаб, дунёдан армонсиз кетади. Бундай бахти комиллик-ка фақат эркакнинг ўзи эмас, балки унга шу бахтни ато этган аёл ҳам биргаликда муяссар бўлади. Чинакам эр-хотинликнинг, аёлнинг эрга, эрнинг аёлга инсоний ҳур-матининг мазмуни шу!

Тўғри, булар ҳақида жуда кўп ва ҳўб ёзилган. Бу мавзуда бирор янги гап айтиш ҳам қийин. Афсуски, баъзида ёки ҳар доим ана шу «ҳаммага маълум» ҳақиқатларга амал қилинавермайди, улар билан ҳисоблашилавермайди. Бинобарин, ҳар бир кунимиз янгилик, янги тарих экан, ана шу кўҳна ҳақиқатларга бугун нечоғлик амал қилинаётганини оҳори тўкилмаган мисоллар билан кўриб чиқайлик.

* * *

Кўпчилик эр-хотинлик муносабатларини икки қутбга ажратадилар: тўйгача ва тўйдан кейин. Ҳатто бу қутблар борасида катта жарлик бор, қолаверса, улар бир-бирига зид (худди Арктика ва Антарктидага ўхшаб) деб тушунтирмоқчи бўладилар. Уларнинг даъвоси нақадар ўринли, билмадим, бироқ нега ҳамма Маҳмуджонга ўхшаш омадли эмас, деган савол кишини қийнайди. Ҳар ҳолда на эр, на ер бўла олган, икки музлик орасидаги шиддатли шамоллар билан умри ўтаётган эркаклар ҳам, аёллар ҳам кўп. Уларнинг баъзилари: «Турмуш, бу — мушт, эрнинг нони ичида тоши бор», деб ёзғирса, бири: «Ёлғиз яшаётганим аёллар дунёсига исёнимдир», деб ўз изҳорини баён этади. Бошқаси: «Э, эр ҳам ўз хотинини ҳурмат қиладими?» дея заҳарханда қилса, тўртинчиси, «ўтди-да умр» дегандек, қўлини лоқайд силтаб қўяди. Табиийки, маҳалланинг ўрни ва мавқеининг кучайиши туфайли оила мустаҳкамлиги ошди, ажралишлар камайди. Шу туфайли Маҳмуджонга ўхшаганлар кўп. Аёл ҳам турмуш ўртоғи, ҳам она сифатида одамзод дунёсининг икки қирғоғига ўхшайди. Агар бу қирғоқ эгри-бугри бўлса, дарё ҳам шундай ўзандан оқади, қийшиқ ўзандан оққан дарёда эса хас-хашаклар кўлмак бўлиб қолади, оқим ҳам тез бўлмайди. Қирғоқлар теп-текис, силлиқ бўлса, дарё суви мусаффо, оқим шиддатли, ўзан тоза бўлади. Бизнинг тасаввуримиз ана шундай манзарани акс эттирди.

Албатта, тўйдан кейинги турмуш фалсафаси жуда те-ран. Бу ҳақда Суқрот ўз хулосасини шундай баён этган: «Ўйлаб-нетиб ўтирмай шартта уйлан. Хотининг яхши чиқ-

са-ку, хўп-хўп, ёмон чиқса, файласуф бўласан». Сукрот-дек кишики ажрни тақдирга ҳавола қилган экан, бошқаларга бирор жўяли гап айтишга йўл бўлсин. Демак, бу борада ёзилмаган қонунлар, кашф этилмаган сирлар кўп экан. Албатта, эрнинг, эркакнинг тақдири, бинобарин, келажакнинг тақдири Аёл жаноби олияларининг қўлида экан, фақат ўзига инсоф берсин, дея илтижо қилишдан ўзга чора йўқ.

Аммо вазиятни бутунлай назоратдан четда, деб ҳисоблаш хато бўлар эди. Ҳеч курса тўйгача бўлган даврни кўнгилдагидек уюштириш имкони бор.

Гап бир-бирига муносиб жуфтлик ҳақида кетар экан, масаланинг хусусий ва ижтимоий жиҳатларини фарқлаб олишга тўғри келади. Хусусий (шахсий) томони шундаки, келин ва куёв танлаш ота-она, қариндошларнинг ички иши. Ҳар кимнинг диди ҳар хил. «Шоҳнинг ишқи қурбақага тушибди», дейишади. Бу борада эса икки таомил амал қилади: севиб уйланиш ёки ота-она розилиги билан уйланиш. Бизнингча, бу икки ҳолат руҳшунослар фикри, турмуш тажрибаси, авлодлар ҳаёти мисолида етарлича тадқиқ қилинган. Хулосалар эса, тахминан, қуйидагича: севиб уйланганларда: «Ким кимни кўпроқ севади?» деган фикр устун бўларкан. Ота-она розилиги билан турмуш қурганларда эса: «Ким кимга кўпроқ ёқади» деган андиша кучли бўларкан. Негаки, биринчи ҳолатда севги изҳор қилган томон (йигит ёки қиз) шу вазифани адо этиш билан у томонни ўзидан олдинги ўринга ўтказади (яъни унинг олдида «паст тушади»), ана шу олдин-кейинлик турмушдаги ҳамма икир-чикирларда акс этади. Гўшангада учрашганлар эса бир-бирини яхши билмаганлигидан тенг муносабат ўрнатади, қолаверса, ўзаро яхши томонларини намоиш этишга интилади. Севишганларда турмуш завқли, ошқора, замонавий кечса, буларда вазмин, сирли, анъанавий тарзда ўтади. Бирида муносабатлар тезда зерикарли тус олиб, поёнига етиб қолса, иккинчисида янги жиҳатлар кашф қилиниб, узоқ давом этади. Албатта, бу хулосалар нисбий бўлиб, уларнинг тўғрилигига ҳеч ким кафолат бермайди, шунинг учун ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўлади. Эндиликда келин ёки куёв танлашнинг то-

монларнинг насл-насабини суриштириш, шифокор кўригидан ўтказиш сингари усуллари жорий бўлаяптики, бу билан яқин орада кўп муаммолар ечилади.

Албатта, эр-хотинлик — оила жамиятнинг ажралмас қисми экан, бу масалаларнинг умумжамият, яъни ижтимоий томонлари ҳам мавжуд. Қолаверса, оиланинг шахсий бахти ёки бахтсизлиги жиддий ижтимоий масала: жамиятда бахтли оилалар кўп бўлса, жамият шунча ривожланган, илғор ҳисобланади ва, аксинча. Демак, келин ёки куёвнинг кимлиги (бу ўринда тарбияси, маълумоти, ҳатто соғлиғи) ҳаммани бепарво қолдирмайди. Зеро, бу бепарволикнинг замирида «Бугунги ёшлар қандай вояга етаяпти?» деган ташвиш мавжудлиги ҳам бор гап.

* * *

«Хуррият» газетасининг 2004 йилги сонларидан бирида «Валентин куни» муносабати билан билдирилган мулоҳазалар кишини жиддий ўйлантиради. Бундай ҳолатни қандай баҳолаш лозим: у умуммиллий фожиами ёки рўй бериши шарт бўлган оддий воқеликми? Шуниси борки, мақолада бу борадаги бугунги аҳвол тўла акс эттирилма-япти, ундан бир шингил келтириляпти, холос. Лекин шунинг ўзи ҳам жиддий ўйлаб кўриш учун етарли. Майли, бошқа катта гаплар (масалан, ўзбек халқининг буюклиги — бу буюклик баъзан шундай талқин қилинадики, гоҳида ер юзида инсон зоти биздан тарқалганми, деб ўйлаб қоласан — метёрсиз мақтаниш шунга олиб боради ёки ўзбеклар ҳамма нарсани яратган-у, бошқаларга бериб қўйиб, ўзи қуруқ қолган; янги бир ғайримиллий байрамнинг турмушимизга кириб келгани)ни бир четга қўяйлик-да, бир нарса ҳақида мулоҳаза юритиб кўрайлик: эфирда жар солиб қизлар (ҳа-ҳа, қизлар, қизчалар) йигитларга севги изҳор етаяпти! Йигитлар-чи? Улар жим, улар, умуман, кўринмайди. Демак, ташаббус қизлар тарафида.

Аслида, кимдан гина қиласиз? Ўша қизлар кеча, бугун тўрва-халта кўтариб, шаҳарма-шаҳар, бозорма-бозор изғиб юрган аёлларнинг зурриёди эмасми? Фалак бир

айлангунча улар ҳам она бўлади. Энди уларнинг болалари ким бўлишини ўйлаб кўринг. Одамлар ўзлари сезмаган ҳолда эккан уруғларининг ҳосилини ўриб олаверадилар. Бундан ё ютадилар, ё ютқазадилар. Кўплар бундай ҳолларга беҳаё фильмлар, тунги дискотекалар айбдор, дейишади. Балки ростдир, аммо одамни тўғри йўлга бошқарадиган оила муҳити, оила тарбияси деган омиллар бор-ку... Эҳтимол, ўсмир қизчаларнинг дод солиб ўз севгисини изҳор этиши жуда катта фожиа эмасдир, лекин оила қўрғонининг заиф бўлиб қолиши, айниқса, унда эркакнинг ўрни йўқолиши бундан-да катта фожиа эмасми? Юзага бўртиб чиққан дард ҳақида куюнчаклик билан гапирган яхши, аммо унинг илдизларига теранроқ назар солинса, моҳият янада ойдинлашган бўлармиди?

Яқинда бир ҳамкасбимиз кўчадан гап топиб келди: бизнинг ота-боболаримиз момоларимизни ўпишда гулдан ҳам уялган эканлар. Ҳатто бу ҳақда ҳазрат Алишер Навоий ғазал ҳам ёзибди. Ҳақ гап, аждодларимиз ана шундай ҳаёли бўлишган. Улар кўп нарсадан уялишган. Нафақат гулнинг қаршисида ўпишиш, балки ёлғон гапириш, алдаш, мунофиқлик, ҳаромхўрлик сингари барча иллатлардан уялишган. Баъзан манзарани тасаввур қилиш учун бир унсур кифоя қилади (масалан, янтоқ — чўл аломати). Ижтимоий ҳаёт манзараси алоҳида юлиб олинган бир воқелик орқали тақдим этилса, ҳаммаси чалкашиб кетаркан. Яна ўша эфирдаги қизчаларга қайтайлик. Улардан биз «уят» талаб қиляпмиз, бироқ ўшалар шу ёшга етгунча бу тушунчага дуч келдиларми, ҳаётларида уятдан қизариб, изза бўлган бирор одамни кўрдиларми? Бу саволга жавоб топиш учун бугунги кундаги оила ҳаётидан ташқари кўча-куй, боғча, мактаб, билим юртидаги маънавий муҳитни кўз олдимизга келтирсак кифоя...

Шубҳасиз, бу мулоҳазалар лейтмотивга дахлсиз эмас. Зеро, мавзу мустақил юртимизнинг тарихий юкини елкасига озод кўтара оладиган муносиб кишилар ҳақида эди. Бундай «замонавий қаҳрамонлар»нинг шаклланиши оила муҳитида ҳам, ишлаб чиқариш жойларида ҳам, маиший ҳаёт лаҳзаларида ҳам баробар кечади. Ва биз ҳамма жойда эркак — аёл муносабатига дуч келамиз. Ана шу муноса-

батларнинг қай даражада эканлиги бизнинг аслида ким эканлигимизни белгилаб бераркан, бу юксаклик ҳар доим Аёлларнинг бўйи билан ўлчаниб келган.

Бир ҳаётий мисол:

Чекка қишлоқларнинг бири чўлга кўчирилди. Уларга шароитни, айниқса, пахтачиликни яхши биладиган одам раҳбар этиб тайинланди. Бу ҳол кўчиб келганларга унча ёқмади, улар: «Биз подамизми, чўпонимиз четдан бўлади?» деб норози кайфиятда юришди. Йиллар ўтаверди, ҳар йили 50—60 бола мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга йўл олаверди. Орадан 25 йил ўтди. Бу пайтда қишлоқликлардан фан докторлари, таниқли артист ва рассомлар етишиб чиқди, бироқ хўжаликка етакчилик қиладиган раҳбар чиқмади. Ўндан зиёд кишида диплом бўлса-да, қишлоқ хўжалиги машиналари бош муҳандислигини биронтаси эпполмади. Шунда бу одамлардан нега раҳбар (лидер)лар чиқмади, деган савол кўндаланг бўлди. Унга эса жавоб шундай эди (балки нотўғридир): қарийб 30 йилда кўп нарсa ўзгарди, асфальт йўл, газ, телевизор, телефон оддий нарсa бўлиб қолди, одамлар бойиди, дунё кўрди, бироқ турмуш тарзи, айниқса, аёлларга муносабат ўзгармади. Ҳамон ўша эски биқик анъаналар, бола тарбияси, оила муҳити давом этяпти. Гапнинг дангали эса оналар ҳақиқий эркакларни туғиб, тарбиялаб бера олмаяптилар. Шунинг учун ҳамон хўжалик раҳбари ўзларидан чиқмайди.

Бу бир жўн гап, бир шахсий кузатиш. Негадир шу фикрда жон борга ўхшайди, негадир шу фикр одамзод буткул тараққиётининг энг сара хулосаларига ҳамоҳангдек.

Ҳа, одам зоти шу вужудда пайдо бўлади, унга юкинади, ундан нажот ва шафқат сўрайди. Аёл салтанати дунёлар, мавжудотлар, донишмандликлар-у тафаккур инқилоблари — ҳамма-ҳамма нарсa устидан ўз ҳукмини ўқийди. Бу енгилмас, мағрур ва боқий ҳақиқат қаршисида қуллуқ қиламиз.

2004 йил

АБАДИЙ ЯШИЛ ЎРМОН

Четдан қараган кишига куп нарса аниқ кўринади. Айниқса, одатий турмуш оқимига тасодифан (дейлик, меҳмон сифатида) тушиб қолган одам ҳамма кўникиб бўлган манзаранинг янги қирраларини кашф этиши, барчага таниш ҳолатдан ўзича маъно ажратиши мумкин. Ана шундай «четдан қараган» одам шундай воқеани сўзлаб берган эди:

— Ёз кунларининг бирида бегона қишлоқда тушлик туй ошига ташриф буюришга тўғри келиб қолди. Биз томонларда маъракаларда шундоқ ерга тўшакларни сочиб ташлаб, устига кўрпача ёзилади-да, меҳмон чорланаверади. Пастак ишкомлар тагида ясатилган дастурхонларга яқинлашар эканмиз, жам бўлганлар ҳаммаси туриб қўл қовуштириб кутиб олишди. Фақат ўзи ёлғиз ўтирган одам қимирламади, шунчаки дуои хайрга қўшилиб, ҳаммага бир қур бош ирғаб қўйди. Унинг шу алпозда ўтирганига кўп вақт бўлгани билиниб турарди, олдидаги дастурхон йиғиштириб олинган, яқинида ҳам ҳеч ким йўқ. Анча басавлат эмасми, бир томонни тўлдириб ўтирарди. Устида енгил оқ яктак, кўкрагини очиб олган, қўлидаги сочиқ билан елпинар, тақир қилиб қирилган бошини, тер оқаётган юзларини тинмай артарди. Чордона қуриб олган, олдида катта қўсқи телпаги (бу томонларда ёзда ҳам телпак кийишади), ёнида телпакдан ҳам катта чойнак. Билмадим, тоғни уриб талқон қилганми, хўкизни ботқоқдан суғуриб қўйганми, пиёлани қўлидан қўймас, айлантириб-айлантириб, ҳафсала билан чой хўпларди. Бегона бўлганим учун бошқалар менга эътибор беришмади, мен эса чойхўрни диққат билан кузата бошладим. У чойни шопириб-шопириб қайтарар, дам ейишини кутиб, даврадаги суҳбатга луқма ташлаб қўяр, кейин ютоқиб иштаҳа билан пиёлага лаб босарди. Менинг ҳисобимда тўртинчими, бешинчи чойнакдан биринчи пиёлани хўплаб, афтини буриштирди-да, ўзича сўкиниб, шундай деди:

— Ҳа, қиёмати, чойнакни ерга қўйиб олибди-я...

Чойхўр мени жуда қизиқтириб қолганди, ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай, айтган сўзини эсдан чиқармай кузатаётгандим. Бу гапини унча тушунмадим. Ёнимда ўтирганлардан бирига, «Полвон ака нимадан хафа бўлаяптилар?», деб сўз қотдим. Мезбон ҳамюртини обдон яхши билса керак, ишонч ва бироз ғурур билан:

— Дастёр бола чойнакни олиб келаётиб, қўли куйганидан ерга қўйиб олган бўлса керак, чойнинг таъмидан шуни билди, — деди.

Гапни мазкур ҳикоядан бошлаётганим бежиз эмас. Ҳозиргача ашаддий чойхўрнинг фаросати, закийлиги ҳақида ўйлайман, халқимиз орасида синчилар, ақли тошни ёрадиган одамлар кўплигига шафе келтираман. Ниҳоят, истиқлол йиллари манзарасини кўз олдимга келтириб, ўша чойхўр мисолида азамат, чўнг, ер остида илон қимирласа биладиган халқимизни эсладим. Тарихлар ҳам, замонлар ҳам қарита олмайдиган, ўз мезонига, нуқтаи назарига, тошу тарозисига эга бўлган, «меҳнат» отлиқ шараф ва заҳмат бирлаштириб турган одамларимизнинг улкан жамоаси — халқнинг кайфияти қандай? Мабодо, саволни шундай кўндаланг қўядиган бўлсак, «ўткинчи» қийинчиликларни метин бардоши билан енгаётган, ўз уddaбуронлиги, меҳнатсеварлиги билан бир нави кун кўраётган кўпчиликнинг аҳволи-руҳиятига таъсир қилаётган омиллар ҳақида фикр юритиш айб эмас.

Истиқлолнинг илк йиллари силкинишларсиз, бир маромда кечди. Бу, албатта, ҳаммамизнинг бахтимиз. Яқин қўшнилари — Афғонистон, Тожикистон, Россия, Кавказдаги воқеалар яна ҳам босиқ бўлишга, яна ҳам жиловни қаттиқроқ ушлашга мажбур қилгани ҳам рост. Бундай ташқи таъсирлар фақат иқтисодий алоқаларнинг чигаллашишигагина эмас, юртимиз ички аҳволига — баъзи салбий ҳолатлар воқе бўлганда кескин чоралар кўришдан тийилишга ҳам олиб келди. Оқибатда, тараққиётга тўсқинлик қилаётган унсурлар пайдо бўлди. Ҳолбуки, «Халқлар тараққий этиб, ўса олиши, шон-шарафга бурканиб, муваффақиятли равишда фикрлай ва ишлай олиши учун ҳаётларининг негизиди тараққиёт ғоялари ётиши керак»

(Эмелио Кастерлар, испан сиёсий арбоби), яъни бутун мамлакат ягона мушт бўлиб эртанги истиқбол учун курашиши лозим. Тарихдан мисол, Японияни оёққа турғизиш керак бўлганда, мамлакат аҳолисининг ялпи талаби билан 14 соатлик иш куни белгиланган экан. Кўплаб жамоалар дам олиш кунисиз ва байрам кунларида ҳам ишлаш ташаббуси билан чиққан.

Тараққиёт ўз йўлида зиддиятларни яратади ва шу зиддиятлар курашида яшайди, дейишади. Бу худди айиқ яшаш жараёнида жун ташлаб ва ўзи ҳам шу жунига ўраниб ухлашига ўхшайди. Худди шундай, тараққиёт одамлар жамоасини икки табақага — ишловчилар ва раҳбарлик қилувчиларга бўлиб юборади ҳамда гарчи бу икки томон ягона қобикда яшаса-да, ўртада баъзи хусусий зиддиятлар пайдо бўлади. Чунончи, раҳбарлар ишловчиларнинг жон-жаҳдлари билан тер тўкишларидан манфаатдор ва, иккинчидан, раҳбарлар яратилган бойликлардан ишловчиларга нисбатан кўпроқ улуш олишга интилиб келганлар. Бу — бутун инсоният тарихида тасдиқланган ҳол. Тузумнинг қиёфаси ҳам шу икки томоннинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлган: илғор жамиятларда раҳбарлар ва ишловчилар ягона мақсад — эртанги фаровон ҳаёт қуриш йўлида баробар тер тўкканлар, манфаатлар ҳам, қизиқишлар ҳам қўшилиб кетган, ўртадаги чегара деярли йўқолган — энг катта раҳбар ҳам оддий меҳнатчи билан бир қозондан овқат еган, бир хил тўшакда ухлаган. Бундай илғор тартиблар ўз навбатида тараққиётда ҳам илғор даражани таъминлаган. Аксинча, раҳбарлар ва ишловчилар ўртасида Хитой девори пайдо бўлиб, манфаатлар тўқнашганда, ички зиддият (ўз-ўзидан тормозланиш) юзага келиб, тараққиёт жойида депсиниб тураверган. Бу ҳол, аввало, раҳбарлар ва ишловчилар ўртасида жарлик пайдо бўлишидан бошланади. Чунончи, раҳбар томонга қўшимча имтиёзлар берилиши, унинг фаолиятини етарли назорат қилмаслик (чунки раҳбарлик руҳиятида кўпроқ юлиш кайфияти бўлади) ва бошқа сабаблар туфайли табақаланиш бошланади. Раҳбар биргаликда яратилган умумий моддий бойлик (10 деб олсак)ни тенг (5—5) эмас, кўпроқ

(7—3, 8—2 каби) олишга интилади. Ана шунга эришганлар, табиийки, бойиб кетади. Нариги томон ўз-ўзидан қашшоқлашади. Бундай ҳолат паст ҳаёт тараққиёт тартиби саналади ва жамиятни паст тараққиёт даражасига тушириб қўяди.

Юртимиздаги ҳозирги аҳвол таҳлил қилинганда, тарихий мерос сифатида бир ҳолни истисно қилиш мумкин эмас. Социализм оғизда «синфларни тугатган, ижтимоий тенгликни барқарор қилган» бўлса-да, табақаланиш жуда кучли эди. Раҳбарга берилган имтиёзлар, унинг кўринмас кўрғон ҳимоясида, асосан, тайёр кўрсатмалар асосида фаолият юритиши пичоғининг ёғ устида бўлишини таъминлаганди. Раҳбарлик масъулият эмас, кўпинча маишат эди ва шу туфайли уни сотиб олишарди, сотишарди. Истиқлолдан кейин умуммиллий манфаат биринчи ўринга чиқди: бутун мамлакатни, халқни қутқариш, уни умумжаҳон тараққиёти даражасига олиб чиқиш керак эди. Ана шундай шароитда фидойилик талаб қилинарди: ҳар қандай шахсий манфаатдан, хоҳиш-истакдан воз кечиш ҳамда имкониятни ягона мақсадга, дейлик, олдин мамлакатни бой қилиб, кейин ҳаммамиз бой бўламиз, деганга ўхшаш порлоқ бир орзуга бўйсундириш керак эди. Афсуски, ондаги, турмушдаги лаънати мерос хуруж қилиб қолди: худди шўро даврида ўрганиб қолинганидек, ким тўғри келган жойидан ўмариш дардидан воз кеча олмади. Балки кимлардadir «Бу бойлик ватанники, мустақил Ўзбекистон келажаги йўлида асқотади», деган тушунча бўлиб, ўзини тийиш кайфияти бўлгандир, бироқ кўпчилик юрагида тоза ва беғубор, инсонни, миллатни улуғлайдиган туйғуларни топа олмади.

Албатта, бундай ҳоллар иситмадек ўтиб кетади, «ўтмаган кун борми?» Синовлардан кимлардир тоза виждон ва покиза имон билан, кимлардир бутун авлод-аждодини бадном қиладиган тавқи-лаънат билан чиқади — ҳаммасига баҳо берадиган, тош қўядиган буюк ҳакам бор. Бу — бўронларни бағрида сиғдира оладиган, ҳар қандай хиёнатни кечира оладиган, кўксидан сут бериб улғайтирадиган ва шу кўксига тиг қадалганда ҳам пинагина бузмай,

одил туриб берадиган, қазои қадар — сўнгги кунда елкасида кўтариб, барибир кўзда ёш билан ерга топширадиган ва бир сиқим тупроқни оғринмай сўнгги масканига ниёз қиладиган ҳиммат ва саховат соҳиби — ХАЛҚ-дир. Кўҳна дунёда кимлар наъра тортиб ўтмади, кимлар осмонга сакраб, ерни, халқни топтамади. Буларнинг бари ўтаверди ва ундайлар халқнинг хотирасида бир умр кўча супуриб, сув ташиб хокисорлик билан умр кечирган оддий фақирчалик из қолдирмади. Халқнинг баҳоси — олий баҳо, халқнинг мезони — олий мезон!

Буюк китобларда ёзилмишки, раҳбар бўлиб ишлаган одамнинг қўли охиратда боғлиқлик турар эмиш. Агар у хайрли ишлар қилган, қўли тоза бўлса, тугун ечилиб кетармиш. Агар нопок бўлса, шу ҳолда дўзахга тушармиш. (Валлоҳи аълам биссавоб.)

Яна ёзилмишки, салтанатларни устувор қиладиган, мамлакатларни гуллаб-яшнатадиган фазилатлар — тўғрилик, ҳалоллик, поклик, адолат каби марваридлар халқ денгизида мавжуддир. Инсониятга ёруғ кунлар олиб келган, эзгу орзуларни амалга оширадиган буюк даҳоларнинг волидаси — халқ. Шунинг учун жами замонларда бутун эътирофлар шу хилқатга қаратилган. «Халқим», «халқимга», «халқим учун» деб бошланган қасам сўзлари ҳаёт-мамонт ҳайқириги бўлган. Инчунин, идора ишларида, бошқарувда халқ билан бамаслаҳат иш тутилган, унинг фикрига қулоқ солинган... Қолаверса, ўз сардорини, раҳбарини халқнинг ўзи танласин. Ўн кишилик жамоага етакчилик қиладиган бригадирнинг иши қоғозда милтиқнинг ўқидек бўлиши мумкин — ҳисоб-китоблар тўғри, режалар бажарилган. Бироқ оддий одамлар қалбига қулоқ тутилса, улар бошқача фикр изҳор этишар. Албатта, бундай ҳолда — кўпчилик ҳақ.

Аслида, барча ислохотлар ва бошқа ўзгаришлар халқнинг иродаси туфайли ва халқ учун эмасми?! Бинобарин тарихдаги ўтмишнинг бой тажрибаси билан яшаётган, бугуннинг залворли юкини елкасига тутиб турган, келажакнинг оппоқ тонгларига доя бўладиган бетимсол теранлик ва буюклик манбаи халқ, одамлар рози бўлган, бе-

каму қўст яшаган жамиятни устувор қилган тузумлар инсоният ҳаётининг ёруғ кунлари бўлиб қолмоқда.

... Мен ҳам илдизига нам етиб улгурмаган бир дилдираган майса каби, нигоҳим тикилган, истиқболимга пешвоз турган яшил ўрмонга интиламан. Абадий яшил ўрмон бардам шовуллаб, иштиёқимни оширади...

1995 йил

БАҒРИ ЧЎҒЛИ ҚАДРДОН

... Унинг бир ўғли сотқин чиқди ва шу туфайли ўз қўли билан ўлдирди. Иккинчи ўғли эса душман билан олиша-олиша кўз олдида маҳв бўлди. Асосий кучларидан ажралган баҳодир қуршовда қолди. Бироқ сўнгги нафасда Аллоҳ маладкор бўлиб, уни чирмаб олаётган тўр ситилиб, нажот йўли очилди. Қирғоқда бекитиб қўйилган қайиқча етиб олса, бас, қутулиб кетади. Душман ҳам изма-из от қўйиб келяпти. Унинг тулпори бақувват — тутқич бермайди. Мана, дарё ҳам кўриниб қолди. Шу пайт шамолдай елиб бораётган одам остидаги отнинг бошини шарт бурди-да, ҳайқириб ўзини ёв тўрига урди:

— Душманга трубкамли ҳам бермайман!

Унинг ёнидан қадрдон буюми — махорка чекадиган «папируска»си тушиб қолганди...

Албатта, Тарас Бульбани поляклар тутиб олишди ва ҳаммага кўринадиган тепаликдаги дарахтга парчинлаб михладилар-да, ёқиб юбордилар. Олов унинг жисмини кул қилди, бироқ мағрур руҳи барҳаёт яшамоқда. Тарас Бульба — миллат фахри, ғурурининг тимсоли бўлиб қолди.

Худди тарёк ичгандек, гиёҳвандларча яшаган туновги кунни мангу тарасларнинг озод руҳи назаридан ўтказар эканмиз, «менинг унга не ақраболигим бор?», деб тайсаллаймиз-да, ўзимизни кавакка уриб кетгимиз келади. Ўжар нигоҳларни қўлимиз билан ёпмоқчи бўлиб, дастимизни кўтарсак, бармоқларимизга нимадир илашади.

Фаромуш зеҳнда ибтидоий бир ҳис уйғонади: «Менинг ҳам... мўйловим бор экан». Ва худди тарбиялаганларидек, худбинлик гулу қилади: «Ўстирсам, Тарасникича бўлар». «Ё насиб, ҳозирча эса тажанг шоирга қўшилиб ихраймиз: «Эҳ, сиз носқовоқни ташлаб қочганлар!» Ҳа, ниҳояти ихраймиз, бетобнинг нафасидек лахтак сасимиз эса ҳатто ёнгинамизда турган сур биродаримизгача ҳам етиб бормайди. Бунчалар олис бу яқин масофа. Бунчалар қўзғалмас бу оғир тош! Илтижолар нечун! Нега қон қусмаймиз, нега ўзни ўтга урмаймиз, ёнмаймиз? Ширин туюлмай қолсин-да бу чучмал ҳаёт!

Шафқатсиз реалист Николай Гоголь Ўрта Осиёда бўлмаган ва унга ҳаёда этилган умр чегараси бизнинг кунларимизгача чўзилмади. Мабодо, шу икки ҳол истисно бўлганда: «Олға! — бу сўзни халқ қалбига етиб борадиган қилиб ким айтади?» дея ҳайқирган ватанпарвар санъаткор, эҳтимол, ҳеч иккиланмай осилишга қўлида арқони билан бораётган қавм тимсолини яратган бўларди.

Балки ҳар нарсани илоҳийлаштиравермаслик, ҳаммаси устида кўз ёш тўкавермаслик лозимдир. Ахир фасллар алмашар, кеча ўрнини кундуз олаверар экан, нималардир четга чиқиб, янгилари майдонга тушиб туриши табиий...

Миллий кутубхонамизда икки кун чошгоҳгача китоб титиб, илмий изланишларда ўқувсизроқ бўлиб қолаётганимни сезишдан ташқари бир ҳақиқатга такрор имон келтирдим: одамийликнинг боши маърифат экан. Билъакс, инсон ҳам сутэмизувчилар оиласига мансуб жонзот-да. Маърифатдан бошланган дарё инсонни Эркинлик водийсига олиб чиқади, бу ерда Озодлик нашъасини сургач, Мустақилликка интилади ва эришади. Мен сандални синадирган, жувозга ўт қўйган, аравани ёқиб, оловида исинган халққа мансубман ва аждодимни фақат маърифатсизликда айблайман. Наҳот ҳаммасидан воз кечиш, Мосуво бўлиш шунча осон эди, гўё касалланган тишни туфлаб ташлагандек (ҳолбуки, тиш туфлаб ташланмайди, уни биров суғуриб олади).

Фатво берган ўшаларми — боболаримизнинг муборак соқолларидан юлқилаган, табаррук саллаларини бўйинларига чирмаб судраганлар!

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан кўчирма: «Сандал хонанинг чеккароқ ерига қурилган чуқурча, унга қўйиладиган пастак курси ва устига ёпиладиган кўрпа, маҳаллий иситиш қурилмаси» (2-жилд, 18-бет).

«Ўзбек совет энциклопедияси»дан: «Сандал, танча — маҳаллий иситиш воситаси. Ўтмишда Ўрта Осиёда, шунингдек, Афғонистон, Эрон, Туркия ва бошқа Шарқ мамлакатларида (ўтроқ аҳоли ўртасида) кенг тарқалган. Сандал учун хонанинг бир четига чуқурча қазиб, ичи махсус шаклда ишланиб сувалади. Унга курси ўрнатилиб (хонтахта), усти кўрпа билан ёпилади. Кўмир ёки саксовул чўғи билан иситилади. Сандал атрофида оёқ-қўллар узатиб ўтирилади, кўп ҳолларда сандал оёқнинг шамоллашига ва ис тегишига ҳам сабаб бўлган. Ўрта Осиё республикаларида замонавий иситиш туфайли сандалга айтарли эҳтиёж қолмаётир» (9-жилд, 488-бет).

Мазкур шарҳда сандалга нисбатан салбий муносабат ифодасини сезиб олиш қийин эмас: «у оёқнинг шамоллашига ва ис тегишига ҳам сабаб бўлган». Бундай дардга чалинганлар «замонавий иситиш воситалари» қуршовида яшаб, сариқ билан оғриганлардан кўп-озлигини статистика аниқлар, бир нарса нақд эдики, бизни ўзлимиздан маҳрум қилмоқчи, ўқ илдиз атрофидаги томирчаларни қирқиб, дарахтимизни қуритмоқчи бўлган босқинчиларга шунинг ўзи кифоя эди. Сандал ҳам бошқа жуда кўп қадриятларимиз туфайли «эскилик сарқити» деб эълон этилди ва унга қарши юриш бошланди. Ҳозиржавоб болалар шоири «Сандал ва печка» деган шеър ёзди, у дарсликларга киритилди, ўқувчилар ёд олиб, сандалдан фойдаланганларни масхара қилишди.

Во ажаб, шунча маломатга қолган «эскилик» нима экан? Бу сўз тўғри маъносида қўрқинчли эмас, у «янгилик»нинг дояси (ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир). Бироқ унга кишини гижинтирадиган «сарқит» сўзи кўшилгач, рақиб қўлидаги ширин оғуга айланган. Асли-

да, сандални ўтмиш мероси, деса ҳам ҳеч кимнинг аса-
каси кетмасди. Йўқ, унда мақсадга эришиб бўлмайди-да.
Инсоф билан тош қўйсақ, «эскилик сарқити», «ўтмиш
мероси» — бу маданият, яъни авлод-ажлодларимиз ярат-
ган ва бизга қолдирган жамики бойлик, бизнинг ўзлиги-
миз, кеча ва эртанимиз.

Кўз олдимда луғат ва қомусда таърифланган ёғоч буюм
турибди. Ниҳоятда дилга яқин ва қадрдон. Устига ёпилган
кўрпаси билан яна ҳам мўътабар ва азиздек. Унинг тар-
ҳини ким чизди экан, дастлаб қайси моҳир қўл унга
сайқал берди? Китоблардан бу ҳақда маълумот излаб
бошим айланди. Ростки, саволларга жавоб топиш учун
бутун инсоният тарихини тит-пит қилиш керак экан. Ахир
бир даҳо: «Тошнинг учи силлиқланиб қурол ҳолига кел-
гунча одамзоднинг миллион йиллаб умри ўтган», дегани-
да нақадар ҳақ экан. Бир бармоқ ишораси билан ирғитиб
юборилган ўша «эскилик» бир нечта авлоднинг, йиллар
ва асрларнинг ижоди эканини тан олайлик. Шунда йўл
қўйилган гуноҳнинг азимлиги-ю, савобнинг нақадар
ушқоқлиги аён бўлар.

Елена Евдокимовна Неразик деган олима «Сельское
жилище в Хоразме (I—XIV веков)» номли китоб ёзган
экан. Унда сандал махсус талқик қилинмаган (бундай
махсус талқикотга кўзим тушмади. Ҳатто Ф.А. Брокгауз
ва И.А. Эфролларнинг машҳур «Қомусий луғат»ида Волга
бўйидаги Сандал кўрғони, ранг берувчи сандал дарахтла-
ри ҳақида маълумот бор-у, бизнинг сандалимиз ҳақида
ҳеч вақо йўқ). Бироқ китобда сандалга эҳтиёжнинг ва
ўзининг пайдо бўлиши билан боғлиқ кўп қизиқ тафси-
лотлар келтирилган. Улар гувоҳлик берадики, одамнинг
шир яланғочлик давридан ҳозирги юксак ривожланган
босқичигача тараққиёт йўли қанчалар мураккаб ва узок
бўлса, иситиш воситаси сифатида сандалнинг турмушга
кириб келиши, сингиши, қадрдонлашиб қолиши шундай
тарихга эга. Олима эрамининг дастлабки асрларига хос
Тупроқ қалъа, Говур қалъа, Жанбас қалъа изларини ар-
хеологик талқик қилиб ёзадики, у пайтда турар жойлар
жуда ибтидий қурилган, ҳатто симметрияга эътибор

берилмаган. Бир хонадонда ерда қазилган учта ўчоқ ўрни сақланган. Деворларига чапланган лойда қурум излари бор. Уларнинг иккитаси олдинроқ ва бир вақтда ковлангани сезилиб турибди. Учинчиси кейинроқ ковланган (эҳтимол, ўша аждодимизнинг болалари кўпайиб кетгандир). Хонанинг шарқий қисмида жойлашган бу ўчоқларни олима уйни иситиш учун ясалган деб изоҳлайди. Ҳовлига чиқиш тарафининг қаршисида овқат тайёрланадиган ўчоқлар жойлашган. Хонанинг ғарбий қисмида хумлар қўйиладиган чуқурчалар бўлган. Албатта, бу даврдаги ибтидоий ақл сандални кашф қила олмасди. Китобда орадан 700—800 йиллар ўтгач, уй-жойлар бироз тақомиллашгани, Аёз қалъа харобаларида супа излари топилгани ёзилган. Буюк Хоразмшоҳлар даври (X—XIII асрлар)да маиший ҳаёт анча изга тушган, турар жойлар мукаммаллашган. Олима уй ичида ташноб бўлганини, унга тош плиталар ётқизилганини, плиталар олти қиррали нақшлар билан безатилганини ёзади. «Хонанинг ташноб ва идиш (балки ювинишга мўлжалланган) турган қисми ёғоч ҳодачалар билан ажратилган», — дейилади китобда. Балки шу даврларда ўчоқда чўғни сақлаш ва унинг устини ёғочдан ишланган буюм билан ёпиш, кўрпа билан ўраш фикри туғилгандир. «Уй ўчоғи оила фаровонлигининг рамзи бўлган», дейди олима аждодларимиз эътиқодини шарҳлаб. Хуллас, сандал ҳам қадим тарихимизга эш, шак-шубҳасиз халқ маданияти обидасидир. Ҳолбуки, маданиятга дахлдор бўлса, отнинг тақаси ҳам қадрлидир.

Истеъфодаги подполковник, фан номзоди, хизмат кўрсатган врач Зикрилла Эгамбердиев ҳам шу фикрда. 77 баҳорни қаршилаган нуроний отахон 35 йил рентген аппаратида барқарор ишлади, тиббиётнинг турли масалалари ҳақида қизлари Замира опа билан ҳаммуаллифликда ва ўзлари кўплаб мақолалар, рисоалар ёзди. Ҳаётнинг баланд-пастини кўрган одам баъзи талатўплар ҳақида ўксиб гапиради. Ахир авлодлар қалбида ўтмишга нафрат уйғотиш амалда ўғилни отага қарши хезлаш эмасми? Ғарб ишларидан бўшамайдиган йигитни падари бузруквор қошига таклиф қилади-да, энг қисқа оятни ўргатади. Бунга

икки кун кетади. Бу ота умрининг шоми, сўнгги кунлари эди. Руҳини шул оят билан йўқлаб туришини, фарзанднинг ибодати ҳаммадан афзал эканини васият қилиб оламдан ўтади. Йиллар хотираси Зикрилла отани ўксинтиради: афсус ва надоматлар бўлсин ўша кунларга. Қиш қаҳрини енгган, инсонни бағрида сақлаган танчада нима гуноҳ бор эди? Маълумки, барча асаб тугунлари оёқда жамланган. Оёқ чўғ ҳароратида тобланса, бутун вужудга ҳаловат етади, радикулит, ревматизм, томир кенгайиши, бўғинларда туз йиғилиши каби касалликларни даволайди. У тайёр грелка, сауна. Қор гупиллаб ёғиб турганда ҳам олди очиқ айвонда оёқни танчага тикиб, бемалол ўтираверишган, мизғиб ҳам олишган. Ёки дилдираб турган камбағални бола-чақаси билан совуқдан шу сандал асраганда! Демак, сандал саломатлик дастёри, камбағалнинг «дўсти» бўлган.

Аждодларимиз турмушини сандалсиз тасаввур қилиш қийин. У ҳатто муқаддас ашё даражасига кўтарилган. Узун тунлардаги қиссахонликлар, жонон суҳбатлар сандал атрофида бўлган. Келин уйга илк қадам қўйганда уни сандал тўрига ўтказганлар. Азиз меҳмонни сандалга таклиф қилганлар. Сандал бор уй энг обод ва гавжум жой бўлган. Қолаверса, сандал атрофида бошланган севги узоқ саргузаштларни бошидан кечириб, синовлардан ўтиб, муроди-га етгунча бўлган ойлар, кунлар ошиқ қалбларнинг энг гўзал дамлари ҳисобланган. Яъни миллий удумларимизда фотиҳа қилинган йигит билан қиз шартли ажратилганлар, кечагина сандалда ёнма-ён ўтирган бир жуфт ўспирин «бегона» бўлиб қолганлар. Уларнинг яна сандал атрофида учрашишлари эса бошларининг қовушгани рамзи бўлган. Демак, сандал — ошиқлар меҳроби, дилларни боғловчи робита.

Тошкентнинг Лангар маҳалласидаги сомонбозорда дурадгорлар билан узоқ суҳбатлашдим. Сермулозамат, дилкаш усталар ўз қувваи ҳофизаларига суяниб, танчанинг ясалишини майдалаб тушунтирдилар. Шавққа тўлиб, чўғ солинадиган чуқурчасининг «мусулмон фишт»дан ишланиши, пастки қисми (оёқ қўйиладиган)га тахта қоқилиб,

офтоба, чойдишда чой қўйилиши, ҳаммадан ўрик билан тутнинг чўғи яхши бўлиши, бойлар нуқул саксовул чўғида тобланишларини роса гапиришди. Уларнинг ҳикоясидан сандал бир вақтда мураккаб муҳандислик қурилмаси бўлишидан ташқари, халқ турмушининг жуда кўп ҳикматларини ўзида жамлаган хазина деган фикрга келиш шубҳасиз. Яна унинг номи (сандал, танча) манқал сўзи билан қофиядошлиги ва бошқалар ҳам мулоҳаза учун анча дастур беради.

... «Нимани топдим сени йўқотиб?» Худди борлиқ ва йўқлик каби икки қутб — йўқотмоқ ва топмоқ тамойиллари тарозига қўйилса, 70 йилда халқимиз нуқул йўқотиб, воз кечиб келган. Биз ўша «эски»ликлардан узоқлаша, уларни олис ғубор ичида кўра бошладик. Фозил кишилардан бири араванинг турлари (четан арава, қўқон арава, редавон, абтиқашқа)ни айтиб қолса, биз тингловчилар лол бўлдик. Хайрият, жузъий йўқотишлар изидан келаётган бало бутунлай йўқолиш рўй бермасдан мангу барҳаёт руҳ қайтди. Умидларимиз ундан, илтижоларимиз унга. Менинг таъналаримни ҳам маъзур тутсин ва ўзи айтсин, ўргатсин: «Нажот қайда?»

Безовта қалб деворларига эса муқаддас аъмол йўлида бесару сомон кетган аллакимнинг нидоси туртинади: «Халқим, барибир буюксан!»

1991 йил, февраль

ШАҲОДАТ

(Бир мардумнинг ҳикояси)

— Ёш етмишдан ўтгандан кейин одамда кутилмаган ўзгаришлар рўй бераверар экан. Мен ҳам гоҳ-гоҳида ҳаёлимни йўқотадиган бўлиб қолдим. Қулоғим шанғиллаб, кўз олдим қоронғулашади-да, турган жойимни ҳам, айтган гапимни ҳам билмай қоламан. «Э, воҳ, бу нимаси экан», деб анча вақт бошим қотиб қолди. Кейин ўйлай-ўйлай хуммонлик Мардонқул тоғамга юрак ёрдим:

— Мен шунақа бир дардга йўлиқдим, ўзимга жуда ноқулай бўлаяпти. Худонинг ўзи шарманда қилмасин-у, иссиқ жон, билиб бўлмайди. Мени бирорта дуохонга олиб боринг, «куф-суф» қилиб қўйсин. «Ихлос-холос» деган-дек, зора енгил тортиб кетсам.

Тоғам индамай қўйди. Фақат оқшом ётар олдидан мен томонга ёнбошлади-да:

— Ўзим биладиган ҳамма дуохон эшонни хаёлимдан ўтказиб чиқдим. Шу, дами ўткирликда ҳеч қайсиси се-роблик Маҳмудхонга тўғри келмас экан. Бўлмаса, эртага бирров бориб келармиз, — деди маънодор жилмайиб.

Эрталаб турдик. Тоғам хуржунга бир бўлак қарин ёғи, нўхат, яна ул-бул солаяпти.

— Буларни нима қиласиз?

— Ахир эшонникига қуруқ борамизми?

Йўлга тушдик. Масофа 3—4 тош йўл, тоға-жиян ган-гур-гунгур билан тушдан кейин Серобга етиб келдик. Келсак, эшонникида худойига тайёргарлик бўлаётган экан. Бизлар ҳам бошқаларга қўшилиб сабзи тўғрадик, қозон жойи қазидик, хуллас, ул-бул юмушларга қарашиб турдик. Кечки овқатдан кейин Эшон бобо ошпазга тайинлади:

— Саҳар келиб, қора қўчқорни сўясиз, ошни дамлай-сиз, кечикиб қолманг.

Шундан кейин қишлоқликлар тарқалишди. Бизлар, бошқа қўноқлар ҳам бор экан, меҳмонхонада ётиб қолдик.

Кечаси туш кўрибман. Бир бит елкамда ўрмалаб юрибди, буғдойнинг донасидек бўлиб семириб кетган. Тушириб юборай, деб шунча интиламан, қўлим етмайди. Ўрмалаб, қитиқлайди, тишлаб, қонимни сўради, лекин даф қилолмайман. Охири бир бало қилиб қўлимга олдим-да, эзгилаб ташладим. Уйғониб кетдим, терлаб ётган эканман.

Ошпаз ҳам келди. Мен чиқиб, қозоннинг тагига олов ёқдим. Шу орада тоғам Эшон бобога мақсадимизни айтибди. Кейин мени чақиртирди-да, бошқа хонага ўтдик. Юзма-юз ўтиргач, Эшон бобо менга тайинлади:

— Тилингизни танглайингизга маҳкам тираб, юракдан «Ё, Аллоҳ» деб ўтиринг. — Шундан кейин дам солишга тутинди.

* * *

Шераҳмад тоға бизларга отақадрдон. Падари бузрукворининг яқин дўстларини, узанги йўлдошларини, бирга ишлаган, иссиқ-совуқни бирга тоттишган яқинларини бизларда «отақадрдон» дейишади. Бу қадрдонлик шунчалар мустаҳкам бўладики, баъзи уруғларда икки яқин дўстнинг болалари отасининг дўстини ҳам «Ота» деб атайди. Отақадрдонлик вақтида унча билинмас экан, мабодо, отанг ҳаётдан кетиб, етим бўлиб қолганингда отангни билган, отанг ҳақида икки оғиз хотира айтган одам ҳам кўзингга Хўжаи Хидирдек туюлиб қолар экан. Алаҳхусус, Шераҳмад тоғани хонадонимда кўриб, отамни қайта топгандек бўлдим, оёғим олти, қўлим саккиз бўлиб хизматига тутиндим. Ўзиям, кўришмаганимизга ўн беш йиллар бўлган экан. Бу орада қанча сувлар оқиб кетди, қоракалла не бир савдоларни ўтказмади. Орқаворотдан тоға ҳақидаги хабарлар ҳам қулоғимга етиб турар эди. Айниқса, у кишининг ҳаж зиёратини амалга ошириб келганларини эшитиб, роса хурсанд бўлганман, суҳбатларига ошиққанман, бироқ турмуш ташвишларидан вақт ажратиб, шу юмушни ҳам адо этолмаганман. Тоғани остонамда кўрдим-у, ана шу кунхотирликларим учун қаттиқ изза бўлдим, хизматларига шай турдим.

Мен ҳаж зиёратини жуда ҳам олий мақомда тасаввур қиламан. Бу амални кўплар дунёга қайта келишга, иккинчи туғилишга қиёслашади. Демак, муқаддас жойларда бўлган дамларни ҳомиланинг она қорнидаги ҳаётига менгзаш мумкин. Фақат фарқи — ҳомила ҳали тўла камолга етмагани учун ҳарир парда ичидаги фурсатни идрок эта олмайди. Ҳожи эса балоғатга етган одам сифатида зиёрат асносини бутун вужудида онгли кечиради. Шу туфайли бу сафардан инсон янада мукаммаллашиб, янада тўлишиб қайтадигандек туюлади менинг назаримда. Ҳаж амалини

кечириб қайтган эски қадрдоним Шераҳмад тоға ана шундай мўъжизага дуч келганини фаҳм қилиб, у кишидан таассуротларини эшитишга шошилдим. Овқатдан сўнг аста муддаога ўтиб, у кишини яна бир бор муборак сафар билан қутлагач, «ўша кунларда ўзингизда қандай ўзгаришлар сездингиз?» деб сўрадим. Сухбатдошим бажонидил гуруннга киришиб, ҳажга бориш хаёлларида ҳам бўлмагани, аксинча, бу юмушга енгил-елпи қараб юргани, фақат ҳаётларидаги бир воқеа унга туртки бўлганини ёдга олиб, гапни узоқдан бошлади.

* * *

— Дуодан кейин анча енгил тортгандек бўлдим. Худойи ҳам тугади, одамлар келиб-кетди. Энди шаҳарга тушишим керак. Укам тўй қиладиган, шунга парварда қант излайман. Икки-уч бозор келиб, бу ёғи Ғузор, бу ёғи Китобгача ҳамма магазинни кўриб чиқдик. Ҳеч жойдан тополмадик. Бу сафар иним: «Пулни белингизга туғиб олинг қани, учраб қолса, олиб қайтарсиз», деб илинж билан қолган.

Кириб, Эшон бободан кетишга рухсат сўрадим. Асфальтгача анча йўл, бу чекка жойларда машина келиши ёзда қор ёққандек гап, пиёда йўл тортмоқчи бўлдим. Сўзимни эшитган мезбон босиқлик билан:

— Шошилманг, машина ҳам келиб қолар, — деди.

Бир пиёла чой ичгунча вақт ўтмаган қам эди, «Ҳам-соянинг ўғли армиядан келибди», деган гап чиқди. Билмадим, домулло бирор овоз эшитган эканми ё аён бўлганми, кўчанинг нариги бетида бир қизил машина турибди, у аскарни миндириб, суюнчига келган экан. Шунга етай деб, хўшлашиб чиқдим. Бир соатга қолмай Яккабоққа етиб келдим. Келсам, автобус жўнай-жўнай деб турган экан, шартта чиқиб олдим, бир зумда Шаҳрисабзга бориб қолдим. Автобусдан тушиб, тўғридаги магазинга кирсам, пештахтада бир ҳовуч бизлар излаб тополмай юрган қантдан турибди. Шошиб сўрадим:

— Бундан яна борми?

— Қанча лозим эди? Ичкарида уч-тўрт яшик бўлиши керак.

Қаранг, анча вақтдан бери топилмай, қон қилиб юборган нарса шундоқ оёқнинг тагида турибди. Беш яшиқ бор экан, ҳаммасини олдим. Пулини санаб бердим-да, ўйланиб қолдим: «Бунча нарсани-ку олдим, энди қандай олиб кетаман?» Ўйланиб, магазиндан чиқсам, тариллаб бир киракаш мотоцикл келиб қолди. «Ука, озроқ юким бор эди, шуни Яккабоғнинг бекатига олиб борасанми?» дедим, «Э, бажонидил» деди-да, ўзи яшиқларни юклаб, олиб жўнади. Шаҳрисабз—Яккабоғ автобуси одам йиғайтган экан, шофёр билан гаплашиб, яшиқларни орқага жойлаштирдим. «Етган жойгача борай-чи», деб ўйлаяпман. Ишим ўнгидан келаяпти. Яккабоққа етсам, учтадан бири таниш, ўшаларникига қўяман, кейин Вориға олиб чиқишга гап йўқ. Автобус йўлга тушди, манзилга ҳам етиб келдик. Булоқбошида юкларни тушириб, бошимни қашлаб турсам, биров отимни тутиб чақирди. Қарасам, Мамарайим бўлам, бир грузовойнинг устида турибди, «Кетмайсизми, юринг, машина Калтақўлга чиқади», дейди. «Ўзим-ку кетмайман, мана шу яшиқларни олиб кетинг», дедим. Машина бўш экан, юкларни ордик, улар жўнаб кетди.

Ё, тавба, дейман. Бир кунда шунча ишни бажардим. Тўғри келса, ҳеч гап эмас экан, тўғри келмаса, бир ҳафтада ҳам бу юмушларни бажаролмайсан...

Шундан кейин Эшон бобога ихлос қўйдим. Дарддан бутунлай фориг бўлиб кетдим. Ўтган-қайтганда, ҳар йили 3—4 марта хабар олиб, хизматларини қилиб юрдим. Бир сафар ўзлари ҳисоблаб, «Ўн кило яхши қарин ёғидан олиб келиб беринг», деб пул бердилар. Мен айтганларидек қилиб, танлаб, ўн икки кило қарин ёғи олиб келиб бердим. «Мана бу пулингизга, мана буниси мендан совға» деб, қўшиб келдим. «Бекор қилибсиз», дедилар. «Невараларингиз илинишди», дедим.

* * *

Агар одамнинг ҳаёти кўплаб майда-чуйда тафсилотлардан холи бўлса, ҳаётидаги кичкина ўзгаришни ҳам катта воқеа сифатида қабул қилади. Бир танишимиз тоғлар орасида қон қидириб юрган геологлардан бирининг уст-

ки кийимларини ечиб, баданини тоблаётгани устидан чиқиб қолган. Бу воқеа қирқ йил олдин рўй берган, у қирқ йилдан буён шу гапни ҳаяжонланиб гапириб юради: «Шундай келаётсам, бир одам қип-яланғоч ўтирибди...» Тоғлар ҳавосидек соф, тоза турмуш тарзига эга бўлган Шераҳмад тоғанинг одамнинг ийигини чиқариб юбориши мумкин бўлган юмуш — беш яшик қантни ортиқча заҳматларсиз чекка қишлоғига етказиб олиши мўъжиза туюлган. Таассуфки, шундан сўнг мўъжизаларга йўл очилаверган: тоғанинг ҳаётида янги кунлар бошланган.

Айтмоқчи, у киши совға қилиб олиб келган қарин ёғи ҳам бир мўъжиза. Таърифи бундай: тоғликлар ёзда баланд қорли чўққилар бағрига кўчиб чиқадиладар. Муваққат капаларда яшаб, бўлиқ яйловларда ўглаб тангизган қўй-эчки, сигирларни соғадиладар. Айниқса, қўшоқлаб соғилган қўйларнинг сути, сутдан тайёрланган қатиқ бетимсол лаззат. Сут қаймоғи олинмасдан қатиқ қилиб ивителилади. Қатиқ сиздирилиб, чакки (сузма)га айлантирилади. Чакки айрон қилиниб, қувиларда пишилади ва ёғи ажратиб олинади. Қатиғи қурт бўлса, ёғи обдон тузланиб, мол қаринларига тиқилади. Қаринлар кичкина улоқники ёки ҳўкизники бўлиши мумкин. Қаринлар тозаланиб, пудина, гангавул, алқор сингари хушбўй доривор тоғ гиёқлари суви билан ишлов берилгач, ундан идиш тайёрланади. Бир қаринга 3—4 килодан 25, ҳатто 40 килогача ёғ жойлаш мумкин. Имоним комилки, бундай технологияни на Австралияда, на Голландияда — дунёнинг бирорта мамлакатида билишмайди. У мўъжиза, чинакам мўъжиза. Тоғликлар турмуш тарзида эса бундай бебаҳо унсурлар бисёр.

* * *

— Эшон бобо мени ўзларига яқин олиб муомала қиладиган бўлдилар. «Эшонман», деб юрганларнинг ҳам ҳар хили бўлар экан, бироқ у кишида кароматгўйлик аломатлари кучли эди. Атроф-теваракдан кўп киши ихлос қилиб келар эди. Бир куни менга шундай дедилар:

— Сиз ҳажга бориб келинг.

Бошида бу гапга унча эътибор бермадим, шунчаки йўлида айтиб қўйдилар-да, деб ўйладим. Ҳажга бориш осонми? Кейинчалик ҳам шу гап қўзғалди. Домулло тўрт марта қайтарганларидан кейин яқинларим билан бир мас-лаҳатлашишга қарор қилдим. Яккабоғда катта куёвим — дўхтирникида маслаҳат бўлди. Ўғлим Раҳматулла ҳам бор.

— Эшон бобо қайта-қайта тайинляптилар. У киши хизр назар, кароматли одам, дилларига солганми, нимадир аён бўлганми, айтганларини қилмасам бўлмас. Йўқса, йиқилиб-суриниб йиққан-терганим нимага сарф бўлади — Худо билади? Нима дейсизлар? — дедим.

— Боринг-да, — деди ҳаммаси жовва, — нимадан муҳ-тожлигингиз бор? Бизлар ҳам неччи айтдик.

— Ҳамма ҳужжатларни тўғрилагани менга қўйиб бера-сиз, — деди дўхтир. — Бошқа юмушларни ҳам бўлиб-бўлиб оламиз.

Қариндошларнинг ҳамжиҳатлигидан дадиллашиб кет-дим. Ўз мўлжалларимни айтдим.

— Бўлмаса, отлардан олтитасига харидор топинглар. Бо-қувда ҳўкизлар бор, уларни сотинглар. Тўртта қўчқорни бўрдоқига томга солинглар. Насиб бўлса, зиёратдан эсон-омон келсам, тўй қиламиз...

Ҳужжатларни тўғрилаш, дўхтирдан ўтишга ўн беш кунлар кетиб қолди. Жўнашдан олдин Имом Бухорийни зиёрат қиладиган бўлдик. Белгиланган кунда қор ёғиб, йўллар музлади, бориш кейинга қолдирилди. Шунда бир фикр хаёлимга келди. «Тўхта, одамлар ҳаждан олдин ўз зиёратгоҳларини тавоф қилар экан, менинг тоғларим орасида ҳам қанча муқаддас гўшалар бор-ку: Хўжапан-ниғ, Хўжақоноқди, Хўжапка, Кўҳнақишлоқ... Шу жой-ларнинг сувини ичиб вояга етдим, бугун Маккатуллоҳ сафари пешонамда турибди. Нимага ана шундай улуғ ният олдидан ўзимнинг зиёратгоҳларимни кўрмаслигим ке-рак?!»

Туман вакили Собиржонга (у жуда тарбияли, одамо-хун йигит-да), «Мен тоғдан тушганимга икки ҳафтадан ошди, бир хабарлашиб келай. Имом Бухорийдан кечик-сам-да жўнайдиган куни етиб келаман», дедим. У рухсат

берди, Вориға кетдим. Келсам, тошқўрғонлик Бозорбобонинг қайтиш бўлганига етти кун тўлган экан. Ҳам таъзия, ҳам зиёрат, деб эртаси куни эрталаб Тошқўрғонга йўл олдим. Фотиҳа қилдим, кейин Кўҳнақишлоққа бориб, Турсунхон эшон бобо мазорини тавоф қилиб, намоз ўқиб қайтдим. Қор отнинг қорнидан уради, ҳувиллаган тоғлар орасида зоғ ҳам учмайди. Қишлоққа кираваришда Новариқнинг олдида бир хотин йўлимни тўсди. «Эшитдим, сиз ҳажга бораётган эмишсиз. Мана шу пулни олинг. Олти йилдан бери қизимнинг фарзанди бўлмайди. Улуғ жойларга борсангиз, унга фарзанд тиланг». Қайтиб, пулини олдим, ичимдан бир овоз: «Келиннинг отини сўра», деди. Сўрадим, қизимга отдош экан, ёдимда сақлаб қолдим. Калтақўллик бўламнинг бир келини ҳам болани қўлига ололмайди, вақтига етмай чала туғилади. Шунини ҳам эсимга туғиб қўйдим. Ким нимани тайинлаган бўлса, ибодатим давомида ҳаммасини Яратгандан сўрадим.

Жўнаш пайтимда болаларимнинг онаси кўз ёш қилиб қолди.

— Мазам йўқ, ўлиб қолсам нима бўлади?

Рост айтади, иссиқ жон. Магазинга чиқиб, ул-бул харид қилдим, харажатларни кўринарли жойга қўйиб, рози-ризалик тилаб йўлга чиқдим. (Худога шукр, эсон-омон кўришдик).

Ҳаж сафари 24 кун давом этди. Кўрган-эшитганларни ёзиб юриш керак экан. Бухоролик бир олим ёзиб юрди, боргандан сўнг менга ҳам бир нусха берасиз, деган эдим, тополмаяпман. Ҳамма нарсани тил билан айтиб беролмайман. Кўрган-билганларимнинг бари каромат. Илтижоларим ижобат бўлди, ҳалиги икки келинчак ҳам фарзанд кўрди — бунга эл-юрт гувоҳ...

* * *

Ҳожи бобо, ўзлари таъкидлаганларидек, икки кам саксон ёшда. Азалдан серғайрат, қўшишлик, жўрабоши одам тақдирнинг инояти билан донишманд бир зот мақомига етишганлари кўриниб турибди. Бунга деярли тонг-

гача давом этган суҳбатимиз мобайнида қайта-қайта ишондим. Бу даража менга бутун халқимизга хос хислат сифатида намоён бўлди. Умри хилват тоғлар бағрида кечган, на ўрта, на олий маълумот олган инсоннинг табиий зеҳни, идроки билан шунча нарсани эслаганини одамларимизнинг биологик мукаммаллигига менгзадим. Демак, «Бизнинг лойимиз буюклар тупроғидан қорилган», деганлар юз бора ҳақ экан. Ана шу эътироф бир таскин бўлиб, эртанги ёруғ кунларимизга ишончни кучайтирди.

Албатта, бундай кучнинг манбаси ҳақида мулоҳаза юритиб кўрдим, кўп тахминларни топдим: меҳнат, бойлик, ҳаракат, Худонинг ярлақагани ва бошқа кўплаб омилларни келтирдим. Бироқ ҳаммасидан бир унсур мукамал туюлаверди. Бу — ҳалоллик. Ҳожи бобо шундай эслайди:

— Бир куни ҳожилар ким нима эвазига келгани хусусида гаплашиб қолдик. Биров, дўконим бор, деди, бошқаси, болаларим топарман-тутарман, деди. Мен: «Ҳамма фарзандимни уйли-жойли қилдим. Кейин чорва билан шуғулландим», деб айтдим. Ҳамма: «Сизники энг ҳалол экан», деб қолишди.

Балки ана шу ҳикмат ҳаёлида ҳам бўлмаган одамни муқаддас жойларга етаклаб боргандир.

Ҳожи бобо тонг саҳар уйғондилар, намозни адо этиб, йўлга отландилар. Бир пиёла чой таклиф қилдим. Шу аснода кечадан буён журъат этолмаган гапга лаб ёрдим: падари бузрукворимни эсладим. Суҳбатдошим отам ҳақидаги энг тансиқ хотираларни тилга олдилар, мен уларни жон қулоғим билан тингладим. Тинглайман-у, ҳаёлимда бир гап кезади: кечадан бери қайта-қайта зеҳн солиб қараяпманки, ҳожи бобо отамнинг акалари — амаки бобом Бозор оқсоқолга ўхшаб кетарканлар. Биз раҳматлик оқсоқол бобомизни қариб қолган чоғларида кўрганмиз. Достон ўқитиб тинглар, таъсирли жойларида юм-юм йиғлардилар. У кишининг қиличдек ўткир, шамолдек елдирым ёшлиги ҳақида ҳозир ҳам афсоналар юради. Ҳаёлим поёнига етмасдан ҳожи бобо тўхтадилар-да:

— Раҳматлик отангиз менга доим: «Сен менинг Бозор акамга ўхшайсан, у ҳам ўзини ўйламай, нуқул бошқаларнинг ташвиши билан юради», деб кўп айтардилар, — деб қолдилар.

Шераҳмад ҳожи менинг фикримда айланган маънони хатосиз англаган эди. Ёлғонга ўхшаб қолмасин ёки тилёғламалик бўлмасин, деб бу ҳақда ҳеч нарса демадим.

... Аллаберди ака суҳбатини тугатиб, дуторини қўлга олди.

* * *

Биз ҳар куни кўплаб одамлар билан учрашамиз, турли суҳбатларда бўламиз. У гурунгларда нималар ҳақида гап кетмайди? Баъзан дилинг хуфтон бўлади — зулматга чўкасан, баъзан яйрайсан — нурга қориласан. Юқоридаги тафсилотлардан эса кўнгилга бир ёруғлик иниши шубҳасиз.

*Машғала
учқунлари*



САНЪАТ СОХТАЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Мутахассислар мусиқанинг ҳаракатдаги вужудга қандай таъсир этишини текшириш мақсадида шундай тажриба ўтказишган. Бир гул кўчати остига карнай ўрнатиб, ундан майин, оромбахш наволарни эшиттиришган. Бошқасида эса шовқинли, жарангдор куйлар таралган. Орадан вақт ўтиб, биринчи гул кўчатининг ривожланиши тезлашиб, очиладиган бўлган, иккинчиси эса заифлашиб, қурий бошлаган. Шундай тажриба эмизикли оналарда ҳам ўтказилганда натижа такрорланган. Майин, дилтортар куйлар тинглаган онада сут кўпайиб, сершовқин оҳанглар эса аёлга тескари таъсир этган. Шубҳасиз, ҳақиқий санъат асарининг инсон маънавий дунёсида ўрни беқиёс. Юксак маҳорат билан ижро этилган, туйғу ва кечинмаларимизга ҳамоҳанг дилбар оҳанглар фақат ҳордиқ бериб қолмай, қалбда эзгулик, олижаноблик, меҳр-шафқат сингари фазилатларни уйғотади, уларга қанот бўлади.

Афсуски, кейинги пайтларда замондошларимиз ички кечинмаларини ифодалайдиган, давр руҳини акс эттирадиган мумтоз санъатнинг замонавий намуналари кам яратилаяпти. Аксинча, бу борада асабларни қақшатадиган шовқин-суронга, маъносиз ҳаракатлар-у имо-ишораларга, миллийликдан йироқ либосларга зўр берилмоқда. Буларнинг замирида эса кўр-кўрона тақлид ётадики, бир халқ мақолида айтилганидек, «такрор илмнинг онаси бўлса, санъатнинг заволидир».

Ўзбекистон телевидениеси 3-дастури орқали эфирга узатилган «Ноон-стоп шоу» деб номланган томоша кўриб, эстрада санъатимизнинг бугунги ночор аҳволидан қаттиқ

ташвишландик. Биз ҳозиргача мусиқа санъатимизнинг софлиги учун курашиб, уни нимадан асраб, нимани қоралаб келган бўлсак, шу иллатларнинг барчаси жамланган, қарийб икки соат давом этган бу дастур «Алпомиш» концерт зали маъмурияти, «Музгул» ва «Кока-кола» фирмалари, «Тошкент» студиясининг «ҳамкор»лигида тайёрланган.

Гап нимадалигини тасаввур қилишингиз учун дастурнинг баъзи лавҳаларини баён қиламиз.

Одатдагидек, қулоқни батанг қиладиган мусиқа садолари остида парда очилади. «Кока-кола» деган ёзув билан тўлдириб ташланган сахнада бошловчи пайдо бўлади, у гапира бошлайди. Шовқиндан ва нутқнинг ниҳоятда ғализ-лигидан бошловчининг гапини англаш қийин, ҳозир урф бўлаётганидек, инглиз тилида нималардир деяётган бўлса керак-да, деб қўя қоласиз. Шунда қулоғингизга таниш сўзлар эшитилади: «кўрсатув ... ҳаммадан ... зўр». Аслида, у ўзбек тилидаги сўзларни қайириб-синдириб, инглизча қолипга солиб гапираётган бўлади. Бу усул нега керак бўлиб қолди? Ахир тилимизнинг ўзига хос оҳанги, жаранги, товланиши бор-ку! Эҳтимол, шу оддий ҳисни тушуниш учун шу юртнинг ватанпарвари бўлиш керакдир. Бошловчи эса ҳазрат Навоий улуғлаган, буюк Бобур бошида тутган, асрлар оша неча даҳоларни сўз султонлигига кўтарган муқаддас бойликни пайҳон қилиб, сахна қуйисиди жазавага тушиш дақиқаларини бесабр кутаётган тўдага қарата нутқ «ирод» этади: «Сиз машҳур гуруҳлар билан танишишингиз, йиқилиб қолгунча рақсга тушишингиз мумкин...»

Шундан кейин сахнага ярим яланғоч аёллар, сочини турмаклаган, баъзилари рўмол ёпинган эркаклар чиқади, ер тепиниб, сакраб, думалаб ўз ҳунарларини намойиш этишади. Азбаройи кўпроқ жунбушга тушиш учун ҳеч нарсадан тортинишмайди: баданни учирини, қўл ишоралари, ҳатто аёлларнинг ҳарисона овозлари янграб туради.

Бу дастур устида ишлаган «Музгул» кичик корхонасининг директори Марина, унинг муовинлари Ринат, Алишер ўз мақсадларини шундай ифодалядилар: «ҳаваскор ёшлар ижодини ташвиқ қилиш ва оммалаштириш». Қа-

ранг-а, айти пайтларда бизнинг санъатимиз «жонкуярлари» нимани «ташвиқ қилиш ва оммалаштириш» устида бош қотиришаяпти? Ҳолбуки, мутахассисларнинг фикрича, «қатнашувчиларнинг деярли ҳаммаси санъат билан ҳаваскорлик даражасида шуғулланишади». Шоуда ҳуқуқи бўлган «Музгул» шоу-балет, «А-хаус» синтез-шоу гуруҳи, «Эй-Би-Юлдузли тун» эстрада гуруҳи, «Шамс», «Байрам», «Азия-Экзи мюзик», «Эски шаҳар» гуруҳлари билан бирган ҳеч қерда рўйхатда бўлмаган «Офариз», «Шум бола», «Оқшом», «Аҳил», «Шайдо», «Тонг садоси», ашулачи Вагиф қатнашганлар. Гарчи томошада сийқаси чиқиб кетган анъанавий йўллардан қочишга, ёшларга хос шиддат, ғайратни ифодалашга ҳаракат қилинган бўлса-да, унда чет эл саҳна бойваччаларига кўр-кўрона тақлид кўзга ташланади. Ўз анъаналарига эга бўлган ўзбек санъати, жаҳон саҳнида дадил янграган эстрада сезилмайди. Фақат бошловчи эмас, кўшиқ ижрочилари ҳам ўзбекча сўзларни бузиб талаффуз қиладилар. Кўшиқларнинг ҳаммаси севги ҳақида, бу, эҳтимол, дастур талабидан келиб чиқиб тутилган йўлдир. Ҳеч ким муқаддас ва мангу мавзу — севги ҳақида кўшиқ куйлама, демайди, бироқ у шу олий туйғуга мос равишда ёрқин ва бетимсол бўлиши шарт. Шоуда янграган «севги кўшиқлари»ни тинглаб эса энсанг қотади. Уларда на дид, на ижрочилик маҳорати бор. Уларнинг яратилишига туртки бўлган туйғу эса қуйидагича: кўчадаги тасодифий учрашув ва шундан кейинги чучмал изтироблар. Наҳотки, неча юз йиллардан буён ижодкорларга илҳом бағишлаб, санъатнинг энг гўзал асарларига мавзу бўлиб келган муҳаббат талқини бугун шунчалар саёз ва рангсиз бўлса?! Кўшиқ матнларига эътибор беринг: «Оппоқ гўзал, севганимга сен ишонмадинг, бир кулиб қўймадинг», «Сени эслаб юрагим қонга тўлади, яна кўрсам ҳаётимни бераман. Танишлардай сўрадим, ҳеч ким билмади, қизалоқ»... Ёки «Бир оқшом чоғи учратгандим сени», «Шошилма, биламан, вақтинг йўқ. Ахир сени севаман...». Шеърятнинг энг оддий талабларидан ҳам паст, алаҳсирашдек туюлувчи бу сўзлар тизими қандай кўшиққа асос бўлиши мумкинлиги аниқ. Хуллас, икки соатлик шоуда «янграган» кўшиқлар, бошқа ижролар ўз

даражаси билан ҳақиқий санъатга бегона, ҳаваскорларга хос тақлиддир. Шунинг учун ҳам томошабинда юксак туйғулар уйғотиши лозим бўлган рақслар ҳаракатларнинг юксак маҳорат билан санъаткорона ижро этилмаганидан бутунлай тескари ҳислар қўзғайди.

Замонавий техника воситалари — овоз кучайтиргичлар, ёритиш ускуналари ва бошқалар қобилида ялтироқ қилиб кўрсатилган бу дастурнинг нечоғлиқ «юксак»лигини бир таққосда ҳам билиб олиш мумкин. Томоша сўнгиде бошловчи сахнага уч кишини ихтиёрий таклиф этади. Уларнинг бири — лицей талабаси шартга кўра ўзига нотаниш мусиқа оҳангига шундай жазавага тушиб, сакраб, думалаб рақс этадики, демак, ҳеч қандай тайёргарликсиз ҳам «қойил қолдириш» мумкин экан.

Гап, ўз-ўзидан, талабчанлик ҳақида кетаяпти. Мутасадди ташкилотларнинг эътироф этишича, айти пайтда жамоатчилик ҳузурига чиқиб, санъаткорлик даъвосини қилаётганларни назорат қилиб бўлмаяпти. Хусусан, турли тижорат тизимлари гарчи вазифаси санъатдан йироқ бўлсада, ўз низомларига маданий ва шоу дастурларини ўтказиш мумкинлигини ҳам киритиб тасдиқлатиб олмоқдалар. Оқибатда, санъат ва маданиятнинг оммавий турлари фақат даромадни кўзловчилар қўлига ўтиб кетмоқда. Улар «пулини ким тўласа, мусиқасига ўша буюртма беради» қабилида иш тутиб, билганларини тўқиб, намойиш этаптилар.

Назорат қилишнинг синалган йўли эса йирик шаҳарлар ва вилоят марказларида бадий кенгашлар тузиш, уларга зарур ҳуқуқларни беришдир. Давлат тизимида ишламайдиган ҳар бир бадий жамоа ўз дастурини мазкур кенгашлар муҳокамасидан ўтказиши шартлиги қоида қилиб қўйилиши лозим.

Кейинги йилларда қўшиқ санъатини ривожлантириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилаяпти, янги номлар кашф этилаяпти. Булар яхши, бироқ бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоизга ўхшайди: қўшиқларнинг мавзу доираси ниҳоятда тарайиб борапти. Ҳатто баъзан бу жанр ошиқнинг маъшуқага арзини ифодалайдиган усулмикан, деб ўйлаб қоласан. Бир куни 70 минут республика радиоси

биринчи дастури орқали эшиттирилган қўшиқларга эътибор бердик. Уларнинг биринчи калимасиёқ йўналишини айтиб турибди: «Ўйнатиб қалбимни олди ул камолатлик йигит», «Ошиқ бўлибман, эй ёри жоним», «Богдан садо келарди, бир жонона келарди», «Юлдузим, деб атайми сени», «Жон чекурман жонона», «Мен сени изладим», «Гулмиди ё гунчамиди, ёрим, сенинг бошингдаги», «Куйла, даврим, хур қизи». Ҳолбуки, бугунги қўшиқчиликка арзийдиган мавзулар анча кўп. Ёки ҳар бир қўшиқ матнида, ижрода халқимиз табиатига мос, миллий қиёфани акс эттирадиган ҳаё, ибo, тортинчоқлик каби фазилатларга риоя этилиши лозимлиги кўп-да эътибордан соқит қилинмоқда. Олайлик, «қошингни қаро дейдилар», деб бошланувчи лапарни севиб тинглаймиз. Унда йигит маъшуқасидан қошини, юзини, лабини... бир бора кўрсатишини ўтиниб сўрайди. Бу халқ қўшиғида одоб шартларига қатъий амал қилингани шубҳасиз, бўлмаса, томошага қўйилмасди ҳам. Бизнинг замондош ижрочиларимиз эса ўртадаги ҳаё пардасини бутунлай кўтариб ташлайдилар-да, қиздан ... «белини кўрсатиши»ни ҳам талаб қиладилар.

Умуман, қўшиқ матнининг эротик тасвирлардан, ахлоққа зид иборалардан халос бўлиши махсус таҳлил қилиниши лозим.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва кўнгилли ўтказишни ташкил қилиш ҳар доим кун тартибида туриши зарур. Башарти бу юмуш кейинги ўринга суриб қўйилса, маънавий бўшлиқ юзага келиши, турли зарарли оқимлар, ғайритабиий қарашлар авж олиши турган гап. Айни кунларда, эътироф этиш керакки, ёшлар ҳаёти, меҳнати, дам олиши, қизиқишлари билан яқиндан ва жиддий шуғулланилаяпти, деб бўлмайди. Бу вазифани зиммасига олган Ёшлар Иттифоқи, унинг жойлардаги ташкилотлари фаолиятида ташаббускорлик сезилмайди, ёшлар бундай ташкилот борлигини кўп-да ҳис қилмайдилар. Оқибатда, турли тижорат ва савдо корхоналари ўз манфаатлари йўлида ёшларни кенгроқ жалб қилмоқда, улар ҳаётидаги маънавий бўшлиқни тўлдиришга ўз нуқтаи назаридан ёндошмоқда. «Ноон-стоп шоу» дастури «Юлдузлар аро» деган ном билан икки кун «Алпомиш» спорт саройи саҳнасида на-

мойиш этилган, 1449 та билет сотилган. Демак, бизнинг азалий удумларимизга тўғри келмайдиган ажабтовур томошага шунча ёш гувоҳ бўлган. Хўш, улар шу нарсанинг моҳиятига тўғри тушунадиларми? «Алпомиш» саройи пойтахтнинг ёшлар энг гавжум қисмида жойлашган. Бундай енгил-елпи томошаларни муттасил кўравергач, келажагимиз эгаларининг дунёқараши ўтмаслашиб қолмаслигига ким кафолат беради?!

1991 йил, октябрь

ДАВР САДОСИ

Оҳанг, агар сен бўлмаганингда
одамзоднинг куни қандай кечарди?

Абу Наср ФОРОБИЙ

Дунёни тўрт унсур — сув, ҳаво, тупроқ, олов асосида бунёд бўлган, дейишди. Сўнгра эса шу борлиққа оро бериш, нураганларни тиклаш, бузилганларни қуриш — ер юзида ҳаётнинг абадийлигини таъминлаш учун одам яратилган. Ана шу мукамал ижод маҳсули ўз туйғуларини ҳам тўрт хил воситада изҳор қилади: сўз, ҳаракат, тасвир, овоз. Албатта, бу воситаларнинг одамзод томонидан ўзлаштирилиши, сайқалланиши, теранлашиши ҳар хил даврларда кечган бўлиши мумкин, шунингдек, уларнинг ифода имкониятлари ҳам турли даражада. Тараққиёт босқичлари давомида санъатнинг ўзида сўз қудрати-ю ҳаракат шиддатини, тасвир имконияти-ю овоз сеҳрини сингдирган қоришиқ тури ҳам юзага келди ва унда қалб манзараларининг бутун жозибасини ифодалаш имкони мужассамлашган. Гап, маълум бўладики, қўшиқ санъатига бориб тақалпти. Ҳақиқатан, қўшиқда инсон ботиний (ички) оламини ифодалашнинг жами тилсимотлари пайваста бўлиб кетган. Унда шоирнинг эҳтиросли сўзи, ижрочининг нафис имо-ишораси ёки рақс этувчининг хироми оҳанг қанотида ташриф буюрувчи далалар бепоёнлиги-ю уммонлар теранлиги, шодлик-у қайғуни, дарду

кувончни бутун кўлами, мазмуни, таъсири билан тўла ифодалайди. Шунинг учун на қаламкашнинг истеъдоди, на раққосанинг маҳорати, на рассомнинг санъати кашф эта олган инжа гўзалликлар фақат куй орқали, қўшиқ орқали намоён бўлади, юракларга етиб боради, дейишади. Бу мулоҳазаларимиз бежиз эмас. Аввало, қўшиқ бетимсол мўъжизавий санъат, иккинчидан, у даврнинг, шу давр кишилари руҳиятининг ифодасидир.

Мен мустақил юртимиз қўшиқ санъатига муносабатда, энг аввало, тарихий-тадрижий эътиборнинг ёрқин намунасини кўраман. Миллий қўшиқчилигимизга раҳнамолик фақат шу билан кифояланиб қолгани йўқ. Маънавиятимизнинг, маданиятимизнинг бу қиррасини ривожлантиришга илгари тарихий саналар муносабати билан йўлига қилинган эътибордан ўн-юз чандон ортиқ ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу борадаги олий назар умумдавлат миқёсидаги аҳамият касб этмоқда. Фикрга аниқлик киритиш учун йиллик анъанавий дастурлар қаторидан ўрин олган, ҳукуматимиз қарори билан белгилаб қўйилган икки мусиқа байрамини эслаш кифоя: ҳар йили август ойининг охириги ҳафтасида «Ўзбекистон — Ватаниманим» қўшиқ танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтади. 1996 йилдан бошлаб эса Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали мунтазам ўтказилади. Яна миллий мусиқа санъатимизга қанот бағишловчи анжуманлар қаторига халқимизнинг беназир санъаткорлари номи билан боғлиқ танловларни, ҳар йилги турли беллашувларни, байрам кўрикларини, соҳалар бўйича бадиий ҳаваскорлик мусобақаларини ва яна бошқа кўплаб беллашувларни қайд этиш мумкин.

Азалдан навозанда ва навобахш бўлган халқимизнинг мусикий салоҳияти бир нарсага изн беради: энди масалага юксак талабчанлик билан ёндашиш асл истеъдодларнигина яратилаётган имкониятлардан баҳраманд этиш, худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, баъзи ғайримиллий ва сохта ҳаракатларга кескин чек қўйиш вақти етди. Шу ўринда бир далилни эслаш мавриди келди. Муаллифнинг «Халқ сўзи» газетасида 1994 йил, 11 ноябрда «Санъат сохталикни кечирмайди» сарлавҳали мақоласи эълон қи-

линган эди. Бу чиқишнинг тақдири бир жиҳати билан эсда қолганди: мақола жойларда фавқулодда кўп акс садога сабаб бўлганди. Жамоатчилик фикри газетада қарийб йил бўйи эълон қилиб борилди, уларда бир сўз билан айтганда, миллий мусиқамиз келажакдан ташвиш изҳор қилинганди. Таассуфки, фикрлар газета саҳифаларида қолиб кетди. Мақолада қаламга олинган ва газетхонлар ҳам қўллаб-қувватлаган чет эл эстрадасига тақлид, унинг яхши-ёмон томонлари ёки шу нарсага муккасидан берилган ҳаваскорлик дасталарига муносабат ҳамон очиқ қолмоқда. Ҳолбуки, бундай бепарволик янги-янги нуқсонларга йўл очиши, ҳатто соф миллий санъат ривожига жиддий ғовларни юзага келтириши мумкин.

Шундай қилиб, янгича йўналишдаги эстрадага (биз замонавий кучли электр чолғу асбоблари жўрлигида ижро этиладиган, оҳанглари ғарбу шарқ мусиқаларидан ўзлаштирилган қурама ашулаларни шартли равишда шундай деб атадик) очиқ муносабат билдириш вақти аллақачон етган экан, ўз фикрларимизни изҳор этишга журъат этамиз.

Аввало, «янгича эстрада»нинг ўзи ҳақида. Миллий қўшиқ санъатимизнинг анъанавий ижрочилик усуллари-дан фарқ қилувчи, ҳатто Ботир Зокиров ёки «Ялла» ансамблига ўхшамаган «санъаткорлар»нинг пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ. Улар қўшиқчилик оламига қулоқни батанг қиладиган беватан, бетайин оҳанглар, унга мослашган (ёки мослаштирилган) пойинтар-сойинтар сўзлари, ҳеч бир қолипга сиғмайдиган жазавалари, гўзаллик меъёрларига тўғри келмайдиган либослари билан кириб келдилар. Бунақасини кўрмаган, маънавияти ва дунёқараши ҳам шулар даражасида бўлган ёшлар эса уларнинг томошаларини «мириқиб» кўра бошладилар. Бинобарин, икки томон учун ҳам бир умумийлик мавжуд: «санъаткорлар» ҳам, мухлислар ҳам «тақлид» деган иллатга чалинганлар. Нима бўлганда ҳам уларга концерт саройларининг эшиклари очиб қўйилган, «зангори экран» ўз марҳаматини аямай келди, овоз ёзиш студияларида бундай «асар»лар чекланмаган нусхада кўпайтирилиб сотиляпти. Далага оқизилган сув ўз ишини қилганидек, бу оқим ҳам бор-

ган сари ёшларни кўпроқ домига тортяпти, янги-янги кўринишлари пайдо бўляпти.

Истисно тариқасида оддий бир ҳақиқатни таъкидлаш жоиз: ҳар доим янгиликни тан олиш қийин кечади. Бу инсоннинг табиий хусусиятлари инъикосига ўхшайди. Ҳатто янги кийимга мослашишнинг ҳам қийинчилиги бўлади-ку. Мабодо, масалага шундай ёндашилса, «янгича эстрада»нинг янгилиги нимада? Бу саволга жавоб беришдан олдин қачон янгиликка эҳтиёж пайдо бўлишини мантиқан фикрлаб олиш керак бўлади.

Одатда, янгиликка шакл ва мазмун ўртасида номуносиблик юзага келганда эҳтиёж туғилади, яъни эски шакллар янги мазмунни сиғдира олмай қолганда ёки мазмун (моҳият) эскириб, уни янги шакллар рад этганда ноанъанавий, ўзгача ечим изланади. Энди бизнинг теран томирга эга бўлган қўшиқ санъатимизнинг икки қаноти — мусиқа созлари (шакл) ва асрлар оша куйлаб келинган ғоялар (мазмун)ни бир-бирига муқояса қилиб кўрганимизда, худди шу кунларда ўртада ҳеч қандай зиддият юзага келмаганини ва, демак, бу мумтоз хазинага четдан бирор янгича усулни киритишга зарурат сезилмаётганини тушуниш қийин эмас. Дунё тан берган миллий чолғуларимиз бугунги истиқлолимизнинг бутун кўрку мазмунини, халқимиз тақдиридаги тарихий ўрнини оҳангларда ифодалашга бемалол қодир ёки бугун биз куйлаётган ғоялар минг йиллардан буён халқимизнинг сеvimли қўшиқлари бўлиб келган. Энди янгича эстрадининг асарларини шу мезон билан ўлчаб кўрайлик. Майли, шакл (мусиқа асбоблари)нинг янгилигини эътироф этайлик, бироқ улар нималар ҳақида куйлаяпти? Асосан, эротик майллар — йигит қизни бир кўришда ошиқ бўлиб қолади, кейин қиз учрашувга келмайди, бу ёғи — изтироб. Бизнинг маънавиятимизда шундай шилимшиқ, чучмал қарашларга ўрин бўлганми? Ахир бизнинг азалий удумларимизда келинчак ҳатто куёвнинг қариндошлари номини тилга олишдан уяладиган даражада назокатли бўлишган, куёв эса биринчи фарзанди туғилмагунча қайнотаси билан бир дастурхонда чой ичишдан истиҳола

қилган. Ана шундай халқнинг бугунги вакиллари муддаосига ета олмаган болакайнинг беҳаё ингроқларини мусиқа жўрлигида эрта-ю кеч тингласа, оқибатда нима бўлади?

Умуман, санъатга қўйиладиган битта талаб бор: у инсонни комиллик сари етаклаши шарт! Чунончи, эшитилган мусиқа киши қалбидаги меҳр-шафқат, эзгулик, саховат, соғинч сингари туйғуларни кучайтириши, уларга қанот бериши керак. Энди қўрқинчли садолар остида қийналган одамнинг фарёдига ўхшаган овозда аламзадалик мазмунидаги қўшиқни тинглаган киши қандай кайфиятда кўчага чиқади? Бунинг устига у дунёқараши мўрт ўспирин бўлса? Шубҳасиз, ўсиб турган ниҳолни синдиради ёки сайраётган қушга тош отади. Ҳозир ёшларнинг сур, меҳрсиз бўлиб ўсаётгани ҳақида шикоятлар кўп эшитилади. Эҳтимол, бунда ҳам шундай омилларнинг таъсири бордир: уйда шунақа қўшиқ, машинада шунақа қўшиқ.

Мана, илк мулоҳазаларимизданоқ бунақа янгича эстрада бизнинг руҳиятимизга тўғри келмаслиги маълум бўлиб қолди. Яна мулоҳазаларимизни давом эттириб, «барибир бу янгиликни қабул қилишга қийналаяпмиз» деган фикрда собит турайлик-да, унга қарши далилларга мурожаат этайлик. Одатда, янгиликнинг яна бир шарти у «эскилик», яъни ўзигача бўлган натижалар бағрида улғаяди ва янги босқични бошлаб беради. Шунга кўра «янги-ча эстрада» ҳам бизнинг азалий мумтоз санъатимиз бағрида туғилган, унинг энг яхши анъаналарини ўзига сингирган бўлиши керак эди. Ҳолбуки, уларда бундай фазилатларнинг урвоғи ҳам йўқ. Шахсан мен шундай санъаткорларнинг бирор мақом шўъбасини ёки катта ашулани меъёрига етказиб ижро эта олишига ишонмайман.

Тўғри, барча соҳада изланишлар бўлиши табиий ва ундан қўрқмаслик ҳам керак. Бироқ бундай изланишларнинг замини бўлиши лозим-да. Демак, бизнинг эстрада қўшиқчиларимиз ҳам ўзбек миллий санъати анъаналарига таяниши шарт. Аммо бизнинг аждодаларимиз саҳнага кийимини тескари кийиб ёки соз ўрнига белкурак «чалиб»

чиқмаган, ерга ағанаб жазавага тушмаган. Ҳатто бундан ўн ҳисса кечиримли ҳолларни ҳам санъаткор шаънига доғ деб билишган.

Балки замонавий санъат шундай қиёфада бўлар? Асло! Қўшиқ санъатининг замонавийлиги дейилганда, аввало, кўз олдимизга шакл (муסיқа асбоблари, оранжировка, ёруғлик ва бошқалар) келади. Энг яхши қўшиқларда ана шу воситалар мазмунни кучайтиришга хизмат қилади. Бирор чет эл хонандаси соғинч ҳақида куйлаётган бўлса, сўзларини тушунмасак-да, саҳнадаги ҳолат орқали шу кайфиятни сезамиз, ўзимизнинг соғинчли дамларимизни эслаймиз. Демак, замонавий техника мазмунни тўла ифода-далаш, уни тушунишни кучайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, энг замонавий қўшиқларда интеллектуал олами ниҳоятда бой, XX аср кишисининг мураккаб ички дунёси жуда таъсирли акс эттирилади, юксак инсоний ғоялар, жами одамзодни тўлқинлантирадиган мавзулар куйга солинади. Бизнинг янгича санъаткорларимиз репертуарларида эса бундай юксак талабларга жавоб берадиган қўшиқлар учрамайди. Қолаверса, шу даражада фикр юритиш, мавзу излаш, олам яратиш иқтидори ҳам кўзга ташланмайди. Ахир қуруқ тақлиддан иборат, миллийликдан холи уринишлардан бирор натижага эришиб бўлмаслиги оддий ҳақиқатдир. Бутун дунё саҳнасида Ўлмас Саиджонов, Муножот Йўлчиева, Муяссар Раззоқова, Турғун Алиматов сингари ўнлаб санъаткорлар олқишларга сазовор бўлишаётган экан, бу фақат миллий маданиятимиз эътирофи, дунё халқлари қўшиқ гулчамбарида янги гулдаста пайдо бўлганининг ифодасидир. Демак, эстрада санъатида ҳам дунёга чиқиш йўли — миллий ўзига хослик, ўзбекона санъат йўлидир.

Биз янгича усулларда изланишлар олиб бораётган, бироқ ўзлигини топа олмаётган, баъзан енгил муваффақият, оддий қарсак учун ижод қилаётган ёшларни истеъдодсиз, санъат оламига бегона, дейиш фикридан йироқмиз. Фақат улар мўлжални тўғри олиб, халқимизнинг бой маънавий меросига ҳурмат билан қараб, ўқиш-ўрганишдан чарчамай, устозлар кўмагида ижод қилсаларгина бирор муваффақиятга эришишлари аниқлигини таъкидла-

моқчимиз. Зеро, минг йиллик санъат тарихи буюк санъаткорларнинг ҳаёти ана шу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди. Эҳтимол, халқимиз интизорлик билан кутаётган юлдузлар туманли хаёллар гирдобиди йўл топа олмаётгандир.

Руҳиятимизга мос келмайдиган, халқимиз табиатидан йироқ санъат ҳақида куйинчаклик билан мулоҳаза юритаётганимизнинг жиддий сабаблари бор. Аввало, ғарбда ёки океан ортида пайдо бўлган, бугун бизнинг ёшларимиз тақлид қилаётган айрим ансамбллар, асосан, қўшиқларида зўравонлик, қонхўрлик, фаҳш, зулм сингари мавзуларни куйлаб чиқди. Кейин эса бундай санъаткорларнинг турмуш тарзи ҳам қизиқ: бирлари уйланмаслик ёки турмушга чиқмасликни тарғиб этса, бошқалари бир жинсдагилар никоҳи тарафдори. Кўплари наркобизнес оламига хизмат қилишади... Ана шундай ўта хавфли оқимнинг шарпалари сезилаётган экан, уни тезда жиловлаш лозим. Олайлик, тарёк, май, тамаки сингариларга киши фикрига қутқу солувчи ашёлар сифатида қаралади. Худди шунингдек, мусиқа ёрдамида ҳам одамнинг хаёлига турли ярамас ғояларни сингдириш мумкин (ахир соз чалса илон ҳам ўйнайди-ку). Келажак авлодимизнинг ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб вояга етиши ҳаммамизнинг муддаомиз экан, баъзи зарарли таъсирлар тезроқ бартараф этилиши лозим. Зеро, бугунги бепарволик эртага қимматга тушиши мумкин.

Юртимиз дунё ҳамжамиятига дадил кираётган экан, турли жабҳада таъсирлар сезилиши тайин. Биз эса азалий ва боқий санъатимизнинг соф ва улуғвор бўлиб қолишини дилдан истаймиз.

1996 йил, сентябрь

ҚЎШИҚ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

Баъзан кўнгил ёлғизлик тилайди. Эшикни ёпасан-да, хона тубига чўкасан. Бошинг ёстиққа тегиши билан борлиқни унутасан. Жисминг тушкун ҳислар залвори остида қолади. Бўғилган ёруғлик, увадаси чиққан ташвишлар қур-

шовида йўқликка сингиб бораверасан. Фикратингдаги тириклигингни тасдиқлаб турган ҳаёт шаъми ҳам сўниб бораверади... Шу пайт мўъжиза рўй беради: ҳорғин руҳ оламига игнанинг тешигидек тирқишдан сизиб куй-наво кириб келади. Наво ўз пардаларида яшаш завқини олиб киради, у хилват гўшани қоплаб ола бошлайди. Сени ўраб-чирмаб ётган бадбин туйғулар билан кураш бошлайди. Хона ёришиб кетади. Сен бошингни кўтарасан. Бу — тирикликнинг тантанаси, таслим бўлган жонинг рақибини енгиб, ҳаётга қайтиши эди. Бу — мусиқанинг ташрифи эди.

Ана шундай илоҳий жозибага эга бўлган санъат турига ҳеч вақт бепарво муносабатда бўлиш мумкин эмас. Жумладан, юртимизда миллий маданият асосларига қайтилаётган пайтда алоҳида эътибор лозим бўлади.

АҚЛСИЗЛИК «БАЛО»СИ

Айни пайтда замонавий мусиқамиз атрофида баҳс-мунозаралар бўлаётгани кишини хурсанд қилади. Айниқса, бундай чиқишлар бу борада изланишлар олиб борилаётган ва саъй-ҳаракатлар ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётган пайтда бўлаётгани эртанги кун ўзбек миллий қўшиқчилиги ривожига сезиларли таъсир этиши шубҳасиз. Бизнинг ҳам мавзуни давом эттириб, аҳвол билан чуқурроқ танишишимиз асносида замонавий ижрочиларнинг кўплаб қўшиқларини эшитиб кўришга, соҳанинг раҳбарлари, мутахассислари билан суҳбатлашишимизга тўғри келди. Шундай қилиб, шахсий таассуротлар ва суҳбатдошларнинг фикр-мулоҳазаларидан аниқ хулосага келдикки, айни пайтда кўп асрлик анъана ва тарихга эга бўлган ўзбек мусиқа маданиятида янги тўлқин пайдо бўлаяпти. Албатта, бу ҳолни қизғин табриклаган ҳолда, эътироф этиш керак: тараққиётнинг ҳозирги босқичида, радио-телевидение, аудио, видео техника ривожланган шароитда ёшларимизни, умуман, миллий маданиятимизни дунёда эришилган ютуқлардан бебаҳра қолдириш мумкин эмас, ана шу ҳолат эса масаланинг иккинчи жиҳатини кўндаланг қўяди: демак, миллий руҳдаги замонавий

қўшиқчиликни яратиш кун тартибиде турибди. Шу нуқтаи назардан ўз ташаббуси билан ижодий гуруҳлар тузиб, бу йўлда изланишлар олиб бораётган ёшларга беписанд муносабатда бўлиш ҳам инсофдан эмас.

«Байрам», «Болалар», «Ал-вакил», «Шофайз», «Тошкент» ва «Нола» сингари гуруҳларнинг энг кейинги қўшиқларини тинглаб, оҳангнинг сеҳрига яна бир бор берилган ҳолда бу ижодкорларнинг барчасига хос камчиликлар нимадалиги устида ўйлаб қолдик. Албатта, маҳорати, ижро усули ранг-баранг бу гуруҳларга ягона қолипдан келиб чиқиб баҳо бериш қийин, бироқ умумий бир манзара диққатни тортади. Бу қўшиқлар тингловчига завқ бағишлайди, жунбушга келтириб, сакраттиради, қийқиртиради, бироқ Ақлга ҳеч нарса бермайди! Тўғри, санъат туйғу-ҳислар орқали бизга таъсир этади, унга «ақлли» бўлиш талабини қўйиш ҳам эриш туюлиши мумкин, бироқ инсон нега санъатга интилади ёки нега қўшиқ-куй тинглайди? Ахир бу интилиш фақат мушакларни яйратиш учун эмас-да. Мақсад — фикрга қанот бағишлаш, тафаккурни илҳомлантириш эмасми? Зеро, «қаерда ақл етишмаса, у ерда ҳамма нарса етишмайди» (Ж. Галифакс) демишлар. Демак, ақл макон қурган ботиний манзилларга — қалб туби ва миянинг хилват бурчакларига етиб бормаган мусиқа чолғуларнинг бир оҳангга солинган тарақ-туруғи бўлиб қолавереди.

Шу ўринда ақл (тафаккур) ва ҳис (ҳаракат) ҳақида оддий мулоҳазалар билан ўртоқлашишга тўғри келади. Гапни энг оддий қиёсдан бошламоқчимиз: ҳис (масалан, қўрқув ҳисси) жами тирик мавжудот учун хос. Ақл (таассуротни муҳокама қилиб, чора топа олиши) эса фақат одамга хос хусусият. Айиқ ёки бўри ҳам олов ёки сув тошқинини кўрганида сўзсиз таъсирланади, бироқ унинг учун какликнинг сайраши, шамолнинг гувиллаши аҳамиятга эга эмас. Бинобарин, санъатдаги «ақллилик»ни қабул этиш инсонга хос экан, шак-шубҳасиз, санъатда «ақл» бўлиши шарт.

Ёш ижрочиларда ана шу талабнинг оқсаши нималарда кўринади? Аввало, мавзу доираси жуда тор. Қўшиқларнинг аксарияти «тошбағир» қизлар ҳақида, Ватан, она

ҳақида айтилган қўшиқлар ҳам шу йўлда бўлиб, тингловчида ёрқин кайфият уйғотмайди.

Санъатга хос узрли усуллар ҳисобланувчи нақоратлар, такрорлар, бўрттиришлар билан «безанган» қўшиқ матнларини кўриб эса ижрочиларнинг дидига қойил қолмайсиз. Баъзи қўшиқ матнларидан мисоллар:

«Офтоб нур сочади боғларга, гулларга, болалар юришар кулишиб, эртадан кечгача тинимсиз куйлаймиз боғлар соясида, қайларда кўрганмиз, эслаймиз».

«Ёш қиз энди келинчак, оқ либосда келажак, энди уйнинг тўрида бу шаҳло кўзли келинчак. Келин келди, кўёвнинг бағри тўлди, бугун бахтдан уй тўри нурга тўлди» («Байрам»).

«Гўзалина, гўзалина, тенгингни топа қолгина, мени унута қолгина» («Ал-вакил»).

«Ёғсин ёмғир тонггача, жала қуйсин эртагача, хоҳлаганча, тонг отганда севгилим меники бўлиб уйғонсин ёнимда» («Болалар»).

«Қиз бола, ой юзгина, кўзлари юлдузгина, чиройи қирмизгина, ўзинг ёлғиз юрма, қизгина» («Шофайз»).

«Ўзбегим, гўзалим, ўргиламан ўзингдан, ҳаёли, ибодли, қоп-қора кўзингдан» («Тошкент»).

«Йўлим топдим мен ниҳоят, бутун бўлди туз-ноним, Ёлборгум сенга, «сев мени» дедим, жоним» («Нола»).

Албатта, шеърларнинг нечоғлик саёзлиги кўриниб турибди, бу ўринда ижродаги тақлидчиликни таъкидлаш шарт бўлмаса керак. Хуллас, атак-чечак бўлиб ҳаётга йўлланма олаётган замонавий қўшиқчиликнинг қиёфасида ана шундай чизгилар мавжуд.

КОМПОЗИТОР КЎП, ҚЎШИҚ КАМ

Шубҳасиз, миллий санъатимизнинг бор бўй-басти шу эмас. Бизнинг ижодкорларимиз истиқлолдан илҳомланиб, бой ўтмиш анъаналарига таянган ҳолда шавқ билан янги-янги асарлар яратяптилар. Улар илҳомининг маҳсуллари турли тадбирлар муносабати билан дунёнинг энг юксак маданиятли шаҳарларида янграяпти. Давлат консерваторияси, 3—4 олий ўқув юртида санъатнинг бу тури сир-ас-

рорлари ўргатилади, ҳар йили юзлаб маълумотли мутахассислар тайёрланади. Республикамизда замонавий ижодкорларни бирлаштирган Композиторлар уюшмаси, анъанавий ижодкорларни жамлаган Бастакорлар уюшмаси фаолият кўрсатади. Хўш, ана шундай теран яратувчилик муҳитида енгил-елпи қўшиқлар қайси йўллар билан ёруғлик юзини кўраяпти? Наҳотки, шундай бой мусикий салоҳиятнинг маҳсуллари шунчалик арзон «асар»лар бўлса?

Ижоднинг табиати шундайки, худди «даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб», деганларидек, хаёлда чарх уриб юрган ёки қоғозга тушиб, бир четда чанг босиб ётган эмас, ижро этилган, бунинг устига мухлислар қабул қилган асарларгина муаллифнинг бўй-бастини намойиш этиб туради. Шу нуқтаи назардан бугун қўшиқсевар ёшлардан «фалон симфонияси билан Европани қойил қилган композиторимизни биласанми?» деб сўралса, елка қисиши мумкин, бироқ «Эски шаҳар» гуруҳининг янги кассетаси чиқибди деса, шаҳарни зир айланиб ахтариши эҳтимол. Бу ҳам ўзига хос ҳолат. Худди шундай, оммалашиб кетган турли гуруҳлар билан композитор ёки бастакорларимизнинг ижодий ҳамкорлигига қизиқдим. Маълум бўладики, биз тақлидми, кўчирмачими, деб айтаётган, бироқ ёшларни тобора ўзига кўпроқ жалб этаётган ҳаваскорлар билан шу соҳанинг «пир»лари ўртасида ҳеч қандай муносабат йўқ экан. Мусиқа илмининг сир-асрорларини ўрганиб ёзилган, «эстетик таъсир кучи юқори бўлган» асарларни оммабоп гуруҳлар ижро учун қабул қилмайди. Балки тўғри қилади, чунки уларга тингловчи керак. Шу ўринда номутаносиб бир ҳол кўзга ташланади: таниқли композитор қўшиғини яратиб, токчага тахтлаб қўяди, у ижро этиш навбатини кутиб ётади, томошабин ҳузурига шошиб йўл олаётган ижрочилар эса ҳатто охирига етказилмаган хомхатала асарларини саҳнадаёқ «қиёмига етказиб» тингловчига ҳада этадилар. Хуллас, турли гуруҳлар бизнинг профессионал бастакорларимизни тан олишмас, улар билан ҳамкорлик қилишни хоҳлашмас экан. Буни профессионалларимиз хоҳлашадими-йўқми, билмадиму, бироқ бизнинг барқарор мусиқа йўлимизда четдан турли оқимлар пайдо бўлиб, ўз мухлисларини топиб бораётгани бир ажаблантир-

са, асарларининг умри қоғозда ўтаётган ва бу жараёнга томошабин бўлиб турган композитору бастакорларимизнинг бепарволиклари яна бир ажаблантиради. Маълумки, боғда гулзор пайҳон бўлса, ўрнида тиканаклар ўсиб чиқади. Демак, миллий мусиқамизнинг байроқдорлари ташаббусни қўлдан бериб қўйганлари туфайли қўшиқчилик санъатида ана шундай дидсизлик юзага келган экан-да.

Суҳбатдошларимизнинг айримлари бу ҳолни бозор муносабатининг таъсири билан изоҳламоқчи бўлишди. Эҳтимол, бу гапда жон бордир. Қайси гуруҳ тadbиркор бўлса, ўзини моддий томондан эплаб, кун кўрган, эпполмаганлари саҳнадан тушиб кетаверган.

Кейинги пайтда бу соҳага муносабат кескин ўзгарди. Ҳақиқий истеъдодларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилаяпти. «Ўзбекнаво» гастрол бирлашмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари тузилди. Хуллас, ишлаш учун кенг имкониятлар яратилди. Аслида, қалбида халқ, миллат маданиятига сидқидилдан хизмат қилиш туйғуси жўш урган фидойи кишилар учун имконият ҳеч вақт чекланмаган.

ИЗЛАНИШ ИЗТИРОБЛАРИ

Тўғриси, қўлига соз тутиб саҳнага чиққан, ўзини ҳар куйга солиб, ҳар ёққа уриб йўлини излаётган ёшларни мўмай даромад топиш учун шу йўлни танлаганликда айблаш бирмунча хато эмасмикан? Аввало, кишининг қалбида бир чўғ ёниб турмаса ёки туғма истеъдод бўлмаса, санъат даргоҳига қадам қўймайди. Мабодо, уларнинг муддаоси бойиб кетиш бўлганда ҳам бошқа ўнғайроқ усулни танлаган бўлишарди. Бинобарин, уларнинг бу йўлни танлаши эътиқоддан, фидойиликдан эмасмикан? Тақлидчилик, маҳоратнинг етишмаслиги — кейинги масала, нафсиламрини айтганда, кўплаб ёшларни бирлаштирган гуруҳларнинг мусиқа чаманзоридида пайдо бўлиши табиий ҳол. Ахир замонавий ўзбек қўшиқчилиги саҳнадан ҳам, зангори экрандан ҳам тушмайдиган 4—5 ижрочидан иборат бўлмаслиги керак-ку.

«Ўзбекнаво» бирлашмаси эстрада жамоалари дирекциясидан маълум қилишларича, ижрочи ёшлар гуруҳларида махсус маълумотга эга бўлган, иқтидорли ёшлар кўплаб топилади. Қолаверса, гуруҳлар кўр-кўрона тақдиддан воз кечиб, ўз йўлларини излаш учун интиляптилар.

«Байрам» гуруҳини Сарвар Қозиев, Равшан Намозов сингари иқтидорли ижрочилар ташкил этган эди. Маълумки, Равшан 1992 йилда Олмаотада ўтказилган «Осиё доуси» кўрик-танловининг бош совринини қўлга киритган, халқ йўлида изланишлар олиб бораётган санъаткор. Гуруҳ фольклор-поп йўналишидан бориб, тез тилга тушди, бироқ муваффақиятни изчил давом эттира олмади.

Диско йўналишидаги «Болалар» гуруҳига яккахон хонанда Тоҳир Содиқов етакчилик қилади. Замонавий мусиқадаги қийин усуллардан рэп йўлини танлаган «Алвакил» гуруҳи «Ўзбекцирк» қошида фаолият кўрсатапти. Анъанавий мусиқаларни твист оҳангида ижро этишга асосланган ретро йўлини танлаган «Шофайз» гуруҳида моҳир мусиқачилар, хушовоз хонандалар етарли. «Тошкент» гуруҳига таниқли хонанда Шариф Султоновнинг ўғли Бахтиёр Султонов раҳбар. «Нола» гуруҳининг «Тошкентим» қўшиғи «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловининг якунловчи босқичига танлаб олинди.

Мана шу қисқа маълумотларнинг ўзиёқ ижодий жамоаларнинг маълум имкониятлари мавжудлигини кўрсатиб турибди. Шубҳасиз, ҳайротомуз муваффақиятларга бирдай эришиб бўлмайди ёки истеъдоднинг ўзини кўрсатиши ҳам осон кечмайди. Битта буюк санъаткорни етиштириб бериш учун минглаб кишиларнинг меҳнати талаб қилинади. Шундай экан, кўнгил майли билан ўзини кўрсатган, санъат йўлига кирган ёшларнинг ҳаракатлари бежиз кетмаслиги лозим. Бунинг учун, айниқса, уларнинг бошини қовуштирадиган ягона марказ бўлиши сув билан ҳаводек зарур. Ҳолбуки, уларнинг ҳаёти айна пайтда эътибордан четда кечмоқда. Репетиция қиладиган, маҳоратларини ошириш устида ишлайдиган жойнинг тайини йўқ. Ҳаваскорларнинг шоир ёки бастакорлар билан ижодий ҳамкорлигини таъминлаш устида ҳеч ким қайғурмаяп-

ти. Бу борада, шубҳасиз, «Ўзбекнаво» ёки «Камолот» ёшлар жамғармасининг қатъий йўл тутиши лозим бўлади.

«СОҚҚА» УЧУН — ЧЎҚҚА

Шубҳасиз, қўшиқнинг ҳаётимиздаги ўрни беқиёс. Азалдан созпарвар ва навозанда бўлиб келган халқимиз санъатнинг бу турига чуқур ҳурмат билан қараб келган, унинг соҳибларини астойдил эъзозлаган. Муғанний ва хонандалар ҳам шунга жавобан ўз қадрларини сақлаб, обрўларини юксак тутганлар. Улар ким билан қай йўсинда муомала қилиш, қачон қандай қўшиқ куйлаш каби одоб шартларига қатъий амал қилганлар. Бундай зариф санъаткорлар ҳозир ҳам орамизда бор.

Бироқ айни кунларда бир нарсадан жиддий ташвиш билдириляпти. Яна санъат номидан чайқовчилик қиладиган, ҳунарини пулга сотадиган, муддаоси бойлик тўплаш бўлган сохта «санъаткор»лар кўпайиб кетаяпти. Улар ўзларининг ўтмишдошларидан фарқ қилиб, янги-янги хурмача қилиқлар ўйлаб топишяпти, халқимизнинг қўли очиклиги, сахийлигини суиистеъмол қилиб, ҳатто баъзи азалий тартибларимизни оёқ ости қилишяпти.

Бир танишим ҳикоя қилади:

«Тошкентда чорлар, бешик тўйи, қиз базми сингари тўйчалар кўпайиб кетди. Бундай йиғинларга яқин йилларда санъаткорлар таклиф қилинганини кўпчилик эслай олмайди, бироқ эндиликда бу ҳол «кимўзарга» тусини олди. Бунинг устига «санъаткор» отлиқ нусхаларнинг қилиқларига ўласанми? Улар нималар деб куйламайди, нималарни талаб қилмайди? Муддаоси — тўй эгасини шилиш, ўз чўнтагини тўлдириш. Никоҳ тўйлари-ку ҳар қандай меъёрдан чиқиб кетди. Аввало, уларга фақат ёшлар таклиф қилинади. Нима, улар осмондан тушганми, ота-онадан бунёд бўлмаганми? Бунинг устига, наҳотки, ўша бахт кечаси турмуш қурган тажрибали кишиларнинг икки оғиз панд-насихатига ўрин бўлмаса? Даврада ҳалигидақа олдиқочди қўшиқ янтрайди. Ҳамма ер тепиб рақсга тушади. Мана буниси эса ҳаммасидан ошиб тушади. Келин-куёвни кузатиш пайтида олдин ота-оналар, кейин келин ва

куёв ўйинга тушиши керак. Бу хурмача қилиқни «санъаткор»лар кашф қилишган: шу пайтда тинимсиз пул қистирилиши, сочилиши лозим.

Келин-куёвнинг ўйинга тушиши. Бизнинг қадимий одатларимизда бундай ҳол учраганмикин? Наҳотки? Келин тушириш билан боғлиқ «юз очар» деган одатимиз бор. Унақада бу чиройли маросимнинг моҳияти қаерда қолади? Янги уйга қадам қўйган келинчак жамолининг илк марта намоеън этишини алоҳида қутлаган халқимиз маънавияти учун ҳовлида келин-куёвнинг рақсга тушиши — ҳақорат эмасми? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш лозим.

Сухбатдошимнинг бу куйинчак мулоҳазаларига қўшилмаслик мумкин эмас.

АМАЛИЙ ЧОРАЛАР ЗАРУР

Оддий бир савол: отарчи даромадидан солиқ тўлайдими? Энди бундай муносабат ҳеч кимни ажаблантирмаслиги керак, ахир жамиятда жорий қилинган тартиблар ҳамма учун умумий, бу тартибларга барча баробар амал қилса, унинг обрўси юқори бўлади. Ҳали турмушимизга «Маҳаллада ўрнатилган тартибни бузгани учун» деган талаб жорий қилинмади, ҳолбуки, ана шундай мазмундаги меъёрномаларга ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Ахир биз тараққиётнинг юқори босқичига эришишни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу юксалишнинг ҳар бир жабҳаси эътиборда бўлиши, яшаш тарзини тартибга солиб турадиган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши талаб қилинади. Шундай бўлганда тўйга ташриф буюрган санъаткор ҳам солиқ идораси олдидаги масъулиятини ҳис этиб, бошқачароқ ҳаракат қилармиди?

Умуман, санъаткорларнинг тўйларга иштирок этиши табиий ҳолга айланди. Шўро давридаги тақиқлардан фарқ қилиб, бундай ташрифлар қувончли куннинг оддий манзараси бўлиб қолди. Халқимиз руҳияти, турмуш тарзимиз буни тасдиқлади. Энди ҳеч ким бу борада янгилик очмоқчи ёки эски усулларни қўмсамоқчи эмас, бироқ шу ҳолатнинг ўз одоби, белгиланган меъёри бўлиши лозимку? Бунинг учун балки олдин маданият муассасалари қошидаги «Тўй бюролари» ишига янгича мазмун бағиш-

лаб, унинг фаолиятини тиклаш керакдир. Хуллас, халқимиз турмушининг бу муҳим жабҳаси ҳам бошқарилмайдиган сув тошқинидек тус олмаслиги, унда боқий анъаналаримизга амал қилиниши тарафдоримиз.

Бир пайтлар овоз ёзиш студиялари Маҳаллий саноат вазирлиги тасарруфида бўлиб, шу идора олдида жавобгарлик ҳис этган экан. Айни пайтда эса бундай устахоналар деярли назорат қилинмаяпти, уларнинг кўпи хусусийлаштирилган, имкони нимага етса шуни бажаряпти. Шубҳасиз, савдо корхонаси учун қўшиқларнинг савияси, миллийлиги ҳал қилувчи омил эмас.

Эҳтимол, кўпдан буён гап бўлаётган, бироқ фаолиятга киришиши қийин кечаётган бадий кенгашнинг ишлашига тезроқ амалий тус бериш керакдир. Аслида, савияси паст, дидсиз қўшиқларнинг йўлига тўсиқ қўйиш қийин эмас, бироқ ҳозирча шундай юмушни бажарадиган тузилманинг ўзи яратилмаган. Жумладан, етук санъаткорлар ва шоир-ёзувчилардан тузилган бадий кенгашнинг хулосаси ҳал қилувчи овозга эга бўлиши, шу асосда мусиқий гуруҳларнинг репертуарлари шаклланиши лозим. Ҳозиргача эса осон туюлган ана шу вазифани эплаш имкони бўлмаяпти. Бизнингча, энди кутиб ўтириш мавриди эмас. Зеро, ҳозирги кунларимиз бевосита амалий фаолиятни талаб этаяпти.

* * *

Одатда, эҳтиётсиз муносабат нохуш асоратлар қолдириши мумкин бўлган нарсалар ҳақида жиддий огоҳлантирадилар: «Олов билан ўйнашманг», «Қурол билан ўйнашманг»... Қўшиқ ҳам катта куч, бу эътирофни қўшиққа нисбатан ҳам бемалол ишлатиш мумкин.

1997 йил, август

ҲАЁТСЕВАРЛИК

Биз баъзан ҳаётда теран бир мантиққа дуч келганимизда кўп нарсаларни қайтадан кашф қилгандек бўламиз. Бу атрофдаги ҳамма нарсани одатдаги мезонлар билан

ўлчашга ўрганиб қолган зеҳнимизнинг ёришишидан бўлса керак. Аждодларимизнинг азалий кўникмаси — қорин очганда овқатланиш, қоронғи тушганда ухлаш сингари табиий уйғунлик бутун ҳаракатларимизни, ҳатто ташқи таъсиротларга жавобимизни ҳам ўз измига бўйсундиради. Яъни «кучли ёруғликка дуч келсанг — кўзингни юм» каби. Ана шундай одатдаги тартиблар билан яшаш қанчалар осон. Олайлик, иш жойингда қилиғинг раҳбарлардан бирига ёқмай, у ҳадеб зуғум қилаверса, ариза ёз-да, бўшаб кет. Кўпинча, худди шундай бўлади. Ходим ариза ёзиш билан ҳам ўз жонини қутқаради, ҳам «жамоа манфаатини ўйловчи бошлиқ»қа жойни кенг қилиб кетади.

Бироқ бу кўҳна дунёда мўъжизалар ҳам рўй бериб туради. Ҳамма босиб ўтувчи кўприк бир кун бош кўтаради-да, қирғоқни иккига бўлиб ташлайди. Ходимнинг ҳам тазйиқлардан гарчи силласи қуриган бўлса-да, у шундай ҳаётни севиб қолади. Бутун қийноқларига бир кун мал-ҳам топади ва уни шундай ифодалайди: «Курашаман!» Шунда унинг лоқайдланган зеҳнида тоғда бир кўрган манзараси — чўнг тошларни ёриб чиққан арча ва унинг тоққа ботиб турган темирдек томирлари журъат уйғотган бўлади. Ахир яшаш деган буюк ҳикматнинг мазмуни ҳам худди шу эмасми? — «Кураш!»

Мен Яккабоғда арчалар ўсмайдиган текисликдаги қишлоқда бошқа бир мўъжизага дуч келдим. Имомёқуб қишлоғида худди навниҳол арчадек бир қиз теран томирларини заминга, одамлар дунёсига чуқур ботириб, ҳаёт-севарлик билан яшаяпти. Тақдирнинг унга инъоми чўнг тоғдан юмшоқ эмас, лекин у ана шундай жойда гуркираб, теварак-атрофга бўй кўрсатиб яшаяпти.

... Ҳамроҳим Меҳрихон менинг шубҳаларимга чек қўйди: «Кириб бораверамиз, меҳмондўст ўзбек хонадоничу». Ҳовли хийла кенг ва басаришта. Дарвоза олдида бир уй, боғ тўрида яна бир уй. Радиокарнайдан шоирнинг овози эшитилади: «Ўлдирса ўлдирсин муҳаббат». Тўрдаги одмигина даргоҳга қадам қўямиз. Олди айвонли уйнинг даҳлизида мезбонлар пешвоз чиқади. Чап тарафдаги уйнинг эшиги очиқ. Ичкаридан фақат оқ чойшаб ташлаб қўйилган каравот кўзга ташланади. Тавозеъ ва илтифотлар қур-

шовида уйга кирамиз. Киришда чап тарафда, остонага яқин жойда сандал қўйилган. Муборак шу ерда бизни кутиб олди. Меҳрихон унинг пинжига тиқилиб, иссиққина сандалга ўтирди. Албатта, умрида биринчи марта дуч келган одамларда бўлганидек, орадаги бегонасираш кўп чўзилмади, гап шеъриятга келиб тақалганда эса суҳбат авж олиб кетди.

Шундай қилиб, қишлоқдаги юзлаб хонадонлардан фарқ қилмайдиган ана шу гўшада орзулари бир олам, қалби ҳаёт ишқига тўла, шеъриятга ошуфта бир қиз яшаяпти. Унинг кимлигини кўпчилик ҳали билмайди, лекин у кўплаб машҳур кишилардан ҳам азизроқдир.

Жасоратнинг ифодаси жуда содда бўлади. Масалан: «У кўкрагини амбразурага қўйди» каби. Лекин бир лаҳзалик шу ҳаракатнинг моҳиятини тушунтириб бериш учун қанчалар сўз керак. Муборак Мўминованинг кечинмаларини ҳам на онаси Хадича холаннинг ҳикоялари, на бизнинг шарҳларимиз тўла ифодалай олади. Негаки, у ўтказган ҳар бир кун — жасоратга тўла, унинг ўзи — жасорат тимсоли.

Муборакнинг 3 ёшли пайтида қайноқ сув тўкилиб кетиб, ўтирган жойлари куяди. Бир неча марта шифохоналарда даволанади, бироқ муолажаларнинг фойдаси бўлмайди. У юролмайдиган бўлиб қолади. Мана, 20 йилдирки, тўшакда кунни кузатиб қўйиб, тунни кутиб олади. Бўлган гап — шу, лекин ўтган кунларнинг мазмуни жуда теран, эҳтимол, бу теранлик уни баъзи қора нуқталарга муқояса қилса яна ҳам ойдинлашар.

Унга мактаб кўриш насиб этмади, бироқ ўзида куч ва ҳавас топиб, мустақил савод чиқарди, имлони ўрганди, бадиий адабиёт билан дўст тутинди. Ҳатто бу борада чўққи-га кўтарилди: ички кечинмаларини шеърда ифодалай бошлади. Мана, қўлимизда унинг бир даста шеърлари, улар чиройли хуснихатда, жуда саводхонлик билан ёзилган. На имлода, на тиниш белгиларни ишлатишда бирон хато бор. Шунда кўз олдимизга ўн йиллик узун йўл келди. Ахир бир одамнинг мактаб йўли билан савод чиқариши учун худди шунча вақт сарфланади. Бироқ ўрта мактабнинг ҳар бир битирувчиси саводхонликда бир хил эмаслиги сир

эмас. Касаллик исканжасида бўлган, жисми оғриқ-у безовталиқдан бир зум холи бўлмаган қиз учун яшашга ташналиқ, соғайиб кетишга умид олға чорловчи маёқ бўлади ва у мустақил равишда ўқиб, мукамал савод чиқаради.

— Қўшимиз Адолат менга кўп нарасада ёрдамлашди, — дейди Муборак, — у Шаҳрисабз педагогика билим юртини тугатиб, мактабда ўқитувчилик қилмоқда.

Шеър оғриқдан туғилади, дейдилар. Одам бутун борлиқдан юқори кўтарила олгандагина шеър ёзади. Шеър — ўз пайтида нажот манзили, бир қалбнинг қўл етмас ерга бекитиб қўйган хазинаси. Одам кучли таъсирланганда ўша манзилга қочиб боради, ўша хазинани очиб, термулади.

— Ниманидир айтишга мажбур бўлганимдан шеър ёзаман, — дейди Муборак, — айта олмасам бўлмайдиган гапларим борлигидан шеър ёзаман.

Шундай дея унинг интичка ўсма тортилган қошлари чимрилиб, юзи ёришади. Ичдан бир шижоат уйғонади. У қуш мисол учишга талпинади, узоқ-узоқларга интилади. Афсуски, дераза ҳозирча ёпиқ. Ундаги бардамлик суҳбатдошларга ҳам ўтади. Энди ҳамма нараса ҳақида тортинмай гаплашиш мумкин. Суҳбат қўр олади, адабиёт, ёшлик, нафосат ҳақида мунозара бошланади. Биз бир оз қалтисроқ туюлган саволларни ўртага ташлашга ҳам журъат этамиз.

— Тушкунликка тушган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Асло. Мен эркин тарбияланганман. Эркин ўсган одам тушкунликка тушмайди.

Унинг бу гаплари хонада ўзгача жаранглайди, суҳбатдошларнинг унга рағбатини уйғотади.

— Нимадан кучли таъсирланасиз?

— Ҳақсизликдан. Матбуотдан, радио-телевидениедан дунёда ҳали ҳақсизлик жуда кўплигини биламан... Энди аҳвол ўзгаряпти-ку.

— Одамлардан гинангиз борми?

— Нега гинам бўлар экан?! Мен одамлардан жуда кўп яхшилик кўрганман. Мен гина деган нарсадан жуда узоқдаман.

Муборакнинг жавоблари одатдаги тасаввурларга зид эди. Дейлик, хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиши қанчалик ташвиш туғдиради? Сўнгги чора сифатида ўзига олов

қўйишга қасд қилган аёл хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйлаб кўрмайди. Қолаверса, бундай йўл тутиш ўта енгил-таклик бўлиб, ҳар қандай ҳолда ҳам уни оқлаш мумкин эмас. Арзимас сабаб — оиладаги келишмовчиликлар, ўткинчи ҳою ҳавас туфайли ўзини қурбон қилмоқчи бўлганлар наҳотки Муборак сингари ҳаётни севишга куч топа олмайдилар? Ахир яшаш ҳуқуқи инсонга Аллоҳ томонидан берилган энг олий имтиёз-ку! Ёки биз қанчалаб ноҳақликка бепарво қаровчи, баъзан манфаат туфайли уни қўл кўтариб ёқловчи одамларни биламиз. Ҳаммани ўзига эгилиб сажда қилишни истайдиган худбинлар бор. Муборак эса бундай кимсалардан бутунлай йироқда, у ҳаммага яхшилик тилайди, эзга умидлар билан эртани соғиниб яшайди.

Гўдакдек ардоқлаб ҳар битта сўзни —

Бораман, кўксимда тинмас бу юрак.

«Вақт ўтди, тўхтамоқ...»

Йўқ. Фақат ўзни —

Денгизга отдимми, сузишим керак.

Хадича хола меҳмонлар ташрифидан ўзида йўқ шод, у икки гапнинг бирида, «Боламни йўқлаб келган қадамларингизга ўлай», деб парвона бўлади, оналарга хос меҳр ва маҳзунлик билан қизининг тақдирини сўзлайди.

— Муборакни дурустроқ даволата олмадим, қўли қисқалик қилдик. Отаси вафот этиб кетди, ака-опалари ўзи билан ўзи. Кенжам ўтган йил армиядан келиб, ҳунар билим юртида ўқияпти. Муборакка ҳеч бўлмаганда алоҳида хона қуриб берганимизда эди.

У охириги марта даволанганидан буён 13 йил ўтибди. Албатта, Муборакка тиббиётнинг бугунги ютуқлари даражасида ёрдам кўрсатилса, саломатлиги ўнгланиб кетиши мумкин. Бунинг учун эса унга одамларнинг кўмаги зарур.

Гапнинг очиги, Павел Корчагинга хос ирода билан яшаб, юксакликка интилган, шеърят билан бемалол тиллаша олишдек бахт эгаси Муборак Мўминова ҳақида туманда ҳам, хўжаликда ҳам кам билишар экан. Ҳолбу-

ки, унинг шеърлари «Гулистон», «Саодат» журналларида босилганига анча бўлган, аҳвол эса қишлоқдошларга маълум. Муборак газета, журналлар билан танишиб боришни, янги китобларни мутолаа қилишни жуда-жуда хоҳлайди. Бунинг эса ҳар доим иложи бўлавермайди. Ўйлаيمизки, эзгуликка ташна одамлар унинг сазй-ҳаракатларини қадрлайдилар. Муборакни безътибор қолдирмайдилар.

Бу хонадон билан ажиб ҳислар оғушида хайрлашдик. Яна ҳаёлимда жонига қасд қилган аёлларнинг мудҳиш қисмати гавдаланди. Шунда юксакликдан, нурли манзилда жилмайиб турган Муборакнинг қаршисида ундайлар тубанликларда ивирсиб юрган ожиз бандалардек туюлди. Қалбларнинг тубидан эса бир нило акс садо берарди: «Ҳаётда фақат кучлиларгина яшашга қодир!»

1987 йил, Қарши

ҚИШЛОҚНИНГ НАЗМИЙ НАФАСИ

Шоир Турсунбой Очиловнинг «Бир яхшилик истайман сизга» (Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006 йил) шеърий китобини ўқиб чиққач, муаллифни таниганим, таржимаи ҳолидан бироз хабардорлигим туфайли кўнглимдан, «Инсон бир ишга астойдил киришса, албатта, муроди ҳосил бўлар экан», деган эътироф кечди.

Турсунбой Очилов ушбу китобини 60 ёшни қаршилаган паллада мухлисларга тортиқ қилди. Шунгача у бир тирқишга кўз тикиб, ундан бир тола нур кутиб яшади. У кўз тиккан аъмол Шеърият эди, хайрият, у боқий висолини умидвор муҳибидан дариғ тутмади. Албатта, ҳар бир қиёсда қай даражададир нисбийлик бўлади. Синчи одамлар кафтдаги бир дона донни кўриб, хирмонни тасаввур қила олганларидек, тўпلامдаги шеърларни ўқиганда, менда Буюк сўзнинг шукуҳини эслатадиган кайфият пайдо бўлди.

Нафсиламрини айтганда, кўпинча Шеър ҳақидаги тасаввурлар унинг шакли даражасида бўлади, яъни маълум

ўлчовга солинган, сатр охирида оҳанглош сўз (қофия)лар бўлган ёзма нутқ шакли — шеър. Рост, ҳозиргача шеър устозлари ана шу талабларни ишқибозларга (яъни ҳаваскор шоирларга) ўргатиш билан банд бўлиб келишди. Бундан 20—30 йил олдин ҳам манаман деган шоирнинг шеърларида туроқ ёки қофияланиш тартиби бузилган, қофия мисрага «сваркалаб» ёпиштирилган бўларди. Бугунга келиб ўзбек шеърини ана шу босқичдан юқорига кўтарила олди. Энди таҳририятга «шеър» кўтариб келган «шоир»га унинг техникасидан сабоқ бериш керак эмас. Қолаверса, қофия мақсадга тўла хизмат қиляпти, мисрадаги энг салмоқли, оҳангдор, етук сўз бўлиб қоляпти. Бу жиҳатдан «Бир яхшилик истайман сизга» тўпламидаги 7—8 минг мисра атрофидаги шеърларда деярли бирорта ҳам техник нуқсон учрамайди.

Шоир «Тошкент йўлида» шеърда ёзади:

«Икарус» тортади йўлнинг танобин,
Кўпчилик ухлайди бамайлихотир.
Ҳалеб пул санаса савдогар хотин,
Ким чўнтак пайпаслар олиб хавотир.

Салонда шу хилдаги биқик ҳолат: жувонлар нарх-наводан қизишиб баҳслашади, кимлардир пул тикиб «жанг»га киришади, тамаки дуди...

Дунё ташвишларин қўйиб бир четга,
Икки улфат тинмай сипқарар ароқ,
Кўп ўтмай ёт каби ушбу муҳитга,
Хуррак ота бошлар кайфлари тароқ.

Лекин дунёдаги бор гап шу эмас. Ташқарида музаффар ҳаёт ўз қўшиғини куйламоқда:

Чексиз далаларда ғайрати жўшиб,
Ерга ризқ-рўз сочар бобо деҳқоним.
Кўклам қуёшидан ғарқ терга тушиб,
Меҳнатга кўмилган Ўзбекистоним.

Автобустаги ҳолат таъсирчан қалбни жунбушга келти-
ради, мабодо, халқнинг бори шулар бўлса-чи?

Бирдан гижимланар инфаркт юрагим,
Ҳолим оғирлашар — етишмас ҳаво.
Бундайлар бор экан, пучдир тилагим,
Бундайлар яшаркан, йўқ менга даво.

Шеърнинг пировардида улғаяётган умид тимсоли, му-
дом ёруғ кунларга чорлаб турувчи қадрият тилга киради:

Набирам Ситора менга термулиб,
Дейди, англагандай бобосин ҳолин:
— Яхши бўласиз-а, Тошкентда кўриб
Темур бобомизнинг отлиқ ҳайкалин?..

Ана шундай фаол гражданлик позицияси, воқеликка
танқидий назар, ёмонликлардан изтироб ва эзгулик тан-
танасига ишонч тўпламдаги ҳар бир шеър зуваласига қори-
шиб кетган.

Турсунбой Очилов бир шеърда бироз афсус билан
ёзади:

Айбим шуки, бир умрга Яккабоғдан жилолмадим...

Умид билан яшаган инсон орзусига етиш учун баъзан
дунёқарашини, эътиқодини ўзгартиради, бир қарасанг
бўри, бир қарасанг тулки қиёфасига киради. Бир аъмол-
ни қисмат деб, унинг этагидан тутиш бир фидойилик
бўлса, ҳатто касбни ҳам, қолаверса, яшаш жойини ҳам
ўзгартирмай умрини барқарор бир нуқтага тикиш икки
карра фидойилик бўлса керак. Биламизки, Турсунбой
Очилов «қофия сеҳри»га берилгач, туман босмаҳонасида
ишлаб, шеърлар ёзди. Сўроқларига қишлоғидан, одамлар-
нинг ҳаётидан жавоб излади. Қишлоқда яшаб, шоир
бўлиш осонми? Бу жойда ҳамма нарсани — орзу, инти-
лиш, қобилият, истеъдод деган тушунчаларни Тирикчи-
лик номли қонуният белгилайди. Бир халта буғдой топ-
санг, уни тегирмонга олиб бориб ун қилиб келишнинг
ўзи тугал бир даҳмаза. Ана шундай ташвишлар ичида ўтиб
кетади қишлоқ одамнинг умри. Бир қарашда шундан

бошқа ҳеч вақоси йўқ, аслида, замирида тарихийлик, ҳалоллик, диёнат яширинган турмуш тарзидан ёруғ нуқталарни топа олиш, лойқалар, гирдоблар ичида бокира, пок туйғуларни заха едирмай сақлаб юриш осон эмас. Яна кечинмаларни шеър ҳолида қоғозга тушириш учун нақадар ирода керак. Турсунбой Очилов ана шу муҳитнинг шоири.

Унинг тўпламидаги шеърларнинг энг кўпи — ҳасадгўйлар, ҳасад ҳақида десак муболаға бўлмас. Бу ҳол кишини ажаблантиради ҳам: Турсунбой акада бойлик, мансаб бўлмаса, одамлар нега унга ҳасад қилишади экан? Бу ҳолнинг сирини эса шундай англадик: у бошқаларга ўхшамаган турмуш тарзини танлаган, вазифасидан фойдаланиб, ўғирламаган, данғиллама уй қурмаган, билъакс, шеър ёзган. Ҳаммани ўз зайлига буйсундирган даҳмазалардан баланд туриб, бундай манзараларни қофияга солган одам бошқалар устидан кулаётгандек туюлгандир. «Сомон йиғиштирар шоир далада» шеърида маълум ҳолатни ҳазилга югуриб тасвирлар экан, фикрини шундай акунлайди:

Хуллас, у бахтдан шод, меҳнат маҳсули
Кўрингай сомонмас, балки шеър бўлиб.
Насиб этса энди шоир сигири
Қишни ўтказди «шеърхонлик» қилиб...

Аслида, Турсунбой Очиловнинг қишлоқда яшашидан орттирган бахти ҳам, бойлиги ҳам шу — беҳабар кишилар тасаввур ҳам қила олмайдиган воқеликдан шеър яратиш! Шоир бу мақсадга бугун восил бўлган. Энди унинг шеърларини бир пайтлар унга писанда қилган қишлоқдошлари ҳам ўқимоқда, бу фидойи, хокисор инсонга сидқидилдан эътирофларини изҳор этишмоқда. Зеро, шу ўринда адабиёт, шеърят дилларни, к ўнгилларни боғловчи робита сифатида яна бир бор намоён бўлаётир.

Катта йўлга чиқиб олган одамнинг қадам олиши тезлашганидек, Турсунбой Очилов ҳам энди жадал янги шеърлар, тўплamlар устида ишламоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатларига ривож тилаймиз.

2007 йил, май

ТҮҲТИНЧИ ФИЛДИРАК

Оммавий ахборот воситаларида чинакам меҳнат қилаётган журналистнинг фаолияти жамият аъзоларини бепарво қолдирмайди. Зеро, бу касб эгасининг маҳорати, дунёқараши, маслаги воқеаларни шарҳлаш орқали маълум ижтимоий кайфият туғдириши ва у одамларга юқиши бор гап. Шу маънода ҳар қандай қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши шубҳасиз.

Аслида, матбуотни (бугун радио ва телевидениени ҳам) азалдан тузумни ҳаракатга келтирувчи дастаклардан бири сифатида баҳолашган. Жумладан, дунё бадиий маданиятининг йирик вакилларида бири Лев Толстой мамлакат тараққиётида матбуотнинг ўрнини темир йўл ва алоқа тармоқлари (почта, телеграф, телефон) билан тенг қўйган эди. Улуғ мутафаккирнинг бу баҳосини тўла қувватлаган ҳолда ҳозирги тезкор даврда бундай камарбасталик яна ҳам кучайганини таъкидлаш ўринли. Толстой бобонинг қиёси моҳиятни жуда аниқ ифодалайди. Айни пайтда матбуот атрофида бўлаётган муносабатларни шу нисбат орқали таҳлил қилсак, темирйўл қурилиши — тепловоз машинисти ёки почта хизмати — хат ташувчини иш билан таъминлаш учун пайдо бўлмаганидек, матбуот ҳам шу касб кишилари тирикчилиги учунгина яратилмаган, балки бу соҳаларнинг тараққиётдан бутун жамият, унинг ҳар бир аъзоси манфаатдор. Шунинг учун қабул қилинажак қонунлар фақат журналистнинг самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилиши лозим. Зеро, халқаро доирада журналистнинг ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб қўйилган (шу ўринда Халқаро журналистик ташкилот мавжудлигини, унинг ҳам қатор институтлари борлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз). Бу борадаги қонунлар бизнинг тарихий, миллий ўзлигимиздан келиб чиққан ҳолда бой ва сермазмун бўлади, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, бу ҳужжатлар баъзи чалкашлиklar, муаммоларни бартараф этиб, ўзига хос янги муносабатларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Матбуотга доир қонунлар лойиҳаларидан бирининг 3-моддаси «Журналист» деб аталади. «Журналист — Ўзбе-

кистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёки уларда шартнома асосида ишлайдиган ва хабарлар, ахборотлар ҳамда материаллар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи жисмоний шахсдир».

Таърифнинг қанчалик мукаммаллигини баҳолашдан олдин баъзи мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Аввало, «журналист» нисбаси кимга берилади? Маълумки, ҳозиргача ТошДУда шу касбга ихтисослашган факультет бор ва уни муваффақиятли битирганларга «журналист» деган диплом берилади. Шунингдек, асли ихтисоси ўқитувчи, агроном, қурувчи ва ҳоказо бўлган кишилар ҳам матбуотда қатнашиб юрса, «журналист» деб аталади. Кўриниб турибдики, бу ўринда бир ҳақиқатни инкор этувчи икки жиҳат бор: ё университет дипломига эга бўлган ва матбуотда ишлаётган ходим «журналист» деб аталиши лозим (ахир давлат ҳужжати (сертификати)да шундай ёзилган), ё исталган ихтисосликка эга, бироқ табиий қобилияти (бошқа қандай асос бор?) туфайли матбуотда ишлаётганлар «журналист» деб аталади. (Бунда журналист бўлиш учун университетнинг шу факультетини тугаллаш шарт бўлмай қолади). Ҳаётда ҳам шундайку: ветврач ҳеч қачон врач деб ёки зоотехник фельдшер деб юритилмайди. Бу мулоҳазалар майда гапдек туюлади, бироқ унинг замирида катта ҳақиқатлар мавжуд. Аввало, журналист касбининг обрўсини сақлаш учун бу нисбани, қолаверса, шундай ихтисослик ёзилган дипломни ҳар қандай шахсга беравермаслик лозим. Агар «журналист» атамаси, олайлик, сайлаб қўйиладиган вазифалар — раис, бошлиқ, котиб сингари тушунчаларни ёки ёзувчи, шоир, рассом, хонанда сингари табиий қобилият турларини ифодаласа, дипломда бошқачароқ (олайлик, «оммавий ахборот воситалари ходими») тарзида қайд этишга тўғри келади.

Бу — масаланинг юза томони. Ички моҳият шундаки, журналистлар тайёрлаш тизими қатъий ислоҳотга муҳтож. Фикримни аниқ мисол билан давом эттираман: журналистика факультетини 54 киши битирган эдик, шулардан 5—6 киши матбуотда ишляпти. Бу ёғини ҳар ким ўзича

мулоҳаза қилиб кўрсин. Шу ўринда баъзи чет эллардаги тажриба эсга тушади. Уларда бундай ўқишга фақат олий маълумотли, ўзини журналистикада кўрсата олганлар қабул қилинар ва 2 йил ўқитилар эди.

Бизда ҳозирги тартибни шундай ўзгартириш мумкин: журфак талабасининг қобилияти учинчи курсгача маълум бўлиб қолади. Шу вақт мобайнида улар сараланиб, муносиблари кейинги босқичга ўтказилса, қолганлар филология, тарих, география... сингари мутахассисликларни танлаши мумкин. Шунингдек, 4-курсга ўзининг ижодкорлигини намойиш эта олган бошқа факультет талабаларини ҳам қабул қилса бўлади. Негаки, журналистика ёзувчилик ҳам, шоирлик ҳам, ҳатто ноширлик ҳам эмас, унинг ўзига хос қиёфаси бор.

Журналистика соҳасида қонун қабул қилишга киришлар экан, бу тармоқда «чақилмаган ёнғоқ» бўлиб турган бир масалага ойдинлик киритиш лозим, деб ўйлаймиз. Бу — журналист меҳнатига ҳақ тўлаш. Ҳозиргача амал қилиб келинган тартибларга кўра, ойлик маош белгилашда ходимнинг маълумоти, иш стажи, маҳорати ҳисобга олинмайди (эълон қилинган мақолалари учун алоҳида қалам ҳақи тўланади). Бўлим муҳаррири, катта мухбир, мухбир тарзида белгиланган вазифалар ўртасида маошдаги фарқ жуда оз. Яъни, кечагина мактабдан келган, улбул қоралаб юрган ҳаваскор ишга келса, унинг вазифаси университетни тугатган, 20 йилча ишлаб қўйган, кўплаб совринлар эгаси бўлган ходим билан тенг бўлса, бир хил маош олаверади. Бошқа соҳалар (масалан, ўқитувчилар, шифокорлар) учун тоифалар жорий қилинди, улар муттасил аттестациядан ўтказиб туриладиган бўлди. Ходимнинг ўз маҳоратини ошириб боришига ундайдиган, шунингдек, ижтимоий адолат мезонларига мос келадиган ҳақ тўлаш тартиблари журналистлар учун ҳам жорий қилинса, айти муддао бўларди.

Лойиҳаларда журналистнинг ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунлар ҳимоясида бўлиши кафолатланиши қатор моддаларда таъкидланади, бироқ бундай кафолатларнинг механизми аниқ эмас. Эҳтимол, бу ҳолатлар қонун мақомига тўғри келмас, нима бўлганда ҳам

ижтимоий муҳофазанинг амал қилиши аниқ акс этса яхши бўларди. Кўриниб турибдики, қонунларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун яна қатор қўшимча ҳуқуқий меъёрларни яратишга тўғри келади. Ёки бир лойиҳа ичида мантиқан бир-бирини инкор этувчи, журналистнинг «... башарти, ахборот манбаи ёки муаллиф эътироз билдирса, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас», «... зарур техника воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас» тарзидаги ҳолатлар қандай шароитларда татбиқ этилиши тўлароқ ифодаланиши керакка ўхшайди.

Албатта, бундай масалаларнинг ечими қонун қабул қилиш орқали кўзда тутилган мақсадларга нечоғлик хизмат қилиши ҳақида олдиндан бирор нарса дейиш қийин, бироқ мустақил Ўзбекистон журналистикасининг пойдевори биринчи ғиштларданоқ мустаҳкам бўлишини истаймиз. Зеро, маданиятимизда нисбатан ёш соҳа (жаҳон талаблари даражасидаги журналистика унсурлари бизда ўтган аср бошларида пайдо бўлган, дейиш мумкин) ҳисобланмиш матбуотимиз ғоявий тазйиқлар остида бўлган шўро замонида ўзбекона андиша, илтифот, қолаверса, чўчиш туйғуси билан қўшилиб, чинакам қиёфадан маҳрум бўлди. Ана шундай даражадаги меросга ворислик қилаётган бугунги матбуотимизга «Тўртинчи ҳокимият бўла оладими?» тарзида қўйилаётган талабнинг эриш туюлаётгани ҳам табиий. Аслида эса маънавиятнинг бу жабҳаси жамият аъзоларини улуғвор мақсадларга руҳлантирувчи, шу йўлда камарбаста бўлиб хизмат қилувчи, халқимиз обрўси, бўй-бастига мос баркамоллик касб этган собит кучга айланиши лозим. Зиёлилар орасида умуман оммавий ахборот воситаларига нисбатан ишлатилувчи «тўртинчи ҳокимият» ибораси шунчаки маънавий «инъом» бўлиб, аслида, бу соҳа қўлида ҳеч қандай ҳокимият йўқ. Унинг «ҳокимияти» — тўғри, адолатли сўзи, беғубор, холис хизмати. Шу жиҳатдан буюк орзулар билан яшаётган юртимизнинг ёруғ манзилларни кўзлаб борувчи карвонида матбуотимиз (радио, телевидение) ҳозирча салмоқли юкни елкасига олган «тўртинчи» («бешинчи» эмас!) «ғилдирак» бўлиб хизмат қилиши тайин. Бундай

шарафли масъулиятга қабул қилинадиган қонунларнинг ҳаётийлиги аниқ кафолат яратади.

1996 йил

МАТБУОТ «ҚИРОЛИ» КИМ?

Маърифатли хонадонларда бир таомил шаклланган: ҳар куни азиз меҳмоннинг йўлига кўз тиккандек, кундалик матбуот нашрлари интиқлик билан кутилади. Бу «меҳмон» латифа айтиб, аския қилиб турмаса-да, ўзи билан бутун жумлаи жаҳон нафасини хонадонга олиб келади. Унинг саҳифалари орқали кўз илғамас, ҳаёл етмас муҳитларда содир бўлаётган янгиликлар, ақлий тафаккурнинг жами жабҳаларига доир мавзулар билан ошно бўлиш мумкин. Қандай мўъжизакор кучга эга бу газета-журналлар! Шунинг учун ҳам одамлар уларни яхши кўради, оила бюджетидан тежаб бўлса ҳам уларга обуна бўлади.

Айни пайтда матбуотнинг мазмуни янада бойиди: бозор иқтисодиёти шароитида у олди-сотди иқлимини шакллантиришга ҳам хизмат қила бошлади. Бугун газета-журналлар саҳифаларида дид билан тайёрланган рекламаларга ҳар қадамда дуч келиш мумкин. Бу, албатта, ижобий ҳол, жаҳон тажрибасида мавжуд ҳодиса. Демак, бу ҳолга қатъий эътироз билдириб бўлмайди.

Шу ҳолдан келиб чиқиб, бугун матбуотни (умуман, оммавий ахборот воситаларини) шартли равишда уч йўналишга ажратишяпти: давлат тасарруфидаги; хусусий; тижорат нашрлари. Агар бу шартли бўлинишнинг заминига қарайдиган бўлсак, кейинги икки йўналиш биринчисидан ажралиб чиққанини сезиб олиш қийин эмас. Бинобарин, ҳар қандай шароитда ҳам улар мавжуд тартиблардан, ўрнатилган қоида-ю амалдаги қонунлардан чиқиб кетолмайди. Қолаверса, бундай нашрлар ҳам матбуотнинг энг муҳим мафкуравий қурол эканини инкор этолмайди.

Ҳа, матбуот ҳозиргача асосий мафкуравий минбар бўлиб келди ва ҳозирча бу вазифани шу даражада уддалайдиган бошқа восита пайдо бўлгани йўқ. Тўғри, қайси-

дир даражада телевидениенинг келажагига умид билдирилмоқда, бироқ у ҳар қанча такомиллашмасин, қоғоздаги босма сўз ўрнини босолмайди, газета-журнал бажарган вазифани эплай олмайди. Қайси маънодаки, матбуот намуналарини сақлаб қўйиш, ёнда олиб юриш, исталган пайтда унга мурожаат этиш мумкин. Радио ёки ТВнинг тарқалиш доираси, акс эттириш, кўрсатиш имкониятлари юқори бўлса-да, уларни тутиб қолиб бўлмайди.

Айниятни қарангки, газета илк марта бозор янгиликларини акс эттириш мақсадида юзага келган эди, бугун ана шу «парвоз майдони»га яна қайтилмоқда. Газеталарда рекламанинг пайдо бўлиши унинг қиёфаси ва табиатини бутунлай ўзгартириб юборди. Шу ўринда табиий савол туғилади: ҳўш, ҳозир матбуотда қайси йўналиш етакчилик қилмоқда? Албатта, «етакчилик» деганда қандай мақсадлар кўзда тутилганини кенгроқ изоҳлашга тўғри келади.

Демак, эркин иқтисодиётга ўтилиши билан жамиятнинг ижтимоий қиёфаси ўзгарган экан, унда матбуотнинг ўрни қандай бўлади, деган савол жиддий талқиқотларни талаб қилса-да, тузумлар, асрлар синовидан ўтган бир ҳақиқатни ўрни келганда эслаб қўйиш лозим: «инсонни ҳайвондан ажратган» (Алишер Навоий) сўз ҳар қандай шароитда ҳам ўз қудратини ва мавқеини бир хил сақлаб қолаверади. Шунинг учун шўро тузуми шароитида матбуот ёлгон мафкурага хизмат қиларди, энди рекламага зўр бериш керак, деган фикрлар нотўғри, балки хатодир. Одам зоти токи маънавий озуқа олиш эҳтиёжини туяр экан, газета-журналларнинг бош вазифаси ана шу мақсадга (эҳтиёжга) хизмат қилиш бўлиб қолаверади. Бинобарин, жамият аъзоларини ягона ғоя агрофида бирлаштириш тараққиёт шарти экан, давлат тасарруфидаги матбуот нашрлари етакчилик қилиб қолаверади.

Ҳўш, ўз истиқлоли бағрида туриб, порлоқ келажагини излаётган юртимизда фуқароларимизнинг матбуотга муносабати қандай? Шу савол билан исталган кишига мурожаат этсангиз, у ниманидир гапирарди, жим қолмайди (ё маъқуллайди, ё танқид қилади). Хуллас, халқ бу масалада бепарво эмас. Бироқ матбуот сўзининг хонадон-

ларга, одамлар қалбига кириб боришида ўзгачароқ манзара юзага келган (ҳеч ким ўзи билмаган нарса ҳақида фикр билдира олмайди, инчунин, бугунги газета-журналлар ҳақида фикр айтиш учун улар билан таниш бўлиш лозим — бу биринчи муҳим шарт). Демокчимизки, юртдошларимизнинг бугунги матбуот билан ошнолиги мақтанарли даражада эмас. Бир ҳаётий мисол: долзарб мавзуда мақола эълон қилишди, унда туман ҳаётига доир кўпчилик назаридаги масала қаламга олинган эди. Бу ҳақда туман мутасаддиларини огоҳлантириб қўйиш ҳам ёддан чиқмади, чунки газета тиражлари камайиб кетган, почта хизмати ҳам тезкор эмас, шунинг учун улар беҳабар қолмасин, мақолани ўқиб, ўз муносабатини билдирсин, деган андиша бор эди. Орадан бир ойлар ўтиб, йўлимиз шу туманга тушди ва раҳбарларнинг мақола ҳақидаги фикри билан қизиқдим. Афсуски, улар газетани топиша олмаганини изҳор этишди. Мана, муҳокама қилиб кўриладиган факт!

Тўғри, ижтимоий муносабатлар табиати ўзгараяпти. Бозор муносабатлари талаб ва таклиф мезонини қатъий қилиб қўяди. Эҳтимол, ўша туман мутасаддиларини газета ўқишга вақти етмаётгандир ёки матбуот тарқатиш хизмати яхши йўлга қўйилмагандир ёхуд мақола уйқуни очиб юборадиган, излаб топтирадиган даражада «кучли» чиқмагандир. Бироқ нима бўлганда ҳам бундай ғофилликни оқлаб бўлмайди. Негаки, маданий одамзоднинг маърифатга ошнолиги бугун ёки кеча пайдо бўлган гап эмас. Балки инсоният ўз такомилида ана шу омилга таянди: кимдир ички ёнув дастгоҳини кашф этди-да, одамлар машина-механизмларга эга бўлди, биров вабога қарши дорини топди — миллионлаб одамлар ўз ҳаётларини сақлаб қолишга эришдилар. Бу таомил бугун ҳам ўзгаргани йўқ! Ҳар қандай янгилик, кашфиёт ахборот алмашиш йўли билан тарқалади.

Айни ўтиш пайтида қайси йўналиш вазиятга тезроқ мослаша олган бўлса, бошқалардан анча олдинлаб кетди. Жумладан, реклама нашрлари бугун матбуот бозорида етакчилик қилаяпти. Шундай нашрлар юзага келдики, энди улар билан ҳисоблашмаслик мумкин бўлмай қолаяпти.

Бундан 6—7 йил олдин йўқ жойдан иш бошлаган шундай нашрлардан бирининг ҳозир тўрт қаватли хусусий биноси (бутун жиҳозлари билан), бир нечта машинаси бор. Улар яна қурилиши чала қолган бир бинони сотиб олиш тараддудида юришибди. Бу нашрни бизнинг ўзбек муштарийларимиз билмасликлари мумкин, чунки у маҳсулотларини рус тилида чоп этади. Нима бўлганда ҳам бизнинг матбуот оламимизда ана шундай ишбилармон, замонавий нашрнинг мавжудлиги ижобий ҳодиса, нега бизлар уларнинг тажрибаларидан фойдаланмаймиз? Ҳолбуки, ҳозирги кунда «Труд-7», «Аргументи и факти»га ўхшаган кенг қамровли, ўзбек тилида чоп этилаётган бирорта нашрни топа олмаймиз.

Газеталар тижорати билан шуғулланадиган бир танишимиз одамларда матбуотга чанқоқлик сезиларли даражада ортиб бораётганини айтиб қолди. Улар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга босма нашрлар орқали жавоб топишни хоҳлайдилар. Ҳозирча эса бу эҳтиёж тўла қондирилаётгани йўқ. Демак, матбуот «қироли»нинг майдонга чиқиши галда турибди.

2001 йил

СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

ЗАНЖИРСИМОН ТАЪСИР

Ҳамкасблардан бири анча вақт аччиқ изтироб ичида юрди (бунга узоқ йиллар бўлди). Эмишки, ҳозир (ўшанда) истеъмолда бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири тановул қилишга бутунлай яроқсиз, унинг таркибида пистицид миқдори меъёридан минг (!) баравар кўп эмиш. Албатта, бу унинг шахсий кечинмаси эди ва тирсагидан ёғ оқизиб ош ейдиган азаматлардан ҳеч бири бу хусусда эътирозини изҳор этмаганди. Хуллас, бунақа куйинишлар ҳавода қолиб кетаверди ва бирор ижтимоий таъсирга эга бўлмади.

Шундай мулоҳазалардан кейин халқимизнинг чиройли бир мақоли эсга келади: «Қарс — икки қўлдан!» Ҳа,

қарсак чиқариш учун икки қўл барабар ҳаракат қилиши керак. Ҳеч бўлмаганда — икки қўл (нақд) бўлиши керак (зеро, қарсак чалиш мавриди келиб қолса, бундай бутунлик асқотиб қолиши мумкин). Дейлик, матбуотда айтиладиган ҳар қандай фикр жамоатчилиikka мўлжалланган (аталган) бўлади ва унинг қай даражададир акс таъсири кутилади. Негаки, оммавий ахборот воситаларида милтиқнинг ўқидай тўғри фикрлар баён қилинавермайди. (Буни шу воситанинг табиати талаб ҳам қилмайди). Изҳор этилган ҳар бир гап кимнингдир шахсий мулоҳазаси бўлади (шунинг учун ҳам ҳар қандай ахборот маҳсулоти — у икки сатрли хабар бўладими ёки газетанинг йигирмата сонида давом этган туркум мақола бўладими — охирида муаллифнинг исм-шарифи (тахаллуси), ҳатто унвони, иш жойини ҳавола этиш урф бўлган). Энди тасаввур этинг, сиз муҳтарам жанобга яқинлашасиз-да, ўз меҳрингизни шундай ифодалайсиз: «Сиз — шерсиз, бундай талъат фақат шерларда бўлади!» Табиий, сиз унинг муносабатини кутасиз, у эса ... жим. Бироз алам қилади, жаҳлингиз чиқали, энди бу сафар ғазаб билан дейсиз: «Сиз — маймунсиз, бундай талъат фақат маймунларда бўлади!» Афсуски, бу гал ҳам у жим, ҳатто қошини учириб ёки лабини қимтиб ҳам қўймайди. «Нима бу, шердан тарқалган маймунсифат махлуқми?» — ана шундай аччиқ хулосага келасиз-да, ундан узоқлашасиз. Ҳар доим шу ҳолатни эслаганда табингиз тирриқ бўлгани қолади, холос.

Ана шундай вазиятда нима қилиш керак? Саволлар эса кетма-кет қўйилиб келаверади: «муҳтарам жаноб» нега пинагини бузмади, балки моҳиятни тушунмагандир ёки ростдан унга ҳамма нарса бир хил туюлар. Эҳтимол, бундай савол-жавобга ўрганмагандир? Нима бўлганда ҳам уни оқлаб бўлмайди. Жумладан, «кўпдан бери газета ўқимайман, нимани ҳам ёзарди?» тарзида ёзғирадиган зотларни ҳам. Унинг газета ўқимаслиikka ҳаққи йўқ, негаки, шу жамиятда яшаяптими, унда кечаётган ўзгаришларга бепарво бўлишга ҳаққи йўқ. Нима гапки, ўзинг яшаётган уйга ўғри тушса-да, сен бошингни кўрпага буркаб, қўшнини ёки милисани кутиб ётсанг. Ёхуд улуг ўзгаришлар ичида

яшаётган юртнинг зафарли одимлари ҳеч кимни бепарво қолдирмаслиги табиий-ку. Шу тарздаги лоқайдлик, бепарволик туфайли пестицидлар, гербицидлар ҳақидаги қанчалар изтироблар ҳавода қолиб кетган эди.

Фикрларимизнинг буромади шуки, ахборот воситалари билан унинг «истеъмомолчи»лари — жамоатчилик ўрта-сида икки томонлама «борди-келди» бўлмоғи лозим. Бўлмаса, коптокни отасиз, у деворга тегиб қайтмайди-да, ҳовузгами, далагами тушиб, йўқ бўлиб кетаверади. Муҳокама майдони пайдо бўлмайди. Жамоатчилик фаоллиги, жамоатчилик фикри юзага келмайди. Матбуотчилар ўз фаолиятларига баҳо бера олмайдилар. Сўзнинг яратувчилиқ, бунёдкорлик қудрати жамият қурилишида ўз салоҳиятини намоиш эта олмайди.

Одатда, жамоатчиликка ҳавола қилинадиган фикр унинг кайфиятидан, талабидан келиб чиқиб белгиланади. Дейлик, ҳамма баҳор, гул-чечаклар, анвойи бўйлар ҳақида орзу қилиб турганда қиш, қаҳратон совуқ, изғиринлар тўғрисида оғиз очиш ножоиз. Мабодо, шу ҳақда гапириш керак бўлганда ҳам кўпчиликнинг руҳий ҳолатига мослаб, мулоҳазаларимизни қабул қила олишига муҳит яратиб, мавриди келганда гап бошланади. Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашилмаса, ўртада жарлик пайдо бўлади, ҳар икки томон ўз йўриғида кун кўраверади...

Суҳбатларимиз асносида гап айланиб, шунга тўхтади. Ўзига ишонган, ҳаётдан мамнун ҳамкасблардан бири: «Жамоатчилик фикри, деб куйиниб юраверманг, жўра. Ҳозир ундан ҳам муҳим ишлар бор», дея аския қилди. У назарда тутган «муҳим иш»лар менга маълум эди: зиёфатга таклиф қилинган жойга қийналмай етиб бориш, нари борса, дастурхонда тортилиши лозим бўлган таомлар сони уни безовта қиларди. Агар биз юксак туйғуларни майший ташвишлар билан қориштириб юборсак, ёруғликдан, ёруғ ғоялардан маҳрум бўламиз. Ҳозир бачкана майлларни енгиб, ўзни жиддий вазифаларга сафарбар этиш мавриди.

ОТ АРАВАНИНГ ОРТИДАМИ, ОЛДИДА?

Агар одамларнинг ахборот воситаларига қизиқиши ҳақида гап кетадиган бўлса, юзага келган аҳволнинг сабабларини соҳанинг ўзидан ахтарган маъқул.

Истиқдол йилларида ўзбек матбуоти янги руҳ, янги ғоялар билан бойиди. Мустақилликнинг халқимиз тақдирида ўйнаган буюк миссиясини кўрсатиб беришга бағишланган кўплаб мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар юзага келди. Айниқса, тарихий мавзуда, иқтисодий ислохотларнинг бориши хусусида кўп ва ҳўб ёзилди. Хуллас, ўтган йиллар изланиш ва янгиланиш босқичи бўлди. Ана шундай ижодий жараёнда кўплаб ютуқлар қатори баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Уларнинг иккитаси ҳақида шахсий мулоҳазаларимизни баён этишга жазм этдик.

Одамлар диққатини тортишнинг энг ўнғай йўли — оқни қора деб ёзиш эмасми? Ҳамманинг кўз олдида каззоб, муттаҳам сифатида ном чиқарган кишини мақтаб ёки, аксинча, ҳалол бир одамни нопокликда айблаб мақола ёзсанг, ҳамма ўқийди. Яна маҳорат шунчалар юқорики, ўқиганлар ишонади, бу одамни шунча йилдан бери билмасликларидан афсусланиб, ёзган мухбирга тасаннолар айтишади. Нима бўлади бу, журналистиками? Йўқ, бу — антижурналистика! Негаки, журналистика пайдо бўлиши билан унинг байроғига адолатга, ҳалолликка, тўғрилиқка хизмат қилиши ёзиб қўйилган, у ана шу эътиқодга содиқ қолди ва шу туфайли умуминсониятнинг маънавий бойликларидан, қадриятларидан бирига айланди.

Ёки хуфёна усуллардан бири — шов-шув (сенсация) чиқариш учун ҳам ғайритабиий усулда ёзиш мумкин. Масалан, газеталардан бири «Космосда қора юлдуз пайдо бўлди», деб шов-шувли хабар тарқатади. Кейинги саҳифаларида (сонларида) олимлар, фолбинлар, турли соҳа кишиларининг фикрини эълон қилиб, маълум муҳит яратади. Кўп гаплар айтилади, кўп муносабатлар ойдинлашади, энг муҳими — газета тиражи ошиб, ўқувчилари кўпаяди. Охирида баҳсни соддагина қилиб шундай якун-

лаб қўяди: «Космос» футбол клубида Пеле фаолиятини бошлади». Бироқ газета фақат олди-қочди, шов-шувлар билан яшай олмайди, унинг вазифаси — турли воситалар билан тафаккурни озиқлантиришдир.

Матбуотда баъзан юқоридаги ҳолларнинг кўзгудаги аксига ўхшаган манзараларга дуч келамиз. Мақсад кимнидир улуғлаш бўлмаганидек, бошқа бировни ёмонотлиқ қилиш ҳам эмас. Шунинг учун матбуотимизнинг умумий тажрибасидан келиб чиқиб, фикр юритамиз.

Бир ҳамкасбимиз бўларди. Сиртдан қараганда ҳеч нуқсони йўқ: ишхонада тартибли ходим, оилада намунали эр, меҳрибон ота. Ҳаётда ҳам амал қиладиган эътиқоди аниқ, бир оз художўй, боз устига улфатчиликларни ҳам тарк этмайди. Ёзса, бир қаламкашча мақсадга эришади, газетачиликнинг паст-баландини яхши ўзлаштирган. Ҳатто шундай бўлдики, бир вилоят миқёсидаги корхона фаолиятини ипидан-игнасиғача ўрганиб, газетада танқидий мақола билан чиққанда, анча нуфузли ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам бошида шошиб қолишди. Далиллар салмоқли, гувоҳлар аниқ, таҳлил жойида, мақола баҳор осмонидаги момақалдиरोқдек акс садо берди. Ҳаммаси шу билан поёнига етган, бир корхона фаолиятига ҳолисона баҳо берилиб, нуқсонлар очиб ташлангани рост бўлганда «окей» бўларди, бироқ пиёла тагидан нимпиёла чиқиб, ишни расво қилди. Албатта, бу хулосага бирданига келингани йўқ, яна қанча қўшимча текширувлар бўлди, мавзуга қайтиб, иккинчи мақола эълон қилинди. Қанча асаблар қақшади, вақт кетди. Хуллас, маълум бўлдики, мухбир буюртма билан иш тутган, олишаётган икки гуруҳдан бирининг маълумотларига ишонган, номига ижодий сафарга бориб, танқид қилинадиган объект билан чуқур танишмаган. Ўзига «рақиб» томоннинг асосли далилларига қулоқ тутмай, дўқ-пўписа билан муомалада бўлган. Шундай қилиб, мухбирнинг ҳолис позицияда турмаганлиги туфайли, бошқа зарарларни истисно қилганда ҳам, матбуот обрўсига путур етди.

Қизиғи шундаки, шу ҳамкасбимиз бундай қилиғини яна 2—3 марта такрорлайди. Фақат бир томоннинг манфаатини кўзлаб танқидий мақола эълон қилади. У томон

билан ҳисоблашмайди. Боз устига ўз хатосини тан олмайди, «мен айтганимдек бўлиши керак» деб туриб олади. Мен, ўзимча: «Бу одам ўртада тура олмас экан» деган хулосага келдим. Хўш, «ўртада тура олиш», яъни адолат тарозисини тўғри қўйиш учун нима қилиш керак? Бу саволни «... қандай одам бўлиш керак?» тарзида қўйиш тўғрироқ бўларди. Ўзбекона жавоб берсак: «Зўр одам бўлиш керак», яъни икки томонни ҳам дўсти, ватандоши сифатида тенг тутиб, ўзини енгиб бўлса-да, ҳақиқатни ҳимоя қилиши керак! Бу юмуш оғирми? Оғир, жуда оғир!

Шундан кейин ўша ҳамкасбимнинг юриш-туришига зимдан разм сола бошладим. Рисоладагидек одам. Бир сафар лифтда дуч келиб қолдик, учинчи қаватга чиққунча тўрт марта Аллоҳни йўқлади. Кузатишларим давомида сездимки, унда ҳамма нарса бисёр эди, фақат кенг масштаб, улкан қалб етишмас экан. Ҳамма нарсага, одамларга ҳам ўз манфаати нуқтаи назаридан ёндашар, баҳо берар экан. Унга ёққан одам — яхши, ёқмагани — ёмон! У ана шу темир қафасдан чиқиб кетолмас экан. Шунда маълум бир ҳақиқатни эсладим: катта журналистикани катта шахслар яратади.

Гап шахслар ҳақида кетар экан, бошқа касб эгаларини камситмаган ҳолда шу ўринда бир дўстимизнинг жайдари фалсафасини келтириб ўтишни лозим топдим. У дейдики, бирор юртга ҳар қандай касб эгасини четдан таклиф қилиш мумкин, бироқ журналистни четдан келтириб бўлмайди. Ўша халқ, миллат руҳини акс эттириши учун бу соҳанинг бўлажак вакили шу заминда улғайиши, илдиз отиши лозим. Туғилганидан қулоғига шу юрт шовқинлари кирсин, кўз очиб шу жой манзараларини кўрсин, шу тупроқ анъаналари, урф-одатлари руҳида улғайсин... Шундан кейин у миллий журналист, қаламкаш бўлади. Менинг ҳам шу гапга ишонгим келади.

БУГУННИНГ СЎЗИ

Баён қилмоқчи бўлган иккинчи мулоҳазамиз ҳам шу фикрларнинг давомига ўхшайди. Демак, журналистикада кўп нарсани қалам (микрофон) тутган қўл эгасининг

кимлиги, шахсий «мен»и ҳал қилар экан. Шу ўринда мен бу соҳа кишиларини лакмус қоғозига ўхшатдим — қандай муҳитга кирса, ўша муҳит руҳига қараб ўзгариши, аниқроғи, ўша муҳитдаги ўзгаришни ўзига сингдириб, акс эттириши керак. Муаллақ ҳеч нарса барқарор эмас. Ҳаводаги пуфакни, денгиздаги оппоқ қайиқчани тасаввур қилинг, уларнинг бошига қандай шўришлар тушади. Худди шундай, сўз ҳам, муносабат ҳам муаллақ ҳолда яшай олмайди. Хусусан, матбуот сўзи мустақкам занжир билан ижтимоий заминга боғланган бўлиши керак.

Агар менинг тишим оғриётган бўлса, бу фожиа эмас, у менинг шахсий дардим. Мабодо, кўпчиликнинг тиши оғриётган бўлса, бу ижтимоий муаммо. Мабодо, мен айнан шу муаммо ҳақида сўз айтишга жаҳд қилдимми, демак, менинг сўзим барча тиши оғриётганларга аталган бўлиши лозим. Боз устига, мен тишим оғриётганини нари борса, энг яқин одамимга шипшип айтишим мумкин, буни томга чиқиб жар солиш шарт эмас. Мабодо, тиш оғриғи ҳақида оммавий ёзилаётган ёки гапирилаётган экан, яъни матбуот мавзусига айланган экан, унда шу дардга чалинганлар ўзларига наф олишлари лозим.

Энди, қаранг. Ҳозир газеталарни варақласангиз, чиройли иборалар билан ёзилган лавҳаларга, кўнгил очар қатраларга кетма-кет дуч бўласиз. Улар ўзларидек чиройли рукнларда бўлади: «Ўқинг, қизиқ», «Ажабо», «Ҳордиқ лаҳзаларида». Ёки радио-телевидениеда ширали овоз, ёқимли афт-ангор билан шундай мавзулар ҳақида гап қилинадик, куни билан ўтириб тингласангиз ҳам тўймайсиз. Фақат охирида битта савол ҳаммасини чирпирак қилиб юборади: эшитган-кўрганларимнинг бугунги ҳаётимга қанчалик дахли бор, менга нима берди?

Матбуот — бугунги куннинг сўзи, овози, қиёфаси. Демак, эрта учун бугунги куннинг тарихи. Шундай экан, ҳар бир сатрда, ҳар бир нафасда бугунги кун ҳарорати уфуриб туриши керак эмасми? Рост, кўплаб мақолалар, чиқишларни бундан ўн йил олдин эълон қилганда ҳам ҳеч нарса ютқазмасди, бундан ўн йил кейин эълон қилса ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Шубҳасиз, ҳар бир унсурдан ижтимоий мазмун қидиравериш тўғри эмас, бироқ замон-

дошларимизнинг кайфияти, ўй-хаёллари бутун борлиғи билан акс этиши керак бўлган шароитда асосий урғу чучмал мавзуларга қаратилса, буни тўғри деб бўлмайди. Нафсиламрини айтганда, матбуот ижтимоий табиати билан фан ёки санъатдан устун туради, унинг вазифаси — айнан шу кунга хизмат қилиш. Демак, муаллақ мавзуларга зўр бериш, ружу қўйиш қайсидир маънода бугунги кун воқелигидан ўзини четга олиб қочиш, кўриб-кўрмасликка олиш, аниғи, бепарво бўлиш билан барабар. Қолаверса, бундай маҳсулот салмоғининг кўпайиб кетиши жамоатчиликнинг қизиқишига ҳам таъсир этади ва бошида таъкидланган «занжирсимон муносабат»ни сусайтиради...

Ўз мустақиллигини дунёга дадил кўрсатаётган юртимизда улуг мақсадларга илҳомлантирадиган ёниқ сўзга зарурат бисёр. Зеро, сўз қандай ишга йўлланиши билангина қимматлидир. Улкан ёзувчилардан бири таъкидлайдики, сўз — шамолга қараб учадиган ўйинчоқ пуфак эмас. У иш қуроли: у маълум даражадаги оғирликни кўтариб турмоғи лозим. Ўзгалар кайфиятини қанчалик ром этиши ва ўзгартиришига қарабгина биз сўзнинг аҳамияти ва кучини баҳолашимиз мумкин (В. Короленко).

Матбуотимиз айни кунларда жаҳон андозаларини кўзлаб дадил изланмоқда. Бугун журналистикамиз халқимизнинг бунёдкор табиатини, истиқлолга садоқатини, эртанги кунга ишончини ёрқин бўёқларда акс эттирмоқда. Биз баён этган мулоҳазалар эса кечаги кун тажрибасининг ҳосилалари эди. Албатта, ҳозирги янгилашниш, улғайиш даври кўнгилда ишонч уйғотади ва ёқимли хулосалар чиқаришга изн беради.

2002 йил

ИСТЕЪДОДНИНГ КУЧИ

ёки камарбасталик масъулияти

Шарқнинг улуг шоирларидан бири Абдураҳмон Жомийнинг шундай байти бор:

Асло мансаб билан буюкмас одам,
Мансаб одам билан мухтарам.

Гарчи мазкур сўзлар муҳокама мавзуимизни айнан ифодаламаса-да, фикримизни аниқлаштириш мақсадида истисно тариқасида унинг бир қиррасидан фойдаланмоқчимиз. Демак, мансаб, унинг барча даражалари буюклик мезони эмас, балки мансаб одам билан қадр топади. Мутафаккир шоир бу ўринда яна бир марта «Инсон — олам гултожи» деган ақидани тасдиқлаяпти ва «Одам мансаби (балки касби) билан мақтанмасин, одам эканлиги билан мақтансин, фахрлансин» деб панд берапти. Таассуфки, ҳали гулзорни кўрмай, «дунёни гулга кўмиб ташладик» деб бонг урилса ёки ҳали қирга чиқмай тоғни эгаллаганлик даъвоси билан чиқилса, борингки, кимлардир Сўзнинг таъминотишга улгурмай, соҳанинг азобларини юрагидан ўткармай, фақат ташқи ялтироқликка маҳлиё бўлиб, «Биз... журналистлар» деб тўтиқушдек такрорлайверса ҳам одамнинг энсаси қотар экан.

Назаримизда, бирор касб эгаси бўлиш (ҳозирча бу тушунчанинг бошланғич маъносида, яъни «диплом эгаси бўлиш») билан бошқа касблагиларга писанда қилиб, уларнинг қаршисида керилиб, «Биз...» деб гапиришнинг ўзи тарбиясизлик, жамоатчилик олдида одобсизлик. Агар хотирамиз чалғитмаса, биз бирор ўринда оммавий тарзда (минбардан туриб) «Биз агрономлар», «Биз юристлар» ёки «Биз деҳқонлар» тарзидаги «камтарона эътироф»нинг (аслида гердайишнинг) шоҳиди бўлмадик. Бироқ жамиятда мавқеи ёки зарурати (ижтимоий масъулияти) асло бирибидан кам бўлмаган касб кишиларининг хизматига бел боғлаган соҳа одамлари, бир томондан, вазифасини суистеъмол қилиб, иккинчи томондан, камтарлик қилиш, одоб сақлаш ўрнига ўзига бино қўйиб, манманлик билан «Биз...» деб турса, касб одобини, ўзининг энг оддий бурчини ки биринчи қадамда унутса, ундан жамият нима кутади ёки у жамиятга нима беради?

«Камтарона эътироф»ларга қулоқ тутайлик: «Ҳозирги шароитда биз журналистларнинг масъулияти ўн чандон ош-

ган», «Эндиликда биз журналистлар фақат она тилини эмас, чет тилларни ҳам билишимиз керак», «Биз журналистлар ҳаётга яқинроқ туришимиз...» ва бошқа «биз...», «биз»лар... Бу ҳиссис, сохта эътирофларни тинглаган иқтисодчи, муҳандис ёки қурувчи: «Шунга шунчами, ахир ўз ички ишингни ўзинг эплейвермайсанми? Нима қиласан ялтоқланиб», демайдими? Ёки таги пуч, чучмал мулоҳазаларни тинглаб ҳафсаласи пир бўлгач, «дунёда журналистликдек жўн нарса йўқ экан», деган саёз хулосага бориши ҳам тайин-қу.

...Экранда ёқимтой чехра пайдо бўлади, титрда таниш ёзув — «журналист». У деярли чойхонадаги суҳбатлар даражасидаги гапларни такрорлаб ёки ўзи ҳам тўла тушунмаган ёхуд чуқур ҳис этмаган мавзулардан ул-булни «шоҳалаб» ғойиб бўлади. Яна ўша аянчли хулоса: «Дунёда журналистликдек жўн нарса йўқ экан...»

Кейинги пайтда қалам аҳли қаторида бошқа ҳамкасбларини ёзғирадиган, уларни у ёки бу мавзуда етарли ижод қилмаётганликда айблаётган назоратчилар кўпайиб кетди. Улар бундай фикрларини тор доираларда ёки ҳамкасблар даврасида эмас, тўғридан-тўғри микрофондан ёки газета саҳифалари орқали изҳор қилишмоқда. Яна бир савол туғилади: ҳўш, журналистнинг у ёки бу мавзуда чала ёзаётганининг ёхуд ёзмаётганининг жамиятдаги бошқа касб эгалари учун нима аҳамияти бор? Балки бу ҳам «фақат биз ишляяпмиз (ёзаяпмиз, бир-биримизни танқид қилаяпмиз)» қабилидаги сохта тасаввур учундир. Ўша зот жамоатчилик олдида ҳисоб беришга киришдими, гапни «мен (фалон-фалон) мавзуларда ёзмаяпман, бунинг учун мен хижолатдаман, чунки мен журналист сифатида жамият олдидаги мавқеим — шу куннинг нафасини матбуотга олиб чиқиш...ни эплей олмаяпман» сингари ўз-ўзини танқиддан бошласа, инсофдан бўларди. Чунки матбуот, умуман, журналистика соф ижодий соҳа ва бу соҳада фақат ижодий фаолият билан намуна бўлиш (ва таъбир жоиз бўлса, шу орқали танбеҳ бериш) мумкин.

Ҳўш, бугунги кун журналистдан (биз ҳам бу сўзнинг жарангига маҳлиё бўлибми, қайта-қайти ишлатишга маж-

бур бўлаяпмиз) нимани талаб қилаяпти ва у замон сўро-
гига нечоғлиқ жавоб бераяпти? Айнан шу ўринда бир
ҳақиқатни эслаб ўтиш жоиз бўларди.

Қалам — муқаддас қурол. Қалам тутган қўлнинг хо-
лис, беминнат хизмати билан ўткинчи дамлар сурати
абдийлик касб этади, ёзув орқали ҳаётимиз тарихга
муҳрланади, шу воситада одамлар ахборот алмашадилар ва
ҳоказо. Шубҳасиз, кўп нарсани қаламкашнинг касбга
лаёқати, маданияти ҳал қилади. Одамлар унга холислик-
нохолислик, поклик-нопоклик мезонларидан келиб чиқиб
баҳо берадилар. Шу туфайли ҳар бир давлатда конститу-
цион тузумга садоқатли ва касб маҳорати юксак журна-
листларни вояга етказишда ҳеч бир нарса аялмайди. Гарчи
зиммамизда шундай бурч турса-да, қалбимизда мустақил
она юртимиз камоли йўлида сидқидилдан хизмат қилиш
орзуси жўш урса-да, фақат касб маҳорати ва умуминсо-
ний миқёсларда фикр юритишда даврдан орқада қолаяп-
миз.

Шу мезондан (аҳволдан) келиб чиқиб хулоса қилади-
ган бўлсак, исм-шарифига жарангдор сўзни тиркаб олиш
билан ўзига бино қўйган ҳамкасбимизнинг болаларча чуч-
мал истагини ҳам тушуниш мумкин. Яхшиси, дунёда эз-
гуликка хизмат қиламан, умуминсоний ғояларни улуғлай-
ман, деб яшаётган кишилар эътиқодининг ифодасини ўз
хизматларимиз билан шарафлаб, бу унвонга бошқалар
икрори сифатида мушарраф бўлишга интилайлик. Бизнинг
зиммамизга ҳам давр, замона етарлича масъулият юкла-
моқда. Мавриди билан шуларнинг иккитасига эътибор
қаратмоқчи эдик.

Авалло, бу сўз (ва касб) атрофидаги англашилмовчи-
ликларга аниқлик киритиш лозим. Дейлик, махсус ўрта
маълумотли тиббиёт ходими — фельдшер, олий маълу-
мотлиси врач дейилади. Демак, кимни ким деб аташнинг
ҳам талаби, чегараси бор. Шунингдек, ветеринария врач
соҳаси яқин бўлса-да, соғлиқни сақлаш ходими билан бир
хил даражада турмайди. Ёки агроном иқтисодчи бўлиб
ишлай олмайди. Таажжуб, «журналист» сўзи эса бу дар-
гоҳнинг эшигини очиб кирган ҳар қандай зотга нисбатан

қўлланаверади. Ҳолбуки, «ҳаваскор муҳбир», «муҳбир», «шарҳловчи» сингари шу соҳага дахлдор касб номлари ҳам мавжуд. Бинобарин, бу сўзнинг (журналистнинг) мавқеини сақлаш учун маълум тартибларни жорий этиш лозимлиги аниқ бўлмоқда.

Маълумки, бу касб эгалари хабар берадилар, баён этадилар, ҳукм (тасдиқ ёки инкор маъносида) чиқарадилар. Бу босқичларнинг ҳар бирида унинг инсоний хислатлари муҳим (балки етакчи) мавқеда туради. Шундай экан, соҳада кимнинг фаолият кўрсатаётгани жуда муҳим. Бу ўринда журналистга қўйиладиган маънавий талабларни такрорлаш зарурати йўқ, бироқ бир нарса аниқки, ҳозирги шароитда баъзи ҳамкасбларимизнинг «ғайрат»лари туфайли касбнинг обрўсига путур етган. Одамлар билан мулоқотларда (уларнинг бу мавзуда ёлгон гапиришдан манфатдорлиги йўқ) «фалон муҳбир»нинг машинасига тўртта шина сўрагани ёки хўжалик раҳбаридан нимадир ундириш учун уни бир ҳафта пойлагани сингари «афсонавий» гапларни эшитамиз. Муҳбир қаҳрамони қулоғидаги тилла зиракни «тортинмай олади»-да, ўз қулоғига тақиб қўяди ёки бошқаси: «Мен қийналмай ижод қилишим учун алоҳида уйим бўлиши керак», деб эркаланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бағрикенглик ва сахийлик туфайли улар муддаоларига эришадилар... Балки бу гаплар бир оз бепардароқ, эришроқ туюлиши мумкин, аммо шунақа ҳолатларнинг болалаб кетаётгани рост ва шундай ишларни қилганлар ҳам, қилмаганлар ҳам умумий тавқи лаънатга қолиб кетаяпти-да. Хуллас, жаноби журналистнинг моддий таъминланишини изга солиш, бу борадаги ғайриахлоқий кўринишларга чек қўйиш вақти етишди.

Энди эса энг асосий гапга ўтсак. Мустақил юртимизнинг ҳар бир қадами оламшумул воқеаларга бой бўлмоқда. Биз чинакам янги, дунё билан бўйлашадиган юрт барпо этмоқдамиз. Бундай тарихий вазифанинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам етарли. Минг афсуски, ана шундай долғали шароитда миллий журналистикамиз ўз имкониятини тўла намоён эта олмаяпти. Албатта, бу — шахсий фикр ва уни изҳор этишда етарли асосларимиз мавжуд. Муҳокама-мизнинг бошида биз бир қарашга зарба бермоқчимиз.

Кўпчилик ҳақиқий журналистика деганда шов-шувлар излаб топиш, кимнидир бадном қилиш, бировнинг пешонасини ғурра қилиш, ҳуллас, жамиятда шаклланган ижтимоий фикрга қарши бориб, сохта қаҳрамонлик кўрсатиш деб тушунади. Ҳақиқий журналистиканинг мезони — ҳаёт ҳақиқатига хизмат қилиш, умуминсоний ғояларга садоқатдир. Ўзбек журналистикасида истиқдол йиллари янгича руҳ пайдо бўлди ва изланишлар давом этмоқда. Улуғвор ўзгаришларнинг қийинчиликлари-ю ғалабаларини яққол кўрсатиб берадиган таҳлилий мақолалар, замондошларимиз ички дунёсини тўла акс эттирадиган очерклар, тезкор, ҳаммабоп жанрлардаги мақолалар эса навбатда турибди. Одамлар кечаётган жараёнлардан тўла хабардор бўлсагина эртанги кунга янги куч-ғайрат билан қадам қўяди, жамиятда чалғишлар, эсанкирашлар бўлмайди. Ислохотларнинг туб илдизи ва моҳияти, амалий қадамлари ҳақида пайсалга солмай кўпчиликка ҳикоя қилиб берган маъқул. Ҳозирги тезкор ахборот қувватидан кўра оҳанрабоқ кучни топиб бўлмайди. Ҳуллас, бу борада хизматлар етарли. Ана шундай оламшумул юмушларга камарбаста бўлиб, халқимиз кўнглидаги гапни топиб айтсак, жонажон юртимизнинг юксалишига ўз хизматимиз билан муносиб ҳиссамизни қўшсак, шундагина исм-шарифимизга тиркалган сўзнинг обрўсига муносиб бўламиз. Чунки бу соҳа кишиларига шундан бошқа қисмат йўқ.

2001 йил

«ТАЛАБАДАН ПРОФЕССОР КЎП»,
дейди у Лилль олий журналистика
мактаби ҳақида

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида пойтахтда фаолият кўрсатаётган таҳририятлар ходимларидан бир гуруҳи (асосан, газеталар масъул котиблари) иштирокида семинар

бўлиб ўтди. Унинг очилишида гарчи элчихонанинг илмий-техника ҳамкорлиги бўйича атташесининг қатнашиши кўзда тутилган бўлса-да, элчи жаноб Жак-Андрс Костининг шахсан ўзи келиб, тадбирга оқ йўл тилади. «Ўзбекистон билан Франциянинг алоқалари ҳар томонлама гуриллаб ривожланиб бормоқда, — дейди у, — Францияда Ўзбекстонни жуда яхши билишади ва эъзозлашади. Журналистлар иштирокида бўладиган бу галги мулоқотимиз ҳам ана шу ҳамкорликнинг бир қиррасидир. Юртингиз барча соҳада жаҳон андозаларига интилмоқда. Жумладан, ОАВ ҳам ўз нуфузи ва қиёфасини эртaroқ топиб олиши лозим. Шу маънода бугунгидек мулоқотлар жуда асқотади, деб ўйлайман. Биз дўстлармиз, дўстлар ҳамиша бир-бирига нисбатан самимий бўлади».

Шундан кейин Франциядан ташриф буюрган меҳмон — Лилль олий журналистика мактаби профессори жаноб Ив Сешега сўз берилади. Нотиқ юртимизга нисбатан ўз эҳтиромини изҳор этар экан, унинг бу биринчи ташрифи бошланажак доимий маданий алоқаларга пойдевор бўлишига умид билдирди.

Ҳафта давомида машғулотлар профессор Ив Сеше мутасаддилигида ўтди. Унда газетада хабар (информация)-ни эълон қилишнинг самарали йўллари, хабарни саҳифада ўнғай жойлаштириш, муштарийни ўрганиш усуллари, инфография, чет элларда журналистика мавзуларида маърузалар бўлди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижодий-амалий сафарда бўлиб, кўплаб таҳририятлар тажрибаларини ўрганган олимнинг мулоҳазалари янги маълумотларга бойлиги билан эътиборли эди. У фикрларини республикамиз матбуоти ҳақидаги ўз тасаввурларига қиёслаб баён этди. Албатта, бизнинг матбуотимиз янги шароитларда самарали изланишлар олиб бораётгани билан характерли. Шундай пайтда тажрибали мутахассиснинг хулосалари анча қимматлидир.

Ив Сеше машғулотлар давомида таҳриятларда ҳам бўлди. Жумладан, у «Хуррият» газетаси таҳририятига ташриф буюрди, газета таҳламларини варақлаб, ўз муносабатини билдирди. Шунингдек, у бизнинг саволларимизга жавоб беришга бажонидил рози бўлди.

— Жаноб профессор, аввало, гапни сиз фаолият кўрса-таётган ўқув даргоҳидан бошласак.

— Лилль олий журналистика мактаби дунёда эътироф этилган икки йирик йўналиш — Европа (Франция) ва Америка услубидаги ўқув юртларининг энг етакчилари-дан ҳисобланади. Айтишим мумкинки, француз журна-листикаси ана шу мактаб анъаналари асосида ташкил топган. Унинг очилганига 80 йил тўлди, шу даврда 3000 дан зиёд мутахассис тайёрланди. Улар дунёнинг 80 га яқин мамлакатада фаолият кўрсатяпти.

— Бу билим масканининг бошқалардан қандай фарқи бор?

— Ўқиш 2 йил бўлиб, олий маълумотли мутахассис-лар қабул қилинади. Улар ўз ихтисосликлари (масалан, аг-роном, ўқитувчи ёки врач) бўйича ишлаш жараёнида журналистик қобилиятларини намоён қилган кишилар бўлади.

— Ўқиш тартиби қандай?

— Ҳар йили 80 нафар талаба қабул қилинади. Улар-нинг 54 нафари бўлажак ОАВ ходимлари сифатида га-зета, радио, ТВ журналистикаси билан шуғулланидилар ва битириб чиққач, шу соҳада муқим ишлайдилар. Қолган 16 нафари эса олимлар, тадқиқотчилар бўлиб, улар ўз со-ҳаларини тарқатмаган ҳолда журналист бўлиб етишади-лар. Албатта, бу гуруҳларнинг ўзига хос дастури мавжуд.

— Бу мактаб бирданига шу тарзда ташкил топганми?

— Йўқ, бундай тартибга ўтилганига 30 йил бўлди. Ол-дин, 50 йил давомида 4 йиллик таълим амалда эди. Мен ҳам шу усулда ўқиганман, таажжубки, охири битирув-чилардан бўлганман. Кейин тажриба жараёнида янги усул-ларга ўтиб ишлаш ғояси туғилган ва собиқ талабалар жамғарма тузиб, 2 йиллик таълимни жорий қилганлар.

— Демак, ўқиш пуллик экан-да?

— Ҳа, олий мактабни ташкил этганлар акция чиқар-ганлар, ўқишни хоҳловчилар шу акциялардан сотиб оли-шади.

— Таълим (ўқиш) жараёни қандай?

— Олий мактабда доимий ишлайдиган 4 нафар ходим бор. Улар фаолиятни мувофиқлаштириб туради. Билъакс, таълим жараёнига домлаликка 250 ўқитувчи (профессор) жалб қилинган. Улар шу мактабнинг собиқ талабалари.

— Таълимда назария устунми, амалиёт?

— Шак-шубҳасиз — амалиёт.

— Бу мақсад қандай рўёбга чиқади?

— Мисол билан тушунтирсам, масалан, «Мақола қандай ёзилади?» деган мавзу жами 15 ҳафта давомида ўқитилади. Машғулотларни ҳар ҳафта бир профессор — жами 15 профессор олиб боради. Улар ўзлари фаолият кўрсатган 15 матбуот нашри тажрибасидан таълим беради.

— Бу мактабда дарс бериш, профессор бўлиш осонми?

— Албатта, ўз талаблари бор...

— Шахсий фаолиятингиз асосида тушунтириб бера olasизми?

— Мен 4 йиллик курс (университет)ни битириб (айтдим, охирги битирувчиларданман, деб), кўп йил матбуот, радио, ТВда ишладим. Бизда журналистнинг қобилияти ўзи газета ташкил этиб (эшиттириш ёки кўрсатув очиб), уни оёққа қўйиб олиш билан белгиланади. 1976 йилда 3 та газета ташкил қилдим ва улар яхши самара берди. Шундан кейин Лилль олий журналистика мактабига таклиф қилиндим ва матбуот кафедрасини бошқариб келяпман.

— Хорижий мамлакатларда...

— Дунёнинг 50 га яқин мамлакатада бўлиб, янги газеталар ташкил қилишда қатнашдим. Биринчи марта Руминияга таклиф қилишди, у ерда «Бухарест тонги» газетасини ташкил этдик. Узоқ хорижга илк сафарим эса 1992 йилда Вьетнамда бўлди. Бу юртда биринчи хорижий мутахассис сифатида ташриф буюрганман.

— Профессорлик юмушини қандай амалга оширасиз?

— Ҳар йили 3 ой машғулотда бўламан. 50 нафар талаба бўлса, уларни 4 гуруҳга бўламан ва ҳар бири билан 3 ҳафта шуғулланаман.

— Қолган пайтлар-чи?

— Янги газеталар ташкил қилишда ёрдамлашаман, маслаҳат бераман. Энг асосийси — ғоя йиғаман. Бунинг учун ёшлар, ўсмирлар билан кўпроқ мулоқотда бўламан, чунки бу ёшда одамнинг фантазияси кучли бўлади, ўзи сезмаган ҳолда янги кашфиёт (ғоя)лар топади... Қолган пайтда эркинман, менга шуниси ёқади.

— Рус журналистикаси мактабига муносабатингиз қандай?

— (*Ўйланиб қолади*). Албатта, шафқатсиз бўлишни хоҳламайман, лекин дунё кўрган киши сифатида ўз муносабатимни айта оламан. Рус журналистикаси бой анъаналарга, тарихга эга, лекин кейинги пайтда (совет ҳокимиятида) журналистикадан кўра ташвиқот қуролига айланиб қолган эди. Бунинг сабаблари тушунарли, у тоталитар мафкуранинг хизматкори эди. Ўқитиш жараёнида амалиётга кам эътибор берилади, қурувчи ғишт теришни билмаса, қандай терувчи бўлиши мумкин? Талабалар газета чиқаришни билишмасди. Кейин эса журналистик этика доим амалда бўлмаган. Уларда матбуот маданияти жуда юқори, бироқ техникаси кучли эмас.

— «Юманите»нинг аҳволи қандай?

— Уни оппозициядаги ТF-1 канали қўллаб-қувватлаб туради. Обунаси ўн йил олдин 300 минг дона эди, ҳозир 60 мингга тушиб қолган.

— Умуман, Франциядаги матбуот олами ҳақида маълумот берсангиз.

— Мамлакатда 30 мингдан ортиқ журнал (газета), магазин (журнал) нашр этилади. Ҳаммаси эркин, хусусий, фақат Конституция талабларига амал қилади. «La Mond» («Дунё») энг нуфузли газета, ярим миллион нусхада чоп этилади. Кўп газеталар бепул тарқатилади. 600 минг нусхада тарқаладиган «Metro», «20 minut» сингари нашрлар шулар жумласидан. Улар реклама ҳисобидан яшайди...

— Францияда журналистлар тайёрлашда фақат битта тизим борми?

— Йўқ, мамлакатдаги 6 университетда журналистика факультетлари бор, уларга қабул қилиш одатдагидек. Ижтимоий сўров натижалари кўрсатадики, 13 ёшгача бўлган

болаларнинг ҳар уч нафаридан бири (33%) журналист бўлишни орзу қилган. Лекин ишлаб кетиш, айниқса, танилиш оғир.

— Сизларда ҳам тармоқ газеталар борми?

— *(Ҳайрон қолади)* Нима у? Европада ОАВ, асосан, янгилик тарқатишга хизмат қилади. Янгилик тезкор, тўғри, ҳақиқий, Конституция талабларига мос бўлиши шарт.

* * *

Меҳмон билан суҳбатимиз ҳамкасбларнинг ҳангомасига хос очиқ, самимий бўлди. У ҳар бир эътирофида Ўзбекистонни буюк келажак кутаётганини, бунинг учун барча асослар мавжудлигини тез-тез такрорлади.

Амалий машғулотлар жараёнида эса дунёда матбуот нафақат мавзу ёки мавқе жиҳатидан, балки ташқи кўриниши билан ҳам жуда олдинлаб кетганини ҳис қилдик. Газетани безаш борасида ҳам қандайдир касбий мантиқ мавжудлигини тушуниб бордик-у, бироқ уни идрок этиш осон эмас эди. Биз бу юмушнинг арифметикаси билан шуғулланиб юрган бўлсак, профессор Ив Сеше унинг алгебраси, балки алгоритми ҳақида фикр юритди, шуни-си билан машғулотлар қизиқарли ўтди.

2004 йил, декабрь

ИБН АРАБШОҲНИНГ ИСТЕҲЗОЛИ ЭЪТИРОФИ

Суҳбатдошимиз — Убайдулла УВАТОВ, тарих фанлари доктори, Тошкент ислом университети исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг бош илмий ходими.

Араб, форс ва рус тилларини мукаммал билади, 15 дан ортиқ китоб ва рисоалари чоп этилган. Миср, Ироқ, Ливияда узоқ йиллар хизмат сафарида бўлган. Дунёнинг ундан ортиқ мамлакатада турли илмий анжуманларда маъруза билан қатнашган.

Суҳбатимизга туртки шу бўлдики, яқинда Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб «Амир Темур тарихи»ни қайта ўқиб чиқишимга тўғри келди. Мутолаа жараёнида олдин унча билинмаган кўплаб янги қирралар намоён бўлди. Айниқса, услуби анча оғир асар таржимаси ниҳоятда муваффақиятли амалга оширилганига яна бир карра амин бўлдим. Унга илова қилинган 1400 дан ортиқ изоҳлар, исмлар ва жойлар кўрсаткичи битта мукаммал тадқиқот даражасида. Қолаверса, китоб бу мавзуда ўзига хос асар. Муаллифнинг қаҳрамонига муносабати тардиъакс тарзида Амир Темурни янада улуғлашга хизмат қилади. Гарчи Ибн Арабшоҳ қора бўёқ чаплашда ниҳоятда «сахий» бўлса-да, ўзи билган барча ёмон сўзларни қўлласа-да, Шахснинг бетимсол талъати ҳар қандай чанг-тўзон, ғубордан ғолиб келаверади. Бу эса бобокалонимиз шавкатига ишонччи янада мустаҳкамлайди.

Албатта, бошқа миллат маданияти намунасини халқига туҳфа этиш ўзига хос маънавий жасорат. «Тарих»нинг таржимаси сезиларли воқеа бўлиши билан бирга мамлакатимизда энди юзага келаётган темуршуносликка қўшилган муносиб ҳисса ҳамдир. Таржиманинг 1974 йилда амалга оширилиб, 1992 йилда китоб сифатида чоп этилиши — 18 йиллик танаффус эса кўп нарсалар ҳақида сўзсиз ҳикоя қилади.

— Ҳурматли Убайдулла ака, сизда Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарини таржима қилиш фикри қандай пайдо бўлган?

— Мен дастлаб Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги «Мудофаа» мактабида пионер вожатий бўлдим, сўнгра қишлоқ совети ҳудудидаги кутубхонада ишладим, чунки икки йил ўқишга киролмадим, бал етмаганди. Ниҳоят, 1958 йилда Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқ факультети, араб бўлимига ўқишга киришга муваффақ бўлдим. 60-йиллардан бошлаб собиқ СССР раҳбарлари хорижий мамлакатлар, хусусан, араб мамлакатлари билан иқтисодий, савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишга эътибор қаратиб, бир қадар ишларни бошлаган эди. Хуллас, 1952 йилдаги инқилоб натижасида Мисрда давлат тепасига янги раҳбарлар келиб (хусусан, президент Жамол Абдул Носир), тараққиёт йўлини тутиб, янги иншоотлар қуриш учун ғоятда зарур бўлган Асвон тўғонини қуришга бел боғлаган ва шу ҳақда СССР билан битим тузиб, мана шу улкан қурилиш бўйича мутахассислар жўнатилган эди. Табиийки, араб тили таржимонларига ҳам зарурат ошган. Таржимонлар турли шаҳарлардан эди. Мен тўртинчи курсни битиргач, ҳозир таниқли шарқшунос, тарих фанлари доктори Аҳаджон Ҳасанов билан Мисрга араб тили таржимони сифатида жўнатилдик.

Қоҳирада яшадик, Мисрда ҳаво жуда иссиқ (Африка-ку!) бўлгани учун ишга жуда барвақт, эрталаб соат 5 да бориб (геологлар, топографлар, геодезистлар билан далада ишлашга тўғри келганди), соат 13 да уйда бўлардик. Куннинг қолган қисми бўшмиз. Вақтдан унумли фойдаланиш (кинога бориш, шаҳар айланиш кабилар малол келиб қолганди бизга) учун Қоҳирадаги «Дор ул-кутуб» («Китоблар уйи») номли ғоятда бой бўлган кутубхонага тегишли рухсатномаларни олиб, расмий равишда аъзо бўлдим. Ҳар куни ишдан кейин бу китоблар дунёсига бориб, ўзимизни қизиқтирадиган тарихий-библиографик асарлар, китоблар, каталог ва фихристлар билан танишардим. Энг муҳими, бу кутубхонада замонавий нашрлар билан бирга қимматли қўлёзмалар (айниқса, араб тилида) ҳам бўлиб, бизлар ақлимиз етганча улар билан ҳам «ошно» бўла бошладик.

Бахтимизга «Дор ул-кутуб»да ватандошимиз, исломий қўлғезмалар бўйича йирик олим доктор Насрулло Мубашшир ат-Тарозий домла ҳам ишлар экан. Бир қанча Шарқ ва Ғарб тилларини мукаммал билган бу зукко олим ва ажойиб инсон ушбу кутубхонада «Нодир қўлғезмалар» бўлимини бошқарар эканлар. Домла билан танишгач, ишларимиз йўлга тушиб кетди. Замона зайли билан Мисрга бориб қолган ат-Тарозий домлада, бизларни кўргач, ватан соғинчи бир қадар кетгандек бўлди. Ғоятда меҳрларини тўкиб, биз учун том маънода маслаҳатгўй, ҳақиқий мураббийга айланди. Илмда ҳали гўр бўлган бизларнинг бу соҳада йўлга тушишимизда ўз беғараз хизматларини аямадилар. Хусусан, мен домланинг маслаҳатлари билан XV аср араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Амир Темур тарихи» асари билан танишиб, бу асарга ошиқ бўлиб, боғланиб қолдим. Гарчанд, маълум сабабларга кўра, Ибн Арабшоҳ Амир Темур бобомизнинг фаолиятига танқидий руҳда ёндашган бўлса-да, лекин бу асарда Соҳибқироннинг ҳаёт йўллари, шахсияти, унинг сийрати ва суврати, ажойиб инсоний фазилатлари, давлат арбоби ва лашкарбоши сифатидаги беназир салоҳияти ҳақида шу қадар маълумотлар келтирилганки, Амир Темурга бағишланган бошқа бирорта ҳам асарда бунчалик аниқ ва батафсил маълумотларни учратмайсиз.

Тарихий манба сифатида Ибн Арабшоҳнинг бу асари беқиёс аҳамиятга эгалиги аллақачон олимлар томонидан ўз баҳосини олган. Шу боис қатор Ғарб ва Шарқ тилларига таржима ҳам бўлган.

— Шу ўринда Ибн Арабшоҳ асарининг аслиятда ва таржималарда номланиши юзасидан изоҳ бериб ўтсангиз.

— Чиндан ҳам Ибн Арабшоҳ асарининг қўлғезма нусхаларида «Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Таймур» («Темур келтирган ёмонликларда тақдир ажойиботлари»), «Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари»), «Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») каби номлар билан аталган. Бошқа тилларга қилинган таржи-

маларида эса «Темур тарихи», «Амир Темур тарихи» номлари билан аталган. Фикримизча, асар дастлаб муаллиф томонидан берилган ном билан аталган: «Темур кулфатларида тақдир ажойиботлари». Бу ўринда бир масалага алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Ибн Арабшоҳ бу асарини бошдан охиригача қофияланган саж услубида ёзиб, у бу услубга катта аҳамият берган. Услуб учун кам ишлатиладиган архаик сўзларни, ҳаттоки араб тилининг қонун-қоидаларини бузишдан ҳам тап тортмаган. Баъзан шундай тасаввур ҳосил бўладики, қофия муаллиф учун биринчи ўринда бўлиб, ҳамма нарсадан устун туради, унга «асир» бўлиб қолган. Қофия учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Мана шу ақидадан келиб чиқиб, Ибн Арабшоҳ асарининг номидаги «ажойиб»га қофия қилиб «навоиб»ни ишлатган. Шу туфайли (муаллиф вафотидан) кейин кўчирилган нусхаларида, замонавий нашрларида ҳам хаттот ва ноширлар асар мазмунидан, ундаги хабарлардан келиб чиқиб «навоиб»ни «ахбор» (хабарлар) ёки «тарих» сўзлари билан алмаштириб, «тузатиш» киритганлар. Бизнингча ҳам бу тўғри эди. Асар, асосан, Соҳибқироннинг ҳаёти ва қилган ишлари ҳамда фаолиятини ёритгани учун биз ҳамиша «Амир Темур тарихи» номи билан нашр этганмиз. Фарб тилларига (француз, инглиз, лотин) қилинган таржималарида ҳам Ибн Арабшоҳ асари «Темур тарихи» номи билан аталган. Бу ном асарнинг асл мазмун-моҳиятини тўлиқ ифода қилади.

— Демак, сизга бу асар билан танишиш имконияти бир улуг инсоннинг илтифоти туфайли муяссар бўлган экан. Тарозий домла билан яна илмий-ижодий ҳамкорликда бўлдингизми, умуман, бу зот ҳақида нималарни айтишни хоҳлайсиз?

— Насрулло Мубашшир ат-Тарозий домла билан Мисрда турган вақтимда, албатта, учрашувларимиз, ўша пайтдаги «сиёсий» сабабларга кўра, гарчанд жуда кўнгилдагидек бемалол бўлмаса-да, бардавом эди. Домла юрти Ўзбекистон ҳақида кўп сўрардилар, киндик қони томган жойларни кўринга жуда муштоқ эдилар. Лекин собиқ тузум давридаги тартибларга кўра, ўша пайтда она юртга келиш насиб этмади. Фақат Ўзбекистон мустақилликка

эришгач, домла биринчи марта қадрдон юртига келишга мушарраф бўлдилар. Дастлабки келишлари 1996 йилда, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллик юбилейлари муносабати билан бўлган эди. Домла катта олим сифатида бу юбилейга ажойиб совға билан келдилар, Миср пойтахти Қоҳирада араб тилида Ўзбекистон Республикаси элчихонаси томонидан «Амир Темур ва Теурийлар ҳақида Миср кутубхонасида сақланаётган манбаъ ва қўлланмалар фихристи» номли ўзлари бир неча йил давомида тайёрлаган қимматли асарларини олиб келдилар. 450 саҳифадан иборат ушбу фихристда Амир Темур бобомиз ва унинг авлодларига оид Шарқ тилларида битилган деярли барча манбалар номма-ном, муҳим тавсифлари билан келтирилган. Айниқса, Амир Темур ва Теурийлар даври тадқиқотчиси ва олимлари учун жуда муҳим бўлган бу фихристнинг қиммати беқиёсдир.

Шундан кейин ҳам домла ат-Тарозий бир неча марта Ўзбекистонга келдилар. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллик юбилейида ҳам ажойиб маъруза билан қатнашган эдилар. Домла юртимиздан (Ўзбекистон ҳудудидан) чиққан кўплаб алломалар, уларнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида муҳим, ноёб маълумотларни тўплаб, махсус китоб битиш орзусида юрганлигидан ҳам хабардорман. Ат-Тарозий домла шарқ тилларидаги қўлёзмалар бўйича йирик мутахассис, Қоҳирадаги бир нечта университетларнинг профессори, Анқарадаги Ота Турк тил, тарих ва маданият академиясининг аъзоси эдилар.

Том маънода юртпарвар, миллатпарвар, буюк меросимизнинг фидойи, жонкуяр тарғиботчиси, ажойиб инсон сифатида ҳам ат-Тарозий домланинг порлоқ хотиралари менинг қалбимда бир умр муҳрланиб қолган. (Ат-Тарозий домла 2002 йилда, Қоҳирада вафот этганлар).

— Ибн Арабшоҳ асари билан Дамашқдаги Аз-Зоҳирий кутубхонасида танишган экансиз. Шу кутубхона, у ердаги китобхонлигингиз ҳақида хотираларни бир эслаб ўтсангиз. Сиз таржима учун танлаб олган нусха бошқа нусхаларга нисбатан қанчалик мукаммал экан?

— Ибн Арабшоҳ асарининг қўлёзмаси билан домла ат-Тарозийнинг маслаҳатлари туфайли Қоҳирада «Дор ул-

кутуб»да танишганман. Қўлёзма жуда яхши сақланган. Чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Бу қўлёзманинг микрофильмини кейинроқ тарих фанлари доктори Аҳаджон Хасанов дўстимиз ёрдамида олишга муяссар бўлган эдим. Лекин Ибн Арабшоҳ асарининг нафақат тил ва услуби, балки мазмунини тушуниш ҳам ниҳоятда оғир эди. Асар матнини тушуниш учун нафақат араб тилини билиш, балки жуда кўп воқеалар, шахслар ва тарихий маълумотларни ҳам билиш зарур эди. Ана шу сабабларга кўра қўлёзмани дастлабки ўқиганимда жуда кам даражада тушунчага эга бўлдим. Кейинроқ қайта-қайта ўқиш ва ҳар хил китоблар, қомусларни кўриш натижасида мазмунини бир қадар тушунишга муваффақ бўлдим, кейинчалик асарни маълум даражада идрок этиш насиб этди. Бунинг учун бошқа нусхаларни ҳам ўрганишга тўғри келди.

— Академик И.Ю. Крачковский Ибн Арабшоҳнинг мазкур асарининг илмий асосда бажарилган мукаммал таржимаси йўқлигига унинг бадиий нафислиги айбдордир, деган экан. Асарни ўзбекчага таржима қилиш қандай кечди?

— Юқорида бу саволга маълум даражада жавоб берган бўлсам-да, яна айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам Ибн Арабшоҳ асарининг тили ва услубининг ғоятда мураккаблиги унинг бошқа тилларга таржимасига маълум даражада «тўсиқ» бўлиб келган. Чунки араб тилини яхши билган билан бу асарни таржима қилишга кўп олимлар журъат қилолмаганлар. Таржимани бошлаб қўйиб, охирига етказолмаганлар ҳам бўлган. Бу асарни таржима қилиш учун араб адабиётидан (айниқса, ўрта асрларга мансуб), ислом дини тарихидан яхши хабардор бўлиш талаб қилинарди, асарда Қуръоний оятлар ва пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари ва уларга иқтибосларнинг кўплигини ҳам айтиш ўринли. Тарихда ўтган кўплаб машҳур шахсларга, уларнинг фаолиятларига ҳам кўп ишоралар борки, буларни шарҳлаш таржимондан ҳар томонлама катта билимни талаб қиларди.

Мана шу нуқтаи назардан Ибн Арабшоҳ асарининг ўзбек тилига таржимаси жараёнида марҳум устозим, мукаммал билимга эга бўлган Абдуфаттоҳ Расулов домла-

нинг хизматлари беқиёс бўлган. Афсуски, бу асарнинг таржимасига кўп меҳнатлари сингган домламга асарнинг ўзбекча нашрини кўриш насиб этмади. Мен ҳар доим аллома устозим Абдуфаттоҳ Расуловни миннатдорчилик туйғуси билан хотирлаб юришни шогирдлик бурчим деб ҳисоблайман.

— «Ажойиб ал-мақдур» XVII асрдан бошлаб француз, лотин, турк, инглиз тилларига таржима қилинган экан. Бу таржималар қиёсий ўрганилганми? Масалан, сиз ўз таржимангизни туркча таржима билан солиштириб чиққан-мисиз?

— Ибн Арабшоҳнинг асари Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига тўлиғича бағишланган араб тилида ёзилган яккаю ягона ёзма манбадир. Ибн Арабшоҳ узоқ йиллар Самарқандда яшаганлиги, Амир Темур ҳазратларини шахсан кўрганлиги ва воқеалардан яхши хабардор бўлганлиги, боз устига бу асарни ўз юрти Сурияга қайтгандан кейин ёзганлиги учун ҳам муаллиф сифатида бирон-бир ҳукмдор ёки гуруҳнинг манфаатларини ҳимоя қилмаган. У эркин ва ўз хотиридаги воқеаларни хоҳлаганича талқин қилиб ифода этган.

Муаллиф маълум сабабларга кўра Амир Темур ва унинг фаолиятига танқидий ёндашган бўлса-да, лекин ўз асарида Соҳибқироннинг ҳаёти, шахси ва қилган ишлари, маданий ҳаёт ҳақида шунчалик кўп ва хилма-хил маълумотларни келтирганки, ўша даврга оид ёзилган бирорта манбада ҳам бу тарздаги кўп маълумотларни учратмайсиз. Шу боис асар XVIII аср ўрталаридан эътиборан турли тилларга таржима қилина бошланди. Лекин таржималардан биронтасида зарур бўлган изоҳлар ва шарҳлар берилмаган. Айрим (масалан, инглиз ва турк тилларига қилинган) таржималар эса ғоятда қониқарсиз амалга оширилган. Бу ҳақда академик И.Ю. Крачковский бундан қарийб 70 йил олдин, 1936 йилда батафсил баён қилган. Шу боис буюк арабшунос Ибн Арабшоҳ асарининг юқори савияда бажарилган (изоҳлар билан) таржимаси зарурлиги ҳақида орзумандлик билан ёзган эди.

Албатта, «Ажойиб ал-мақдур»нинг ўзбек тилига таржимаси устида ишлаётган пайтимда барча (француз, ло-

тин, англиз, турк) тилларига қилинган таржималар билан яқиндан танишиб чиққанман, кўп ўринларини қиёсий ўрганганман. Лекин улардан унумли фойдаланишга эҳтиёж бўлмади. Бу таржималарни қиёсий ўрганиш учун ҳам етарли материал («хом ашё») йўқ эди. Ҳатто сиз эслаган туркча таржима, айтиш мумкинки, асар мазмунининг қисқа баёнидангина иборат. Ундан фойдаланиш умуман мантиқсиз эди...

— Маълумки, бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари ҳақида турли муносабат билан юзлаб асарлар яратилган. Ибн Арабшоҳнинг китоби улар қаторида қандай ўрин эгаллайди.

— Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланиб турли йўналишда ёзилган асарлар ҳақиқатан ҳам жуда кўп. Лекин шулар билан бир қаторда Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асари тўлиғича Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, агар кенгроқ маънода олсак, ўша давр сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, айниқса, маданий ҳаётига доир қимматли маълумотлар мужассам бўлган беназир манбадир. Масалан, Соҳибқироннинг суврати — ташқи қиёфаси ва сийрати — ички дунёси, унинг инсоний фазилатлари хусусидаги муфассал маълумотларнинг ўзи бир олам, ўз қаҳрамонига — Амир Темурга нисбатан бир қадар танқидий руҳда ёзилган асарда шу тарздаги ижобий маълумотларнинг келтирилганлигини ҳам муносиб баҳолаб, эътибордан четга қўймаслик керак. Бу асарда келтирилган хилма-хил маълумотларнинг нафақат тарихчилар, балки турли соҳа олимлари учун ҳам муҳим жиҳатлари ғоятда бисёр.

«Амир Темур тарихи»да ўша давр маданий-маънавий ҳаётига доир, шунингдек, турли соҳа илм аҳллари — муфассирлар, муҳаддислар, фақиҳлар, мунажжимлар, мусиқашунослар, таниқли шатранж усталари, ўз касбида моҳир бўлган наққошлар ва оддий ҳунарманду косиблар ҳақида шу даражада аниқ ва ранг-баранг маълумотлар мавжудки, булар ҳаммаси Ибн Арабшоҳ асарини ҳақли равишда Амир Темур ва Темурийлар даврига доир асосий манбалардан бири эканлигини кўрсатади.

Айни вақтда айтиш керакки, Амир Темур ва Темуррийлар даври тарихини холисона, илмий асосда тўлиқ ўрганиш учун нафақат Ибн Арабшоҳ асарини, балки ўша даврга оид барча манбалардаги маълумотларни қиёсий ўрганиб хулосалар чиқариш жуда муҳимлигини ҳам ҳеч қачон унутмаслик керак.

— «Ажойиб ал-мақдур» баъзан муаллифнинг эҳтироси туфайли Шарқ хангомаларига ўхшаб кетади (жумладан, Темурнинг болалиги, қўй воқеаси сингарилар). Бироқ инглиз шарқшуноси Х.А. Гиббнинг эътироф этишича, Темур ҳақида ёзилган «Ажойиб ал-мақдур» асари Ибн Арабшоҳ номини узоқ вақт Европада дoston қилди. Демак, Европада ва баъзи бошқа элларда Соҳибқирон бобомиз ҳақида бир ёқлама тасаввур пайдо қилди. Сиз ҳозир ана шу тасаввур нечоғлик ўзгарди, деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, Ибн Арабшоҳ асарини ўрганган кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича ҳам бу асарга бир ёқлама баҳо бериш қийин. Муаллифнинг ҳаёт йўлига назар солинса, кўп масалалар қисман ойдинлашади. Ўн икки ёшлик Ибн Арабшоҳ Амир Темур томонидан 1401 йили ўз она юрти Дамашқдан Самарқандга келтирилиб, то 1408 йилгача бу шаҳарда яшаган. У Самарқандда сарой аҳлига яқин тоифалар жумласига кирган. Бу ерда у шаҳардаги катта илм даргоҳларидан бири бўлган Идику Темур мадрасасида ўша даврнинг машҳур олимлари Саййид Шариф Муҳаммад ал-Журжоний, Шамсиддин Муҳаммад ал-Жазарий кабилардан таълим олди. У турк (эски ўзбек) ва форс тилларини ҳам мукаммал ўрганди, Амир Темур ҳақидаги асари у Самарқанддан қайтиб кетгандан кейин, қарийб ўттиз йил ўтгач (1436—1437 йилларда) ёзилганлигидан фараз қилиш мумкинки, муаллифда бу асарни ёзиш фикри кейинроқ пайдо бўлган. Орадан кўп йиллар ўтганлиги боис ҳам асарда чалкаш, ривоятга ўхшаб талқин қилинган маълумотлар, ҳақиқий воқеликдан четга чиқиш ҳоллари талайгина. Бундан ташқари, асарда муаллифнинг Амир Темурнинг шахсига нисбатан ишлатган айрим ҳақоратомуз, кескин иборалари унинг ўз қаҳрамонига бир қадар салбий муносабатини ҳам билдиради.

Мана шундай муносабатда бўлган муаллиф ўз асарида беихтиёр Соҳибқироннинг буюк даҳоси, мислсиз ақл-заковати, юксак ҳарбий салоҳияти, ҳар қандай масалада узоқни кўзлаб донишмандлик билан иш тутиши ва бошқа хислатлари ва фазилатларини тан олиб, шунчалик кўп маълумотлар келтирганки, шубҳасиз, бу фактлар Соҳибқирон ҳазратларининг инсон сифатида ҳам, салтанат соҳиби ва лашкарбоши сифатида ҳам нақадар буюк бўлганлигига далолатдир.

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Шарқ муаллифларидан Европа тилларига таржима қилинган биринчи асар ҳам Ибн Арабшоҳнинг тарихидир. Бу асар дастлаб 1658 йилда француз тилига таржима қилинган, бинобарин, европаликлар Амир Темур бобомиз ҳақидаги тўлиқроқ маълумотни Ибн Арабшоҳ асаридан олган. Инглиз шарқшуноси Х.А. Гиббнинг фикрига келсак, Ибн Арабшоҳнинг номи «Европада дoston бўлишида» ҳам айнан Амир Темур бобомизнинг ҳиссаси бор. Чунки европаликлар Ибн Арабшоҳга эмас, биринчи навбатда, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиққан. Шу билан бирга Ибн Арабшоҳ асарини ўқиган европаликларда, албатта, Соҳибқирон ҳақида муайян тасаввур пайдо бўлган, лекин уни бирёқлама дейиш ҳам унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки айнан шу асар орқали Европа халқлари Соҳибқироннинг инсоний фазилатлари, давлат арбоби ва ҳарбий лашкарбоши сифатидаги юксак салоҳиятидан воқиф бўлганлар.

Ибн Арабшоҳ асарининг таъсири остидаги тасаввурлар кейинроқ бошқа асарлар ёки таржималарнинг пайдо бўлиши натижасида бир қадар тарихий ҳақиқатга яқинлаша борган дейиш мумкин. Айтиш керакки, тарихий шахс сифатида Амир Темурнинг фаолияти собиқ шўро тузуми даврида ҳам бир томонлама, асосан, салбий баҳоланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айрим олимларимизнинг (масалан, марҳум академик И. Мўминов) Амир Темур ҳақидаги ёзма манбаларга таяниб яратган холисона, илмий тадқиқотлари ҳам қанчалик танқидга учрагани ҳамон ёдимизда.

— Ибн Арабшоҳ араб тилидан ташқари турк ва форс тилларини яхши билган, кўплаб асарларни (жумладан, Абулайс Самарқандийнинг «Тафсир»ини форсчадан назм билан туркчага) таржима қилган, ҳатто турк тили грамматикасига оид махсус асар ҳам ёзган экан. Кўп қиррали истеъдод соҳиби Ибн Арабшоҳнинг Шарқ, қолаверса, жаҳон маънавий-маданий дунёсидаги мавқеи ҳақида нима дейиш мумкин?

— Ибн Арабшоҳнинг қаламига мансуб ўндан ортиқ асарлар борлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Унинг асосий асари шубҳасиз «Амир Темур тарихи» номли китобдир. Ундан ташқари ҳам муаллифнинг турли мавзуларга бағишланган асарларининг аксар қисми бизгача етиб келган бўлиб, уларнинг қўлёзма нусхалари турли мамлакатлардаги кутубхоналарда сақланади, кўпларининг замонавий нашрлари ҳам мавжуд. У тарих, тил ва адабиёт, одоб-ахлоққа оид асарлар ёзиш билан бирга турк ва форс тилларини ҳам мукамал билганлиги боис унинг ижодида таржимонлик фаолияти ҳам катта ўрин эгаллайди. Муаллифнинг бу соҳадаги фаолияти, айниқса, турк султони Муҳаммад I нинг шахсий котиби сифатида хизмати пайтида кенг кўлам ёйди.

Мана шу пайтда у XIII асрда яшаган таниқли адиб Жалолиддин Муҳаммад Авфийнинг «Жавомий ал-ҳикойот ва лавомий ар-ривойот» («Танланган ҳикоятлар ва ёрқин ривоятлар») номли антологиясини бир неча жилдда форс тилидан туркчага таржима қилди. X асрда яшаган самарқандлик машҳур фақиҳ ва муфассир Абул Лайс ас-Самарқандийнинг Қуръони каримга бағишланган «Баҳр ал-улум» номли тафсирини ҳам форс тилидан назмий услубда туркчага ағдарган. Умуман айтганда, Ибн Арабшоҳ XV асрнинг машҳур тарихчиси ва адиби сифатида нафақат Шарқ мамлакатларида, балки Фарб оламида ҳам катта шуҳратга эга.

Шуларга биноан комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ибн Арабшоҳ жаҳон илмий-маънавий дунёсида ўз ўрнига эга бўлган йирик сиймолардан биридир. У қолдирган хилма-хил мавзулардаги асарларни чуқур ўрганиб, ўзбек тилига таржима қилиш фойдадан холи бўлмайди.

— «Амир Темур тарихи» чоп этилган 1992 йилдан бери кўп нарса ўзгарди. Қуръони каримнинг ўзбекча мазмуни таржимаси қайта-қайта нашр этилди. «Амир Темур тарихи»нинг янада тўлдирилган, мукаммаллаштирилган наشري пайдо бўладими?

— Юқорида айтилган фикрларимдан аёнки, менда Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарига қизиқиш бундан қирқ йилдан кўпроқ вақт илгари пайдо бўлиб, ўшанда бу асарни ўзбек тилига таржима қилиш орзуси туғилган эди. Сўнгра, ўн йиллардан кейин асар таржимасини тегишли изоҳлари билан тугатиб, ундаги маълумотлар маълум даражада илмий тадқиқ этилди ва, ниҳоят, 1974 йили, яъни бундан роппа-роса ўттиз йил муқаддам шу мавзу бўйича фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқланган эди. Шундан кейин «Амир Темур тарихи»нинг ўзбекча таржимасини нашр этиш учун кўп ҳаракатлар қилдим. Лекин собиқ тузумнинг мафкуравий қолипларига Амир Темур ҳақидаги бирорта асар (гарчанд унга нисбатан танқидий руҳда ёзилган бўлса-да) мос келмас эди. Мен мурожаат қилган бир нечта нашриётларнинг мутасаддилари қўлёзмамни кўриб, «Катта иш қилибсиз, зўр манба экан, лекин Амир Темур ҳақидаги асарни нашр эта олмаймиз-да», дея афсусу армон билан турли-туман важ кўрсатган бўлардилар. Шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан ўтмиш мероси, тарихга, юртимиздан чиққан буюк шахслар, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларига ҳолисона, адолат билан баҳо бериш қарор топа бошлади. Бинобарин, Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарини нашр этиш имконияти ҳам туғилди ва 1992 йил апрель ойида асарнинг таржимаси ва тадқиқоти ўша пайтда (1974 йилда) қандай ёзилган бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ўзгартиришсиз, икки жилдада чоп этилди.

Мавриди келганда айтиш керакки, истиқлол йилларида тарихга муносабат тубдан ўзгарди, мозийни илмий асосда объектив ёритиш учун катта йўللар очилди. Шу ақидадан келиб чиқиб, «Амир Темур тарихи»ни, айниқса, унинг тадқиқот қисмини қайтадан, тарихий воқеликка замонавий руҳда ёндошиш мезонларига биноан кўриб

чиқиш жуда зарур. Мана шу мулоҳазаларга хулоса қилсак, Ибн Арабшоҳ асарини янгитдан обдон кўриб чиқиб, тўлдирилган, мукаммал нашрини тайёрлаш ғоятда муҳим. Чунки Ибн Арабшоҳнинг бу асари бой ва кўҳна тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан бўлмиш Амир Темур ва Темурийлар даврини ёритишда асосий манбалардан бири сифатида беқиёс аҳамиятга эгадир.

2004 йил, март

ОЛИМ АДАШСА, ОЛАМ АДАШАДИ

Биз, ҳақиқатан, буюк маънавий мулк меросхўрларимиз. Бу ҳолни кўплаб илмий тадқиқот масканларида, олий ўқув юртларида ва бошқа маънавият жабҳаларида фаолият кўрсатаётган минглаб илм аҳлини кўз олдимизга келтириб, яна бир бор тасдиқлашимиз мумкин. Ўнта бўлса, ўрни бошқа, деганларидек, ана шу алломалар сафида суҳбатдошимиз — Тошкент ислом университетининг жаҳон динларини қиёсий ўрганиш кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон ҲАСАНОВнинг ҳам муносиб мавқеи бор. У киши билан мулоқотимиз илмда комилликка эришиш хусусида бўлди.

— Аҳаджон ака, инсон фарзандига ато этилган касблар силсиласида олимликнинг мақоми, даражаси қандай?

— Бу ҳақда Шарқ ва Ғарбда яшаб, ижод этиб ўтган донишманд уламоларнинг кўплаб ҳикматли сўzlари мавжуд. Аммо мен шу ўринда Тошкент ислом университетининг профессори сифатида масаланинг бир жиҳатига урғу беришни истардим.

Атеизм ҳукмрон бўлган собиқ совет тузуми замонида илм ва дин (айниқса, ислом дини) бир-бирига зид қўйилди. Ҳозирги кўпгина қотиб қолган ақидалардан воз кечаётган давримизда ҳолат батамом бошқача бўлгани янада ойдинлашди. Демокриманки, аксинча, ислом дини доимо илмни қадрлаб келган экан. Қуръони каримда «илм» ва шу ўзак билан боғлиқ сўзлар 750 марта зикр этилган.

Ҳадислардан олимлик ҳақида кўп мисоллар келтириш мумкин: «Илм истаб Чингача боргин» (VII асрда Арабистондан Хитойга боришни тасаввур қилинг!), «Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» ва ҳоказо. Фараз қилинг, агар ўрта аср мусулмон Уйғониш даври олимлари бўлмаганда жаҳоннинг бугунги ҳолати, хусусан, Ғарбнинг тараққиёти батамом бошқача манзара касб этарди. Негаки, узоққа бормайлик, ҳатто қадимги юнон фалсафаси билан ҳам Ғарб дунёси бевосита эмас, балки билвосита, яъни араб-мусулмон адабиёти орқали танишди. Бошқачасига айтганда, улар Аристотель ва Платон ҳақида юнон тилидан дастлаб араб, ундан сўнг арабчадан лотинга ағдарилган адабиёт орқали маълумот олдилар.

Олим доимо олам ҳақида, унинг хотиржамлиги ҳақида ўйлайди. Олим адашса, олам адашади, дейдилар. Айтишларича, 1945 йил августда Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташланганини эшитгач, уларни ихтиро қилган олим бир зумда эс-ҳушини йўқотган экан.

Бизнинг юртимизда азалдан олимлар ҳокимларнинг энг яқин маслаҳатчилари бўлган. Керак бўлса, Улугбек мисолида давлатни бошқарганлар ҳам. Хуллас, олимликнинг мақоми ва вазифаси юксак деб ҳисоблайман.

— Узоқ йиллар хорижда ишлагансиз. Мусофирчилик йилларида илмга интилиш, илмга суяниш саодатини қай тарзда ҳис этгансиз?

— Ҳа, Мисрда 4 йил, Ливияда 3 йил ишладим. Сурия, Ливан, Саудия Арабистони, Туркия, Руминияда қисқа муддатли сафарларда бўлдим. Салкам 40 йил ўтган бўлсада, Мисрда яшаган пайтимни яхши эслайман. Иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчининг референт-таржимони, ҳали уйланмаган, бўйдоқ йигит эдим. Бир томондан қарасангиз, бошлиқнинг энг яқин кишиси сифатида идорада обрўйим баланд эди. Бошқа томондан — ягона араб тили таржимони бўлганим учун ходимлар (асосан, руслар) ишдан сўнг (соат 15⁰⁰ гача ишлардик) кимдир бозор, кимдир дўкон, яна кимдир кинога судрарди.

Йўқ, бу нарса Тошкент давлат университети ўқитувчиси шаънига тўғри келмайди, дедим-да, Миср миллий

кутубхонасига обуна бўлиб олдим. Ҳар куни ишдан сўнг у ерга бориб, қўлёзмалар ва китоблар оламига ғарқ бўла бошладим. Дарвоқе, мактабдаги устозим, йирик тилшунос олим Қажум ака Каримовга «Қутадғу билиг» ва дўстим Убайдулла Уватовга Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур ҳақидаги нодир қўлёзмаларининг тўлиқ микрофильмини айнан шу кутубхонадан олиб берганман. Ишхонадагилар «Тузуқкина одам эдинг, айнидинг», деб мендан норози бўлдилар ҳам. Мен уларга, «Илм билан шуғулланияпман, ёмонми?», десам жавоб бера олишмасди. Қисқаси, Мисрдан теплоходда қайтдим. Хоҳлаганча юк олиш ҳуқуқим бор эди. 160 кг бағажимнинг қоқ ярми китоблар бўлибди. Айни ана шу китобларни Одесса божхонасидан ўтказиш қийин кечди.

2000 йили қиблагоҳим — отам билан ҳаж зиёратига бордик. Умра амалини бажарган биринчи кунимиздаёқ «Масжидул-ҳарам» атрофида китоб дўконларини айланиб, 200 Саудия риёлидан ортиқ маблағга (60 АҚШ доллари-га тенг) олти китоб сотиб олдим. Отам: «Ҳа, болам-а, шу ерда ҳам, шу-у-нча пулга китоб олдингми-а?», дедилар. «Ҳа, отажон, бу керакли китоблар, улар бебаҳо» десам, «Майли, шу ердаки шундай қилипсан, Аллоҳ ўзи сени қўлласин», деб дуо қилдилар.

Мусофирчиликни бошдан кечирган киши яхши билади: чет давлатларда узоқ муддат яшаш-ишлаш, бу — ўзига хос бир дард. У осон кечмайди. Аммо саволни жуда тўғри қўйдингиз: мусофирчилик йилларида илмга иңтилиш, илмга суяниш нафақат дарднинг давоси, балки бу — ҳақиқатан катта бахт-саодат!

— Ўзингизнинг олимлик даражасига эришишингиз (фан номзодлиги, фан докторлигини ҳимоя қилиш) босқичларини эсласангиз.

— Айни Миср кутубхонасига қатнаган кезларим номзодлик диссертацияси устида бош қотирдим. Ибн Арабшоҳдан бошқа 20 га яқин XIV—XV аср Миср тарихчиларининг кўп жилдлик, асосан, қўлёзма асарларидан Амир Темурга оид парчаларни (жами 600 бетдан ортиқ) микрофильмга олдим.

1969 йил ёзида Тошкентга қайтгач, мавзуни тасдиқлаш ва бевосита тадқиқот билан шуғулланиш учун бир неча илмий муассаса раҳбарларига мурожаат қилдим. Аммо мен вазиятдан беҳабар эканман — Амир Темур билан боғлиқ мавзу устида ишлашни менга лутфан «маслаҳат» беришмади. 1971 йили «бир оз аччиқ қилган бўлиб» Москвага, СССР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасига ўқишга кирдим. Амир Темурга қарши фитнанинг айни ўчоғи шу институт эканини англагач, аспирантура муддатидан ярим йил йўқотиб, узоққа кетмаган ҳолда, ўша даврдан, аммо бошқа мавзу олдим: «XIV—XV асрларда Миср мамлук султонлигининг ижтимоий-сиёсий тузуми». Мисрдан кўтариб келган 80 кг китобларим асқотди.

Шу ўринда марҳум раҳбарим Н.А. Ивановни мамнуният билан эслайман. Москва шарқшунослари орасида «Иванов стили» деган тушунча мавжуд эди. Менинг ўша йиллари Москвада чоп этилган 2—3 мақолаларимда қисман шу стиль шаклланиганини эътироф этишди. Бу, ишонинг, осон бўлгани йўқ: раҳбарим битта сўзнинг ёнига «ст.» (яъни стиль) деб белги қўярди-да, 4—5 мартагача қайтарарди, аммо бирор марта ўзи тўғрилаб қўймасди. Бу мен учун ажойиб мактаб бўлди! Номзодликни 1975 йил апрелда Москвада ёқладим.

Докторликка келсак, у нисбатан осонроқ кечди, дейиш мумкин. Шунинг қайд этиш жоизки, жамики арабшунос ва умуман, шарқшунослар, албатта, ислом дини ҳақида тафаккур қиладилар. Шундай экан, беихтиёр исломдан олдинги араб жамиятининг тарихи, яъни Жоҳилия даври ҳақида ҳам тааммул қиладилар, ўйлайдилар. Халифа Умар ибн ал-Хаттоб «жоҳилиятни билмасдан исломни идрок этиб бўлмайди», деган эканлар. Аммо на Ўзбекистонда ва на собиқ иттифоқда бирор олим бу мавзуда комплекс тадқиқот олиб бормаган. Ливияда уч йил ишлаб қайтгач, 1986 йилдан эътиборан камина ТошДУнинг шарқ факультетида Жоҳилия тарихи махсус курсини олиб бордим. Дастлаб маърузалар матни, сўнг назарий тадқиқотга айланган «Қадимги Арабистон тарихи ва уни ўрганиш муаммолари» докторлик диссертациясини 1994

йилда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида ёқладим. Ҳимоя пайтида ҳозир бўлган Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси сўз сўраб, тадқиқотга ажойиб баҳо берди. Ҳимоядан сўнг Бирлашган Араб Амирликларидан бир нашриёт ўз журналини менинг унвонимга бепул жўнатиб, мақолаларим билан қатнашишни таклиф этди.

— Сиз айнан олимлик йўлини танлаб адашмаганмисиз? Илм билан шуғулланиш сизга нималар берди?

— Ҳа, адашмаганман. Буни изоҳлаш қийин эмас. Гап шундаки, мен талабалик йилларим холам ва поччамнинг қўлларида турганман. Аллоҳ раҳмат қилсин, икковлари ҳам саховатли, бағрикенг, ажойиб инсонлар эдилар. Поччам билан ота-боладек эдик, холамини эса Ҳури опа деб атардим. Ана шу маҳаллада ҳамма қатори икки олим, ТошДУнинг икки доценти ҳам яшарди. Улар яшаш шароитлари, юриш-туришлари, муомалалари, хуллас, кўп жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб туришарди. Мен уларга ҳавас қилардим ва ўзимга ўзим аҳд қилгандим, албатта, мен ҳам шуларга ўхшаб доцент бўламан, деб. Худога шукр, ўша ниятимга етиб, ўтдим ҳам.

Илм билан шуғулланишнинг ўз хусусиятлари бор. Баъзилар мия чарчаб қолади, унга дам бериб туриш керак, деб ўйлайдилар. Мен ундай фикрда эмасман. Инсоннинг ҳамма аъзолари «чарчаши» мумкин, аммо мия чарчамайди. Ақсинча, унга «дам» берилса, «занглаб» қолиши мумкин. Тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, соҳа бўйича воқеа-ҳодиса, янги адабиётлардан воқиф бўлиб туриш — олимнинг ҳаёт тарзи, умр мазмунига айланиб қолади.

Илм билан шуғулланиш менга бир қанча асарлар ижод қилиш, шогирдлар етиштириш, жамиятда фаол мавқега эга бўлиш ва, ниҳоят, бу дунёда ризолик ва шукроналик билан яшаш имкониятини берди.

— Сиз айти пайтда умр мазмуни, ҳаёт йўли юзасидан хулосалар чиқарадиган ёшдасиз. Изингиздан келаётган ёшларга нималар деган бўлардингиз?

— Илму заҳмат йўлини танлаётган ёшларга нима ҳам дейиш мумкин? Албатта, бу борада тайёр тавсия ёки рецепт йўқ. Қанча олим бўлса, шунча йўл бор.

Мен, масалан, мактабда, университетда, аспирантурада устозларимдан максимал билим олдим. Ўрта мактабда менга сабоқ берган она тили, рус тили, тарих, чет тили ўқитувчиларини фахрий профессор, ҳатто академиклар деб атаган бўлардим. Университетдаги устозларим Л.М. Мақсудов, Г.Б. Никольская ва бошқалар жаҳон андозаларидаги олимлар эди. Ғарб олий ўқув юртларида бекорга ихтиёрий ва мажбурий предметлар қўйилмаган. Талабалар у ёки бу предмет ва домлани танлаш ҳуқуқига эга. Ўқитувчи сабоқ беради (русча «преподаёт»), талаба эса уни қабул қилиб олади (арабча-ўзбекчада — толиб, талаб қилувчи). Умуман, ҳар бир ўқитувчининг «зўр» томони бўлади. Ана шундан унумли фойдаланиш керак. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, илмий иш, бу — барча бошқа соҳалар каби қунт ва аниқ режа асосида бажариладиган меҳнат фаолияти. Бир-икки ойда диссертацияни ёзиб ташлайман, ярим йилда ёқлайман, деганлар илмий иш билан шуғулланмагани маъқул. Аспирантурага кирмасдан ёки тадқиқотчи сифатида кафедрада тасдиқланмасдан олдин, иложи бўлса, талабалик йилларидаёқ илмий йўналиш аниқланиб олинмоғи лозим.

Ҳозир информацион технологиялар мисли кўрилмаган даражада ривожланаётган пайтда, албатта, фан иқтисодий тараққиёт билан мувозий равишда боради, аниқ фанларнинг аҳамияти катта бўлиб қолаверади. Аммо, асосан, пул-кредит муносабатлари, банк операциялари ҳисобига охириги пайтларда кескин ривожланган Жануби-шарқий Осиё давлатлари мисоли шуни кўрсатдики, мустаҳкам иқтисодий барқарорликка фақат бу йўл билан эришиб бўлмайди. Табиий захиралар ва бевосита ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодга эга жамиятлар узоқ барқарор ривожланишда бўладиларки, бунинг ёрқин мисоли Хитойдир. Ўзбекистон ҳам ана шундай имкониятларга эга давлат. Демак, Ўзбекистонда ҳам яқин келажакда илмий ғоя ривожланган мамлакатлардаги каби юксак кадр-қимматга эга бўлади.

Бевосита ўз илмий соҳамга қайтсам, яқин келажакда Ўзбекистонда барча гуманитар йўналишларда илмий изла-

нишларнинг аҳамияти катта бўлади, зеро биз ўтиш давридамиз. Бу эса қотиб қолган стереотиплардан воз кечиш, янги концепцияларни илгари суришни тақозо этади.

2005 йил, июнь

ОШО ҲАҚИҚАТЛАРИ

Ошо — Багван Шри Раджниш ҳозирги замон ҳинд фалсафа мактабининг вакилларида бири. Багван Шри Раджниш номига тақалган «Ошо» нисбаси «океанга монанд», «мурувватли» сингари маъноларни билдирар экан. Унинг «Философия Переннис» («Боқий фалсафа») китобида (Москва, «Нирвана», 2002) Ҳиндистоннинг Пуна шаҳридаги коммунада 1978 йил 21 декабрдан 1979 йил 10 январгача ўтказган суҳбатлари жамланган. У тингловчиларнинг саволлари ва унга Устознинг жавобларидан иборат.

Ҳозирги замонда жуда кўп рекордлар қаторида бир натижа ҳам қайд этилган: олимларнинг кўплиги жиҳатидан Ҳиндистон дунёда биринчи ўринда турар экан! Бу маълумотни ўқигач, табиий савол туғилади: бунча кўп олим нима иш қилади? Ундан кўра қўш ҳайдаб деҳқончилик қилса бўлмайдими, аҳолининг «моддий фаровонлигини муттасил яхшиланиб боришига» ҳисса қўшган бўларди? Агар сиз Ошонинг китобини ўқисангиз, бутунлай тескари хулосага келасиз: олимнинг хизмати одамзод учун деҳқондан кам наф бермас экан. Бундай тўхтамга олиб келадиган сабаблар эса китобдан кўп топилади. У ақл ва қалбга «тўйимли» озуқа беради.

Тўғри, китобда ўткир муаммолар, қизиқарли ҳикоялар қаламга олинмаган. У (номидан кўриниб турибди) азалий мавзулардан баҳс юритади. Ўзи, ҳозир қайси мавзу жуда ҳаммабоп ёки, иккинчидан, биз бу қадим дунёнинг жами сир-асрорига тушуниб етдикми? Ошо ана шу қадим ва оқсоч дунё сир-асрорлари ҳақида фикр юритади, ҳамма кўриб, билиб юрган нарсалар ҳақида ҳали ҳеч ким кўрмаган, англамаган сирларни очади.

Суҳбатларда қадимги юнон файласуфи(ва математики) Пифагорнинг «Олтин шеърлар»и эпиграф ва далил қилиб олинади. Ошо Пифагорга — ўша тўғри бурчакли учбурчак ҳақидаги машҳур теореманинг муаллифига жуда юқори ихлос билан қарайди ва уни одамзод тарихида биринчи марта иложсиз нарсаларга ечим топмоқчи бўлган ва буни эплаган инсон деб таърифлайди. Пифагор шахсида Шарқ ва Ғарб, эркак ва аёл, оқ ва қора бирлашиб кетган эди, дейди Ошо. Ўз мезонларидан келиб чиқиб, Пифагорни шоир, олим ва зоҳид (мистик) деб таърифлайди. «Пифагор дунёга жуда эрта келиб қолган эди, — деб ёзади у, — унинг ташрифига ҳали одамзод тайёр эмас эди».

Лекин суҳбатлар асносида файласуф муаллимининг соясида қолиб кетмайди, балки ҳар қандай мавзуга ёндошганда ўз ҳукмини билдиради. Унинг фикрлари ҳақиқий фалсафа илмини чуқур ўрганган, христиан, ислом ва будда таълимотини ўз дунёқарашида уйғунлаштира олган, кенг қамровли тафаккур, чуқур билим ва мушоҳадали олимнинг борлиққа муносабатидир. Услубнинг енгиллиги, қиёсларнинг ёрқинлиги, мисолларнинг ҳаётийлиги мураккаб фалсафий қоидаларни тушуниб олишни осонлаштиради. Енгил ва завқли мутолаа кишини таниш йўллар орқали нотаниш манзилларга олиб боради, нарсаларнинг ҳозиргача идрок этилмаган хоссалари очилиб бораверади ва охирида шу таниш дунёда бутунлай янги, кўрилмаган олами кашф этгандек сезади одам ўзини.

Қайд этилганидек, мазкур суҳбатлар ўтган асрнинг сўнгги чорагида — 1978-79 йилларда бўлиб ўтган ва янги минг йиллик остонасида Ошо огоҳ этадики, одамзоднинг шу 25 йилликдаги феъл-атвори келаси минг йилларнинг табиатини белгилаб беради. Инсон зурриёди ҳозирги цивилизация давомида жуда кўп бемаза ишлар қилди, уч минг йилда 5 мингдан зиёд қирғин-барот урушлар содир бўлиб, миллионлаб одамлар заволавор топди. Табиатга зуғум ўтказилиб, унинг меъёрлари издан чиқди. Тупроқнинг ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди. Одамлар бир-бирларига нисбатан ёвузлашиб қолдилар. Агар янги минг йиллик арафасида инсоният ўз ёмон қилиқларидан иложи

борича холи бўлмас экан, Пифагоргача 2,5 минг йил олдин юз берган фалокат — Атлантида қуруқлигининг сув остида қолиши (ҳозир унинг ўрнида Атлантика океани пайдо бўлган эмиш) сингари кўргулик юз бериши мумкин.

Хуллас, китобда жамланган суҳбатларга мавзу бўлган саволлар ранг-баранг. Уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил фикр юритиш мумкин. Биз бу ўринда кўпчилик учун қизиқарли бўлган «ИНСОН» тушунчасига Ошонинг қарашларини келтириб ўтишни танладик. Зеро, Ошонинг фикрлари ҳам мутлақ ҳақиқатни қамраб ола олмайди, у ҳам олим сифатида маълум мактаб вакили ва аниқ бир оқимга мансуб (масалан, «Либос ахлоққа хос эмас» деган фикрни турлича шарҳлаш мумкин). Ана шундай ўзига хос ёндошувлардан хабардор бўлиш эса ҳар бир ўқувчида борлиқни янада мукамалроқ идрок этишда янги уфқлар очиши мумкин. (Агар инсон борлиқни тўла идрок эта олганда эди, суҳбатдошининг ошқозонида қандай жараён кечаётганини кўриб турарди. Билиш — шу йўлдаги саъй-ҳаракат, холос).

Суҳбатлари асносида Ошо инсониятнинг жуда кўп намояндаларини тилга олади: аввало, Пифагор, шу қаторда Исо, Муҳаммад (с.а.в.), Будда, Конфуций, Мулла Насриддин, Фарҳод ва Ширин, Патанжали, Фрейд, Дельгадо... Уларни турлича истифода этади: биридан мисол келтиради, бошқасини ибрат қилиб кўрсатади. Умуман эса инсон мўъжизасини дунё мавжудлигининг икки шарт: тун — кун, ибтидо — интиҳо ва ҳоказо учрашган, кесишган тугун сифатида таърифлайди: «Инсон — икки қонуниятнинг учрашуви демакдир: зарурат қонуни, куч қонуни». Одатдаги турмуш тарзи зарурат қонуни билан бошқарилса, одамнинг бу даражадан юқорига интилиши куч қонунига мансуб бўлади. Заруратлар миянинг чап ярим шарида мужассамлашган бўлиб, ўнг қўл унга бўйсунеди, унинг фаолиятига мантиқ билан иш тутиш, ҳисоб-китоб, илм-фан, арифметика сингари аниқ фаолият турлари мансубдир. Интуиция, руҳий қувват, медитация, севги, шеърият сингари туйғулар миянинг ўнг ярим шаридан қўзғалиш олади, чап қўл воситасида воқе бўла-

ди ва куч қонуни билан бошқарилади. Инсонда ана шу икки қутб ёнма-ён яшар экан, ҳар доим улар уйғунликда фаолият кўрсатавермайди. Мия шарлари бир-биридан беҳабар қолиб кетиши мумкин бўлганидек, куч қонуни кўплаб инсонларда умуман амал қилмайди. Худди шу ҳолатдан келиб чиқиб, инсон вужудида тана — руҳ, ер — осмон, қуллик — эркинлик, аён — ноаён, ошкор — сир... учрашган чиқади. Уларнинг биринчи тарафи зарурат қонуни асосида амал қилаверади: одам истаса-истамаса тана эҳтиёжи билан яшайди: муттасил ерга интилади; қуллик кайфияти ўраб олган; аён нарсалар билан кифояланади, камёб нарсаларни билишга ҳафсала қилавермайди...

Ошо бутун мулоҳазалари давомида ана шу икки қутбли ўлчамни маҳкам ушлаб олади ва барча фикр-хулосаларини шу тизимга боғлайди: ақл — зарурат қонуни ашёси. Куч қонуни ашёси эса интуиция. Ақл ҳосиласи — фан (илм), интуиция эса динни юзага келтирган. Фан кашфиётлар қилишга ожиз, унинг хулоса-натижалари ниҳояти амалиётда асқотати. Ҳақиқий кашфиётлар интуициянинг маҳсули, кашфиётлар илоҳийдир. Ялакат хулоса эса — нажот диндадир. (Ошонинг бу хулосаси иккинчи тараф (фан)ни инкор этмайди, бу унинг принципига зид («агар юқори тушунчалар билан ишласанг, қуйидаги тушунчалар эргашади»), аксинча, ҳозиргача фан ва дин ўртасида ихтилоф солиб келганларни қаттиқ қоралайди. У айтмоқчи бўлган фикр — дин фан (илм)дан юқори туради!).

Ҳақиқатнинг ҳам Ошо наздида ўз таърифи бор ва «тана ҳақиқати зарурат қонунига, қалб ҳақиқати эса куч қонунига хос». «Инсон, — дейди у, — ана шу икки абдийлик ўртасига тортилган арқон, дин эса дорбозлик санъатидир».

Инсонни вертикал ҳолда икки қутб туташуви, деб талқин қилган файласуф унинг горизонтал хусусиятлари (бу иборалар шартли бўлиб, уларни биз қўлладик)ни ҳам кўрсатиб ўтади. Ошонинг фикрича, одам уч ўлчамли мавжудотдир. У умри давомида шу ўлчамларнинг бири ёки иккиси доирасида қолиб кетиши мумкин. Бундай ҳолда унинг ҳаёти мукамал бўлмайди. Агар одам уч ўлчамни

ҳам қамраб ололса, ҳаёти тўкис бўлади. Биринчи ўлчов аниқ маълум, у моддий кўринишга эга. Уни ўлчаш мумкин: бу математика олами, фан олами. Иккинчиси — ички ўлчам, аниқ кўринмайди, мавҳум, ғуборли, сирли. Бу тонг ғира-ширасига ўхшайди — кундуз ҳам эмас, кеча ҳам эмас, уларнинг ўртаси. У моддийлик ва руҳоният орасида яшайди. Бу — шеърят, санъат олами. Учинчи ўлчам — бутунлай кўзга кўринмас. Уни ҳали ҳеч ким кўрмаган ва кўрмайди ҳам, чунки у қаровчининг моҳиятидир. У ҳар доим гувоҳ, лекин унга гувоҳ ўтилмайди. Уни ҳеч қачон таниқаридан изламанг, у сизнинг ичингиздадир. У фақат кузатади, бироқ кузатилмайди. Бу — зоҳидлик олами. Демак, мукаммал одам — ҳам олим, ҳам шоир, ҳам зоҳид (мистик). Пифагор мукаммал одам бўлган, у авлиё эди.

Тингловчилардан бирининг: «Сизнинг мақсадингиз — бизнинг психологик ўсишимизни эмас, маънавий (руҳий) ўсишимизни таъминлаш. Бу иккаласининг қандай фарқи бор?» деган саволига жавоб берар экан, файласуф инсон ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради. «Одам — уч қаватли бино: тана, ақл ва руҳ, — деб гап бошлайди Ошо, — тана фақат бадандан иборат. Ақл ақлга хос ва танага хос таркибдан тузилган. Руҳ эса уч бирликни ҳам қамраб олади. Юқоридаги пастни ушлаб туради», аксинча эмас — паст юқорини бошқара олмайди. Бу, файласуфнинг таъкидлашича, эсда сақлаб қолиш керак бўладиган энг муҳим қонунлардан бири. Агар юқорини инкишоф этсангиз, паст ўз-ўзидан эргашади. Агар пастни бошқарганингизда юқори унга бўйсунмаган бўларди. «Шунинг учун мен сизнинг ақлий (психологик) ўсишингизни эмас, руҳий юксалишингизни кўзлаялман. Агар ақлингиз билан ишлаганимда руҳий дунёнгиз назоратсиз қоларди. Фарб нуқул ақлга зўр бериб, хатога йўл қўйиб келди. Бу жиҳатдан инсон руҳини тарбиялашга сафарбар этилган Шарқ услуби жуда илғор».

Ошо тасаввуридаги мукаммал инсон тимсолини тавсифлар экан, унинг даврида бундай зотлар йўқлигидан афсусланади. Бу ҳолнинг юзага келишида жуда кўп сабабларни кўрсатади. Хусусан, унинг дин арбобларига эътирози кучли. Агар диндаги одамларни диндорлар, деб ата-

сак, дин тартибларини жорий қилиш, назорат этиш ва шу воситада тирикчилик ўтказадиган кишиларни дин амалдорлари (арбоблари) деб аташ тўғри бўларди. Демак, олим диндорларга эмас, дин амалдорларига таъна қилади: «Поплар ҳар доим золим бўлганлар». «Коҳинлар ва сиёсатчилар инсоният устидан ҳукмронлик қилиш мақсадида мудҳиш келишувга эришдилар: улар одамни қўрқувга гирифтор қилдилар».

Хуллас, ҳокимият васваси (ҳукмронлик иштиёқини Ошо қаттиқ қоралайди, ҳамма ҳокимиятдан маҳрум қилинган аёлларнинг «тарбияловчилик» вазифасига ўтиб олганини ҳам ҳокимиятга интилиш жазавази, деб атайди ва бундай аёлларни нафратлайди), манфаат аралашгач, турли ярамас ислохотлар туфайли инсоннинг эркинлигига путур етди. Инсонни бу бахтдан мосуво этиш Яратганининг иродасига қарши исёндир, дейди Ошо, негаки у она қорнидан ёруғ оламга қўл-оёғи озод ҳолда ташриф буюради. Турли тақиқларга дучор бўлган инсон фарзанди мустақил фикрлаш қобилиятидан ҳам маҳрум бўла бошлади ва оқибатда гомосипиенус (одам) тимсоли гомомеханикус (гуманоид)га айланиб борди.

Гуманоид шундай мавжудотки, унга ўзини ишташ (излаш) тақиқланган ва у қўлсиз-оёқсиз мундига айланган. Шу туфайли у ҳар доим ўзига йўл кўрсатувчи бирор одам излайди. Гуманоид нима қилиш-қилмасликни кўрсатиб турувчи қаттиққўл (мустабид) одамга муҳтож. У масъулиятдан қочади, миясини ишлатишдан қўрқади ва шунинг учун қўл ҳолатида мутеъ бўлишни яхши кўради. Фикрлаш — гуманоид учун азоб, бу унга ортиқча ташвиш келтиради. У ҳеч бир қарор қабул қилолмайди, у хато қилиб қўйишдан қўрқади. Гуманоид шундай одамки, у ҳеч қачон йўрғагини тарк этолмайди ва у доим отасини излаб, унга қўз тикиб ўтиради. Гуманоид бирор нарса рўй беришидан ўлгудек қўрқади, унга ҳар ишда кафолат керак. Биров унга йўл кўрсатиб турса, у шу издан кетса кифоя. У фолбинга, ромчига бориб, толеъини билмоқчи бўлади, мабодо, айтилганлар тўғри чиқмаса ўзи эмас, фолбин адашган бўлиб чиқади.

Гуманоид — ўз-ўзини англашдан йироқ, ўзи кимлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас. Унинг тасаввурлари ўз қобиғи даражасида бўлиб, улар ҳам бошқа гуманоидлардан юкқан. Гуманоид шахсий майлларини сафарбар қилишга қобил эмас, у исташ, яшашга қобил эмас. Бу қарамлик ҳодисаси, у ўз эркини йўқотган. Гуманоид — руҳан шикаста одам. Ер юзидаги жуда кўп инсонлар руҳан шикаста.

«Дунё бундай одамларга тўлиб кетган, — деб афсусланган экан Ошо, — улар одам эмас, улар одамзод наслидан эмас, улар қўй бўлиб қолишган. Гуманоид — қўй, гуманоидлар — чорва подаси. Сиз қўй подасини кўрганмисиз? Бир-бирига қапишиб олиб, қалтираганча сурилади. Ҳаммаси кўрқув ичида. Гуманоиднинг асосий кишани — бу кўрқув кишани. Сиз бошданоқ минглаб кўрқувлар билан заҳарланган эдингиз: дўзах хавфи, одобсизлик хавфи, омадсизлик хавфи... Буларнинг ҳаммаси сизни кўрқитди, сиз кўрқоқ бўлиб қолдингиз».

Файласуф бундай ҳолнинг юзага келишини атрофлича изоҳлайди. Айниқса, одамзоднинг мувозанатни йўқотиб, бир томонга оқиши кўп салбий ҳолатларга олиб келганини таъкидлайди. Масалан, фан ва дин бир умр бир-бирига душман бўлиб келди, бир-бирига қарши курашди. Ҳолбуки, улар ҳамкорликда бўлганида, аввало, ташвишлар камайган, кейин эса кўплаб муаммолар ўз ечимини топган бўларди. Аслида, зоҳирий (ташқи) билимлар фан (илм), деб аталса, ботиний (ички) билимлар диндир. (Нарсаларнинг ташқи хусусиятини ўрганган илм кишиси — олим, нарса ва воқеликнинг ички моҳиятини ўрганган олим эса ҳаким деб юритилган). Ташқи хусусият ва ички моҳиятни ажратиб текшириб бўлмаганидек, фан ва динни ҳам ажратиб бўлмайди. Фан динга фақат ёрдам бериши мумкин; дин эса фан учун ботиний билимларга асос тайёрлаб беради.

Файласуф ўтган йиллар сабоғини сарҳисоб қилар экан, янги минг йиллик арафасида ўз шиорини шундай изҳор этади: «Менинг одамзодга мурожаатим шундай: бир-биридан ажратилмаган, бирлашган, комил одамни яратинг».

Ошо таърифича, янги одам — гомоновус ҳаммабоп бўлиши лозим. У барча тўсиқлар — ирқ, дин, ранг, жимога қўйилган чекловларни четлаб ўтади. Янги одам Фарбга ҳам, Шарққа ҳам мансуб эмас, у Ерни ўзининг ягона уйи, деб билади. Янги одам зоҳиран ва ботинан бой бўлади, унинг шахсида ички ва ташқи бойлик уйғунлашиб кетади, улар бир-бирини рад этмайди. Бу зот фан ютуқлари орқали ташқаридан, диний билимлар воситасида эса ичдан бой бўлади...

«Боқий фалсафа» китобида ҳар ким ўзича ўйлаб кўрадиган, мағзини чақадиган маънолар кўп. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, «Ўтмишдан воз кечиш эски кийимни ташлаш каби жўн нарсаси эмас, балки бадандаги терини шилиб олишдек оғриқли юмуш». Демак, одамзод ўтмиш хатоларидан аста-секин халос бўлиб, минг йиллар давомида порлоқ орзулар манзилини кўзлаб яшайверади-да.

2005 йил

РУМИЙ ЎТГАН ЙЎЛ

Муаззам Шарқ кўплаб буюк даҳоларга бешик бўлган. Бу мўътабар зотларнинг исмларини шунчаки қайд қилиб ўтганда ҳам саҳифалар тўлиб кетиши шубҳасиз. «Нур — Шарқдандир» деган эътироф ана шундандир. Шарқнинг улуғ фарзандлари қаторида Жалолиддин Муҳаммад Румий Балхийнинг алоҳида ўрни бор.

Тоза палакларда туп ёзган Жалолиддинни тақдир етарлича сийлаган. У кўз очган хонадон теварак-атрофда машҳур, узоқ-яқиндан кўплаб маърифат талабларнинг орзусидаги даргоҳ эди. Умр йўллари уни даврининг буюк инсонлари билан юзма-юз қилди. Воизликда юксак мақомга эришиб, сўз сеҳрини шеърятда тўла намоёниш этди. Руҳий ва моддий дунё синоатларини ўз тафаккурида қайта кашф қилиб, олам асрорини инкишоф этишнинг янги йўлини асослади: Мавлононинг қарашларини муридлар тартибга солиб, тасаввуфда янги тариқат — «Мавлавия» сулукини тақдим этдилар. Гарчи бир пайтлар «Ҳеч

қачон ўзимда шеърятга майл сезмаганман ва менинг назаримда ундан баттар машғулот йўқ», деган бўлса-да, оташин илҳом қанотида ўтли мисралар яратди. Мисраларки, тафаккурнинг теран қатламларидан баҳс юритарди: унинг бир байтига 20 варақ шарҳ ёзилган.

Жалолиддин Румий моддий оламдан руҳ дунёсига кўтарила олган, тил билан ифодалаб бўлмайдиган борлиқни кўра оладиган, ҳис қила биладиган ва мавҳум тушунчаларнинг суратини чизишга қодир даражага етган эди. Инсоният учун ато этилган бу Инсоннинг ҳаёт йўлига разм солиш кўплаб саволларга жавоб берса, ажаб эмас.

0—15 ёш

Хоразмшоҳлар салтанатининг муҳим нуқталаридан бири, Хитой ва Ҳиндистондан, Эрон ва Мовароуннаҳрдан келадиган карвон йўллари туташадиган Балх ўша пайтда гуллаб-яшнаган шаҳар эди. Шаҳарнинг яна бир ифтихори — унда машҳур олим ва воиз Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Ҳатибий — Баҳовуддин Валад яшар эди. Унинг тушига пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) кириб, олим иқтидорининг эътирофи сифатида уни Султонул Уламо (олимлар султони) деб аташни амр этган эдилар. Султонул Уламо ислом илоҳиётшунослиги, Қуръон тафсири ва ҳадислар шарҳидан мадрасада дарс берар, унинг «Ал-Маориф» китоби жуда машҳур эди. Онаси Муҳаммад Хоразмшоҳ (Султоншоҳ Маҳмуд (1172—1193) бўлиши мумкин)нинг қизи эканлигиданми ёки машҳурлиги боисми, саройга яқин бўлган.

Ана шу оилада ҳижрий 604 йил рабиул-аввал ойининг 6-сида, мелодий 1207 йил 30 сентябрда Жалолиддин Румий таваллуд топган.

Бу пайтлар Хоразмшоҳлар салтанатида парокандалик белги бера бошлаган давр эди. Жумладан, Аловиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси, ақлли ва қатъиятли Туркон хотун атрофида уюшган ҳарбий зодагонлар илм-маърифат вакилларига қарши фитна кўзғашга уринишаётган эди.

Табаррук оилада туғилган Жалолиддин тарбияси илм-урфон нури билан чулғаб олингани шубҳасиз. Хокисор, меҳрибон она — Мўмина хотун гўдак бошида парвона, фақат унинг бошқаларникига ўхшамаган қилиқларини шарҳлашга ожизлик қиларди. Бир куни 4—5 ёшларида том четида ўтириб, фалакка парвоз қилишни хоҳлади, қўлларини ёзиб, бир зум ўзини бўшлиқда ҳис қилди. Унинг бу ҳолатини руҳоний алломалар: «Ўшанда ҳақиқатан Жалолиддин кўкка парвоз қилган», деб изоҳлашса, моддиюнчилар: «У пастга қулаб, ҳушидан кетди», деб таъкидлайдилар. Нима бўлганда ҳам боланинг вужудида ердан кўтарилиш — жами инсонлар пойанда бўлган тупроқдан баландда туриш, самога интилиш туйғуси барқ урарди ва бу ҳис тобора кучайиб борди. Кейинчалик илҳоми жўш урганда чарх уриб рақсга тушар, шунда, эҳтимол, бир зум ўзини озод сезарди. Рубоийларидан бирида мана бундай деб ёзиши ҳам бежиз эмас:

Мен зарраман, қуёшлик ойим сенсан,
Бемор ғамингману давойим сенсан.
Учмоққа қанот йўқ, вале учгаймен,
Сомон бўлибман, оҳанрабойим сенсан.

Саройда эса фитна авж оларди. Ниҳоят, диний масалаларда бир-бирига ашаддий рақиб бўлган Султонул Уламо билан ақидапараст мутаассиб Фаҳриддин Розий бутунлай душманга айланди. Аъёнлар Розийнинг тарафиди бўлишди, унинг фатволарини қўллаб-қувватлашди. Бу ҳол оғир кўргуликларга олиб келди. Хусусан, ифво туйғуларини машҳур шайх Мажиддин Бағдодий фожиали қатл этилди (1209). Султонул Уламо ва Мажиддин Бағдодий бир пайтда Нажмиддин Кубро даргоҳига қадам қўйиб, мурид бўлишган, муборак хирқани ҳам шайхнинг қўлидан кийишган эди.

Ҳаддидан ошаётган Муҳаммад Хоразмшоҳ муқаддас ақидаларни ҳам писанд қилмай қўя бошлади. Бағдод халифаси Носирга мактуб йўллаб, пойтахт масжидларида ўз номига хутба ўқитишни талаб қилди. Бу бутун халифаликни ўз тасарруфига киритишга шаъма эди. Ҳолбуки,

Аббосийларнинг то қиёматгача тахтга ўтириши Муҳаммад алайҳиссалом томонидан иноят қилинганди.

Айни пайтларда Чингизхон галалари чигирткадек яқинлашиб келар, Хоразмшоҳлар давлатининг шарқий чегараси ҳисобланмиш Ўтрор остоналарида турарди. Мўғуллар 450 мусулмон савдогарни элчи сифатида йўлладилар. Ҳиссиётга берилган ва келажакни кўра билмаган Хоразмшоҳ жами савдогарларни қиличдан ўтказишга амр қилди, 500 туядаги қимматбаҳо буюмларни Ўтрор ҳокими Иланчик шоҳга тортиқ қилди.

Тушида сарвари коинот — Муҳаммад алайҳиссаломни кўриб, шарафланган Баҳовуддин Валад — Султонул Уламо кетма-кет содир этилган уч катта гуноҳ — шайхнинг ўлдирилиши, халифага таҳдид солингани, элчи савдогарларнинг қатли ом этилишларини тафаккур кўзгусига солиб кўрди ва салтанатга мислсиз бало яқинлашиб келаётганини ҳис қилди. Уламо ва шайхлар ҳам муқаррар қойим бўлажак илоҳий жазо ҳақида каромат қила бошладилар. Бу жазо эса тенгсиз қудратга эга бўлган Чингизхон қўшинидан келиши ҳам сир эмас эди.

Хуллас, бошланиб кетган бўҳрон олдида ўзини ожиз сезган Султонул Уламо Хуросонни тарк этишга аҳд қилди. Оила аъзолари, муридлари қуршовида кўч-кўронини ортиб, Балхдан чиқишди.

Манбаларда бу сафар йўлининг ниҳоятда оғир ва узоқ бўлгани қайд этилган. Олдинда мусофир манзиллар, бегона юртлар — мавҳум тақдир кутиб турар, пешонага ёзилганини тасаввур қилишга ақл ожиз эди. Номаълумлик сари йўл олган карвон Балхдан чиққач, Мовароуннаҳр мулкини азимат қилади, Амудан ўтиб, Термизда, ундан сўнг Самарқандда манзил қуради. Хусусан, ички низоларни бостиришга жадал киришиб кетган Муҳаммад Хоразмшоҳ 1212 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Усмон билан жанг қилиб, шаҳарни эгаллаганда уламо оиласи билан шу ерда эди. Уларнинг Самарқандда қанча яшагани аниқ эмас, бироқ болалик хотиралари Жалолидин қалбини мангу тарк этмаганини улкан ижодида бу шаҳар номини бот-бот эслаб турганидан, ҳатто «Маънавий маснавий»даги бир ҳикоят Самарқанд билан боғлиқ-

лигидан билиш мумкин. Ўша ҳикоятда васф этилишича, ишқ дардига чалинган бемор қизнинг ошиғи самарқандлик заргар йигит бўлиб чиқади. Буни табиб томир уришидан аниқлайди. Қолаверса, Жалолиддин улғайгач, Лоранда шаҳрида савдогар Шарафиддин Лоло Самарқандий хонадонига куёв бўлди, эҳтимол бундай ечим юртошлари меҳрини юрагида жойлаб яшаётган отанинг иродаси билан амалга ошгандир.

Мовароуннаҳр ҳудудларида ҳам бухрон бошланганига ақли етган ва осойишталик бўлмаслигини сезган карвон Амудан қайтиб ўтган кўринади ва дастлаб Бағдодда, сўнгра ҳаж амалини адо этиш учун Маккаю мукаррамада бўлишади. Даманиқда бироз муддат яшашади.

Бу пайтда Кичик Осиёнинг сиёсий харитаси ранг-баранг, олақуроқ бўлиб, Хоразмшоҳлар, Бағдод халифалиги билан ёнма-ён унинг марказида Салжуқийлар бошлиқ Рум султонлиги (1077—1307) Кунё (қадимги Икониум)ни пойтахт қилиб, шиддат билан ривожланаётган эди. Салжуқийлар, айниқса, Аловиддин Қайқубод I (1219—36) ва Ғиёсиддин Кайхисрав II (1236—45) ҳукмронлиги даврида шу ҳудудда етакчи мавқе кашф этганди. Умид осойишта ва фаровон туркий султонлардан эди-ю, фақат уларнинг муносабати аниқ эмасди.

Хуросон таҳлика ичида қолганди. Балхдан чиққан карвон ҳам ором билмасди. Ҳатто арининг ҳам уяси бузилмасин экан. Улар Ҳижоз ва Шом бўйлаб йўл тортишарди. Шунда закий инсонлар отасининг изидан эргшиб бораётган Жалолиддинни кўрсатиб, «Уммоннинг денгиз ортидан боришини кўринг!» деган экан. Ўтқир назарлар ёш ўғлоннинг келажагини адашмай башорат қилишарди. У ана шу ёшида Қуръонни ёд билар, ҳадис илми ва шариат қонунларини ўзлаштирган, араб тили грамматикасию шеър тузилишини тўла ўрганган, улуғ шоирларнинг асарларини мутолаа қилиб, бенуқсон тушунарди.

Маърифати барқ уриб турган ўсмирни улуғ шоир Фаридиддин Аттор ҳам кўргач, идрок этди.

Уларнинг карвони Нишопур шаҳридан ўтиб борарди. Султонул Уламо эски таниши — севимли шоири Фаридиддин Атторни эслади. Аттор ундан 15 ёш катта, суфий-

лик хирқасини мактабдоши ва оғаси, ўша Хоразмда ўлдирилган шайх Маждиддин Бағдодий қўлидан кийган эди. Нишопурда ҳам нотинчлик, маърифатсиз бир зот ҳоким бўлган ва Атторни ҳам куфрда айблаб, баларға қилган экан. Шаҳар четидаги узоқ тоғ бағрида жой олган гор оғзида икки қария учрашди. Улар уч карра бош эгиб саломлашгач, гулхани ўчиб қолган ўчоқ яқинидаги тошга юзма-юз ўтиришди ва лом-лим демай бир-бирларига тикилиб қолишди. Нигоҳлар кўнгилга назар айлар, борлиқни кичик унсурлар, қисқа шарҳлар орқали эмас, яхлитликда қабул қиларди. Бундай пайтда сўз кетмайди. Сўз бу чоқ ожиз ва зерикарли. Улар шу ҳолда узоқ ўтиришди. Ниҳоят, шоир тилга кирди:

— ...бедаво, бесамар жаҳондан кечдим.

Шоир тугаб битган шамга ўхшарди. Унга ачиниш эса жоиз эмас, билъакс шундай зотдан айрилиб қолажак дунёга ачиниш лозим эди. Валад тўлишиб деди:

— Шукр, дийдорингизни кўришга муяссар бўлдим.

Ҳамроҳлар бу сирли суҳбатни жим кузатишар эди. Шундан сўнг улар узоқ суҳбатлашдилар. Нима ҳақда — Жалолиддин бунин билмайди. Ниҳоят, шоир букчайганча горга кириб кетди ва бир китоб олиб чиқди. Дарвоқе, бутун мусулмон дунёсини кезиб чиққан, тафаккурнинг энг тоза гавҳарларини ўзида жамлаган «Мантиқ ут-тайр» сингари асар ёзиб, дунё асрорини инкишоф этган шоир, чехраларга боқиб кўнгилларни ўқувчи сирдон китобни отасига узатаётиб, Жалолиддинга боққан эди. Китоб буюк шоирнинг «Асрорнома» достони эди. Унинг назари эса поёнига етаётган сўз авжини яна янги фалакларда кўришга иштиёқи эди. Ўша бесаранжом лаҳзалардаги бу қисқа учрашув Жалолиддин Румийнинг умр йўлидаги бир ойдин бекат бўлиб қолди.

Шунинг билан Нишопур ҳам ортда қолди. Энди йўл Салжукийлар тасарруфидаги ерларда давом этарди. Малавия орқали Сивос, Арзинжон, Оқшеҳир йўлларида қарийб тўрт йиллик умр ўтди. Султонул Уламо мадрасаларда дарс берди, Жалолиддин эса отасидан бутун илмларни ўрганди. Вақтини таҳсил билан ўтказди.

Йўллардан ўтиб боришар экан, саргардон карвонларга, тўда-тўда йўловчиларга дуч келишарди. Улар ўзлари билан дунёнинг турли бурчакларидан хабарлар олиб келарди. Қўналғаларда кечагина Султонул Уламо кўчи ўтган йўлларда мўғул галалари изғиб юргани, шаҳарлар таслим бўлгани, Урганч кунпаякун қилингани ҳақида суҳбатлар бўларди. Ҳа, Хоразмшоҳларнинг офтоби тўлўга етганди. Йўлларда қўрқиб қолган Аббосийларга ёрдамга бораётган Салжуқийларнинг лашқарлари тўп-тўп бўлиб учарди.

Сокин ва баракотли салтанат тобора бағрига чорларди. Энди улар бир йил қишни ўтказиш нияти билан Лоранда (ҳозирги Караман) шаҳрига боришди (1222). Унинг ҳокими амир Мусо кўнгли тоза, маърифатни қадрловчи туркий ҳукмдор эди, меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

16—36 ёш

Лорандада бир йил эмас, ризқ тортиб етти йил қолиб кетишди. Ҳоким Султонул Уламо ҳурматига шаҳарда мал-раса қурдирди. Жалолиддин ҳам отаси билан бақамти ваъз ўқишга киришди. Илк марта қалбида шеър завқи борлигини шу ерда туйди ва баъзан ваъзларида ўзининг байтларидан қўшиб ўқий бошлади. Савдогар Шарафиддин Лоло Самарқандийнинг қизи Гавҳар бонуга муносабати эса тарқоқ мисраларни бир ипга тизишга ва фавқулодда ўтли сатрлар тузишга ундади. У эҳтиросли қалби билан бу гўзал ойимчани севиб қолди. Тезда тўйлари бўлди. Орадан йил ўтиб, Яратган уларни ўғил фарзанд билан сийлади. Унга бобонинг шарафига Валад деб ном бердилар. Кейинчалик Султон Валад комил инсон бўлиб етишди. Бобоси ва отасининг ҳаёти ҳақида «Валаднома» достонини ёзди. Отасининг айтганларини сўзма-сўз йиғиб, «Фиҳи ма фиҳи» («Ўзи ҳақида ўзи» ёки «Ичиндаги ичиндадир») китобини тузиш билан бирга падарининг таълимотини қувватлантириб, «Мавлавия» сулукини асосладики, ҳозирги кунда унинг тарафдорлари ер юзида ўн миллионлаб кишини ташкил этади.

Беш йил бурун арман подшоси Левон II дан тортиб олинган Лоранда кўп миллатли шаҳар эди. Унда туркийлар билан ёнма-ён форслар, юнонлар, арманлар ва бошқа халқлар яшарди. Бўшаб қолган монастир, бутхоналар ёнида масжидлар қурила бошлади. Шундай шароитда Султонул Уламонинг мавқеи ва хизматига эҳтиёж катта эди. Амир Мусо ҳам устозни узоқроқ ушлаб туриш пайида эди.

Жалолиддин имкониятдан фойдаланиб, юнон ва бошқа тилларни кўшимча равишда ўрганди. Турли динлар ва халқлар тарихи билан қизиқди. Эҳтимол, ана шу таҳсиллар жараёнида унда илк бора жами халқлар бир ота-онадан тарқалгани, барча динларнинг негизи ягоналиги ҳақидаги андишалар пайдо бўлгандир.

Лоранда дунёга тийрак кўз билан боқиб, нигоҳи қадалган уфқни кўзлаб ерда қадам ташлаб бораётган ёш йигит ҳаётида ўчмас из қолдирди. У шу ерда тириклик синоатларига илк бора дуч келди. Илк бора айрилиқ бағрини ўртади: дастлаб касалманд акаси Алоиддин, сўнгра онаси Мўмина хотун ёруғ дунё билан видолашди. Хомуш тахаллуси билан илк шеърини ёзди. Илк марта инсон вужуди фақат тўқималардан иборат эмаслигини, унинг қайсидир узвларида тўфон турса, ҳатто мияга ҳам бўйсунмай қолишини ҳис этди; бу дастлабки таассуроти ўзгармай қолди ва бир умр юрак миядан устун, деган ақида билан яшадди. У бу ҳисни Гавҳаройимни севиб қолганда туйган эди. Ва, ниҳоят, дунёнинг боқийлиги зурриётларнинг давомийлигида («мен ҳам япроқман, томиримга экилганман») эканлиги саолати шу шаҳарда насиб этди: биринчи фарзанди Лорандада туғилди.

Султонул Уламо (Баҳовуддин Валад) бу ерда етарлича шуҳрат қозонди. Унинг ваъзаларининг довуғи узоқ-узоқларга таралди. Албатта, буни пойтахт, ҳукмдор билмаслиги мумкин эмас эди. Аниқ далилларга қараганда, Султон Алоиддин Қайқубод уламога махсус хат билан мурожаат этиб, уни Кунёга таклиф этади. Жуда кўп ваъдалар беради. «Амри подшо — вожиб» деганларидек, таклифни қабул қилмасликнинг иложи йўқ эди.

Азбаройи ихлоси ва ҳурматининг буюклигини изҳор этиш учун кутиб олувчилар сафининг бошида султон Алоиддиннинг ўзи турарди. Яқинлашгач, уламо тўхтаб, таъзимга бош эгди. Султон яна яқинлашиб, энгашди ва устознинг қўлини ўпмоқчи бўлди. Уламо ҳукмдорга қўли ўрнида ўпиш учун ҳассасини тутди. Бу шаккокликдан султон бағоят дарғазаб бўлди: «Бунча манман бўлмаса бу чол!». Аммо ҳамманинг кўзи унда эди, қаҳрини сездирмай, ҳассага лабини босди. Султонул Уламо унинг кўнглидан кечган гапни сезган эди, устозларга хос босиқлик билан муридларга ўқдек таъсир қилувчи оҳангда шундай деди:

— Мен такаббур эмасман. Билгинки, таслим бўлиш (бош эгиш) гадолар иши. Султонларга бу муносиб эмас.

Саройга эмас, Олтинпо мадрасасига жойлашиб олган шайх умр фаслининг тўлишган айёмида бутун иқтидорини ишга солиб ваъз ўқирди. Унинг лутфи оҳанрабодек кишиларни ўзига тортарди. Султоннинг талаби билан дамашқлик усталар бино этган улкан масжиди жомега Алоиддин Қайқубод бошлиқ хонадони вакиллари, саройининг жами аъёнларию аркони давлати, қозилар, ҳарбийлар, савдогарлар ташриф буюрарди. Ваъзларда Куръони карим оятлари тафсир қилинар, шу асосда илми шарият, илми урфон, илми ҳидоят — ҳулас, жами дунё сирлари ҳақида баҳс борарди. Минглаб китобларни кўрган, кўплаб диёрларни кезган уламонинг чақиндай хотирасида қанчалаб шеърӣ мисралар, ривоятлар, рақамлар, исм-шарифлар беҳато айланар, оддий унсурнинг жузъӣй бир ҳолатидан бепоён самовӣй сирларини кафтдагидек кўрсатиб бера оларди. Бир далилнинг кўплаб талқинларини келтирар, бир талқин янги талқинларнинг занжирига уланиб кетарарди. Нарсалар ва моҳиятлар Султонул Уламо ваъзи орқали жами сирларини намоён қиларди. Тингловчиларнинг ҳар бири унинг назарида бўлар, уларнинг фақат зоҳирини эмас, ботинини ҳам кўриб турарди гўё. Орада уларга мурожаат этиб турар, сўзининг таъсирини текшириб борарди. Баногоҳ сомеълардан бири ҳайратига истехзо аралаштириб, «Ваъз айтиш учун соатлаб тайёр-

ланса керак», деган хаёлга борди. Шу ондаёқ уламнинг нигоҳи унда тўхтади, исмини айтиб чақирди-да:

— Қуръон сурасидан билганингни ўқи, — деди. Қўлга тушган гуноҳкордек бечора тингловчи аранг бир оятни ўқий олди.

— Мен, — деди Султонул Уламо, — сен айтган шу оятга тайёргарликсиз қанчалаб шарҳ бера оламан...

Султонул Уламо қариб бораётганини, Кунё унга ер юзидаги сўнгги манзил бўлишини сезар эди. Бир кун юқоридан шаҳарга разм солар экан, ёнида турган ўғли Жалолиддинга:

— Қара, бу ерда уйлар жуда кўп. Уларда набираларим, набираларимнинг набиралари яшайверсин, — деди.

Бу сўзлар мангулик тилак эди. Султонул Уламо 1231 йил 6(23) февралда вафот этади.

Жалолиддин Румий катта ҳаёт йўлининг бошида ёниб турган чироқнинг нури жуда ўткир эди.

Отаси вафотидан кейин Жалолиддин бош мударрис этиб тайинланади. Унинг учун асосий дастуруламал отасининг тажрибалари, панд-насиҳатлари ва «Ал-Маориф» китоби эди. Жалолиддин ваъз учун зарур ҳамма нарсага: илму маърифат, қувваи ҳофиза, хаёл-тасаввур ва нотиклик малакасига эга эди, фақат унда тажриба, амал етишмасди. Қолаверса, кеча етакдаги талаба билан бугун бошқаларни етаклаши лозим бўлган устоз баробар эмас эди. Кунё муҳитида отасининг содиқ шогирдлари қаторида унга ҳасад қилувчи зотлар ҳам оз эмасди. Улар ёш мударрисни тан олишмас, боз устига етук устоз-шайхлардан ёзма ижозати — шаҳодатномаси йўқлигини пеш қилишарди.

Ана шундай бир шароитда аллақачон мўғулларга таслим бўлган Термиз шаҳридан «Кубравия» тариқатининг йирик вакилларида бири, отасининг содиқ шогирди Саид Бурҳониддин етиб келди. Суфийликда «Муҳаққиқ» (ҳаққа етган) мақомига эришган шайх Бурҳониддин Термизий устозининг нури дийдасини камолга етказиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва унинг тарбияси билан жиддий шуғуллана бошлади.

Тасаввуф алломаларининг қайд этишича, бу йўлга кирган киши тўрт мақомни босиб ўтиши лозим: *шариат*,

тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Ўзни тоблаш (чиниқтириш) босқичлари эса қуйидагича:

ШАРИАТ — тайёргарлик босқичи, ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган амаллар бўлиб, бу ҳали йўлга кириш дегани эмас. Уларни тўла ўзлаштиргандагина иккинчи босқичга ўтиш мумкин. Шариат *амалга* асосланади ва кўпроқ *зоҳирий* таассуротлар (кўз, қулоқ, оёқ, қўл, юрак) орқали ҳосил қилинган илмга суянади. Шариатнинг белгиси *тафаккур*, раҳнамо *ақлдир* ва у кишини *олимга* айлантириш билан кифояланади. Шариатда камолга етган кишини *отга* қиёслаш мумкин ва энди отни бошқарадиган чавандозга зарурат сезилади.

ТАРИҚАТ (йўл) тасаввуфнинг амалий қисми бўлиб, суфийларнинг руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини чиниқтириш ва тарбиялаш тадбир-усулларининг иккинчи босқичидир. Тариқатда *ботиний* кечинмалар (туйғу, сезги, ҳис, руҳ, қалб)га суянилади ва у муридни **МАЪРИФАТ**-га муяссар этади. Бу манзилларни *муҳаббат* раҳнамолигида тўла ўтган мурид (муродга интилувчи) мурод (Аллоҳнинг васли)га эришишда ҳақ йўлга — *тасаввуфга* етган бўлади.

Тариқат мақомлари қуйидагилар:

Тавба — қайтиш, олий ахлоқий сифатларга қайтиш.

Вараъ — парҳез, тақво (тил, кўз, қалбни тийиш).

Зухд — ҳазар қилиш (ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, бойликни рад этиш).

Фақр — Аллоҳга бандалик йўлида тупроқдек ном-нишонсиз бўлиш.

Сабр (сабр — иймоннинг ярмидир).

Таваккул — Аллоҳга суяниш.

Ризо — нафс розилигидан чиқиб, ҳақ розилигига кириш.

Шу ерда тариқат тугаб, камолга етишнинг сўнгги босқичи — **ҲАҚИҚАТ**, яъни ҳақиқий ҳаёт бошланади. Бу даражадаги суфий *ориф* деб аталади. Уни *чавандозга* менгазайдилар. Уч босқични 1) олов ёндиришини эшитганман; 2) олов ёндиришини кўрдим; 3) оловда ёниб кўрдим — тарзида мисол билан ҳам тушунтирадилар.

Шайх Бурҳониддин Термизий шогирди билан узоқ суҳбати давомида сездикки, у мақомот босқичларидан тўла ўтиб, ҳол мартабасига етибди. Унда «*илми қол*» камолга етган, тил билан ифодаласа бўладиган зоҳирий илмларда бенуқсон. Фақат инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл-атвор, хислатлар — «*илми ҳол*» даражасида тамкинга эришмаган, инсондаги тараб, сурур, ҳазинлик, шодлик, ҳам, завқ-шавқ, яйраш, соқинч, хумор каби тушунчаларни ҳис қилиш ва шарҳлашда юксак даражага чиқа олмаган. Бу мақомга етишда эса обрўли оилада улғайган ва етарлича эъзоз кўрган Жалолиддиндаги гурур, кибр халақит берарди. Шайх дастлаб унинг ана шу жиҳатини бартараф этмоқчи бўлди.

Саид ёш уламога хирқа кийдириб, белини ридо камари билан бойлади. Шу онлаёқ Жалолиддиннинг соқолини қиртишлаб, қошларини юлчи, сочини қиришди. Пир унинг бошига дарвешлар қалпоғи — сарпўш кийдирди. Шу лаҳзадан бошлаб у барча имтиёздан мосуво бўлган, Саид Бурҳониддин Муҳаққиқнинг муриди эди. Мурид дегани ўз инон-ихтиёрини пирга топширган солик. У ҳамма нарасада шайхга сўзсиз итоат этиши шарт.

Пир шогирдини аяб ўтирмади. Унга шаҳардаги ҳожатхоналарни тозалашни буюрди. Чарм челақларда муттасил ахлат ташир, тозаланган хандақлар эрталабгача баҳор сувлари билан тўлиб тураверарди. Ҳаммомда уч карра чўмилиб, тонггача «Ал-Маориф» китобини ўқир эди. У озиб-тўзиб кетган, бадбўй ҳиддан оғзига туз соломасди. Ёмгирлар камайгач, пир чорлаб, шундай деди:

— Сен юмушни тугатдинг. Фақат унутмагинки, юракни тозалаш ҳожатхона тозалашдан қийинроқ.

Жалолиддинни иккинчи сабоқ кутарди. У икки мурид билан шаҳардан садақа йиғиши керак эди. Тиланчилик қилиш биринчи юмушдан минг бора оғир эди. Баъзан секинроқ тозалаганимда бу азобда қолмасмидим, деб афсусланарди. Садақа сўраб юриб, одамларнинг қанақалигини ўз кўзи билан кўрди. Илм аҳлининг заҳархандаси, қашшоқ одамларнинг сахийлиги, бой хонадонлар хизматкорларининг такаббурлиги унга турлича таъсир этарди.

Кўплаб зоҳидларга ўхшаб унинг пири очликни ҳикматлар эшигининг калити деб биларди. Тамадди қилишга қуруқ нондан бошқаси бўлмас, баъзан бир бўлак шўртак шолғом билан сийланарди.

Ниҳоят, шайх Жалолиддинни етаклаб бозорга тушди ва қассоблар растасидан ўтаётганда ичак-човоқлар солинган, пашшалар ғужғон ўйнаётган тоғорага ишора қилади. Мурид сўзсиз тушунди, шартта ётиб, қуйқани ялади.

Синовлар яна давом этди. Очликни енгиш учун қорнига тош боғлаб олди. Отасининг китобини 101 марта ўқиб чиқувди, энди чўккалаб, бир оёғини йиғиб, унисини чўзиб, Куръон тиловатига киришди. Ҳар бир оят оҳанг ва садо воситасида тасаввурида қолмагунча ўқишга мажбур қилинарди.

Пир амри маъруфларида илоҳий тушунчаларни шарҳлар, мавҳум тимсоллар воситасида бўлажак буюк шоирни моддий оламдан руҳоният дунёсига етакларди. Масалан, ҳайвонлар ва ўзини ўйлаб яшовчи одамларни бир деб тушунтирарди ва бу бирликни уларнинг юмуши фақат насл қолдириш экани билан исботларди. Устози уни маърифат дунёсига етакларкан, кўпинча сўфий шоирлар Ҳаким Санойй ва Фаридиддин Атторга мурожаат қилишини сезиб етди. Ёмғирдан ювилган осмондек тиниқ зеҳнида муҳрланган бу зотлар кейинчалик, шеърият уммонида чарх урган чоғларида, сеvimли тимсолларга айланиб қолди.

Пир муриднинг иродасини тоблаб, уни ўз-ўзини енгиш сари етаклар, диққатини бир нуқтага йиғиб, ботинни кўришга ўргатарди. Соликнинг курб, муҳаббат, шавқ, унс, мушоҳида, мужоҳида, мукошифа мақомларидан шитоб билан пояма-поя илгариллашини мамнун кузатарди, унинг энг чигал кечинма ва ҳолатларни қўлда тутгандек тасвирлай олиш қобилиятига ҳайрон қоларди. Тасаввурга жон бағишлаган тимсоллар шайхнинг хаёлига ҳам келмасди.

Булар синов даври поёнига етиб бораётгани аломати эди. Ҳадемай, у соч олдирганига минг бир кун ҳам тўлди. Жами таассуротларни ёлғиз қолиб кечириш — синаб кўриш, узлатга чекиниш фурсати етишган эди.

Пир хужра тайёрлаб, унга бир кўза сув ва арпа нон киритиб қўйишни тайинлади. Муридни бошлаб борди-да,

ичкарига киритиб, ҳужра эшигини ташқаридан шуваб ташлаттирди. Узлат қирқ кун давом этди. Муҳлат тугагач, ҳужрага биринчи бўлиб пир қадам қўйди. Жалолиддин аста шивирларди:

Нарса йўқким хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсан ўзингда жам эрур.

Шайх бу сўзлардан қаттиқ мутаассир бўлди. Муриднинг тилидан «ўзини топган ва ўзини унутган» кишининг иқрори янграрди. Муддао ҳам шу эди!

Мурид шайхнинг кўнглидан кечган Куръоннинг «Сизга бу бир сабоқдир, сиз эса билмассиз» оятига жавоб қилган эди. Шайхнинг кўнглини илғай олган мурид ориф саналарди.

Шайх Бурҳониддин Термизий Кунёда тўққиз йил қолиб кетди. Бу орада шогирд илмини такомилга етказиш мақсадида Ҳалабда бўлиб, Ҳалавия мадрасасида Муҳиддин ибн ал-Арабий, Камолиддин ибн ал-Адам каби улуғ мударрислар билан суҳбатлар қурди. Дамашқдаги машҳур Мақдасия мадрасасида мураккаб илоҳий-дунёвий масалалар юзасидан муҳокамалар юритди. Энди у ҳар жиҳатдан камолга етган, рақиблар ҳам эътироз билдира олмайдиган даражага эришган эди.

Таҳсилдан қайтган Жалолиддин Кунёда катта тантаналар билан кутиб олинди. Устози Саид Бурҳониддин устидаги бош мударрислик хирқасини ечиб, ишонч билан унга топширди. У буюк воиз ва илоҳиётчи олим бўлиб етишганди.

Муриднинг даражаси пирни қаноатлантирарди. Кўнгли баҳузур устоз қониқиш билан юртига қайтишни хоҳларди. Жалолиддин эса унга отасидек ўрганиб қолган, шунинг учун кетишга ижозатни пайсалга соларди. Ҳа, Саид Бурҳониддин Жалолиддинга отасидек қадрдон эди, бироқ отасидан фарқ қиларди. Отаси вазмин, мушоҳадаси теран, сирли зот эди. Пир эса очиқ табиатли, бир оз жазаваши ғолиб келадиган феъли бор эди. Баъзан намозда бошқаларни унутиб, соатлаб саждадан бош кўтармасди. Султонул Уламо расмий диндорларга ўхшаб, шароб ичишни ҳаммага, жумладан, суфийларга ҳам ҳаром деса, Саид

Бурҳониддин бир гал «Кўтарганга — ҳалол, кўтармаганга — ҳаром», деган эди. Одамларнинг фикрини ўқишда ҳам пир Султонул Уламодан қолишмасди. Муридлар билан оқшом пайти гулхан атрофида суҳбатлашиб ўтиришарди. Бирдан:

— Зиёга кабоб келтиринглар, — деб қолди.

Орқароқда ўтирган Зиё кўрадаги чўғни кўриб, кўнгли суст кетган эди, шайх буни илғади.

Жалолиддин пирсиз ўзини ёлғиз сезарди. Таҳсилда юрган пайтлари фаришталардек мулойим завжаси Гавҳар хотун тўсатдан дунёни тарк этган, унинг йўлларига кўз тикиб, нолимай-нетмай тупроққа кириб кетган эди. Ҳар оқшомги суҳбатларда ҳам дилига таскин олар, ҳам кун бўйи туғилган ўйларни баҳам кўриб, шуурини нурлантирарди. Қариб, умри поёнига етиб бораётган шайх эса Қайсарига кетишга шошиларди. Ахийри рухсат беришдан бошқа илож қолмади. Кўп ўтмай шайхнинг вафот этгани ҳақида хабар келди.

Ҳам устоз, ҳам дўстан айрилгач, оламни тарк этган отаси, Гавҳарнинг фироғи қанчалик оғир бўлмасин, ҳаммасини унутишга мажбур эди, чунки Жалолиддин мансуб бўлган мақоматнинг талаби ҳаммасини одатдаги ҳол сифатида қабул қилишни талаб этарди. Ғам-андуҳ чекиш, куйиниш шаккоклик ҳисобланарди.

Илму урфон ва савқи табиий билан лиммо-лим тўлган қалб одамларни оҳанрабодек ўзига тортарди. Унинг ваъзларини эшитиш, суҳбатида бўлиш учун узоқ-узоқлардан одамлар уммонга интилган дарёдек оқиб келишарди. Мавлоно Жалолиддиннинг шуҳрати чегаралардан ўтиб, оламни тутиб борарди. Гарчи атрофида кўплаб муридлари, шогирдлари бўлса-да, у ўзини ёлғиз ҳисобларди. Негадир бутун фазилатлари билан унинг талабига жавоб берадиган кишини тополмасди. У бир дўсти анис (яқин ҳамсуҳбат)га муштоқ эди.

Баъзан шаҳардан ташқарига чиқиб, оддий одамларнинг киштикорини кузатар, дабдаба ва сохталиклардан холи бу ҳаёт унинг зериккан кўнглига завқ бағишларди. Энг оддий турмуш икир-чикирларини кузатиб, магарки илмда камолга етган бўлса-да, юпун либос ичидаги дилдираган

вужудни тўла тушуниш учун бу салоҳияти камлик қилишини ҳис этарди. Унинг наздида Инсон барибир ечилмас жумбоқ, очилмас сир бўлиб қолаётган эди. Бир-икки сафар ахийлар жамоасининг йиғинларига ҳам қатнашди. У ерда жорий қилинган тартиблар, аъзоларнинг феъл-атвори мадраса воизининг тасаввурларини янада чалкаштириб юборди. У юқорига ўрлагани сари кўпроқ манзарани кўрар, бироқ ҳаммасини тўла идрок этиб бўлмасди. Мавлоно Жалолиддин тақдирдан унинг ғуборли тасаввурларини ойдинлаштиришга ёрдам берадиган, уни яна ҳам юксалтириб, олам ва одам сирларини саҳифама-саҳифа намоён этишга қодир мўъжизани кутарди. Унга кўп нарса аён эди, аммо қалбини кемирган ҳақиқат дунё юзини кўрмай пинҳонлигича қолиб кетишдан хавфсирар, изтироб чекарди.

37—40 ЁШ ва КЕЙИН

Кунё мавлоно Жалолиддин туфайли илму урфон бағрида яшарди. Хос жойларда муқаддас Қуръон оятлари тиловат қилинар, одамлар тўп-тўп бўлиб, муборак ҳадисларнинг маъзини чақишга интиларди. Ўзаро баҳсларда турли фикрлар изҳор қилинар, табиийки, томонлар ўз ҳақлигини исботлаш учун соатлаб мунозара қилишарди.

Бу галги баҳсга пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи вассалламнинг икки ҳадиси сабаб бўлганди. Сарвари коинот лутф қилибдиларки, «Аллоҳ, аввало, оқ гавҳар яратди». Яна бир ҳадисда эса «Аллоҳнинг аввал яратгани ақдир» дейилмиш. Демак, оқ гавҳар ақлими, ақлга баробарми? деган савол устидаги мунозара ўн беш кундан бери давом этарди.

Ўша кунни Жалолиддинни пахта савдогарлари ўз маблағларига бунёд этган мадрасада баҳсга таклиф қилишган эди. Одатда, бундай тортишувлар аксар ҳолларда моҳиятдан узоқлашиб, ўз билимдонлигини, шу орқали худбинлигини намоёиш қилишга ўхшаган даҳанаки жангга айланиб кетади. Айниқса, одамлар тирикчилиги ночорлашиб, ҳаётий саволларга ечим кутиб турганда, уламоларнинг бундай мунозараларга илмини, умрини сарфлаши жоизмикан? Жалолиддин шундай қарама-қарши ҳислар қур-

шовида шогирдлари билан мадрасадан қайтар экан, муюлишда бир дарвеш шартта келиб, ҳаҷирининг жиловини ушлади-да, кўзларига тик қараб, сўради:

— Айтгил, ким устун — Муҳаммад пайғамбарми ёки Боязид Бистомий?

Бу журъатли зот

Шамсиддин Муҳаммад Табризий

эди. Уни Шамс Табризий ҳам деб аташарди. Ёшлигидан суфийлик, тасаввуф илми сирларини замонасининг машҳур устодларидан ўрганган эди. Илм олиш, довруқли суфийларни кўриш учун тинимсиз дунё кезарди. Шунинг учунми унга «Парранда» лақабини беришганди. Унинг маънавий парвози кучли бўлганидан ҳам шундай аталган, дейди баъзи олимлар.

(Мавзудан бир оз четга чиқиб, маълум қиламизки, Китоб туманидаги Хўжаиспорос қишлоғи қабристониди шайх Шамсиддин Парранда дафн этилган, деган маълумотни эшитганмиз. Ул зот ҳақида «Шайх намозининг фарзини Маккада ўқиса, суннатини Китобда адо этаркан», деган ривоят юради. Мазкур далил бу табаррук зотнинг ҳам бизнинг ўлкамизда бўлганини тасдиқласа, ажаб эмас).

Ўз сафарлари давомида Жалолиддиннинг довруғини Дамашқда эшитган шайх 1244 йилнинг 26 ноябрида Кунёга келган ва шаҳардаги қандолатфурушлар карвонсаройига тушган эди. Ниҳоят, мавридини топиб, жиловидан тушди ва тинимсиз кезинишлари давомида пишитган бошёрар саволни ўртага ташлади. Албатта, Жалолиддинда бу саволга жавоб тайёр эди, бироқ Шамс ҳам анюйи эмас, қандай мантиқ билан у бундай сўроқ қўймоқда, унинг «ўқи» нимадан иборат? Албатта, даражага етишган инсон билан Аллоҳнинг вакилини тенглаштириб бўлмасди, Жалолиддин иккиланмай:

— Албатта, Муҳаммад алайҳиссалом, — деди. Бу жавобни Шамс кутган эди, энди иккинчи саволи билан тузоқни ошкор қилди:

— Маъқул. Унда нега Муҳаммад (с.а.в.): «Юрагимни занг босиб, Эгамнинг олдида ҳар куни етмиш карра тав-

ба қиламен», дейди-ю, Боязид: «Мен қусурлардан холи бўлдим, жисмимда Худодан бошқа ҳеч нарса қолмади», деб жар солади?

Савол жиддий исбот талаб қиларди.

Боязид Бистомий IX асрда яшаган машҳур тасаввуф алломаларидан бўлиб, мурид(солик)ни фанога ва ундан кейин бақога ҳаяжонли, сершовқин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар билан олиб боришга мойил йўл тарафдорларидан эди. Муҳаббат ҳақида гапирганда, Бистомий уқтиришича, ваҳдад ва фано шундай бир руҳий ҳолатда рўй берадики, солик, худди шароб ичган одамдек, ўзини унутди. (Шамсиддин Табризий ҳам шу йўл тарафдори эди. Жалолиддин Румий ҳам шу йўлдан кетади).

Суфийлар дунёсида Бистомий юқори нуфузга эга бўлиб, «Султонул орифин» унвонига сазовор бўлган эди.

Савол берган зот билимларнинг нисбийлигига ишонарди. Гарчи инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат устида муҳокама кетаётган бўлса-да, аниқ нуқтада мантиқ у томонда эди.

Жалолиддин зарба еган одамдек хушёр тортди, нота-ниш кишининг кўзига узоқ тикилиб қолди. Йўловчи бу қарашлардан суҳбатдошининг юрак мусаффолигини пайқади. Жалолиддин мунозаранинг балогатидан паст тушмай, шундай жавоб берди:

— Муҳаммад (с.а.в.) ҳар куни етмиш мақомни босиб ўтарди ва ҳар гал тавба-тазарру этарди. Боязид эса бир пояда туриб, жазава ичида ўша сўзларни айтмиш.

Бу саволга ҳеч ким бундай жўяли жавоб беролмаганди. Мавлононинг юрак мусаффолигидан ва тамкинли жавобидан маст бўлган Шамсиддин ҳушдан кетиб, ерга йиқилди.

Бошқа бирон-бир икки зотнинг учрашувига ўхшамаган бу дийдорлашув инсоният тарихида ўчмас из қолдирди. Бу икки инсон гўё бири узук, бири кўз эди-ю, дунёнинг икки буржига улоқтириб юборилган, фалаклар айланиши, вақтлар кесишуви билан шу пайтда шу жойда учрашган эди. Агар икки инсон бир-бирини топиб, бири иккинчисида ўзини кўрса, бир-бирини англаб, бир-бирини севса, бу дунёдаги энг ажойиб ҳодисалардан бўлади.

Эҳтимол, бундай учрашув ўша одамларнинг шахсий ҳаётидагина мўъжиза саналиб қолар, бироқ бугун дуч келган икки зот ҳис ва идрокнинг, ақл ва эҳтироснинг, илҳом ва туйғунинг — ҳуллас, бир-бирини тўлдирувчи юзлаб икки унсурнинг ўзини ўзида жамлаган икки дарё эди. (Бугунги кунда Кунёда «Икки дарё учрашуви» — «Маржа ал-баҳрайн» деган кўча бор эмиш). Уларнинг учрашуви инсоният учун Инсонни яратди — кейинчалик Жалолиддин Румий даҳоси шундай мақомга эришдики, бутун олам аҳли тафаккури ўзгача қиёфа кашф этди, фақат тафаккур эмас, одамларнинг яшаш тарзи ҳам ўзгариб кетди.

ШОИР

Жалолиддин Румий билан Шамсиддин Табризийнинг илк суҳбати узлуксиз уч ой давом этди. Дунё кезган, беҳисоб синоатларни бошдан ўтказган Шамсиддиннинг суҳбатлари Жалолиддинни бутунлай ўзига сеҳрлаб олди. Унинг ҳикояларини тинглар, муҳокамаларига қулоқ тудар экан, ҳозиргача ўзи излаган нарсани топганга ўхшайди. Жалолиддин илму урфонда тенгсиз эди. Бироқ унинг юраги ҳали жунбушга тушмаган эди. Ҳолбуки, дунё асрорини англашда ақлдан ҳам юқори кўтарилиш, жазава, ҳаяжонга берилиш (аудация беатафика) кишида башорат қилиб бўлмайдиган ҳолатлар ато этар экан. Шамсиддин Табризий назарида, комил инсон — ўз-ўзини англаган ва ўз-ўзини унутган инсон. У ёш дўстини пояма-поя шу мақомга олиб чиқди. У Жалолиддинни шоирга айлантирди.

Жалолиддиннинг содиқ шогирдларидан бири, ахийлар жамоаси оқсоқолининг ўғли Ҳисомиддин устознинг хушдақиқасини топиб, «Ваъзларингизда ифодаланган гўзал маъноларни худди Санойй ёки Атторга ўхшаб, дoston қилиб ёзсангиз бўлмайдими?» деди. Мавлоно шу зумда ғаладондан тоза қоғоз чиқарди-да, ўз қўли билан 18 байт маснавий ёзди ва қоғозни Ҳисомиддинга узатди. Бу «Най таронаси» бўлиб, шундай бошланарди:

Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан шикоятлар қилур.

Шеър 35 байтдан иборат (Ж. Камол таржимасида, русчада А. Гребнов таржимасида 40 байт). Қолганларини эса айтиб турди. Ҳисомиддин пайма-пай ёзиб олаверди. Машҳур «Маснавий» китобининг ёзилиши, умуман, буюк ижод шу тарзда бошланди.

Жалолиддин қалбида ишқ илк бора чечак ёзган йигитлик йилларида паришон ғазаллар ёзган, лекин уларни тўпламаганди. Ҳатто у дастлаб шеъроятга ҳуши йўқлигини таъкидлаган эди. Мана, умрининг тўлишган палласида у шеър билан учрашди. Зеро, у шеърнинг орқасидан қувламади, балки шеър уни ўзига чорлади. Дастлабки таронадан сўнг

Ҳисомиддин Ҳасан Чалабий

қўлида қоғоз ва давог билан шоирнинг изидан соядек эргашиб юрди. Унинг фидойилиги билан неча минг шоҳ сатрлар бутун инсониятнинг маънавий хазинасига айланди.

«Маснавий» («Маънавийи маснавий») 25700 байтга яқин фундаментал асар бўлиб, анъанавий Шарқ дostonлари йўлида ёзилган. Ундаги кўплаб ҳикоятларда най, тўти, кўза, май, дарвиш, сўфи, бемор, ошиқ, деҳқон сингари тимсоллар асосида шоирнинг дунёқараши акс этган. Маълумки, буюк сўз санъаткорлари энг эзгу инсоний ғояларни тараннум этганлар, таъсирли воқеалар билан инсон шуурига яхши амалларни сингдиришга ҳаракат қилганлар. Жалолиддин Румий қарашлари исломий ақидалардан келиб чиққан эди. «Маснавий»да муқаддас Қуръонга тез-тез мурожаат қилиб турилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, унда 760 ўринда оятлардан айнан форсийга таржима қилиниб келтирилади. 745 ҳолатда пайгамбаримизнинг 703 ҳадисларидан фойдаланилган. Бу асар жуда катта обрў қозонди, барча давраларда эътироф этилди. Яратилганига икки юз йилдан кейин уни машҳур шоир ва суфий Нуриддин Абдурахмон Жомий «Форсий Қуръон» деб атади.

Жалолиддин илоҳий илҳом оғушида ижод қиларди. У Шамс билан учрашгач, бутун дунёни унутди. Ваъз айтмай қўйди. Муридлар, шогирдлар ҳам кўзига кўринмасди.

Бу ҳолдан ташвишга тушган мухлислар Шамснинг жонига қасд қилишгача бордилар. Таҳликага тушган Шамс 1246 йил 11 мартда ҳеч кимга сездирмасдан Кунёдан қочди. Бу айрилиқ Жалолиддинга баттар таъсир этди. Устозининг забун ҳолидан афсусланган шогирдлар Шамсни излашга киришдилар. Султон Валад уни Шомдан топиб келди. Яна дилкаш суҳбатлар бошланиб кетди. Бироқ Жалолиддин ўзига қайтмади. Муридлар такрор жунбушга келдилар. Кўп ўтмай, Шамс Табризий бутунлай йўқолди ва қайтиб кўзга кўринмади. Жалолиддин «Қуёшим ботди» деб фарёд кўтарди, қайтиб мадрасага ҳам, минбарга ҳам чиқмади. Ҳижрондан қалби яраланган шоир кўплаб ғазаллар яратди, тасаввуфий шеърлар битди. Бу ўтли ижод маҳсули «Девони Шамси Табризий»да жамланди. У 54000 байт гўзал шеърлардан тўқилган.

Жалолиддиннинг бисотида ҳамма нарса бор эди: садоқатли муридлар, фидойи шогирдлар, султонлар унинг қабулига навбатда турарди, одамлар суҳбатига ошиқарди. Аммо унинг юрак тубини бир дард тешгудек бўларди, — бу суюкли дўстнинг фироғи эди. У аламзада дилига малҳам истар, ҳижрон азобини унутишни хоҳларди. Ич-ичида бир мунгли наво ёруғликка йўл излаб чўкиб ётарди. Бир куни бозордан ўтиб, заргарлар растасига яқинлашди. Усталар қўлида ишлаётган болғалардан шундай садо таралар эдики, бу оҳанг у излаб юрган, тополмаётган ва бутун топган мусиқасига ўхшарди. Оҳанг уни ўзига асир этди, бутун вужудида сел бўлиб оқди. Қўлларини ёзди-да, чарх уриб айланди. Бу ҳаракат унга мислсиз ҳаловат бағишлади ва яна айланиб, чарх ура бошлади. Усталар бошларини кўтариб қараганларида узун яктагининг этаклари ҳавога тўлган, салласининг печи бошига чулганган одамнинг зарб билан рақс этаётганини кўрдилар. Уларнинг бошлиғи заргар

Салоҳиддин Фаридун Зарқуба

мавлонони таниди-да, усталарни яна ҳам жадалроқ ишлайверишга даъват этди. Рақс этувчи ўзини унутган, у ер

ва само ўртасида чарх урарди. Ниҳоят, у тўхтади, чехраси мамнун эди. Гўё умр бўйи истаган оромини шу лаҳзада топган эди.

Шу дамдан бошлаб Салоҳиддин унинг яқин кишиси-га айланди. Шамснинг соғинчи ҳам чекинди, шоир «Қуёш ботиб, ой чиқди» дея таскин топди. Шу билан инсонлар қалбига ҳақ нурини олиб киришнинг яна бир усули ҳам инкишоф этилди. Энди давраларда ваъз, шеър билан бирга рақс ҳам ижро этиладиган бўлди. Кейинчалик бу ҳолат суфийлар ҳаётида барқарор ўрин олди ва «Зикри самоъ» номи билан таомилга кирди.

* * *

Мавлоно ва Салоҳиддин икки танда бир жондек ўн йил бир-бирларига масту мафтун бўлиб юришди. Шамс Табризий Жалолиддинга бир оловни юқтириб кетганди, агар Салоҳиддин бўлмаганда, у шу оловда куйиб кетиши мумкин эди. Салоҳиддин оловнинг тафтини ўзига олди, шуъласи эса Жалолиддинда қолди. Висол билан мунаввар бўлган қалб ила Мавлоно гўзал мисралар тизди. Унинг хуш кайфияти шеър бўлиб қоғозга тўкиларди. Шундай қилиб, «Маснавий» устида жадал ишлади, унинг биринчи китоби тугаб қолган эди. Кўпдан туз тотмаган Жалолиддин тонгга яқин бир бурда нон еди. Шу луқма тафаккур мавжини лойқадек босди. Шоир Ҳисомиддиндан қаламни қўйиб туришни сўради. Шу ҳолда роса беш йил илҳом тутқич бермади. Нафсни жиловлай олмаганлик азобини шунча йил тортишга тўғри келди. Хуллас, олти китобдан иборат мислсиз улуғ асар ана шундай қийноқлар ва жасорат билан ўн беш йилда дунёга келди. «Маснавий»ни шарҳлаб ёки тушунтириб бўлмайди, — дейишади, — бунинг учун «Маснавий»дек китоб ёзиш керак. Уни фақат ўқимоқ лозим».

Бу орада Салоҳиддин қартайиб, тўшакда узоқ ётиб қолди. Мавлоно унинг ўлишини истамасди. Охири илтижо қилди: «Ижозат бер, бу дунёни тарк этай, азобдан қутулай». Нақадар оғир бўлмасин, Салоҳиддиннинг бирор тилагини рад этмаганди, видолашиб чиқиб кетди. Салоҳиддинни доира ва най тароналари билан, ҳофизлар қўшиқ

куйлаб дафн этишди — марҳумнинг васияти шундай бўлган экан.

Энди Мавлононинг атрофида парвонадек Ҳисомиддин Чалабий қолган эди. Фарзанд Султон Валад ҳам содиқ мурид, ҳам муносиб ворис эди. Кейинчалик ҳам отасининг меросини ихлос билан тўплади. Унинг саъй-ҳаракати билан Жалолиддин Румийнинг 2703 ғазал, 1790 рубойисини жамлаган тўплам — «Девони кабир» юзага келди. Насрий асарларини ҳам алоҳида китобга йиғди. Мавлононинг нури деҳқон йигит Юнус Имро қалбига-да зиё сочди. Султон Валад ва Юнус Имро янги халқона ва анъанавий турк шеърятининг икки қаноти бўлиб улғайдилар.

АБЛАДИЯШ

Мавлоно Муҳаммад Жалолиддин Румий ҳижрий 672 йил жумодул охирнинг 5 ида, милодий 1273 йил 12(17) декабрь куни вафот этган. Унинг жанозасига туркийлар ва юнонлар, арманлар ва яҳудийлар, мусулмонлар ва христианлар баробар иштирок этишади. Негаки, «Биз дунёга одамларни ажратиш учун эмас, бирлаштириш учун келганмиз», деб маълум қилган шоир ва воиз жами инсонлар бир авлоддан тарқалганини, динларнинг асоси ягона эканини умр бўйи таъкид ва ташвиқ қилиб ўтди. Унинг учун бутун инсониятнинг бахти, бутун оламнинг гўзаллиги ягона истак эди. Шу туфайли у жами одамзоднинг фахрига айланди.

Жалолиддин Румий шахси — ўта нодир ҳодиса. Бу нодирликнинг қамровини шартли равишда энг жўн соддалик ва энг мураккаб комиллик ораси, деб белгилаш мумкин, яъни оддий мантиқ шуки, бир қўлда таёқнинг икки учини ушлаб бўлмайди ёки бир вақтда танганинг икки тарафини кўриш мумкин эмас. Бироқ Жалолиддин Румий иқтидори истисно тариқасида бу ҳолатларни рад этар, у бир қўлда таёқнинг икки учини ушлай олар, бир вақтда танганинг икки тарафини кўриш даражасида эди. Тасаввурни ойдинлаштириш учун иккита одми мисол келтирамиз.

«Маснавий»дан бир байт:

Эшаги бор эрса тўқим йўқ эди,
Топди тўқим, эшагин бўри еди.

Румийга хос талқин:

«Мен Худонинг бандасиман» дегувчилардан «Мен Худоман» (Анал — Худо) дегувчилар художўйроқдирлар. «Мен Худонинг бандасиман» деганлар бағоят такаббур бўлиб, гарчи бошларини эгиб бўлсалар-да, ўзларини Худо билан ёнма-ён қўядилар, қайсидир даражада ўзларига мавқе талаб қиладилар. «Мен Худоман» деганлар эса ўз ғурурларини синдириб, Худо билан бирикиб кетганликларини (яъни «мен — йўқман, Худо — бор») таъкидлайдилар».

«Ваҳдати вужуд» — Жалолиддин Румий ва бошқа суфий шоирлар улуғлаган ғоялардан эди. Бу ягоналик фақат Яратган билан узвийликда эмас, балки негиз — моя — халқ ялакатликда ҳам ўз моҳиятини намоён этар эди. Замонлар оша Аллоҳнинг бандалари — одамларни тоифаларга ажратиб, уларга турли муносабатлар шаклланиб келган бир шароитда бойлар ва камбағалларни бир кўзда кўриш, бинобарин, давлатмандлару ҳукмдорларга маддоҳлик қилишдан тийилиш ҳам бир маънавий камолот намунаси эди. Румий севган шоирлардан бири — Фаридиддин Аттор қарийб беш юз минг мисра шеърый мерос қолдирди, бироқ бир сатрида ҳам хушомадгўйлик қилиб, қаламини булғамади. Шу фазилати билан ҳам бу ўлмас мерос яна бир шуҳратга дохил бўлди. Румий ўз буюк салафининг йўлини қувватлаш билан бирга қарам ва марҳаматнинг, жасорат ва ҳимматнинг янги намуналарини намоёйиш этди.

... Юнон бола Сирянус очлик тазйиқида дўконга ўғриликка тушди ва ваҳимадан дўкондорни ўлдириб қўйди. Уни ўлимга ҳукм этдилар. Беихтиёр қатл майдонига келиб қолган мавлонога оломон иккига бўлиниб йўл беради. Ҳамма ундан ёрдам сўрарди. Жалолиддин тўнини ечиб, боши кундага қўйилган боланинг устига ташлади. Жаллод болтасини ишга солишга журъат этолмади. Бу ҳақда султон Ғиёсиддин Қайқубодга хабар берганларида, қулни озод

қилиб юборишни буюрди. «Бир одамнинг хуни нима бўлибди, мавлоно қиёматда бизнинг жами гуноҳларимизни сўраб олишга вакил қилинганлар», деган экан қўшимча қилиб ҳукмдор.

Қаранг, фалак чархи қанча навозишлар кўрсатди. Тахт илинжида ўз отасига қарши борган ва уни маҳв этган Гиёсиддин кибру ҳавога ортиқ берилди. Муқаррар ёв — мўғулларни писанд қилмади. Ниҳоят, 1243 йил июнда Кўсатоқ водийсида Салжуқийларнинг қора байроқли қўшини билан мўғулларнинг қизил байроқли қўшини тўқнашди. Салжуқийларнинг энг номдор лашкарбошиси биринчи зарбадан ҳалок бўлгач, руҳан ожиз кишиларда бўлганидек, кибру ҳаво ўрнини бир зумда қўрқув эгаллади, парокандалик бошланди. Ана шундай таҳликали дақиқаларда халқ подшолардан, қурол тутган ҳарбийлардан эмас, суфий шайхлардан, воиз ва зоҳидлардан нажот кутади. Зеро, улар жамиятнинг шундай табақаси эдиларки, эътиқодлари сабаб ҳар қандай фалокатга, очлик ва қашшоқликка тайёр, бироқ тан кулфатини руҳ мағлубияти билан алмаштирмаган эдилар.

Салтанат мўғуллар оёғи остида топталди, мамлакатни бошқариш жиловни қўлдан кетди. Бало чигирткадек сокин ва фаровон Кунёга яқинлашиб келарди. Бу мудҳиш кўчки гўзал чаманзорни маҳв этишига тараф йўқ эди. Шаҳарни ваҳима қоплаган, хотинлар эрларидан мўғуллар беномус қилмасдан ўз қўли билан ўлдирилишни сўрарди. Эркаклар муқаррар ўлим, ҳунармандлар саҳроларда гўрга киргунча давом этадиган меҳнат азобидан қўрқишарди.

Тун зулмати чўккач, Жалолиддин Халқабағўш дарвозасидан билдирмай чиқди-да, водийга тушиб кетди. У тун бўйи Қазанвиран тепалигида ёлғиз қолди. Агар мўғуллар бостириб келса, у биринчи шаҳид бўларди. Эрталаб соғсаломат қайтгач, Жалолиддинни кўрган шаҳар аҳли ҳайратдан ёқа ушлади. Ва шу билан мўғуллар Кунёга қайтиб қадам қўймади! (Кавказда уларга қарши исён кўтарилган. Зудлик билан ортга қайтишга мажбур бўлишганди). Мазкур омонликни ҳамма мавлононинг кароматига йўйди. Бу бежиз эмас эди.

Айни пайтда вазиру вузаролар, амиру уламолар султон Иззатдин бошчилигида жанг майдонини тарк айлаб, пойтахтни қисмат ҳукмига ҳавола этиб кетган эдилар (1256). Кейинчалик Иззатдин Кайковус II маҳрамлари билан мадрасага ташриф буюрганда, мавлоно, ҳеч нарсани сезмагандек, шогирдлари билан суҳбатни давом эттираверди. Султон дурадгорлар, сартарошлар, қўнчилар орасида бир пас ўтиргач, кокисорлик билан бош эгиб сўрайди:

— Мавлоно ҳазратлари мени ўз панду мубораклари билан сарафроз этсалар!

— Сенга нечун насиҳат айлай, — дейди шоир, — сен чўпон бўлиш ўрнига бўри бўлдинг. Асраб-авайлаш ўрнига талон-тарож этдинг. Аллоҳ сени султон қилди, сен эса иблиси лаъин измини тутдинг!

Ривоят қилишларича, султон бу сўзларни эшитиб, йиғлаб чиқиб кетган эмиш.

Машҳур воиз, оташнафас шоир сифатида танилган, ҳар қандай шароитда ҳақиқатнинг юзига тик қараб, юракда борини айта оладиган ва шунга кўра халқ меҳри билан чулғаб олинган мавлоно ҳукмдорларнинг юзига ҳам тик боқиб, ўз муносабатини изҳор эта оларди.

Бу фазилат мавлоно Жалолиддин Румийнинг олмосдек кўп қиррали шахсиятининг бир белгиси, холос. Бугунги кунда жаҳон афкор оммаси ул зоти шарифни жуда кўплаб сифатлари боис улуғламоқда, ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиб, унинг мўъжизаларига тобора яқинроқ бўлаётир. Зеро, бир вақтлар «Санойи ва Аттор ҳижрондан сўзлашмишлар. Бизнинг васфимиз эса висол ҳақида. Мана, моҳият» деб лутф қилган шоир инсониятга ҳамон эзгулик, ҳаётсеварлик ғояларини юқтириб келмоқда. Унга талпинишнинг, уни эъзозлашнинг сири ҳам шунда бўлса керак. Зеро, ҳали одамзод нурга, ёруғликка интилишдан тўхтагани йўқ.

Ҳа, Жалолиддин Румий — такрорланмас мўъжиза. Бундай буюкликка қай йўсинда эришганини ҳикоямиз давомида бир қўр кўздан кечирдик. Шу қисқа саёҳатимиз орқали унинг қанчалаб қийноқлар, ранжу маломатлар кечирганини ҳис қилиш қийин эмас. Унга уюштирилган туҳматлар, фитналар, ҳасадгўйларнинг разолати ҳақида

сўзлаш мавриди эмасдир, билъакс, биз Румий талъатига мафтун бўлар эканмиз, у мақсадни жуда буюк олганини, унинг нигоҳи Ҳаққа қаратилганини таъкидлаш жоиздир. Ана шу буюк аъмол учун, бетимсол висол учун қолган ҳамма нарса абас эди. Ҳатто шеъриятдек соҳир мўъжиза ҳам Румий учун мақсад эмас, улуғ орзуга етишиш йўлида восита бўлиб қолди. Аксарият ўзининг бутун қобилиятини ва, албатта, умидини шеъриятга бағишлайди. Шеър орқали орзулари рўёбга чиқишини, обрў, мансаб, бойликка эга бўлишини истайди. Мавлоно Румий эса бу даражадан устун туради. У шоирликни орзу қилмади, балки у кўзлаган ёруғ манзил уни шоирга айлантирди. Таассуфки, унга илтифот қилган толеъ фақат уни сарафроз этибгина қолмади, балки Румий дунёнинг энг улуғ шоирларидан бирига айланди. Унинг беназирлиги, бетимсоллиги ҳам шунда. Гўё дарахтдаги мевага ҳамма қўл чўзади-ю, мева эса ўзи истаган кишига «Мени ол!» деб илтифот қилади. Жалолиддин Румий ана шу даражада шарафланган зотдир.

Унинг боқий ижоди ҳамон инсоният хизматида. У васф этган, одамларга илинган эзгу туйғулар, панд-насиҳатлар ҳамон оҳорини йўқотгани йўқ. Румийнинг йиллар қарини тешиб ўтувчи нигоҳи билан бугуннинг энг сўнгги муаммоларига ҳам жавоб топиш мумкин. «Менинг болаларим китоб ўқимайди, менинг болаларим компьютер ўйнайди», дейди бахтиёр ота мўйловини силаб. Агар Румий назари билан виждонга тик боқиб баҳоласак, ўша отани ва ўғилларни нима кутаётганини билиб олиш қийин эмас. «Китоб ўқисам, ишим орқага кетади», дейди замонавий тadbиркор. У ўз сўзи билан тadbиркорлиги ва «иши»ни олдинга силжитган омади нима ҳисобидан эканини фoш қилиб қўяпти. Ахир азалий қадриятлар эскиргани йўқ ва эскирмайди ҳам — китоб одамни ҳаромдан қайтаради, ҳалолликка ундайди-да.

Боқий Сўзнинг, Жалолиддин Румий сингари мўътабар инсонлар ҳаётининг моҳияти шунда эмасми?! 800 ёшнинг халқаро миқёсда тўй қилиниши шу ҳақиқатнинг оддий исботидир.

2007 йил, апрель-май

МУНДАРИЖА

Қалбимдаги «Соҳибқирон» қушиғи

Қуёшни елкалаган чўққига боқиб	5
Кўприк	18
Қадрдон йўллар чорлайди	21
Маҳак тоши	25
Қорачиққа жойлашар қуёш	30
Кўзлар кўп, қарашлар кам	36
Мангу устувор ҳақиқат	40
Халқимиз юрагидаги ёдгорлик	49
Истиқдол бахш этган илҳом тухфаси	57
Ўзини излаётган Оқсарой	62
Махсус қомусга эҳтиёж бор	67
Чақинли лаҳзалар	71
Сўзимдан англа ўзимни	77
Қалб ва қанотлар	89

Мансубият

Мудроқ қояларнинг уйғоқ юраги	99
Аррафотда қутлуғ из бор	111
Тоғларга тикилган эътиқод	113
Икки минг беш юз қадам	125
Ватан эгалариникидир	135
Юртдошлар (ҳикоя)	142
Нега хомушсан, ўғлим?	151
Эр ва ер	158
Абадий яшил ўрмон	166
Бағри чўғли қадрдон	171
Шаҳодат	177

Машғала учқунлари

Санъат сохталикни кечирмайди	189
Давр садоси	194
Қўшиқ билан ўйнашманг	200
Ҳаётсеварлик	209
Қишлоқнинг назмий нафаси	214
Тўртинчи гилдирак	218
Матбуот қироли ким?	222
Сўз айтиш масъулияти	225
Истеъдоднинг кучи	232
Талабадан профессор кўп	237
Ибн Арабшоҳнинг истеҳзоли эътирофи	243
Олим адашса, олам адашади	255
Ошо ҳақиқатлари	261
Румий ўтган йўл	268

С 33 Сатторий, Ҳаким
Маҳак тоши / Ҳ. Сатторий. — Тошкент: «O‘zbekis-
ton», 2008. — 296 б.

ISBN 978-9943-01-216-5

ББК 84(5Ў)6

Ҳаким САТТОРИЙ

МАҲАК ТОШИ

Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*
Техник муҳаррир *Т. Харитонов*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Босишга рухсат этилди 24.06.2008. Қоғоз бичими 84×108^{1/32}.

«Таймс» гарнитурала офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 15,54. Нашр т. 14,59. 3000 нусхада чоп этилди.

Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 08-71.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий, 30